

ЎШГ



Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий
Комитети ва
Ўзбекистон ССР
Ёзувчилар
союзининг
органи

[88]
Апрель

Ойлик
адабий-
бадий,
ижтимоий-
сиёсий
журнал

1982 йилдан
чиқа бошлаган

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Владимир ЖОНИБЕКОВ,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Ҳамид ИСМОИЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Олим ОТАХОНОВ,
Азим СУЮН,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Нурали ҚОБУЛ,
Абдурашид ҚОДИРОВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ
(бош редактор ўринбосари).

Тошкент
«Еш гвардия» нашриёти

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ленинга қайтиб...

Бу сўз, бу тушунча бугун давлат аҳамиятидаги энг катта ижтимоий-сиёсий тадбирлардан тортиб, энг кичик кооперативларнинг ҳам лаҳжаларидан муҳим ўрин олди.

КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Март пленуми билан энг олис бир қишлоқ ўртасидаги боғланишни кузатамиз. Марказ билан чекка жойлар ўртасидаги узилиш ва бузилишлар ўнгланиш йўлига тушаётганини кўраемиз. Шаҳар билан қишлоқни эмас, шаҳар билан табиатни яқинлаштиришни ўйлаш керак бўлиб қолди. Шаҳарлар олаётган ва чиқарётган қурум нафас кўп узоқларга — қишлоқларга ҳам етмоқда. Булутларнинг ранги-рўйи ўзгарган: деҳқоннинг кафтига кўкдан тушган томчида энди қутлуг хабар йўқ, кимёвий элементларнинг формулалари ёзилган.

Олий ўқув-юрти ётоқхонасига, мактаб синфларига, боғча опанинг ёнига кириб ким ҳол сўрайди бугун? Ҳар бир зиёли, ҳар бир давлат арбоби.

Тарихчимизнинг аҳволи қандай? Адибларимизнинг ҳаётбахш эҳтирослари уларга кўмак бермаяптими, уйғотмаяптими дейман ҳали! Халқнинг ўз тарихига бўлган маънавий ҳуқуқини тикламай туриб, уни фақат тезислар билан олға ундаб бўлмайди.

Ленинга қайтиш!

Бу 17-йиллар октябрига бир қайта назар солиб кўйиш эмас. Бу ҳар бир одамнинг, ҳар бир халқ ва миллатнинг ўз маънавий ибтидосига, дарёларининг энг биринчи булоқларига қайта, уйғок сафаридир.

Бу ранг-баранглик орқали комил уйғунликка интилишдир.



Шоир Жамол Камол билан суҳбат

Дунёдаги энг машғум қуллик — тафаккур қуллиги, энг аянчли қашшоқлик — фикр қашшоқлиги, деган экан бир донишманд. Зеро, халқнинг қудрати ёлғиз унинг сони билан эмас, сифати билан ҳам ўлчанади. Халқнинг сифати эса унинг маданий савияси, фикрлай олиш иқтидорига боғлиқ. Қайта қуриш фикрлаш жараёнини бўғовлардан озод қилди. Биз фикрлашимиз, фикрлашимиз, фикрлашимиз керак... Фикрлашдан тўхтаган халқ — ҳалокатга маҳкум. Фикрларни умумлаштира олиш, улардан лўнда, аниқ хулосалар ясаш ҳам — санъат. Фикр хулосага, хулоса қарорга, қарор ҳаракат ва амалиётга етаклаши даркор. Шунда тараққиёт бўлади, ижтимоий-маданий равнаққа йўл очилади...

Таниқли шоир, таржимон ва адабиётшунос олим Жамол Камол билан суҳбат ҳаётимиз ва тараққиётимизнинг ана шундай долзарб масалалари хусусида борди.

* * *

— Жамол ака, одамлар орасида бўлганингизда сиз ҳам «қайта қуриш бизга нима берди?» деган саволни эшитган бўлсангиз керак. Демократия ва ошкораликнинг илк самараларидан кўз юлмаган ҳолда халқнинг фаровонлигини таъминлаш борасида оқсаётганлигимизни таассуф билан эътироф этишимиз лозим. Назаримда, амалий ишдан кўра гапга кўпроқ эътибор бераймиз. Умуман, сизнингча жамиятимизда қайта қуриш жараёни қандай кечяпти?

— Ҳа, чиндан ҳам гап кўпайиб кетди. Тепада ҳам, пастда ҳам. Мен гап камайсин, демоқчимасман. Гап билан овора бўлиб, баъзан асосий мақсадни унутиб қўяймиз. Асосий муддао назардан четда қоляпти. Хўш, мақсад нима эди? Ҳақиқий социализм. Унинг шиорлари, шартлари ҳам маълум: ер — деҳқонларга, фабрика- завод — ишчиларга, бутун ҳокимият — советларга, яъни халқнинг органларига... Бу шиорларни илк бор Улуғ Октябрь революцияси майдонга отган, аммо В. И. Ленин вафотидан сўнг, сталинизм касофати туфайли улар амалга ошмай, ўлда-жўлда қолиб кетган эди... Жамиятимиз етмиш йиллик

ТИЛ ХАЛҚНИНГ НОМУСИ

сарсонлик-саргардонликдан сўнг яна ўзининг асл маррасига қайтди. Партия XIX конференцияси Октябрь инқилоби шиорларини яна майдонга сурди: ер — деҳқонларга, фабрика- завод — ишчиларга, бутун ҳокимият — советларга!.. Нега шундай қилди? Негаки, шундай қилмаса, асосий муддаога эришиб бўлмайди, ўзимиз орзу қилган адолатли ва фаровон жамиятни қуриб бўлмайди. Хуллас, яна йўл бошидамыз. Мақсад — социализм, муҳолиф — ерни ҳам, фабрика- заводларни ҳам, ҳокимиятни ҳам халқ номидан эгаллаб олган бюрократия. У Сталин ҳукмронлиги даврида шаклланди, ленинча социализм қуриш принципларини оёқости қилди. Мамлакатни жар ёқасига олиб келди. Уша жарга бир кўз солиб, ўзи ҳам сесканиб кетди. Бир-икки қадам орқага тисарилди... Энди депсиниб турибди: бундан кейин бундай яшаб бўлмаслигини ҳар қолда англайди, лекин ўзи учун аллақачон қуриб олган «коммунизм»дан ҳам воз кечгиси йўқ... Шунинг учун панд-насихатга зўр беради, гапни айлантиради: яшаб қолган ҳар бир дами — ганимат. Танти туриб, баҳс-мунозара қилолмайди. Лекин ҳақиқат йўлида баҳс-мунозара қилганларни ёмон кўради. Босиқликка чақириб, ўзи жирракилик қилади. Ахлоқ-одобга ундаб, ҳақли талаб билан чиққанларни ҳақоратлайди: «миллатчи», «ғаразгўй», «нияти қора», «қаллоб» «экстримист», «арзон шон-шуҳрат кетидан қувувчи» қабилидаги ёрликлар тақади... Энди асосий гапга ўтайлик: бизда қайта қуриш қандай боряпти? Ўзингиз кўриб турибсиз: бригада пудрати, оила пудрати, ижара пудрати, деган гаплар айтилиб турибди. Амалда-чи: ер деҳқонларга берилдими? Йўқ. Ер — колхозники, колхозга эса бир гуруҳ амалдорлар хўжайин, халқ эмас. То Сталиндан мерос бўлиб қолган колхоз-совхоз тартиботи битирилмас экан, деҳқон ерга хўжайин бўлолмайди, унинг косаси оқармайди, у колхоз ерида арзимаган маош олиб ишловчи мардикор, батрак бўлиб қолаверади. Бунинг устига, пахтанинг давлат харид баҳоси бир неча баравар кескин оширилмас экан, «пудрат» деган гаплардан ҳам фойда оз. Бунга боланинг ҳам ақли етади... Хўш, фабрика- заводлар-чи? Улар ишчилар ихтиёрига ўтдими? Йўқ. Ҳокимият советларга тошширдими? Йўқ. Ҳаммасига ўша-ўша бюрократия хўжайин. Демак, Октябрь инқилоби олға сурган талаблар ҳали-ҳамон жамият ҳаёти кун тартибда кўндаланг бўлиб турибди.

— XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида 70 йиллик тарихимизнинг аччиқ сабоқлари рўй-рост айтилди. Сиёсий системани ислоҳ қилиш, демократик эркинликларни кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада дастлабки ишлар қилинмоқда. Ҳокимият жойларда маҳаллий советлар ихтиёрига ўтати...

— Олдин ўтсин-чи, кейин кўрамыз... Мен маҳаллий

советларнинг формал ҳокимиятини эмас, ҳақиқий ҳокимиятини кўзда тутишман. Қоғозда уларга берилган ёки берилмаган ваколатлар анча-мунча. Лекин, амалда-чи? Жойлардаги маҳаллий советлар нари турсин, республика олий ҳокимият органларининг ҳам қўли қисқа, сўзи инobatга ўтмаяпти... Мисол ахтариб узоққа бормаёлик. Бўстонликда завод қурилишининг тўхтатилгани ҳақида юксак минбардан туриб айтилди. Лекин, афсуски, ундан ҳам каттароқ ва ундан ҳам хавфлироқ бошқа бир завод қурилиши бошлаб юборилди. Шуниси қизиқки, бир завод қурилишининг тўхтатилгани ва иккинчи завод қурилишининг бошлангани ҳақидаги материаллар «Еш ленинчи» газетасида бир кунда босилиб чиқди. Мана аҳвол... Хуллас, гап кўп, ўзгариш оз. Депсиниб турибмиз. «Ўртоқлар, гап-сўзни камайтириб, кўпроқ амалий ишга ўтайлик!» қабилидаги чақириқлар сувга отилган тошдек чўкиб кетаяпти. Самарасиз. Нега? Токи социализм қурилишининг асосий шартлари бажарилмас экан, токи ер — деҳқонга, фабрика- завод — ишчига, ҳокимият — советларга берилмас экан, шундай бўлиб қолаверади. Халқ етмиш йил давомида баландпарвоз шиорларга ишониб, ишлади. Энди шиорларга ишонмайди. Реал ҳақиқатга ишонади.

— Қайта қуришнинг етарли даражада олға босмаётганига ўзимиз ҳам бир қадар айбдор эмасми?

— Айбдормиз. Ўзбекистонда умумий маданий савиянинг пастилиги қайта қуришнинг олға босишига халал берапти. Халқимиз меҳнатда чақилиб кетди. Меҳнат қилиб, роҳат кўрмасликка ўрганиб қолди. Тирикчилик қозигига боғланди: бир куни ўтса, бас, ҳамма нарсага бефарқ, бепарво, теварак-дунё билан иши йўқ... Ўзи нари турсин, болаларини ҳам аямайди. Устига устак, заҳар ютавериб, соғлигидан ажралди... Мен кишлоқларимизни оралаб, бир нарсага амин бўлдим: халқимиз хунуклашиб кетган, қизларимиз қаримсиқ, йигитларимиз йигитга ўхшамайдилар... Нега? Негаки, маишат ёмон. Ҳусн ҳам оғиздан киради, деган гап бор. Болтиқбўйида йилида киши бошига 90 кг гўшт, 27 кг балиқ тўғри келади, Москвада — 120 кг, бизда — 8 кг. Россияда бир йилда киши бошига 90 кг мева-чева тўғри келади, меванинг кони бўлмиш Ўзбекистонда — 40 кг. Кўриб турибсизки, тафовут — ер билан осмонча. Бунга ким айбдор? Боғ-роғлари, ўтлоқларини бузиб, то эшигига қадар пахта эккан халқми? Давлат бир килограмм пахтага ўртача 60 тийин тўлаб, кейин ундан 60 сўм фойда олишини, ҳар килограммига ўртача 6 сўмдан тўланадиган пилла жаҳон бозорида 136 сўм туришини халқ қаёқдан билсин. Бир тонна карамга ҳам, бир тонна пахтага ҳам нега бир хилда — 500 сўм тўла-нишини халқ ўйлаб ҳам ўтирмайди. Чунки у ўйламас-

ТАРИХ УНИНГ КОМУСИ

ликка одатланиб қолган. Бу — дахшатли ҳодиса... Биласиз, етмиш йиллик ҳайқирик-чақириқларга қарамай, бизда миллий ишчилар синфи шаклланмади. Бир томондан, халқимиз пахтага маҳкам боғлаб қўйилди; иккинчи ёқдан, фабрика-заводларга ишчилар четдан оммавий равишда кўчириб келтирилди. Хуллас, биз ўзбеклар боши бир умр меҳнат — машаққатдан чиқмаган деҳқонлару чаласавод интеллигенциядан иборат бўлиб қолдик. Ҳар йили пахта теришни қўяверинг, ўн йиллаб қишлоқ ўқитувчилари қўлига кетмон бериб, тонна-тонналаб янтоқ чоштиришди. Врачларнинг қўлига белкурак бериб, чақирим-чақирим ариқ қаздиришди. Китоб ўқиш қаёқда! Физкультура, спортга вақт қани? Театр ёки кинога тушишни гапир-маса ҳам бўлади. Халқ пулини совуриб, «улуғлар» учун оромгоҳ-хилватгоҳлар қуришди, қишлоқларда халқ учун ҳаммом қуришни эса хаёлларига ҳам келтиришмади... Отига яраша тушови, деганларидек, маданий савиямиз ҳам шунга яраша бўлди. Аҳмад Дониш таъбири билан айтганда: авомидан уламози, уламосидан авоми баттар бўлган халққа айланиб қолмадикми?.. Минбарларга чиқсак, гапимизни эшитиб, бошқалар ҳолимизга қулади. Негаки, баъзан оддий мантиққа ҳам риюя қилмаймиз ёки риюя қилолмаймиз. Мисол керами? Марҳамат. Оддий саводхон киши ҳам биладики, пахта монокультураси — пахта ҳукмронлиги, деган сўз. Пахта ҳукмронлигини тан олиш эса — пахтага қулликни тан олиш дегани бўлади. Бу иккаласи — бир варақнинг икки саҳифаси. Биринга икорор бўлиб, иккинчисини инкор этиб бўлмайди. Ҳукмронлик бўлган жойда қуллик-қарамлик, қуллик-қарамлик бўлган жойда ҳукмронлик бўлиши муқаррар... Улар бири иккинчисиз яшай олмайди. Бу — оддий мантиқ.

«Правда Востока» газетаси С. Турсунов деган кимсанинг мақоласини эълон қилди. Унда қай бир бекатнинг номини фақат ўзбекча эълон қилган троллейбус ҳайдовчиси миллатидан олиб, миллатчига солинади ва ҳаттоки унга турманнинг эшиги ҳам кўрсатиб қўйилади. Ҳа-да, троллейбусда ўзбек тилини тушунмайдиганлар, пойтахтимиз меҳмонлари бўлиши мумкин, уларни ҳурмат қилиб керак!.. Газетанинг даъвоси мана шундай... Мен кўплаб қардош республикалар ва хорижий мамлакатларда бўлганман. Аммо ўзимни Ўзбекистонда эмас, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Украина, Эстония, Россия, Польша ёки Грецияда эканлигимни ҳеч қачон унутганим йўқ. Тушунмаган сўзларимни маҳаллий халқ вакиллари-дан сўраганман, тушунтириб беришган. Тузини еган туз-лигини аяйди. Бу — инсонлар учун азалий одат. Буни ҳамма жойда табиий деб билишади, яъни, қўрқинчли жойи йўқ. Бизда эса аксинча: бекатни ўзбек тилида эълон қилган ҳайдовчи (эҳтимолки ўзбекчалаб «эски Жува» дегандир) миллатчига чиқарилади ва ҳаттоки унга қамоқ билан таҳдид этилади. Бу учига чиққан маданиятсизлик эмасми?.. Бутун республика Орол денгизи тақдирини учун ёниб, уни ҳаёт-мамонт масаласи деб турганда «Правда Востока»да яна бир мақола босилди. Унда қуриётган денгиз ўрнида ўрмон ўстириш таклифи этилади. Бу жон талашаётган кишини шоша-пиша кафанга солишни эслатмайдими? Бу халқ туйғусини менсимаслик, унинг ярасига туз сепиш, унинг шаънини ҳақоратлаш эмасми? Биз ўзининг шаънини ерга урганни маданиятсиз, деймиз, лекин ўзгалар шаънини менсимаслик ҳам маданиятсизликка кирди... Бултур «Правда» газетасининг 21 ноябрь сонида Отахон Латифийнинг «Тўғон» деган мақоласи босилди. Унда шундай сатрлар бор: «Қуриб бораётган Оролга зилзила туфайли денгиз сатҳидан 3300 метр баландликда пайдо бўлиб, Ўрта Осиё бошида қасос қиличидек муаллақ турган САРЕЗ қўлини оқиши айна мудоао бўлур эди. Қўлда 17 миллиард кубометрдан зиёд сув йиғилган. Агар шундай қилинса, бир йўла икки муаммо ҳал этиларди: катта хавф-хатарнинг олди олинар ва Орол денгизи анча-мунча сувга тўларди». Биз Оролга Сибирдан сув кутамиз ёки боягидек унга ўлим ҳукмини ўқишга ошиқамиз, сув эса шундай ёнбошимизда, балки бошимиз устида турибди. 17 миллиард кубометр! Бу конкрет таклифга республикамиз мутабоғида бирор садо бўлмади. Мутахассисларимиз гўё қулоқларига пахта тиқиб олишган... Хуллас, ўзимизга ҳам, ўзга-

ларга ҳам бепарволигимиз, маданий савиямизнинг пастлиги оёғимизга уриб турибди.

— Кейинги пайтда тил ва халқимиз тарихи муаммолари кун тартибига кескинроқ қилиб қўйилмоқда. Бу албатта бежиз эмас. Йиллар давомида бу муаммолардан кўз юмиб келдик. Камчиликларимизни хаспўшладик. Ана шу лоқайдлик ҳам маданий савиямизга бир кўзгу эмасми?

— Тўғри. Тил — халқнинг номуסי, тарих — унинг қому-си, деб бекорга айтишмаган. Ленинча социализм қуриш принципларини оёқости қилган сталинчи бюрократия бу соҳаларда ҳам катта зарар етказди. Узоқ йиллар давомида ҳамма халқлар қўшилиб, битта халққа айланади, барча тиллар бирикиб, битта умумий тил пайдо бўлади, деган марксизмга ёт, сохта доктрина ҳукм сурди. Ҳолбуки марксистик диалектика: дунёнинг чексизлиги — унинг чекиси ранг-баранглигадир, деб тушунтиради. Ранг-баранглик — ҳаёт аломати, яқранглик — завол белгиси. Табиат қонунарига зид бориб, ҳаммамизни бир қолига тиқиштирмоқчи бўлишди. Нега? Чунки бюрократия учун миллат, миллий маданият, тил ва шахс деган тушунчаларнинг қиймати йўқ. Унинг учун буйруққа шай бўлиб турган миллион-миллон омма ва ўша омма устидан ҳукмронлик қилиш гаши бор... Шундоқ экан, ҳаммамизнинг қўшилиб-қоришиб кетгани яхши — ҳукм юритиш осонроқ бўлади...

Машвум сталинизм ҳукмронлиги йилларида барча халқлар жабру жафо чекди. Бундан заҳматкаш ўзбек халқи ҳам бенасиб қолмади. Биз бир минг уч юз йиллик алифбомидан айрилдик (Уни сизники эмас, арабники дейишди. Мантиқни қаранг: бизга ўн уч аср хизмат қилди-ю, бизники бўлмай, фақат арабники бўладими?) Боболаримиз қўли билан битилган минглаб, ўнг минглаб китобларимиз оловга отилди, ерга қўмилди. Юзлаб тарихий обидаларимиз бузиб ташланди. Буюк тарих, қадимий маданият яратган халқни тўқсон саккиз фоиз бесавод эди, деб эълон қилишди. Агар шу гап рост бўлса, шаҳарларимиздаги юзлаб мадрасаларда кимлар ўқиган? Биргина Шарқшунослик институтида сақланаётган юз мингга яқин қўлёзма ва китобларни кимлар ёзиб, кимлар мутолаа этган? Лекин биз уялмасдан, ашула қилиб айтиб юравердик:

Ким эдик тарихда бизлар — номи йўқ, қашшоқ, гадо...

Ҳа-да, номи йўқ, қашшоқ, гадода тарих ва маданият не қилсин!.. Бизга шундай деб уқдирилди ва шунга ишонтирмоқчи бўлишди, эътироз этганларнинг ҳолига маймунлар йиғлади. Юртимизнинг севимли ёзувчи ва шоирлари, атоқли давлат ва жамоат арбоблари қамалди, отилди, сургунга ҳайдалди. Турғунлик йиллари сиёсати бу жароҳатларни даволамади, баттар чуқурлаштирди. Ана шу маҳрумиятлар орасида халқимизнинг юрагига тош бўлиб қўйилган нарсаси — тилимизнинг доимий камситилиши бўлди. Юқорида айтилган сохта доктрина таъсири остида ўзбек тилининг ҳаракат доираси чеклаб қўйилди, ҳукмат идоралари, бошқарув органларидан сиқиб чиқарилди, мактабларда ўзбек тили дарс соатлари кескин қисқартирилди, олий ўқув юртларида, филология факультетларини ҳисобга олмаганда, назардан четда қолдирилди. Тилга эътибор — элга эътибор, дейди халқимиз. Тил камситилган жойда тарих ҳам таҳқирланади, дейди Карл Маркс.

Одамзод ўз умри давомида касб этган, инсон ҳуқуқлари декларацияси томонидан қайд қилиниб, жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган умумбашарий ҳуқуқлар, қадриятлар бор. Улардан энг муҳими — дунёдаги ҳар бир халқнинг ўз ерига суверенлиги, ҳар бир тилининг ўз тарихий территориясида эътибор ва нуфузга моликлиги, қонунийлиги ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқлар СССР Конституциясида ҳам қисман акс этган. Шунга кўра, Арманистонда — арман тилининг, Грузияда — грузин тилининг, Озарбойжонда — озарбойжон тилининг, Эстонияда — эстон тилининг, Латвияда — латиш, Литвада — литва тилининг давлат тили, деб эълон этилиши мутлақо табиий ва қонунийдир. Биз бунини чин юракдан олқишлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, Россияда — рус тили, Украинада — украин, Белоруссияда — белорус ва бошқа республикаларда ҳам миллий тилларнинг давлат тили деб эълон этилишига астойдил тарафдоримиз. Зеро, тенг ҳуқуқли республикалар иттифоқи аввало тенг ҳуқуқ-

ли тиллар статусига суянмоғи даркор. Шундагина ҳақиқий интернационализм, ленинча миллий сиёсат принциплари сўзда эмас, амалда қарор топади, адолат тантана қилади. Мен ана шу нуқтаи назардан ўзбек тилининг Ўзбекистон ССРнинг давлат тили, деб эълон этилишини мутлақо зарур, деб ҳисоблайман. Бу тарихий адолатнинг тикланиши, республикада ленинча қайта қуришнинг жиддий ғалабаси ўлароқ, совет жамиятининг обрўсига обрў қўшган бўлур эди.

Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон этилиши рус тилининг нуфузини пасайтирмайди. Рус тили Грузия, Арманистон, Молдавия, Озарбойжон, Латвия, Литва, Эстонияда бўлгани каби бизда ҳам миллатлар аро тил бўлиб қолаверади. Вазилар рус тилининг ҳам Ўзбекистон ССРнинг давлат тили деб эълон этилишини таклиф қилмоқдалар. Бу чуқур ўйланмаган, бир ёқлама фикр. Бутун дунё бизни кузатиб турибди. Ҳали Россиянинг ўзида давлат тили деб эълон этилмаган рус тили Ўзбекистонда давлат тили деб эълон этилса, устимиздан кулишмайдами? Кейин, мазкур масалада аллақачон қарор қабул қилиб бўлган арманлар, грузинлар, озарбойжонлар, молдаванлар, латишлар, литваликлар, эстонларни анойи санаб, ўзимизни оқил ҳисоблашимиз инсофдан эмас.

Республикада яшаётган ҳалол ва оққўнғил, маданий савияси юксак рус кишилари буни тушунади ва қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламан. Бир халқ иккинчи халқни камситар экан, бу билан аввало ўз қадр-қимматини ерга уришини улар яхши билишади. Мақсадимиз — тенглик ва бирлик. Тенглик бўлмаган жойда бирлик бўлмайди, бирлик бўлмаган жойда инсонлар ҳам, халқлар ҳам бахтли бўлолмайдилар, бахтсизлик ва фалокат рўй беради. Тилни яратган табиат, халқни яратган холиқ уларни тенг қилиб яратган. Ана шу олий ҳақиқатга бўйсунайлик, Социализмнинг дунёда энг адолатли тузум эканлигини амалда исбот этайлик. Ҳар бир тил ўз ери, ўз қўрғониди мағрур жарангласин.

— Халқимиз кўп асрли тарихга, бой маданий меросга эга. У бизнинг илдишимиз; бугунимиз ва эртаимиз ундан озиқ олади. Афсуски, гоҳ билиб, гоҳ билмай ана шу илдишни кесиб қўймоқдамиз. Тарихий воқеаларни объектив ёритиш ўрнига, бугунги кун қолипи билан ўлчаيمиз, сизмаганини эса қирқиб ташлаймиз. Тарих мавзуида битилган асарлар кам, борлари ҳам атиги бир неча минг нусхада босилмоқда. Бу ҳақда Сиз қандай фикрдасиз?

— Биз тарихимизни билмаймиз. Мактаблар ва олий ўқув юртида ўқитилаётган «СССР тарихи» — СССР халқлари тарихи эмас, асосан, Россия тарихи. Бизда ўз халқи тарихини чуқур билувчи тарихчилар оз. Тарихий, маданий меросимиз эса буюк, беқиёс. Гуё бобосидан улкан мерос олиб, ўша мерос қаршида нафаси ичига тушиб, довдираб қолган шўрлик меросхўра ўхшаймиз. Улкан меросни бир салмоқлаб кўришга бизда на куч бору на иктидор. Мутахассисларнинг айтишича, қарийб миллион нусхага яқин қўлёзмаларимиз жаҳон кутубхоналари бўйлаб сочилиб ётибди. Уларни қачон ўрганамиз? Ўзимизнинг Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмаларни қачон ўрганамиз? Насавий, Шарафуддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Аҳмад Дониш асарларини халққа қачон етказамиз? Бир неча йил олдин Девин Девис деган америкалик ёш олим билан учрашиб қолдим. XV асрда яшаган Камол Ҳусайн Хоразмийнинг «Кашфи худо» фалсафий асарини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилаётган экан. Унинг айтишича, қўлёзма ягона нусхада Ғарбий Германияда сақланмоқда. Ҳа, демак, мазкур асарни бутун дунё инглиз тилида ўқийди. Қадимий тилимизда битилган ўша китобни биз қачон ўқиймиз? Минг йиллик алифбомизни ўрганмасак, нодир қўлёзмаларимизни аслида ўқий олмасак, тарих бизни кечирмайди, келажак лаънат айтади. Америкалик олим Эдвард Олворс ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаб, нашр этирса, икки юз томдан ошишини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолганини ўзим кўрганман. Шундай катта юк Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг ёлғиз бир бўлими елкасига юкланган. Республикада махсус фольклор ва этнография институти очилш фурсати етмадимикин?

Яқинда Бухорога йўлим тушди. Қадимий обидаларни

зиёрат қилдим. Улар аянчли аҳволда, тутдек тўкилиб ётибди. Машҳур «Чор бакр»ни кўриб, кўзларимга ишонмадим: улуг иморатлар улуг вайронага айланибди... Суриштирсам, таъмир ишларига ажратилган пул жуда оз, етишмаяпти, дейишди... Бухоро зиёратига ҳар йили ўн минглаб хорижий туристлар келади. Улардан тушаётган маблағ Москвада умумий қозонга солиниб, кейин Совет Иттифоқининг катта-кичик барча шаҳарларига барабар тақсимланади. Ундан Камчатка ёки Куриль оролларидаги шаҳар ёки шаҳарчалар ҳам бенасиб қолмайди. Бухорога тегадиган улуш — зиғирча... Бу машҳур «уравниловка» — барабарлаштириш сиёсатининг типик намунаси эмасми? Бундан қачон кутулашимиз? Бухоронинг гази, тиллоси, қоракўли, пахтаси, пилласидан маблағ ортмаётган экан, лоқал Бухоро деб келатганларнинг пулини ёлчитиб Бухорога сарфлаш жоиз эмасми? Инсофизликнинг ҳам чегараси бор, ахир!..

Тарихни, маданий меросни ўрганишнинг бир чеккаси тил ўрганишга бориб тақалади. Бир неча тилларни билиш — бизга боболаримиздан қолган азиз мерос. Улар туркий тилдан ташқари, араб ва форс тилларини ҳам яхши билишган. Ҳар бир тил — дунёга очилган алоҳида бир эшик. Ҳадеб битта эшикдан кириб-чиқавериш энди ярашмайди. Бугун биргина ўзбек ёки биргина рус тилини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўзбек эълиси етакчи шарқ тилларидан бирини ва яна етакчи ғарб тилларидан бирини билиши шарт. Лекин аввал-асос — Она тил... Базан таниқли раҳбарларимиз, атоқли олимларимизнинг ўзбекча нутқларини эшитиб, хижолатдан ерга киргудек бўласан киши. Бу ёшларимиз учун ачиқ сабоқ бўлмоғи даркор. Бизнинг тилимиз — араб тилининг салобатю форсий тилнинг фасоҳатини ўзининг туркий шиддатига омухта қилиб олган тилдир. Фақат меҳр ва парварига муҳтож.

— Сизни Ғарб ва Шарқ адабиётининг билимдони сифатида яхши биламиз. Сиз Шекспирнинг бир қатор асарларини бевосита инглиз тилидан таржима қилдингиз. Китобхонларни Шарқ адабиётининг буюк сиймоларидан бири — Жалолиддин Румий билан таништиришда жонбозлик кўрсатдингиз. Шу йўналишдаги ижодий ишларни давом эттиряпсизми?

— Бир гал суҳбатда марҳум Олим Хўжаев сўз ўйини қилиб: «Шекспир — ҳаммамизга буюк пир» деганлари ёдимда. Дарҳақиқат Шекспир ижоди — башариятнинг буюк дарсхонаси. Ақлимни танибманки, Шекспирни ўқийман. Бир неча йил чет эллар адабиётидан, Шекспир ижодидан институт талабаларига дарс бердим. Кейин таржима қилишга киришдим. Шекспир сайланмасининг беш томлигини нашрга тайёрладим. Шекспир туфайли инглиз тилини ўргандим. Унинг «Ҳамлет», «Отелло», «Макбет», «Антоний ва Клеопатра», «Афиналик Тимон» асарларини инглизчадан таржима қилдим. Мазкур таржималар «Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясида нашр этилмоқда... Энди бошқа бир буюк сиймо ҳақида сўзламоқчиман. Бу — Мавлоно Жалолиддин Румий. Гегель, мен диалектика ҳақидаги таълимотимни Жалолиддин Румийга суяниб яратдим, деб ёзган экан. Шундан ҳам тасаввур қилаверинг... Радий Фишининг «Жалолиддин Румий» тарихий романи менинг таржимамда босилиб чиқди. Муболаға йўқ, ана шу китоб туфайли менга «Жалолиддин Румий» деган янги дунё очилди... Шу кунларда шоирнинг машҳур «Маснавийи маънавий» асари таржимаси билан машғулман...

— Жамол ака, Румийнинг мухлиси сифатида бу улкан ишда Сизга омад тилайман. Янги илмий ва бадиий асарларингизни кутамиз.

Суҳбатни Н. МУҲАММАДИЕВ олиб борди.

Рауф Субҳон



Инсофнинг китобин ўқимай қўйдик

Тадриж

Қоп-қора ўрмонда яшаган одам,
Негадир қамалган сезди ўзини.
Бадани жунжикди, жунжикди ёмон,
Нажот сўрагандай тикди кўзини.

Тўйиб ичди... еди... пишқираверди,
Ҳалоллик учун ҳам эринаверди.
Ҳар ишга ўзича бош бўлаверди,
Кўзига дунё тор кўринаверди.

Ва бир кун у мендан сўраб озроқ нур,
Мен сенга яхшилик бераман, деди.
Ўзига эрк бериб яшагани ҳур
У мендан нур эмас тириклик олди.

Мен билан ёнма-ён ҳамнафас юриб,
Ғалати саволлар ёғдираверди.
Тўрт тарафга тушган соямни кўриб,
Тўхтаб тур сен ҳали, ярамас, деди.

Кулиб туриб кўмди, бош бўлиб кўмди,
Тўрт қутбга кетган сояларимни.
У — эркин. Ўзини ҳар ишга урди,
Йўқотаман, деди хаёлларингни...

Толганини ичди, тортганин еди,
Сенмисан, белингни қўйгум букчайтиб,
Ў, мен сени одам қилганман, деди
Дамига тикилиб, кўзин чақчайтиб.

Ўсиб ётган чинорларга тик қараб:
Ў, мен сизни одам қилганман, деди.
Чинорлар ёшлари минг йиллик дарахт,
Уларга ўшқираб кечаги жинни...

Алдабди, яхшилик бераман, дея,
Яна у бош: қуламоқда кўп «тахт»лар.
Кунда кесар, тунда кесар, билдирмай,
Кесилмоқда одам бўлган дарахтлар.

Ҳўв, менинг қошимда бўйин бермаган,
Дарахтлар сайрига ҳар кун шошасан.
Қасоскор чинорлар эҳ, кечирмаган,
Совуқ шамол каби хайрлашасан.

Булутли ўлкага кетган, қайтмаган,
Булутли ўлкадан келган кезарми?!
Кетганлар ким, бизга асло айтмаган,
Кетганининг дарахтин келган кесарми?!

Нафси — дунё... бўлган беюзлик ёмон,
Душмандир сир тутган мақсадларидан.
Қутулиб бўлмайди, қоронғу одам,
Ҳақиқатнинг барча даҳшатларидан!

Афсонавий ғорда

Исфандиёр Ҳайдаровга


Дев орланди,
Юраклари оққа бўялган
Суратини кўриб деворда.
Сўнг мусаввир сари чоғланди.
Салмоқ солиб ҳар бир қадамга,
Тирноқ солиб ҳар бир бандига.
Дев тўлғонди,
Ғорни бирдан тўлдирди,
Ғорни бирдан ёндирди
унинг сонсиз бошлари!

О, қанча бош...
Ғазабланган
Панжара кўзлари
Ташланди!..
Мусаввирнинг илинжи йўқ қўлида,
Мусаввирнинг
Ялинчи йўқ тилида,
Мусаввирнинг
Банди дўстлари бор
ўнг, сўлида!

Сенинг оринг олди шу девор,
Мен сени
Сен севган,
Сен ишонган деворга чиздим,
Мана кўргин —
Ухлаб ётган девнинг сурати,
Мана кўргин —
Сенинг тегрангда
Юраклари қонга бўялган,
Бандиларнинг неча йиллик журъати!
Мен сенинг аслингни чиздим!
Дев бирдан тушунди суратни,
Тушунмади...
Тушунмади журъатни.
Суратга тикилди,

Узига маҳлиё бўлганча,
Уйқуси келгунча тикилди,
Ташқаридан эса,
Журъат қилган шамол кирарди,
Ёруғлик кирарди ёрни тўлдириб!

Телбанинг тескариси

Инсоф йўқ
Буларда
Инсоф йўқ!
Ҳей,
Тилини
Тишлаган одам,
Ҳей, белини ушлаган одам,
Катта йўлдан
Қоронғуда ўтган,
Қоронғуда кетган,
Пахта ортган арава
Ким билади
Қаёққа кетди?!
Инсоф йўқ
Буларда Инсоф йўқ!
Тўкилган пахталарни
«Бир чигит»лаган
Ҳей одам,
Мен сўрасам
Сен «олтин» дейсан,
Индамасам
Тишларингда чайнаб кўргудай
Феълинг ёмон.
Ишондингни
«Бир чигит»нинг олтинлигига?!
Инсоф йўқ
Буларда
Инсоф йўқ!
Ҳайвонлар йўқола бошлашдан олдин
Виждонлар йўқола бошлаган эди.
Дунёда биринчи қизил китобга
Виждонни асрамоқ ёзилган дейлик —
Виждонини китоб қилиб
кўрсатганлар ҳам
Инсофни билмаса инсоф йўқ,
Инсофнинг қаёққа кетиб қолганин
Дуч келган одамдан қақшаб сўрайман.
Умримиз шу зайл ўтиб кетса-ю,
Илм олмоқликни унутиб қўйсак
Ва буларни кимдандир кўрсак,
Ўқиёлмай қолсак
Бобомизнинг ёзган хатларин,
Инсоф йўқ
Бизларда
Инсоф йўқ.
Ҳей,
Тилини
Тишлаган одам,
Ҳей, белини ушлаган одам,
Инсофнинг китобин ўқимай қўйдик.
Дуч келган одамда
Инсоф йўқ экан
Қаерда бўлиши мумкин
Бу инсоф?!




Бундан беш йил муқаддам Шовот район «Совет пахтакори» газетаси қошида «Нилуфар» клуби ташкил этилган эди. Қишлоқда яшаб ижод қилаётган Сухбат Абдулла, Болтабой Бекматов, Дилором Маткаримова каби клуб аъзоларининг шеър ва бадилари республика матбуотида, шу жумладан журналимизда ҳам кенг ёритилди.

Этиборингизга «Нилуфар»чиларнинг яна бир вакили — Шукуржон Жабборова шеърларини хавола қилмоқдамиз. Шукуржон Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультети сиртки бўлимини тугаллаш арафасида.

Сенга аталган шеърлар

Дилимдаги оний тасаввур
қиёфангда сақлағудай жон —
ва бахт йўлин кўяди тўсиб
абадийдек шу қисқа ҳижрон.

* * *

Ортга боқдинг тўхтаб бир фурсат
хайрлашмоқ пайти ҳам етди.
Рашким ойдек тўлиб турдию
юлдузлардек тарқади-кетди.

Тунга раво кўрмасдан рашким
териб олмоқ учун энгашдим.
Рашк ўрнига ишончини топиб
сўнг изингдан ойдек эргашдим.

* * *

Бошимни қўяман кўксингга маъюс
титраган туйғуни яширмоқ истаб.
Йўқ, йўқ! Керак эмас менга бу ҳаёт
рангсизланиб турса ҳар лаҳза ҳислар.

Кимгадир ўзимни тушунтираман —
бебош қисматимни этаман баён.
Йўқ, менинг умримга керакмас паноҳ,
ишончим муқаддас — ўшадир имон.

Ғамимни талашган тонглар отдилар,
мен узун қисматга тутдим бошимни.
Бу қисмат кўксингда тош каби қотди —
мен сенга алишдим гоҳ бардошимни.

Бошимни қўяман кўксингга маъюс...
суяниб тургандай бир муддат тоққа.
Бутун борлиғимни унутиб қўйиб
айланиб кетаман ўзим титроққа.



Абулқосим
Мамарасулов



Жиззах областида туғилган. Самарқанд Давлат педагогика институтининг рус филологияси факультетини тугаллаган. «Суюнчи» ҳикоялар тўплами нашр этилган. СССР Ёзувчилар союзи аъзоси.

Бувиражаб

— ...Қайта қуришни, яна бир марта такрорлайман, ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз керак! — деди райком вакили. — Бунда биз партиямизнинг Бош секретаридан ўрнат олайлик. Уртоқлар, биз Ўрозгул опамизни Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига делегат қилиб сайлар эканмиз, у кишига юксак ишонч билдирамиз. Ўйлаймизки, машъал соғувчимиз — ферма юлдузи, областимизнинг фахри бўлиши Ўрозгул Турғунтўраева конференциядан катта таассуротлар билан қайтади. Шунини мамнуният билан алоҳида таъкидлашни истардимки, қайта қуриш бизга ҳам етиб келди. Мана, конференция делегатини демократик асосда сайлаёмиз. Марҳамат, ҳар ким ўз фикрини очиқ-ойдин айтсин. Келингизлар, юракдан гаплашайлик. Бир-биримизни дўстона танқид қилайлик.

Конференция делегатлигига номзод билан Барлос қишлоғи аҳолиси учрашуви давом этар, кўпчи-

Мен сени
севаман,
Бувиражаб!



Ҳикоялар

лик «энди Барлосдаям ғаройиб ўзгаришлар юз берса керак», деб клубга йиғилиб келган эди. Райком вакили яхши гапирди. Гарчи ўзи бирон кишининг шаънига танқидий фикр айтмаган бўлса-да, бошқаларни ошкораликка даъват этди. Бироқ, сўзга чиққанларнинг аксарияти яна аввалгидай — нуқул ўзларининг ишлари ҳақида гапиришди, юқори мартабали, «ҳаммамиз учун ҳурматли» шахсларни мақташди. Худди шу нарса Бувиражабга алам қилди-да. Бу одамлар нега мунча кўрқинмаса? Ахир бу аҳволда қачон Барлосда қайта қуриш бўлади? «Қайта қуришни ўзимиздан бошлайлик» дегач, ҳар ким ўзини қандай қайта қураётганлигини айтиши керак-ку ахир! Қачонгача?!

Бувиражабнинг сакраб ўрнидан тургиси, сўз сўрагиси келарди-ю, бироқ нимадир уни тутиб турарди. Фермада неча бор Ўрозгул опаю Эшқоқил ферма билан гап талашган, рост, лекин ҳали-ҳозирча мажлисда сўзлаб кўрмаган.

— Нега шунча гапдан кейин ҳам яна Ўрозгул опани мақташадиди, а? — деди Бувиражаб алам билан. — Нега бари бирдай ҳақиқатни айтиш керак дейди-ю, ёлғондан оғзи бўшашмайди?

— Парво қилма, — деди ёнмаён ўтирган дугонаси Раъно. — Ҳамишаги гап-да.

— Ўзим бир боппамасам...

— Буларминан олишиб барака топмайсан, Бувиражаб. Балого қоласан.

Раънонинг «балого қоласан» де-

гани сўнгги томчи бўлди — лиммолим тўлган коса тошди.

— Менга сўз беринг!

Ҳамма унга — қўл кўтарганча ўрнидан турган Бувиражабга ўғирилди. Директор Хидир Собиров «сенга сўзни ким қўйипти» дегандай ижирғанди ҳам. Шунини кўриб, Бувиражабнинг баттар хўрлиги келди, «йўқ дейишсаям сўзга чиқман» дея кўнглига тугди. Совхоз партия ташкилотининг котиби — мўмин-қобил, тепса-тебранмас Ҳамроқул Бозорович ҳайрон бўлиб кўзойнаги устидан унга қаради. Бор-йўғи бир йилдан бери фермада ишлаётган бу қизчанинг нақадар бетгачопар эканлигини у яхши билар, Хидир Собировичнинг шахсан ўзлари ҳам Бувиражаб ҳақида салбий фикрда, бу ҳам унга сир эмас эди. Ҳамроқул Бозорович, сўз берайми-йўқми, деб маслаҳатлашиш ниятида директорга тикилди. Қизариб-бўзарган Хидир Собирович кинояли кулимсираб, ёнига ўғирилди ва райком вакилига бир нимани тушунтирган бўлди. Вақт эса ўтиб борар, Ҳамроқул Бозорович бир қарорга кела олмай қийналарди.

— Сўз берилсин! — деди пастдагилардан бири юрак ютиб.

— Нуқул ўзларинг гапираверасизларми? — деди яна аллаким, унинг овози хийла дадил чиқди. Зални ғала-ғовур босди, ниҳоят, Бувиражабга сўз беришди.

— Мамлакатимизда шунча ўзгаришлар бўляпти... менгача гапирганларнинг ҳаммаси тўғри гапни айтиш керак дейишди-ю, нуқул

ёлғон гапиришди, — деди Бувиражаб йиғламоқдан бери бўлиб, яна бир зум жим турса йиғлаб юборишини англаб, тишини тишига босди, худди шу лаҳза бир нарсани англади: мажлис аҳли энди нима бўлар экан, деган каби тош қотиб қолишган эди.

— Гапир, қизим, гапиравер. Ўзингни босиб ол-да, гапиравер, — деди олдинги қаторда ўтирган пахтачилик бригадаси бошлиғи Аваз ака.

— Қайта қуриш бизнинг Барлосда ҳали бошлангани йўқ, — деди Бувиражаб бўғилиб, товуши ҳам жуда паст чиқди, бироқ буни ҳамма эшитди.

— Тўппа-тўғри! — орқароқда ўтирган Қурбон тракторчи ўрнидан туриб унинг гапни маъқуллади.

Қишлоқдошлари қўллаб-қувватлашяпти. Демак, кўрқмаса бўлади. У бирмунча осойишта, аммо ҳаммон титроқ овозда давом этди: — Директор бовомиз менга сўз беришни истамадилар! — Нинояси Бувиражабнинг ўзига маъқул тушди ва бу унга куч бағишлади. — Чунки мен у кишига номаъқул гапни айтиб қўйишим мумкин. Демократия деб оғиз кўпиртиришди. Қани демократия?! — Тилининг учида турган гапни айтсамми-йўқми деб у бир лаҳза ўйланиб қолди. Худди шу пайтда аллакима пастдан туриб:

— Тўғри! Бизда демократия ҳали йўқ! — деди.

— Ҳа! Ҳозирча демократия йўқ, — деди Бувиражаб ниҳоят юрак ютиб. — Урозгул опа делегатликка арзимайди!

Зал сув қуйгандай жим бўлиб қолди. Ҳар қандай гапни, танқидни кутишса-да, ундан буни...

— Бундай дейишга ҳали ёшлик қиласан, ов-в! Урозгул машъал соғувчи, халқ депутаты. Уни бутун республика билади. Сени-чи? Кимсан ўзи? Нега оғзингга тўғри келган гапни валдирайсан? Урозгулни район, область партия комитетлари делегатликка тавсия қилишган! — Ҳамроқул Бозорович райком вакилига мадад истаб мўлтайди.

— Демак, район, область партия комитетлари хато қилишган! — деди Бувиражаб қизиқ устида. Деди-ю, айтган гапидан ўзи кўрқиб кетди: «Партияга тил теккиздинг!» деб... Э, нима бўлса бўлар! — Урозгул опанинг машъал соғувчилиги ёлғон. Халқдан сотиб олинаётган, қўшиб ёзилаётган сутнинг барини Эшқобил ака Хидир Собирович билан келишиб, Урозгул опанинг ҳисобига ўтказиб юборяпти.

— Ёлғон! — Эшқобил ферма муштини ҳавода ўйнатганча ўкирди. Бошга битган бало бўлди бу тирмизак. Бувиражаб сўзга чиққанидан бери у безовта бўлиб ўтирган эди, ниҳоят, кутгани рўй бергач, ўзини тута олмай қолди у.

Залда ўтирганлар жонланишди. Биров Бувиражабнинг ёнини олди, бошқа биров, хусусан, президиумда ўтирганлар Эшқобил фермага тарафдор бўлишди.

— Айтадиганингни айтдинг, энди бас, қизим, тушағой, — деди Аваз ака. Бу сўзда рағбатдан кўра «Ҳа, шўрпешона қизим-а!» деган дашном ва ачиниш ҳисси мўлроқ эди. Бувиражаб яна иккиланиб қолди. Кўзлари мўлтиради. Ахир ҳаммиша унга суянчиқ бўлган Аваз ака эди-да. Бетинг-кўзинг демай рост гапни айтганида Аваз акаям тайсаллаб қолди-ку, демак, ишлар чатоқ!

Бувиражаб ички бир портлаш туфайли ўзига келолмай, беихтиёр пастга тушди ва бориб Раънонинг ёнига ўтирди. Ҳамма ўзига тикилаётганлигини ҳис этиб, биронта билан кўзи тўқнашиб қолмасин учун жўрттага кафтини пешонасига босди. Манглайини муздай тер босган эди. «Раъно нима деркин?» Дугонаси унга қайрилиб қарамади ҳам. Гўё навбатдаги нотикни эътибор билан тинглаётгандай, минбардан кўз узмай ўтираверди. «Наҳотки Раъно ҳам?...»

— Нима бўляпти ўзи? — деб сўради Бувиражаб, тоқати тоқ бўлиб.

— Яхши иш қилмадинг, — деди Раъно совуқ оҳангда, иложи бориचा унга қарамасликка ҳаракат қилиб.

Бувиражабнинг дами ичига тушиб кетди. Фермадаги соғувчилар ичида унинг яқин кишиси йўқ ҳисоб, фақат Раъногина унга пича ён босиб юрар эди. Энди бу ҳам...

Узи нима бўляпти, а?! Ахир Бувиражаб бор гапни айтди-ку! Буни ҳамма билади, қолаверса, айтишяпти-ку, ахир, «тўғри гапни айтинглар», деб.

— Халқ йиғини бу, ўртоқлар! — деди навбатдаги нотик — шу йил ҳам пахта бўйича планни кўзбўямачилик ҳисобига тўлдирган бригадир, у Хидир Собировичнинг яқин кишиларидан бири эди. — Биз халқнинг ишончли, оқил вакилларига сўз беришимиз керак. Айтилган сўз — отилган ўқ, ўртоқлар! Барлосликларнинг фахри бўлмиш Урозгул опамизни ҳар хил уйдирмалардан асраш — вазифамиз.

— Сўз — Эшқобил фермага!
— Ўртоқлар! Бу нима деган гап?

Ҳали сен бу ерда айтган ҳар бир сўзинг учун жавоб берасан, Бувиражаб! — У гарангсиб қолган қизга илондай тикилди. — Сен доҳиймиз тузган шонли Коммунистик партиянинг, Совет ҳокимиятининг вакилига тўхмат қилдинг. Коммунистик партия кимни конференцияга делегат қилишини яхши билади. Керак бўлса, сенга ўхшаган она сути оғзидан кетмаган тирмизаклардан маслаҳат сўраб ўтирмайдди. Мен йиғилганлардан, шахсан райком вакилидан, шахсан Хидир Собировичдан шуни қатъий талаб қиламанки, ивгогарона гапи учун Бувиражаб жиноий жавобгарликка тортилсин!

Зал увлаб юборди. Бувиражаб ерга кириб кетгудек бўлди. Фермада Эшқобил ака билан неча бор гап талашган, бирда енгган, бирда енгилган, бироқ шу вақтга қадар бирон марта у кўпчилик орасида бунчалар изза бўлмаган, бу қадар ўзини якка ва нотавон ҳис этмаган.

— Фермамиз коллективи аҳил, иноқ эди, — дея давом этди Эшқобил ферма. — Бувиражаб ишга ўтганидан бери тинчлик йўқ бизга! Онасининг ҳурматини қилиб муни ишга олдигу тоза балога қоп кетдик. На ишда унум бор, на баракка. Шу касофат туфайли ярим йиллик планниям бажаролмай, ерга қара-аб ўтирибмиз.

Бувиражаб бирдан ҳушёр тортиди. Ёлғон-ку, ҳамма гапи ёлғон-ку, ахир! Нега бошқалардан садо чиқмайди? Нега қайта қуриш дейишади-ю, оғизларига талқон солиб ўтиришади? Бувиражаб бор-йўғи шароит тақозо этган нарсани сўраган: «Қани янги газета-журналлар? Телевизор-радио? Қани душ?» — деган, холос. Тўғри, фермада Ленин хонаси йўқ эмас, аммо у ерга соғувчиларни киритишмайди-ку! Текширишга келадиганларга кўрсатиш учунгина безаб қўйишган уни.

Нега? Шуни биладиганлар нега индамай ўтирипти?

Бувиражабнинг яна қони қизиди. Атрофдагиларга нисбатан дилида нафрат уйғона бошлади. Шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасиям Урозгул опа Эшқобил ферманинг ўйнаши эканлигини, ферма мудирининг эса Хидир Собирович билан харом-хариши борлигини, шунинг учун ҳам опахон «кўтар-кўтар» қилинишини яхши билишади-ку, ахир!..

— Мен совхоз партия комитетидан Бувиражабнинг юриш-туриши-

ни, хулқини муҳокама қилишларини талаб қиламан! — Бу «ўйин»да ютиб чиқаётганини англаган Эшқобил ферма отга қамчи босди: — Аввал ҳам талаб қилганимдек, унинг иш жойида ўзини тутишига, қолаверса, бугунги антипартиявий, антисоциалистик, совет жамиятимизга душманлик руҳи билан суғорилган гапларига принципиал баҳо беришларини сўрайман.

— Ол-а! — деди кимдир.

— Гап деганни ҳам тешиб қўяди-да ўзиям, — деди бошқа биров. — Бувиражаб! — Эшқобил ферма янада руҳланиб қизга бармоғини бигиз қилганча давом этди. — Сен бировга баҳо беришдан аввал ўзингни ўйла, маънавий-ахлоқий хулқингни тузат! — У мажлисларда ҳеч ким, ҳатто шахсан Хидир Собировичнинг ўзлари ҳам ишлатмаган сўзларни топиб айтаётган, шунинг учун ҳам кўпларни ҳайратга солаётган эди. — Асли ўзинг ёмонсан! — Унинг кўзларида ғолибона нафрат чақнади. — Агар ўзинг яхши бўлсанг, онанг ажалидан беш кун бурун ўлиб кетмас эди, отанг маст-аласт, кўча-кўйда лойга беланиб ётмас эди.

Алланима тарақлади. Ҳамма шу томонга ўгирилди. Бувиражаб эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетган эди.

Ночорликдан, ёлғизликдан титраб-қақшаб бораётган бўлса-да, Бувиражабнинг кўзига ёш келмасди. Шу пайтгача ўзи сира англамаган қасос туйғуси юрагини ёндириб борарди. «Уҳ-ҳ!» — Бувиражабнинг қўли мушт бўлиб тугилди. — Онаси ўлган бўлса, унинг айби нима?» — Шу фикр хаёлига келдию бирдан Бувиражаб ўкраб йиғлаб юборди. Югурганча йўлдан четга — кўздан панага ўтиб ўтирди. Юраги бўшагунча йиғлаб олгач, кўзёшларини артди. Туриб, у ёқ-бўёғига қаради. Қараса, қишлоқ болалари футбол ўйнайдиган майдоннинг бир четида ўтирган экан. Яқин атрофда ҳеч ким йўқ. Ҳа, яхши! Ишқилиб, кўзёшини биров кўрмабди. Баттар бўл, дейиши аниқ эди. Директордан, Эшқобил фермага ўхшаш унинг гунаҳларидан дўзахидан кўрққандай кўрқадиган ҳамма. «Булар керак бўлса шайтонни ҳам йўлдан уришади», дейишади. Бувиражаб ўрнидан турди. Этакларини қоқиб, гўё ҳеч нима бўлмагандай йўлида давом этди.

Сокин, маъсум кеча.

Онаси...

Онаси фермада соғувчи эди. Ҳақиқатан ҳам онасининг ҳурмати

учун Бувиражабни ишга олишган, бу рост гап.

Уч йил бурун Эшқобил ферма мудирликка тайинландию тез-тез уйда жанжал чиқадиган бўлиб қолди. «Фермадан бўша!» — дерди отаси. «Нима, йигирма йиллик стажим куйсинми?» дерди онаси. Улгудай ўр эди раҳматли, эрини еб кўярди. Шўрлик эр елкасини қисиб, бўзрайиб қолаверарди. Кейин ичиб келадиган одат чиқарди. Ароқ магазинда йўқ, қўлда ўн беш-йигирма сўм, униям топган топади, топмаганга палахмоннинг ўқи! Отаси пулни, пулга ароқни қаердан топган — худо билади. Уша, охирги жанжалдан сўнг хотинига у индамай қўйди. Онаси фермадан қайтиб, эрини шилтага ботган ҳолда кўрар, қизариб-бўзариб кетарди-ю, бироқ ҳеч нима дея олмас, аламини Бувиражабдан, унинг укаю сингилларидан олар эди. Бувиражаб бола эмас, ахир саккизинчи синфни битирган пайтлари, эс-ҳуши жойида, унча-мунча гапга балодай ақли етарди.

— Эшқобил бизга мудир бўлиб келди. — Бир оқшом онаси дастурхон устида, гўё анчайин гапни айтаётгандай, шундай деди.

Отасининг қўлидаги қўлида, оғзидаги оғзида қолди. Чой ҳўплади, бироқ томоғидан ўтмади шекилли, пиёлани бир четга ирғитганча ўрнидан турди ва ташқарига чиқиб кетди. Онасининг афт-ангори ўзгарди, овқатини тўкиб еяётган кенжасига ўшқирди: «Қачон одам бўласан? Улмадим — сенлардан қутулмадим!» Кенжатоё йиғлади, қолганлар сергак тортишди.

— Нега анқаясан? Е захарингга!

Бувиражаб тўнғич бўлгани учун ҳам «нима гап ўзи?» деган маънода онасига юзланди. Она кўзини олиб қочди. Шунда унинг томоғидан ҳам овқат ўтмай қолди. Телевизорга қаради. Ҳозиргина қизиқиб томоша қилаётгани — «Оталар сўзи — ақлнинг кўзини ортиқ кўргиси келмаётган эди. Бўшаган касаларни йиғиштирганча ошхонага қараб юрди. Болалар бирин-кетин жойига кириб ётишди. Она мунгайганча ҳамон хонтахтага юзини босиб ўтирарди.

Нимадир юз берган эди.

Гап Эшқобилнинг фермага мудир бўлиб келганидагина эмас, Бувиражаб буни англаб турарди. Ун бешга тўлган қиз эди, ахир! Лекин гап айнан нимада? Ушанда ҳам, кейин ҳам, токи онасининг вафотигача у ҳеч вақони англай олмади. Энди билса...

Онаси билан отаси аввалдан бир-бирини яхши кўришган, олам-жаҳон ваъдалардан сўнг ошиқ армияга кетган. Энди кўнгилдаги гаплар хатга кўчган, яна ваъдалар, «куйдим-ёндим»лар... Аскарнинг хизматдан қайтишига ярим йилча қолганида Самарқандда ўқийдиган Эшқобил студент қишлоқда пайдо бўлади. Қўлида — ўша замон ёшлари орзу қилган магнитофон, лабида — думи сариқ сигарет. Практика ўташ баҳонасида у ёз бўйи фермага қатнайди. Бувиражабнинг бўлажак онаси ўша кезлар соғувчи эди. Эшқобил фермадаги қизларнинг ўртасига ўтириб олиб, олис шаҳар ва ғаройиб студентлик онлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу — Эшқобил деганлари ёшлигида ҳам ўлгудай гапдон бўлган-да. Гапдонлиги туфайли бугун Бувиражабниям енгди. Ушанда эса унинг онасини — Барлоснинг манаман деган қизини гаранг қилиб, кўпдан-кўп маломатга қолдирганда, муроди ҳосил бўлиши билан жуфтатки ростлаган.

Ошиқ армиядан қайтгач, эшитадикки, шунақа гаплар. Ўйлайди, ўйлайди, ахирри, нима бўлса бўлар, деб уйланишга қарор беради. Буни қарангки, айбдор бўлатуриб, маъшуқа «Тегмайман!» дея оёқ тирайди, ошиқ эса: «Тевақол, Эшқобил билан юрганингни ҳеч қачон юзингга солмайман, — дейди. — Бундан буюғига содиқ бўлиб қолсанг — бас». Роса ялинади у. Шўрлик ўзича олижаноблик қилмоқчи бўлган чиқар-да. Охир-оқибатда ёшликдаги гуноҳи касрига кетди аёл. Қон йиғлаб кетди бечора! Узини, Эшқобилни, бу дунёни, шунга қўшиб тенгсиз ҳиммат кўрсатган эрини ҳам қарғай-қарғай кетди шўрлик!

Қиз бола кўз очиб кўргани билан бўлсин-да, дейишади. Жўяли гап бу. Кўз очиб кўргани алдадими — бас, шўрлик умр бўйи ўзини бадбахт ва айбдор ҳисоблайди. Рост бўлса, шундайлар яхши кўрадимми, йўқми, бари бир, кўз очиб кўрганига ҳамиша талпинди, дейишади.

Бувиражабнинг онаси ҳам, афтидан бир умр ўзини эрининг қошида қарздор ҳисоблаб яшади. Бу қарзни на меҳр, на садоқат билан узиб бўлмас эди. Шунинг учундир эҳтимол, эсини танибдикки, Бувиражаб уни ғижиниб, бир нимадан норози бўлиб юрганини билади. Икки гапнинг бирида у еб қўйгудек бўлиб эрига тармашар, аламини ундан олар эди гўё.

Уша оқшом у: «Эшқобил ферма-

га мудир бўлиб келди», деганида эҳтимол отаси биринчи бор аччиқ қилгандир, номуси қўзиб пиёлани ирғитгандир, аразлаб эшикка чиқиб кетгандир? Биринчи бор эҳтимол, ўшанда онаси ичидан зил кетгандир? Юраги ўша оқшом дардга чалинган бўлса не ажаб? Демак, унда қандайдир талпиниш асорати бари бир қолган эканки, эрининг ялиниб-ёлворишларига ҳам қарамай стажи узилишини баҳона қилди-да, фермага қатнайверди. Ҳатто оиласи, бола-чақасиям кўзига кўринмади, шекилли. Ва ёки ўч олиш нияти бўлганмикан? Ким билади дейсиз. Отасининг эса ҳеч нарса билан иши бўлмади қолди. Оқибат нима бўлди денг? Бир куни онаси ит қувган мушукдай фермадан югургилаб келдию ўзини сўрига ташлади. Тугмаларини узиб, кўкрагини уқалашга тушди. Бувиражабга кўзи тушгач, «Сув! Тез сув келтир!» — деди хириллаб. У келтирган сувни ичаман деб бошини кўтарди, кўтарди-ю, қаттиқ ихраб ўзини ерга ташлади. Кўзлари даҳшатли олайиб, тепасига битди-қолди.

Онасининг ўша ҳолати сира Бувиражабнинг кўз олдидан кетмайди. Бир умр қийналиб яшади, тагин қийналиб ўлиб кетди шўрлик. Эшқобилнинг алдагани — бир азоб, отасининг олижаноблиги — минг азоб. Икки гапнинг бирида эрини қарғади-ю, лекин Эшқобил ҳақида бирон марта ёмон гап айтмади. Айтсам Бувиражаб эшитмаган.

Шу гаплардан хабар топгач, тагин Бувиражаб нима учун айнан ўша Эшқобил мудирлик қилаётган фермага ишга ўтди? Ўзи билмайди, нега? Балки онасининг қонидаги ўрлик, ўжарлик унда ҳам бордир?

Ўнинчини битирган кезлари эди. Хидир Собирович уни идорага чақирди. «Онангнинг қарамоғида бўлган сигирлар безга. Биласан, у илғор соғувчи эди. Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Истасанг, унинг ишини ол», — деди. Бувиражаб бу гапни отасига айтди, отаси индамади. Биринчи ойлигини келтириб берганида эса у уч кунга қолдирмай ичиб тугатди. Шундан кейин Бувиражаб отасига бир тийин бермай қўйди, ўзи йиғиб тежамкорлик билан рўзғорга сарфлайдиган бўлди. — Бувиражаб!

Бувиражаб чўчиб тушди. Ортига ўгирилди. «Шукрулло?» Мунгли дили баттар ғамга ботди. «Бунга нима экан? Тошини термайдими, ахир». Бувиражаб йўлида давом

этди. Шукрулло келиб ҳансираганча ёнма-ён юра бошлаганида ҳам индамади. Бир муддат шу тахлит кечди. Кейин Бувиражабнинг юраги қисила бошлади. Нега орқасидан эргашиб юрибди бу? Нега индамай кетяпти? Тилсиз!

Шукрулло ўша фермада молбоқар бўлиб ишлар экан. Бир йилдан бери у Бувиражабнинг изини пойлайди, бир йилдан бери соядай эргашиди унга. Бувиражаб аввалага кулди, кейин ғаш келди, ахйри эътибор бермай қўйди. Яхши кўриши аниқ. Майли, молбоқар бўлса ҳам, ё тегар, ё тегмас. Лекин бир йигитнинг ортингдан эргашиб юриши... яхши экан-да! Қайси қизга ёқмайди бу?! Аммо... яхши кўрадиган йигит, агар йигит бўлса, келиб шундай-шундай демайдими? Шукрулло эса шунча вақтдан бери ҳали бирон марта бу ҳақда оғиз очгани йўқ. Умуман, Бувиражабга дуч келиб қолса қалтирайверади. Бўшбаёв! Лапашанг! Нима, Бувиражабнинг ўзи бориб бўйнига осилсинми? Фермадаям, қишлоқдаям айрим қизлар йигитлари билан юришади, туппа-тузук, одамга ўхшаб. Шукрулло эса... Бувиражабнинг ҳар бир сўзини буйруқдай бажаришдан бошқага ярамайди. Бувиражабга биркитилган ўн беш сигирнинг таги доим тоза, охури емешига тўла. Бувиражаб баъзан эзиш учун Шукруллонинг ишидан камчилик қидиради. Топса, йигитни чақиради. «Мана бу юмушларни яхши бажармасиз», дейди. Шунда ҳам Шукрулло индамасдан унинг айтганини қилади-да, ортиқча бир гап айтмай жўнаб қолади. Йигит деган мундай тўлиб-тошиб юрса, қиз бола унинг қошида қалтираб, юрагини ҳовучлаб турса-да. Бувиражаб ана шунақа жўмардга йўлиқишни истарди. Эҳтимол, ҳар қандай қиз ҳам шуни хаёл қилар. Турмуш ўртоғини бўйсундиришни эмас, балки унга бўйсуннишни истар. Йўлиққани шунга қодир эмаслигини билган заҳоти ранжир, аста-секин жиловни ўз қўлига олишга ҳаракат қила бошлар?

Бувиражабнинг отаси ҳам итоаткор эди, хотинни бўйсундириш қобилияти бўлмаган унда. Шунинг оқибатида онаси жаҳлга миниб юрган. У киши, агар севгани Эшқобил билан дон олишганлигини билган заҳоти ундан воз кечганида, балки бу аёл бир умр унга сажда қилиб ўтармиди? Яхши кўргани хиёнат қилганлигини кўра-билатуриб, «Кечираман, уйланаман!» дейиш... Бувиражаб кейинчалик шуни англадики, ўшанда отасига розилик бе-

риб қўйгани учун, оёғини тираб туриб олмагани учун онаси бир умр ўзини қарғаб яшаган. Ўзига қўшиб эрининг ҳам гўрига ғишт қалаган. Аслида-ку, у шўрликни мажбур қилишган: «Эшқобил қочиб кетди, энди шундан бошқа сени олмайди, тег», дейишган. Иложи қанча, ортида бўй етган сингиллари турибди, уларнинг бахтини боғламайин, деб... Хуллас... Шукруллода ҳам отасининг феъли бор. Жўмард бўлса экан! Қани?! Қани ўшанақа йигитлар?! Барлосда, масалан, шунақаси йўқ.

— Нега соядай эргашиб келяписиз? — деди Бувиражаб ниҳоят шартта тўхтаб.

— Узим... шундай... сизни кузатиб қўяй деб...

— Мени бўри емайди, ўзим кетавераман! Мажлисиздан қолманг! — Бувиражаб кескин бурилиб, йўлида давом этди.

— Бувиражаб! Тўхтаган!

Бувиражаб тўхтамади.

— Бувиражаб! Мен сизни яхши кўраман!

Бирдан Бувиражабнинг кўзларига ёш қуюлиб келди, лекин шу заҳоти куч билан ўзини тийди: «Керак эмас!»

— Яхши кўрсангиз, нега мажлисда мени ҳимоя қилмадингиз?

Бувиражаб тўхтаб, тагин Шукруллога шашт билан ўгирилди.

— Билмасам... мен... нима дейишим керак эди?

— Билмасангиз... боринг, билиб келинг. — Бувиражаб уйларига етиб келган эди, Шукруллони лол қолдириб, ичкарига кирди-кетди.

Укалари телевизор кўриб ўтиришган экан. Одатдагидай, отаси кўринмайди. Етти яшар кенжатови бир бурчакда — йиғлаётир. Бувиражабнинг ўпкаси тўлиб кетди, меҳри товланиб, укачасини қучоқлади-да:

— Нимага бунини урдиларинг? — деб сўради.

— Ҳеч ким ургани йўқ, ўзи йиғлапти, — деди ўнинчи синфда ўқиётган Худоёр.

— Қорнинг очдимми, а? — Бувиражабнинг ичи ачишиб, укасининг кўзёшларини кафти билан артди. Сўнг синглиси Бувоёшга ўгирилди: — Чой дамлаб кел.

Онасининг вафотидан кейин уйда Бувиражабнинг ҳар бир сўзи қонунга айланган эди. Синглиси ўрнидан туриб, ошхона сари юрди. Бувиражаб бошқа укалари ҳам тамшаниб ўтиришганлигини пайқадию: «Бирон нима едиларингми ўзи?» — деб сўради. Ҳаммаси бирваракайи-

га «йўқ» деган маънода бош чай-қашди. Телевизорга термулиб ўтирган Худоёр:

— Нон қомапти, — дея тўнғил-лади.

— Вой, ўла-ай! — Бувиражаб кенжатоини ерга қўйиб, тахмонни кўрди. Худоёрнинг гапи рост эди. — Ҳа, мажлислари қуриб кетсин-а! Қўшнидан сўрамадиларингми?

— Ўзларида битта қолган экан.

— Вой, ўла-ай! — Бувиражаб супрани очиб, хамир қоригга тушди. — Ҳозир сизларга қотирма қилиб бераман. Бувойша, қозоннинг тагига ўт қалагин.

Бувиражаб сал нарсага йиғи-сиғи қилиб, тўмтайиб ўтирадиган қизлар хилидан эмасди. Ҳар қандай шароитда ҳам у иложи борича имкон қидирар эди. Мажлисдан гарчи хафа бўлиб чиққан эса-да, ҳозир фақат укаларини, уларнинг қорнини тўйдиришни ўйлар, кўнгли ёришиб борар эди.

«Ҳар қалай, ёнимни оладиган одамлар ҳам бор экан-ку! Шукрулло: «Нима дейишим керак эди?» — деб турибди-ку ана, — Бувиражабнинг кўзлари чақнади. — Тўғри-да, нима десин? Эшқобил фермага ташлансинми? Ё бўлмаса, «Бувиражабни мен яхши кўраман!», деб жар солсинми? Ҳа, йигити тушмагур-а! Аваз акадан бошқа бирон киши ёнимни олишга журъат этмади-я. Шукрулло эса...» — Бувиражаб унинг соддадилларча термулишини кўз олдига келтирди, жилмайди, рости, меҳри ййиб кетди. Унинг қарашлари кўнғилга яқин, қандайдир азиз туюлар эди. Шўрлик шунча вақтдан бери журъат қилиб бир оғиз гап айтолмай юрган экан-да. Бугун Бувиражабнинг энг тушкун дамларидан бирида ёнига келди, унга далда берди. Унча-мунча йигит кўнғил қўйган қизи шунақа бетга-чопарлик қилса, ундан юз ўгириб кетади. Бувиражабнинг эшитишича, Шукруллони ҳам ота-онаси койган: «Бувиражабнинг кўй, таглижойли одам ўзига ўхшаган қизга уйланади», дейишган. Бувиражаб бўш-баёв деб билган Шукрулло эса: «Шундан бошқага уйлансам отимни бошқа қўяман!» деган, ҳатто отасига гап қайтарган. Улар ҳам бўш келишмапти: «Уни олиб берсак, ҳаммамизни уйдан қувиб чиқаради-ку!» дейишипти. Шунда Шукрулло: «Э-э, уни билмас экансизлар. Бувиражаб тилла қиз! Одамлар айтаверади-да. Ёмон бўлганида қиз боши билан бутун бир оилани бошқара олармиди?», деп-



Расмларни Ҳ. Зиёхонов ишлаган.

ти. Узунқулоқ шу гаплар етиб келганида Бувиражабнинг бўйи бир қарич ўсган, энди келиб у севги изҳор қилади, деб ўйлаган. Шукрулло эса шундан кейин ҳам Бувиражабга оғиз очмади, дуч келганда унинг мунғайишини кўриб, «шу гаплар ҳам ёлғон бўлса керак», деган ўйга борди. Бундан қарангки, кесакдан ўт чиқди: Шукрулло уни севар экан!

Севар экан!

Севар экан!!!

Бир ҳисобда ҳар қадамда минг битта ваъда бериб, сал нарсаса йиғлаб юборадиган йигитлардан Шукруллонинг ўлса ўлиги ортиқ! Унчамунчага индамайди, мақтанмайди, лекин Бувиражаб қийин аҳволга тушиб қолсами, — унинг шунга жуда-жуда ишонгиси келар эди, — Шукрулло кўкрагини қалқон қилади. У мард, олижаноб йигит! Шунинг учун ҳам қизларнинг унчамунча қочиримларига парво қилмайди. Шукруллони лапашанг деганларнинг ўзлари лапашанг. Унинг кимлигини Бувиражаб энди англапти. Бекорга хафа қилди боя. Ҳечқиси йўқ, эртага гаплашади.

Бувиражаб то қозонга ёғ солиб доғлагунча, доғлаб қотирмани пишириб олгунча бор ғамини унутди ва қушдай энгил тортди. Қип-қизил қотирмаларни кўтариб келганда хонтахта атрофида укалари қушдай тизилиб ўтиришар эди. Бувойша сариеғ келтирди ва улар маза қилиб овқатланишди. Ухлайдиган вақт бўлганда Худоёр одатдагидек, ўз жойига — олма остидаги каравотга кетди. Кенжатоё эса унга суйқалди:

— Мен сиз билан ёта-ай!

— Майли, юрақол! — Бувиражаб кенжатоёни етаклаганча ўзлари ётадиган хонага кирди. Уйлари икки хонадангина иборат, шунинг бирида қизлар, иккинчисида эса эркаклар ётар эди. Ёз, кечалар ҳам иссиқ эмасми, Худоёр ҳовлига кўчиб чиққан, отаси эса ичиб келиб, ярим тунда кенжатоёни уйғотиб оладиган одат чиқарган эди. Шу қилиғи учун Бувиражаб бир-икки марта отасига ачиқ-чучук гап айтган пайт ҳам бўлди... Бу хонадон Барлосдаги энг камбағал оилалардан бири ҳисобланар эди. Оила бошлиғини ҳамма бебарака дерди. Балки онаси шунинг учун куйиб кетгандир? Чунки ўқишни битириб келгач, Эшқобил сердаромэд жойни эгаллади, дангиллама тўй қилиб уйланди. Қанақа қимматбаҳо матоҳ чиқса, Барлосда аввал Эшқобилнинг тасқара хотини, сўнг бурни

оққан қизлари кияди. Онаси шўрлик читдан бошқа матони кўрмай ўтди. Бувиражаб ҳам нафсини тийишга, заҳмат чекиб пул йиғишга, укаларини одам қилишга мажбур. Топгани кунлик емишга, одамгина кийимга аранг етади. Яқинда Худоёр: «Юз сўм беринг, жинси оламан», деб қолса бўладими! Йўқчилик қурсин-да. Бахтларига битта сигирлари бор, Бувиражаб фермага ўтдио унча-мунча емиш ташиб, ўлар ҳолдаги шу молни сақлаб қолди. Кунларига яраб турган ҳам шу.

Барлос фермаси кони хазинада. Кўпчилик ўзини шу ерга уради. Шунинг учун соғувчини ҳам, молбоқарни ҳам танлаб олишади. Бувиражабни эса онасининг ҳурмати учун қабул қилишди. Йўқса, ишга ўтман деган сон мингта эди.

Отаси одатдагидай жуда кеч қайтди. Кенжатоёни уйғотиб, бир нималар деди. Кенжатоё тўнғиллаб, ўгирилиб ётди. Кейин даҳлизда бир нима тарақлади, афтидан, отаси сув ичмоқчи бўлиб пақирни ағдариб юборди. Кейин сўкинганча ташқарига чиқди, қайтиб кирди ва нариги хонага ўтди, ўғли жойига ўтмаганлигини кўрди шекилли, қайтиб буларнинг хонасига кирди, чироқни ёқди. Бувиражаб кенжатоёни бағрига босганча, ўзини ухлаганга солди. Отаси каловлиниб қолди, ғудранди, сўнг чироқни ўчирди-да, даҳлизга чиқди. Отаси ёмон одам эмас, ҳаддан ташқари оққўнғил. Қиз қуриб қолганлигидан эмас, оққўнғиллиги туфайли, гарчи ўзига хиёнат қилган бўлса-да, ўша жувонга уйланган. Жувон эса эрининг шу оққўнғиллигини кўтара олмаган. Шукрулло ҳам бўшбаёв, оққўнғил йигит...

Шукрулло...

Қандай кун бўлар экан эртага? Қандай? Тезроқ тонг ота қолсайди.

Эрталаб ортиқча гап-сўзсиз сигирлар соғилди. Лекин кечқурунга бориб Бувиражаб аламидан нима қиларини билмай қолди. Сигирларнинг таги тозаланмаган, емиш солинмаган. Шукруллони далага — сомонга жўнатиб юборишти. Урнига қолган Бойқул молбоқар эса елкасини қисиб, «Нега энди Шукруллонинг ишини мен қилар эканман?» — деди-да, бурилди-кетди.

Жамики кўнғилсизликлар шундан кейин бошланди. Бувиражаб иш билан бўлиб, ҳеч вақони пайқаманган, асли тонгданоқ соғувчилар ундан ўзларини четга олишган

экан. Дам олиш хонасида у Урозгул опа соғувчиларни йиғиб, гурунг бериб ўтирганининг устидан чиқди, қизлар бирпас жим бўлиб қолишди. Кейин Урозгул опа гапни буриб кетди. Шунда Бувиражаб унга-бунга қараб, кимга нима деярини билмай, бир четга ўтиб, қўлига газета олди. Ушандаёқ гап ўзининг устида бораётганини сезди, бироқ ҳеч нима қилолмади. Унга алам қилган шу бўлдики, йил бўйи у ферма мудири, гоҳ совхоз директори билан шу соғувчилар ҳаққи олишди. Мана шу дам олиш хонасини ҳам у безор қилиб юборгач, очиб беришди аслида. Айнан Бувиражаб роса олишгач, қизларнинг ойлигини ҳам кўтаришди. Кечаги йиғинда у бор гапни айтди. Манавилар унинг ҳақлигини билишади. Урозгул опа мажлисларга кетганида минг марта уни қарғаб, гўрига ғишт қалаб, сигирларини соғишар эди. Қайтиб келиши билан мум тишлаб олишади. Бу ҳам майли, тагин унинг ёнини олишади, унинг гапини маъқуллашади. Асли шуларни деб куйиб-пишган Бувиражабнинг ўзи аҳмоқ! Мана, моховдай бўлиб четга чиқди-қолди.

Бувиражабга нима етишмайди?

Фермада қайта қуриш қилиш битта унга керакми?

Ферма мудири унга қарши, совхоз директори қарши, райком вакили шуларнинг гапини маъқулласа... Қанақа одам ўзи булар?!

Шу кундан бошлаб Бувиражабнинг сигирлари сутини алоҳида текширадиган, сув қўшган-қўшмаганлигини аниқлашга уринадиган бўлишди. Бир куни у сигирларига рациондагидан кўп ем берган экан, шу аниқлани ва бу гап бутун қишлоққа овоза бўлди. «Мана энди Бувиражабнинг танобини тортишди», — дейишарди ҳамма. Нима эмиш, «Урозгулга — депутатга, делегатга бекорга осилмаган, унинг ўрнини олмоқчи бўлган», эмиш. Кейин бу гаплар тинчиди. Чунки Бувиражаб унинг иштирокида қайтадан текшириш ўтказишларини, ферманинг ҳужжатларини бошдан-оёқ тафтиш қилишларини талаб қилди. Қарасалар, иш катталашадиган. Шукруллони огоҳлантиришди-да, ишни «бости-бости» қилиб қўя қолишди. Шундан кейин Барлосда янги гап қўзилади: Бувиражаб билан Шукрулло бир жойда ишлаб, номақбул кирдикорлар билан машғул эмиш. Барлос ёшларига ёмон таъсир кўрсатаётган эмиш...

Хуллас, ўша йиғиндан сўнг ёшу қарининг тилидан Бувиражаб туш-

май қолди. Даставвал Бувиражабнинг ёнини унча-мунча олганлар бўлса-да, «У Шукруллонинг бошини айлантираётган эмиш», деган гап чиққач, орқаваротдан уни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга урадиганлар кўпайди. Албатта, бу фиқсу фасод Бувиражабга ҳам етиб келди. Аввалига у «мишмиш»дан устун туришга уринди, кўпчилик бараварига қўлини бигиз қилгач, кимнинг ёқасидан оларини билмай қолди. Шукрулло эса... Бувиражаб шўрлик йигитни ўзига яқин йўлатмай қўйди, уни бошқа бригадага ўтказинглар, деб талаб қилди. Аввалига Бойқулни Шукруллонинг ўрнида ишлатиб юрган бўлса, Эшқобил ферма энди Бойқулни далага — сомонга жўнатди. Шукрулло билан ишлайсан, сенга берадиган бошқа одам йўқ, деб туриб олди. «Хоҳласанг шу, хоҳламасанг тўрт тарафинг қибла!» Э, боши қотиб қолди Бувиражабнинг. Жуда қийин бўлди-да унга!

Шу тахлит орадан йигирма кун ўтди.

Сигир соғаетган пайти Бувиражаб Шукрулло атрофида гирдика-палак бўлишини сезиб, гижинар эди. Шунча гап-сўз камми? Ҳайронсан, гап кўпайган сари йигит-башара бу гунг унинг ёнидан кетмайдиган одат чиқарди. Ҳайдаб кеткизолмайди-е! Қачон қараса, Бувиражабга термулиб тургани турган.

Бувиражаб минг ўйга бормасин, Шукрулло айниб кетиб қолмаётганидан севинар эди. Баъзан шунақа дамлар бўлардики, йигитнинг бағрига ўзини отгиси, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди. Биронта ҳимоячинг, жилла қурса, ёнингда турадиган одамнинг бўлмаса қийин экан! Лекин алам қиларди: Шукрулло билан «юриш» у ёқда турсин, тузукроқ гаплашмасларидан шунча маломат! Бу «гунг» эса телба муҳаббати билан Бувиражабни адоийтамом қиляпти. «Юриб» туриб гап эшитсанг, «Ҳа, шундай бўлган», деб ўзингга тасалли берасан...

Шукрулло томоқ қирган киши бўлиб, Бувиражабнинг у ёқ-бу ёғидан ўтди. Бувиражаб сигир соғаверди. Шукрулло яна томоқ қирди, охурга қараган киши бўлди. Тимирскиланди. Сигирнинг сuti қуриган эди. Бувиражаб аввалига соғишни давом эттираётгандек кўрсатди ўзини. Кейин «Мен нега индамаслигим керак?» деган ўйга бордию шартта ўрнидан туриб сut тўла пақирни қўлига олди.

— Бувиражаб!

Қизнинг аъзойи-бадани қандайдир роҳатли оғриқдан титраб кетди. «Бувиражаб!» — Шунчалик меҳр билан, ҳаяжон билан айтилган эдики, бу исм!..

— Мен сизни... яхши кўраман, Бувиражаб!

Бувиражаб ялт этиб ўғирилди. Шукрулло ана шу гапни айтишга бир йил тайёрланган, бироқ айтолмай бир йил қийналган ва ниҳоят айтган, айтиб бирдан енгил тортганча жавоб кутиб турган эди. Шукруллонинг кўзлари умидвор, ҳатто шу пайтгача Бувиражаб ҳам пайқаманга ажиб ёниқлик билан термулиб турарди. Бу кўзлар... Бувиражабнинг аламлари, ғашликлари бир зумда тарқади. Қувончдан, кўпдан-кўп ситам ва хўрликлар сўнгигадаги қувончдан йиғлагиси келди. Қўлидаги пақир сирғалиб туша бошлаганини ҳатто ўзи ҳам пайқаманга. Яхшиям, Шукрулло кузатиб турган экан... Пақирнинг дастагидан тутаетганида йигитнинг қўли унинг кафтига тегиб кетдию қиз орзиқди. Йўқ, кўзёшини у душмани уёқда турсин, дўстига ҳам кўрсатмайди ҳатто. Бувиражаб йигитнинг қарашларига бардош беролмай, кўзларини пақирга тикди. Энтикди — умрида илк дафъа... Доим кўзлари тўқнаш келса Шукрулло ерга қарар эди. Ҳар қанча гунг бўлмасин, бари бир йигит йигит экан-да! Йигит бари бир қиздан устун экан-да!

Бувиражаб куч билан бошини кўтарди. Шукруллонинг нигоҳи шу қадар илик, шу қадар самимий эдики, у...

— Сиздан жавоб кутяпман, Бувиражаб!

Бувиражаб жилмайди. Балки ўша йиғисидан бери биринчи марта чин дилдан яйраб жилмайшидир бу! Шунинг баробарида ўзини қўлга олди у.

— Совчи юбораверайми, Бувиражаб?!

— Пақирни беринг.

— А?!

— Пақирни беринг, сутини тўкиб келай.

— Ҳозир! — Шукрулло югуриб борганча сутни бидонга ағдарди.

Бувиражаб унинг ортидан меҳр билан термуларкан, бирдан сергак тортди: соғувчиларнинг ҳаммаси уларни кузатиб туришар эди. Уҳ-ҳў! Бувиражабнинг ранг-қути ўчди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. Ўзини орқага олиб, охурга суянди. Сигир «нима гап?» дегандай унга тумшугини чўзди.

— Нима гаплиги билан нима ишинг бор? Ҳе ўл! — Сигирнинг тумшугига у бир мушт туширди.

«Айтмасанг айтмай қўя қол!» — Сигир аразлаб, калласини силкиганча четга ўғирилди.

— Сен бир мол бўлсанг, гапга тушунармидинг! — Бувиражаб йигит келтирган пақирни олиб, сигирни соғишга тушди, шунда у ҳамон кимдир ўзларини кузатаётганини пайқайди. Аччиқланди. Аччиқланиш баробарида Шукруллонинг гапини эслади: «Мен сизни яхши кўраман, Бувиражаб!»

«Қанақа қилиб яхши кўраман?! — Бувиражабнинг юраги орзиқди. Шундай омон-омон кунларга етармикан?! Ишқилиб етсин-да!» Кундан-кунга у тажанглашиб боряпти. Сал нарсанга дуч келган одами билан ёқалашишга тайёр. Сўнгги кунларда укаларини ҳам кўп хафа қиляпти. Отаси билан икки марта уришиб олди. «Ун сўм бериб тур» деган эди, уники тутиб қолди. Пул бермагач, отаси сўкинди. Бувиражаб аламдан укаларини урди. Хуллас, ишлар чатоқ... Қайси кун бир дугонаси ўзига олов қўйиб юборипти. Унингчини битиргандаёқ эрга бериб юборишган эди. Яқинда туғруҳхонадан қайтган, рўзғор ташвишларига унча ярамай турган пайти экан, қайнонаси: «Ағанаб ётаверади бу, эшакка ўхшаб», деб ўғлига ёмонлапти. Ўғли ҳам эркаклиги тутиб, чилласи чиқмаган хотинни урипти. Хотин «ана бўлмаса» деб ичкарига кириптида, устига керосин қуйиб, гугуртни чақиб юборипти. Қайнонаю ўғилни-ку, ўша заҳоти олиб бориб тиқишипти. Уртада чиллални гўдак чиқираб етим қолипти. Ушандан бери баъзи-баъзида Бувиражабнинг хаёлига ҳам шунақа нохуш ўйлар келади. Ўзини ўлдирсаю ҳаммасидан қутулса, ферма мудирюу парткомни, директорни олиб бориб қамашса. Булар билан тириклайин олишолмайди у, Бувиражабда куч қаерда?..

Ўз жонингга қасд қилиш — тўғри эмас! Бувиражаб ўзига ўзи ақл бўлишга уринарди. Уринарди-ю... Дугонаси ўзига ўт қўйганидан буён бир ҳафта ўтди. Бир ҳафтадан бери унинг кўзига нуқул олов кўринади. Баъзан ўзининг ёнаётган ҳолатини тасаввур қилади. Кейин суд. Қора курсида Эшқобил ферма, Ҳамроқул Бозорович, Хидир Собирович. Судья ҳукм ўқийди: «Унисиям, бунсиям, учинчисиям — отилсин!» Бари бир, бари бир... битта қўймай қириб ташлашганда ҳам аслида нима ўзгаради, Бувиражаб-

га нима фойда? Ахир, ўлган бўлади-ку у! Ўлган бўлади-я!.. Тупроқларга қоришиб ётган бўлади. Оғзи, кўзлари тупроққа тўлади. Даҳшат! Нега энди ўлиб кетавериши керак экан?! Бунда-ай ўйлаб қараса, асли шу дунёда борлиги, яшаётганининг ўзи катта бахт-ку. Онаси ўлгач, бошига кўп ташвишлар тушди, бу — рост, лекин Бувиражаб деган қиз бор-ку, шу дунёда яшайпти-ку! Қанча гап-сўз бўлмасин, отаси онасига уйланган, кейин Бувиражаб дунёга келган. Модомики шундай экан, яшашга, яхши яшашга уриниши, курашиши керак энди. Ахир, турмуши ночор бўлса... Аблаҳлар! Қайта қуриш, деб ёзишди, кўзбўямачиликларга қарши курашамиз, дейишди. Аслида ҳаммаси эскича. Кўзбўямачилар аллақачон топталиб, ер билан яксон бўлиш ўрнига... Бувиражаб топталаяпти.

Қачон ҳақиқат бўлади? Қачон?! Йўқ!

Бувиражаб ҳеч қачон ўзига олов қўймайди. Аҳмоқлик бу! У курашади! Аммо қандай қилиб? Нима деб, нима учун курашади? Газетага ёзса-чи? Ай-й! Нечтаси ёзаяпти ҳам, натижа йўқ. Қайтага ўзлари «ёзғувчи» деган номни олишяпти. Қанчадан-қанча текширишлар бўлди. Биронтасида директорга айб қўя олишмади.

Нима қилиш керак? Катталар ҳам Хидир Собировичнинг ёнини олишяпти. Нима бало, ўзига ўт қўйишдан бошқа чора йўқ, шекилли! — Бувиражаб сесканиб кетди. — Туф-э!

Яхшиям, бахтига Шукрулло бор экан.

«Мен сизни яхши кўраман, Бувиражаб!»

Бувиражаб хўрсинди. Меҳр билан: «Ҳа, яхши кўрмай ҳар бало бўл. Мени олиб нима барака топардинг? Нуқул ғавгога қоласан», деб хаёлидан ўтказди, кейин атрофига кўз югуртирди. Шукрулло сал нарида гўё иш билан машғулдай айланиб юрар, тез-тез бу томонга қараб қўярди. Э, нима бўлса булар! Таваккал!

— Ҳўй, буёққа кел!

Бувиражаб ялт этиб қаради. Сал нарида қаердандир пайдо бўлиб қолган Эшқобил ферма Шукрулло-ни бош бармоғи билан имлаб чақирарди. Авзойи бузук. Бувиражабнинг аъзойи-бадани титраб кетди. Салгина қувонганингни ҳам кўролмайди булар. Қаёқдан кела қолди бу бало?!
— Бу нима қилганинг? — Эшқобил ферма сигирларнинг тагига

ишора қилганча Шукруллога дўқ урди.

— Тозалайпман-ку!

— Гап қайтарма. Нима лаллайиб туриш бу? А? Ҳўй, сендан сўраяпман, сендан!

— Нима қилибман?! Мана, ишла...

— Гап қайтарма, дедим сенга, нокас! Тилинг чиқиб қолдими ҳали? Сен нега бировнинг сигирига кўпроқ, бошқасиникига озроқ ем соляпсан, а?! Бу ишинг ғирт жиноят эканлигини биласанми ўзинг, хомкалла!

— Туртманг! Нега туртасиз?!
— Бор, кет фермадан! Ишдан бўшатдим сени!

Алланима тарақлади. Бувиражаб ўгирилиб қаради: Шукрулло қўлидаги белкуракни иргитганча шашт билан кетиб борарди. Об-бо! Мана, бу шўрлик ҳам Бувиражаб туфайли биринчи калтакни еди.

Бувиражаб бўшашиб қолди. Йиғлагиси келди: «Нима керак экан бу одамларга?! Нега энди уни қўйиб, Шукруллога ёпишади, а?!»

Эшқобил ферма ҳам шашт билан ташқарига йўл олди. Бувиражабнинг ёнидан у қовоқ-тумшугини солиб ўтди.

«Ҳе, ўл раҳбар бўлмай! Қиз бола билан олишмай ҳар бало бўл! Қирғин келсин сенга!» — Бувиражабнинг кўнгли ўксиди. Қўлларидан дармон кетди. Сигирларини ҳам ҳаммадан кейин соғиб бўлди. Халатини ечишга бораётганида соғувчиларнинг бари ферма ҳовлисида кетишга тайёрланиб туришар эди. Соғувчиларни ташийдиган автобус шофёри бир соатига, бир Бувиражабга қараб қўйди. Шошлаяпти. Соғувчиларнинг ўртасида Урозгул опа, гап бераяпти десангиз. Одатдагидай. Бувиражабга қараб у бир чимирилди-да, яна гапида давом этди. Ана шу чимирилишнинг ўзи уни адоий-тамом қилди. Нега булар бунақа қилаверади, а? Боя ўйнаши ёнидан: «Одаммисан?», демай ўтди. Аламини Шукруллодан олди. Буниси эса...

Бувиражаб кийим алмаштирадиган хонага кириб, халатини ечди. Тамом бўшашиб, дармони қуриганча деворга суяниб қолди. Хонада ўздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Шу чоғ эшик секин очилди ва кимдир кириб келди. Бувиражаб соғувчилардан биридир деган ўйда бошини кўтариб қарамади ҳам.

— Бувиражаб!

— Эҳ! — У чўчиб бошини кўтарди. Ичкўйлақда экани ёдига тушиб, халатини олганча кўкрагига босди. — Шукрулло?

Кўзлари ёнганча Шукрулло унга сари келар эди. Бувиражаб ўзини йўқотди. Ортига чекинди ва беихтиёр деворга суянди. Кўзларини чирт юмди. Икки елкасига иккита «чўғ» теғди ва кафтларини қиздириб юборди. Шунинг тафти аъзойи-баданига уриб, эриб кетди у. Бошини йигитнинг кўкрагига ташлади ўкраб йиғлаб юборди. Ўзини тўхтатишга уринар, бироқ ўпкасини боса олмасди.

— Бувиражаб, менга тегинг! Сизни бу аблаҳлардан ўзим ҳимоя қиламан! Ҳаммасини кўриб-билиб турибман, Бувиражаб! — Шукрулло кўкрагига сингиб бораётган Бувиражабнинг елкаларини авайлаб силаганча шивирлар эди. — Мени булар мўмин-қобил деб ўйлашади, Бувиражаб! Мен буларга мўмин-қобил қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман ҳали! Йиғламанг, Бувиражаб! Бувиражаб, йиғлама! Йиғлама! Ўзингиз... ўзингни бос, Бувиражаб!

Бувиражаб йиғи аралаш бир муддат бошини кўтарди ва Шукруллонинг кўзларида илгари сира ўзи илғаманган қатъиятни кўрди. Унга ишонди. Юраги баттар тўлиб кетди. Айниқса, «сен»лаб, «ўзиники» қилиб гапиргани қизни тоза эритиб юборди ва у бошини яна йигитнинг кўксига ташлади.

— Шошмай турсин ҳали бу онангни кўргирлар! — Шукрулло метиндай қўллари билан уни бағрига тортди.

Ажабо! Йигитнинг ҳатто сўкиниши ҳам Бувиражабга ёқар эди. Сўкиниш йигит кишига ярашар экан-да! Айниқса, сени — ҳар томонлама яқкаланган қизни ҳимоя қилиб турса. Шукрулло яна бир нималар деди, аммо энди Бувиражаб учун унинг нима деяётганлигининг аҳамияти йўқ эди. Ўзини бутунлай унинг ихтиёрига ташлади... Шу алфозда қанча туришди — билмайди, бир пайт шарақлаб эшик очилди-да, Бойқул молбоқар ичкари кирди.

— Э, манавиларнинг туришини! — деди у бақуриб. Шу чоғ яна киминдир товуши эшитилди. Молбоқар унга қарата шанғиллаб деди: — Ўтиб кетаётсам, қиз боланинг йиғиси, йигитнинг ғўнғир-ғўнғири қулоққа чалинди. Бунда-ай, эшикнинг тирқишидан қарасам, иккови қип яланғоч, чалкашиб ётишпти. Туф-э! Ферманям расво қилдиларинг, нас босганлар, деб икковини судраб чиқай дедим-у...

Эшикдан бирин-сирин соғувчилар, хизматчилар, ниҳоят, хўмрайганча Эшқобил ферма кириб

келди. Шукрулло билан Бувиражаб бир-бирини қўйиб юборганча ҳанган бўлиб туришар эди.

— Нима гап? Тагин нима гаҳо? — Эшқобил ферма ўшқирди. Кейин Шукруллога ўгирилди. — Сен бу ерда нега сангиб юрибсан?

— ...қулоқ солсам, — давом этди Бойқул молбоқар, — Бувиражаб йиғлаб, Шукруллога тармашяпти: «Мен энди шарманда бўлдим, қорнимда уч ойлик болам бор», дейди. «Кимдан?» деб сўради Шукрулло. Кейин Бувиражаб бир балолар деди, эшитмадим. Сизларни чақирай деб...

— Ифлос! — Эшқобил ферма Шукруллога қараб вишиллади. — Сенларнинг касофатларингга фермадан барака кетди. Уласанларми шу ишларингни сал нарироққа бориб қилсаларинг? Жой топилмай қолдими, а?!

Нега бунча ҳақорат? Ҳеч нарса, ҳеч гап бўлгани йўқ-ку, ахир! Шу вақтгача карахт бўлиб, тошдай қотиб турган Бувиражабнинг вужудида титроқ турди. Нимадир демоқчи эди, аламининг зўридан тили калимага келмади. Тамшанди. Ёқасини тутмоқ ниятида қўлини кўтарди, шундагина бор-йўғи ичкўйлақда эканлигини англаб етди. Ногоҳ Шукрулло айниқдай айқирди, қўлида алланима йилтираб кетди, у Эшқобил фермага ташланди. Эшқобил ферма чап берди. Чап бературиб, Шукруллонинг қўлига тепди. Пичоқ бир четга учиб кетди. Қий-чув, дод-фарёд кўтарилди. Одамлар Шукруллони қўлидан тутти, сўнг муштрай бошлашди, қўлларини орқасига қилиб боғлашди ҳам.

— Чиқ ҳамманг автобусга! — Эшқобил ферма буюрди. — Директорга борамиз. Ё биз ишлайлик, ё Бувиражаб! Уйнашини мелисага топширамиз. Пичоғини олдингми? Ҳамманг гувоҳсан! Ҳа, ойимча! Қилғиликни қилиб қўйгандан сўнг жавобини ҳам беринг. Ё қочиб қолмоқчимилар?

Дераза раҳига юзини босиб турган Бувиражаб бошини кўтарди. Қизарган кўзларида йиғи йўқ эди, ҳатто кўрқинч ҳам. Нафратга тўла кўзларини у Эшқобил фермага тикканча эшикка томон юрди. Қўлини белига тираганча тиш қайраб турган Эшқобил ферма беихтиёр тисарилиб, унга йўл берди. Атайлаб чақиришганми, тасодифми, ҳар қалай, идора олдида Норқул мелиса турган экан, Шукруллони ўшанга топширишди. Директор ҳам, партком секретари ҳам, бошқа катталар ҳам шу ерда экан. Шу-

ларнинг олдида Бойқул молбоқар ҳалиги гапларни яна такрорлади. Гувоҳлар эса тасдиқлашди, сўнг тушунтириш хати ёзишга тушишди. Эшқобил ферма рапорт тайёрлади.

— Бувиражаб, сен нима дейсан? — Хидир Собирович қизга ўгирилди.

Жанжал бошлангандан бери «гунг» бўлиб юрган Бувиражаб сесканиб тушди. Гарангсиб директорга юзланди.

— Шу гаплар ростми? — Хидир Собирович мулойим оҳангда, ўзига жуда яқин олиб сўради.

— Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон! — Бувиражаб беҳол шивирлади. — Ҳеч қанақа болам йўқ менинг! — У тушунтириш хати ёзаётган Бойқул молбоқарга ташланди-да, бор кучи билан шапалоқлаб тортди. Бойқул молбоқар полга ағдарилиб тушди. — Уғри! Эшқобилнинг исковуч ити! — Бувиражабнинг кирза этиги икки-уч марта Бойқул молбоқарнинг биқинига бориб келди.

Одамлар Бувиражабни ушлашди. Унинг кўзларига ҳамон қатра ёш келмас, соғувчи қизларнинг қўлида ғазабдан ҳансираганча, қалт-қалт титраб ўтирарди.

— Мушт билан, дўк билан ҳеч нарса ни исбот қилолмайсан, Бувиражаб! — деди Хидир Собирович. — Ҳозир қайта қуриш кетяпти. Демократия! Ҳар ким ўз фикрини очиқ-ойдин, яширмай айта олади. Сен ҳам ўз фикрингни айт. Кўплашиб, маслаҳатлашиб, бир қарорга келамиз. Бу ерда битта Бойқул эмас, бутун бир коллектив сенга қарши турипти. Фермаларингга йилда бир бормайман ўзи. Билмайман, Эшқобил билан нимани бўлишолмай қолдинглар... Шунча одам сен ҳақингда мундай деб турса... Балки партком секретари фикр билдирар, а?!

Ҳамроқул Бозорович мулойим юзини силай-силаё ўрнидан турди, йўталган киши бўлди. Ниҳоят, гапиришдан бошқа иложи қолмаганлигини англаб, деди:

— Бизнинг Бувиражабдан умидимиз катта эди. Шунинг учун яқинда уни партия аъзодигига кандидатликка қабул қилгандик. Биз афсуслар бўлсинким, Бувиражаб ишончимизни оқламади. У ўзининг ёмон хулқи билан, номуносиб хатти-ҳаракатлари билан ёшларга салбий таъсир кўрсатяпти. Тагин ўз айбига икром бўлмай, бутун бир коллектив юзига оёқ босяпти экан...

— Бузуқиларга бизнинг орамизда ўрин йўқ! — деди Урозгул опа.

— Мен аввалги мажлисда ҳам бу масалани коммунистлар олдида кўндаланг қўйган эдим, — деди Эшқобил ферма. — Мана, келишувчанлик оқибати! Принцип, партиявий принцип қани, ўртоқ партком секретари? Яна айтаман, Бувиражабнинг масаласини партиявий йўл билан кўриб чиқиш зарур ва бу масала ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда жуда муҳим.

— Кўрамиз, — деди Ҳамроқул Бозорович бир оз ўйланиб тургандан сўнг. — Ишонаманки, коммунистлар ферма коллективининг фикрини маъқуллайди.

— Балким биринчи сафар кечирармиз! — деди Хидир Собирович.

— Партиявий принцип керак, ўртоқ директор! — деди Эшқобил ферма. — Биз бу аҳволда ҳеч қачон қайта қуришни амалга оширолмаймиз. Бувиражабга ўхшаш... тўсиқларни бузиб ташлай олмас эканмиз, жойимизда депсиниб турaveraмиз.

— Шунча гап-сўздан сўнг, агар юзи бўлса, майли, фермага бориб ишлайверсин, — деди Урозгул опа.

— Бас! — Бувиражаб қизларнинг қўлидан юлқиниб чиқди. — Қирилгурлар! Ферманг билан қўшмозор бўлгурлар! Ўт қўяман... — У оғзини билаги билан бекитганча ташқарига отилди.

— Ия, она қизим, тинчликми? — Кадрдон овозни эшитиб, Бувиражаб ўгирилди. Қаршисида Аваз ака турар эди. — Нима бўлди ўзи?

Бувиражаб чидай олмади. Ҳиқиллаб йиғлаганча, ташқарига отилди. Қоронғи тушиб қолган эди.

Ўт қўяди! Ҳаммасига ўт қўяди! Қуриб кетсин, қирилиб кетсин бари! Улиб қутулмаса, тириклайн қутулмайди шекилли булардан! Оҳ-ҳ! Ўзига олов қўйган дугонаси қандай бахтли экан-а!..

Уйларига кираверишда дарвозанинг олдида отаси кутиб турган экан. Бувиражаб айланиб ўтмоқчи бўлган эди, отаси қўлидан тутди. Қип-қизил маст.

— Қаерда юрибсан?

— Ҳеч қаерда!

— Жал-лаб-лар! — Отасини ҳикичоқ тутди.

Бувиражабнинг миясига яшин ургандай бўлди. «Онамнинг арвоқларини тинч қўйинг», демоқчи эди, бироқ сабри чидамади. Энди гапирди нима — гапирмади нима; яшади нима — яшамади нима? Унинг кимга кераги бор? Бувиражаб шашт билан отасининг қўлидан юлқиниб чиқди-да, ошхонага кириб, эшикнинг зулфини солди. Қо-

ронғида тимирскиланганча, тандирнинг тагидан ўзи эрталаб тракторчидан олиб қўйган бир пақир соляркани толди. Кўтарганча аввал елкасидан, кейин бошидан қўйди.

— Умримни хазон қилди булар менинг! — Ҳовлидан отасининг йиғлоқи овози эшитилди.

Бувиражабнинг ошхонага кирганини кўрмай қолипти-да. Яхши. Энди... гугурт керак. Гугурт тандирнинг ёнида ҳам, ўчоқнинг бошида ҳам йўқ эди. Электр чироғини ёқди. Гугурт шундоқ ўчиргичнинг ёнида экан. Оласолиб, чироқни яна ўчирди.

Мана, энди...

Бувиражаб гугуртни чақди. Баданига ҳарорат уриши баробари ҳовлидан кенжатоининг «опа-а!» дея зорлангани эшитилди. — Отаси уряптимики уни? Нега? Оҳ! Войдод! Войдо-о-од! — Олов сочларига ўрмалади. Бувиражаб жон аччиғида қичқириб, ўзини уёқдан-буёққа ураверди. — Онажоним-эй, онажоним-эй! Дўзахи қизингни кечиргин, онажоним-эй! Худоёрлар-ку, бир кунини кўрар, аммо

кенжатои... Нима қилиб қўйди? Дод, нима қилиб қўйди-я! — Бувиражаб ўзини эшикка урди. Эшик ёпиқ эди. Ҳозир у эшикнинг зулфини очиб оладиган ҳолатда эмасди.

Кўз олдини қип-қизил олов қоплади. Олов аралаш кўзларига онаси кўринди. Онаси ҳилпираганча ёниб-ёниб келарди. Бошдан-оёғигача баданларидан ҳар тарафга узун-қисқа бўлиб олов ўрмалар, ўрталарида оловдан йўлак пайдо бўлган, онаси ёнаётган кучоқларини ёзганча, Бувиражабни ўзига чорларди...

— Зулфни очинг, опа! — Бувиошанинг овози қулоғига чалинди.

Укалари, сингиллари... Энди буларнинг куни қандай ўтади? Бувиражаб эндигина ўзи керак бўлган одамлар борлигини, эндигина қанчалар катта гуноҳ қилганини англаб етди. Лекин шунинг баробари ҳушини йўқотди...

Худоёр болтани топиб келиб, эшикни синдирганда у куйиб битган ва қоп-қора кундага айланиб қолган эди...

кин, лекин уни ҳайдашга менинг кучим етмайди. Нима қиласан ақлинг етмаган ишга аралашиб? Уйла, Урозгулнинг ҳам учта боласи бор, боқиши керак, нима қилсин бечора?..

— Ҳе, қирилсин бечора бўлмай! Бошингизни айлантириб қўйипти. Жо-он хўжайин, — хотини ошқора йиғлаб юборди. — Саккиз болангиз ҳаққи-ҳурмати, шу юришларингизни қўйинг.

— Бўпти-бўпти, — деди Эшқобил беписанд жойидан қўзғалиб, гап тамом, дегандай.

Катта-кичик саккиз бола телевизор томоша қилиб ўтиришарди. Бири Эшқобилнинг у ёнига, иккинчиси бу ёнига, бири орқасига осилди. Бири-биридан ширин. Бир дақиқа шундай ширин болаларини қўйиб, қандайдир Урозгулга осилиб юргани ўзига таъсир қилиб кетди. Узи унчалик чиройли ҳам эмас, аммо қурмағурнинг зап истараси бор-да. Мана, бу билан ўн саккиз йилдан бери турмуш қилади, аммо бирон марта Урозгулдай эрқаланмаган. Эрқаланиш нималигини билмайди.

Урозгул сигир соғишдан ташқари ҳар тўртинчи кеча молхонада навбатчилик қилади. Одатда бу кунлари Эшқобилнинг ҳам фермада иши чиқиб қолиб кетади.

Урозгул бу оқшом ҳам навбатчи. Телевизордан берилаётган қочди-қувди фильмини болалар зўр қий-чув билан томоша қилишарди. Хотини ош сузиб келди. Шу пайт эшикдан кимдир келиб чақирдию хотини шипиллаб чиқиб, бир муддатда қайтиб кирди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради, кимнидир безовта кутиб ўтирган Эшқобил, мумкин қадар ўзини бепарво тутишга уриниб.

— Тожибой аканинг аёли. Пичоқ сўраб келипти. Шўрликлар, битта пичоққинага ёлчимай умрлари ўтиб боряпти.

— Момалани билмаган молфаҳм! — деди Эшқобил аччиқланиб. — Бунақаларга ачиниш керак эмас.

— Нега ундай дейсиз? Ўз кунларини ўзлари кўришяпти. Сизга оғирлиги тушгани йўқ.

— Тушганда қандай! Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб юборди-ку! Бир ревизорга иккита қўй сўйдим. Учинчисини машинасига ортиб жўнатдим. Тожибойнинг касофатига шу! Баттар бўлсин!

— Бугун мажлисда ҳам Тожибой акани роса сўкишипти-я?

— Сўкиш ҳам гапми? Барлосдан бадарға бўлади ҳали у!

Шу куннинг қаҳрамонлари

Эшқобил ферма мамнун ҳолда қўлидаги қалам билан бир маромда столни тикиллатаркан, яна деразага қаради. Хотини ҳамон дарвозанинг олдида ўтирганча бақириб-чақириб қарганарди.

Неча кунки, уйда тинчлик йўқ. Хотини Самарқанддан автобусда қайтаётиб, «Эшқобил ферма сигир соғувчиси Урозгул билан дон олишиб юради», деган гапни эшитиб қолибди. Эшқобил у деса ҳам, бу деса ҳам сира гапга кўнмаяпти.

— Эҳ, ландовур! — деди Эшқобил охири тутақиб. — Мени кўролмайдиганнинг гапи бу. Улар неча марта оёғимдан олишди, турмага тикишга уринишди. Ниёзматнинг қилғиликлари эсингдан чиқди-ми?.. — Эшқобил гапи қандай таъсир қилаётганини билиш мақсадида тин олди. Хотини «турма» сўзини эшитган заҳоти сесканди. — Са-ал қолувди-ку! Юрардинг йиғла-аб... саккиз бола саккиз тарафингдан осилиб.

— Айбингиз бўлмаса ҳам қамай-варадимми?

— Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Манаман деб кўкрагига урганларнинг нечтаси турмада ётибди-ку! Кеча ўзинг ҳам телевизорда кўрдинг-ку, турмада ёт-

ган райкомни! Уларнинг олдида мен кимман? Булар ёмонликка оламиз дейишса ҳеч гап эмас. Битта ўлган молнинг нархи булар учун одамдан қиммат.

— Туф, туф-э, оғзингиздан шамол учирсин, хўжайин, унақа деманг.

— Дейман-да. Булар ҳозирча ферма томондан менга айб қўйишолмади. Шунинг учун оиламни бузишмоқчи.

— Қўйинг-э, худо сақласин!

— Соддасан-да хотин, соддасан! — деди Эшқобил энди насиҳаткорона. — Сал гапга ловуллаверасан. Нега кўчадаги ким бировларнинг гапига ишонасан-у, менга ишонмайсан?

— Бари бир Урозгулни фермадан ҳайдашингиз керак!

— Қизиқмисан?! Мен фермада уч йилдан бери ишлаётган бўлсам, Урозгул ўн уч йилдан бери ишлайди. Номдор, илғор, депутат.

— Барибир ўшани ҳайдамас экансиз, гап чиқаверади. Ҳеч бўлмаса болаларингизни ўйланг. Нимасига учасиз ўша ўлғурни!

— Оббо! — Эшқобил зарда қилди. — Тушунасанми, у — депутат. Ҳатто мени ҳайдаттириши мум-

— Хидир акаям жуда ноинсофлик қилаётган эмиш-да!

— Ким айтди сенга шу гапни? — деди Эшқобил калакаомуз.

— Ревизор келгандан бери Барлосда шу гап-ку!

— Ақлинг етмаган ишга бурнингни тикма, деб неча марта айтаман сенга! — Эшқобил аччиқ билан хонтахтани муштлади. — Ишинг бўлмасин! Бошқалар гапирса ҳам сен оғзингни юм.

— Мен эшитганимни айтяпман. — Хе... эшитмай ўл! — Эшқобил зарда билан қўлини сочиққа артганча ўрнидан туриб, эшикка йўналди. «Гуноҳ» қилиб қўйган хотини нафаси ичига тушганча орқасидан борди. Болалар бамайлихотир ош еб, кино кўришда давом этдилар.

— Тожибойнинг хати туфайли фермада ҳам тиним йўқ! Халатни опчиқ! — Эшқобил ўдағайлади. Хотини зипиллаб бориб халатни олиб келганча эрига кийгизаркан, сўради:

— Қаёққа борасиз?

— Қаёққа бўларди, фермага-да! Тожибой яна хат ёзган эмиш. «Эшқобил ферманинг ярмини еб ётибди», деган эмиш. Ҳозир нарядда Хидир ака, «эрта-индин фермангни текширувчилар босади, бориб оқшоми билан тайёргарлигингни кўриб қўй», деб тайинлади. Бу ёққа ол! — Эшқобил хотинининг қўлидан дўпписини силкиб олди-да, жўнади. — Тожибойнинг оғирлиги ана шу! Улиб-тирилиб кечаю кундуз гўннга ботиб ишлайсан-у, бир тийинлик қадринг йўқ. Одам ўлса акт қилишади, мол ўлса бўйнингга қўйишади.

Эшқобил кўчага чиққандан кейингина аччиғини босиб кулимсиради. «Яхши баҳона топилди». Асли Хидир ҳам ноинсофликни ошириб юборди. Қайта қўрамыз деб ҳамма раҳбарни янгиллади. Янгилари беш букилиб, тўрт букилиб саломга кириб, амал олди. Керак бўлса, ҳозир фермадан келаётган фойданинг чиноқчаси ҳам Эшқобилга тегмаяпти. Агар топган-тутганини Хидирга элтмаса, ўша куни у фермани ҳам «қайта қуради». Бу жойга кўз тиккан сон миңга. Эшқобил оғзидаги ошини бировга берадиганлардан эмас. Хидир асли зоотехникдан чиққан эмасми, молхонани миридан сиригача билади, уни алдаб бўлмайди. Хидир унинг Урозгул билан алоқасидан ҳам хабар топибди. Бир-икки марта киноя қилган жойи бор. Лекин Эшқобил паст кетмаган. «Аввал ўзингга боқ», деган маъно-

даги гапни қочирим билан тушунтирган. Уша-ўша Хидир мен сенга тегмайман, сен менга тегма қабилда иш тутуди.

Буям энди бир давр-да! Олдингда кўзини сузиб жилпанглаб турса, боши очич бўлса... Бунақа хотинларнинг кўнглига қараш керак. Жилловни сал бўш қўйса, Урозгулнинг ликиллаб Хидир томонга ўтиб кетадиган шашти йўқ эмасди. Аммо Эшқобил узангида мустақкам турди. Бўш келмади. Урозгул охириқабат унинг йўриғига юрди. Бўлмаса аввалига Хидир кунда, кунора Урозгулни илғор соғувчи деб турли баҳоналар билан идорага чақиртиравериб, жонига теккан эди. Урозгулни-ку, худо урган. Ҳалиям Эшқобилдан кўрқиб, ўзини тийиб юрибди. Керак бўлса, Эшқобил борлиги учун Урозгул илғор. Унгача ўн йил ишлаб бири икки бўлмаган. Аслида бошқа соғувчилардан ортиқ бир каромат кўрсатиб қўйган жойи йўқ.

Урозгул молхонада ўзининг сигирларига емиш солиб юрган экан. Дарвозадан уни кўрдию Эшқобилнинг кўзлари яшнаб кетди.

— Қилиқлари ўн саккиз яшар ҳуркак қизниқидай.

Эшқобил Урозгулдан ҳол-аҳвол сўраган, соғин сигирларнинг тағларини текширган, сўнгра таналар, бузоқлар турган бўлмаларни кўрган киши бўлди-да, ўз кабинетига ўтди. Кабинетнинг ичидан яна битта алоҳида хонага эшик бўлиб, уни унча-мунча меҳмонларга шайлаб қўйганди. Салдан кейин ташқи эшик қия очилиб, остонада Урозгул кўринди...

Умуман, ҳар қанча эҳтиёткорлик қилишмасин, икковининг юриш-туришини элу халқ билди. «Билса фалон-фалон...» деб юрган эди, йўқ ердан хотини жанжал чиқарди. Асли шу хотинлар ҳам ношукр-да. Ахир Эшқобил баъзи пулдорларга ўхшаб топган-тутганини кўчага, Самарқанднинг меҳмонхоналарига сарф қилиб келаётгани йўқ. Урозгулга пул ҳам, ҳатто конуний эр ҳам керак эмас. Ҳар замонда кўнглини олиб турса кифоя. Бечоранинг кўнгли ярим. Хотини бунини тушунишни истамайди. Кеча ҳатто, «Шу манжалақи билан яна юрсангиз ўзимга ўт қўяман» деди. Ҳар қалай Эшқобилнинг хотини ўта шаддод, беҳаё эмас, уни ҳурмат қилади. Шунинг учун ҳозир ичкарига кирмай, дарвозанинг олдида қарғаниб ўтирибди. Ҳализамон катталар келиб қолиши бор, хотинини бу ердан жўнатиш керак.

Эшқобил ишчилардан бирига «янгаси»ни чақиртирди.

— Ҳа, тагин нима ҳунар бу? — сўради Эшқобил қовоғини уюшга ҳаракат қиларкан, мийиғида кулиб.

— Менинг жавобимни беринг! — дедию хотини йиғлаб юборди.

— Бу ер идора. Жавоб-павобни уйда гаплашамиз. Дийдиёнгни йиғиштир-да, уйга бор. Ҳозир орқандан етаман.

— Бу ер идора эмас, исловатхона! Ислиқиҳона бу ер! — дедию хотини кўз ёшларини артиб, жаврай кетди. — Оқшом мени алдаб, яна шу ифлоснинг олдига келибсиз-да?!

— Ким айтди?

— Ҳеч ким айтгани йўқ, ўзим кўрдим. Оқшом келиб тўғри унинг олдига бордингиз, кейин ўзингизнинг хонангизга ўтдингиз. Орқангиздан у келди.

— Бекор айтибсан! — Эшқобил сапчиб тушдию шу заҳоти ўзини ўнглади. — Ҳа, яхши, кўрган бўлсанг, молхонанинг ҳамма томонини бирма-бир айландимми, ахир?

— Айландингиз, кейин...

— Шошма! Кейин хонамга ўтдимми?

— Ҳа.

— Ҳа, орқамдан Урозгул келди. У ферма бўйича халқ контроли группасининг раиси. У билан буғалтерия ҳужжатларини текширдик.

— Ҳеч нарса қилганингиз йўқ. Манжалақи киргандан кейин икки минут ўтар-ўтмас чироқларингиз ўчди.

— Тўғри, — Эшқобилнинг юраги шувиллаб кетди. — Кейин икковимиз товуқ фермага комиссия бўлиб бордик.

— Ҳеч ёққа борганингиз йўқ.

— Сен бунини қаёқдан биласан?

— Биламан-да.

— Ҳа майли, сен айтганча бўлақолсин: мен ҳеч ёққа бормаю шу ерда Урозгул билан бузуқчилик қилдим дейлик, сен келибсан, биллибсан, нега одамларни чақириб, икковимизни тутмадинг? Нега фермани бошингга кўтариб, дод солмадинг? Нега ўзи сен менинг қадамимни пойлагич бўлиб қолдинг? — Эшқобил туюқди. — Нега сен менинг иш жойимга келасан? Қайта қуриш деган нарсани биласанми ўзинг?

Қарши ҳужумдан анг-танг қолган хотини оғзи-бурнига рўмолчасини босди. Катта очилган кўзларидан шашқатор ёш қуйиларди.

— Сизни шарманда қилиб... кейин биз... Ахир саккизта гулдай болангиз бор...

— Мен ҳам сенга шуни айтяпман-да. Ҳар кимнинг гапига кириб шаталоқ отаверма!

— Жо-он хўжайин, — хотини Эшқобилнинг оёғини ўпар даражада ялинишга ўтди. — Барига чидаб келаётгандим, кеча Урозгулнинг ўғли мактабда қизимиз билан уришиб қолипти. Анча гаплар бўлган. Муаллимлари аралашиб зўрға ажратиштипти.

— Э-э, ёш бола нимани билади, гапираверади-да.

— Муаллимлари-чи?

— Қўйсанг-чи, муаллим ҳам одамми? Ҳар куни биттаси келиб, сомон тиланиб, кўз ёши қилиб ўтиради. Се-ен жўна, майда-чуйда гапларингни қўй-да, уйга бориб, тушликка битта кулчатой қил, — Эшқобил муроसाга ўтди. — Била-сан, мен коммунистман. Коммунист бўла туриб, битта хотинини эплай олмапти деган гапга қолдирма.

— Жо-он хўжайинжон! — Хотини боядан бери айтмоқчи бўлаётган гапини ниҳоят қийнала-қийнала тилига чиқаришга уринди. — Оиламда тинчлик бўлсин десангиз Урозгулни фермадан кеткизинг...

— Оббо-о! Бор энди, гапни калта қил. Уйда гаплашамиз, бора-қол, ҳозир комиссия келиши керак, уларнинг кўзига ҳам яхши эмас.

Хотини унинг етовида эшикка юраётганди... гул-гул очилиб, яйраб-яшнаб, остонада «комиссия» — Урозгул пайдо бўлди. У гўё ҳеч нарса билмаган кишидай Эшқобилнинг хотини билан ачомлашиб кўришди. Кейин атайлаб қилдим, ақли етмаганнынг иши бўлдими, — Эшқобил бунга ажратолмади, — «рўмолим қолиб кетибди», деганча ичкари хонага кириб чиқидио трюмо қаршисида ўзига оро бера бошлади. Хотин эрига қаради, эр — ерга.

— Янга, бола-чақаларингиз эсон-омонми? — деди Урозгул. Унинг юз ифодасидан асабийлашаётгани сезилиб турарди. — Бу дейман... дарвозанинг олдида ўтириб, менинг гўримга ғишт қалаган эмишсиз...

Нимадир юз беришига фаҳми етган Эшқобил хотинини эшикка етакламоқчи эди, Урозгул бир парда кўтарилди:

— Янга, са-ал тилингни тийиб юринг, бўлмаса маиший бузуқ эрингизнинг масаласини партбюрога қўйдираман!

Ҳойнаҳой Урозгул ҳам «янга»сининг ўта ювошлагини билар, шунинг учун фурсатдан фойдаланиб пўписа қилаётганди.

Эшқобил пайқамай қолди. Хотини учиб бориб, Урозгулнинг майда ўрилган қирқ кокил сочларига тармашди:

— Узинг бузуқ! Гижингламай ўл!

Икки аёл қийқириб-айқириб олиша кетдилар. Ферма мудирининг кабинети шовқин-суронга тўлди. Томошабин кўпайди. Ниҳоят, иккови бировларнинг кўмаги билан уст-бошларини тузата-тузата бир-бирларини бисотларида бор қарғишга кўмишди, ўттиз йиллик айбларини очишди. Бирининг айтишича, Эшқобилнинг хотини ёшлигидаёқ ўлгудай латта, ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқолмайдиган, чиқадиганларни кўролмайдиган, ҳасадгўй бўлган экан. Иккинчисининг айтишича, Урозгул мактабда ўқиб юргандаёқ ҳар кимга кўз сузиб юрган, сўнгра аллақандай раиснинг ўғлига номусини топшириб қўйган, кейин бир камбағалнинг шўрини қуритиб тегиб олган, зугум қилавериб, жазманларининг гапи билан унинг жонига қасд қилган экан. Шундан бери ҳар ким билан юрармиш.

— Алам қилдими! Юраман! Қўлингдан келганини қил! Ўзимга ўзим хўжайинман!

— Ул! Бу кунингдан баттар бўл! Сен яхши бўлсанг эринг ўлиб кетармиди!

Кўзларида ёш қалққан Урозгул жон-пони чиқиб, қичқириб ташланмоқчи эди, хотинлар тутиб қолишди. Урозгулнинг икки ўрим сочи юлинган, бети қонталаш, кўз остлари кўкариб чиққан, кўйлаги, халати йиртилган, Эшқобилнинг хотини ҳам ундан яхши аҳволда эмасди.

— Тур, уйга жўна! Шаллақи! — деб Эшқобил хотинини уришган киши бўлди. У хурсанд эди хотинидан: кўра-била туриб ёнини оляпти. Ўйнаш — ўйнаш экан-да бари бир, партбюрога қўйдираман, деди. Лекин икковига ҳам, айниқса, хотинига сир бермаслик керак.

Эшқобил хотинининг бирдан донг қотган, саволларга, аламларга, ранжга, ўкинчга тўла кўзларига нигоҳи тушдию ўнғайсизланди: «Шунча гапдан кейин, шунча одамнинг олдида менинг ўрнимга манжалақининг ёнини оляпсизми?» деган савол бор эди аёлнинг бир лаҳзалик қарашларида. Кейинги лаҳзада хотинининг ич-ичидан титроқ туриб, ўкириб йиғлаганча эшикка отилди.

— Ҳамма иш жойига борсин, — деди Эшқобил астагина. Бирдан унинг юзи сўниқиб кетди. Ҳамма,

ҳатто Урозгул ҳам индамай жўнади. Эшқобил бир оғиз гапи билан тузатиб бўлмайдиган хатоликка йўл қўйганини тушуниб турарди.

Бир оз муддатдан сўнг Эшқобил чиқиб фермани кўздан кечирган киши бўлди, аммо юрагига қил ҳам сиғмай қишлоғига жўнади. «Тағин ўзига бир кор-қол қилиб қўймасин», деган фикр ногоҳ хаёлига келди-ю, бундан ўзи ҳам даҳшатга тушиб, «Волга»сига газ берди. Бир маҳал қишлоқдан қандайдир киши, аниқроғи Бойқул молбоқар машинанинг йўлига чиқаверди. «Аниқ бир нарса бўлган», деб Эшқобилнинг ранги ўчиб «Волга»га тормоз берди-да, эшикни очганча, юраги ҳовлиқиб, «Тинчликми?» деб сўради.

— Э, сўраманг, хўжайин, ишлар чатоқ! Расво бўлдингиз, ҳайдай-веринг тез! — Бойқул ундан баттар ҳовлиқиб, машинага ўтирди.

Эшқобил ферма титраб кетди, вужуди дармонсизланиб, беҳол ўриндиққа суюнди.

Яқинда Барлосга бориб, тўйнинг устидан чиқдим: Эшқобил ферма уйланаётган экан. Айтишларига қараганда хотини раҳматлининг ўлимида унинг заррача айби йўқ, ўша хотини асли сал қадам олиши ундайроқ, эси ҳам духиёларникига ўхшаб қолганмиш, ҳатто бу тўғрида отинг ўчгур... беморхонадан хужжати ҳам бор, дейишди. Фақат Эшқобил ферма саккизта боласини ўйлаб у билан турмуш қилиб юрган экан.

Тўйда район газетаси қўлма-қўл бўлиб кетди. Газетадаги суратда Эшқобил ака ферманинг илғор сут соғувчиси, депутат, совхоз халқ контроли комитетининг аъзоси Урозгул Турғунтўраева билан биргалликда зотдор сигирлар рационини текшираётган пайт тасвирланган; суратнинг тепасига катта ҳарфлар билан «Шу куннинг қаҳрамонлари» деб ёзиб қўйилган эди...

Дилшод Шамс



1964 йили Тошкент шаҳрида туғилган. ТошДУнинг Ўзбек филологияси факультетини тугатган. Шу кунда Ўзбекистон радиосининг Адабий-драматик эшиттиришлар Бош редакциясида муҳаррир бўлиб ишламоқда. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

Қалдирғоч қалбимга ин қўйди бугун

* * *

Ишқингдан бокира нафас қолади,
Дунёга бир ойдин қафас қолади,
Ҳижрондан на овоз, на сас қолади,
Дийдорингни кўриб куйсам, розиман.

Дунёда бахт — армон,
Муҳаббат — армон,
Бу мажнун вужудга фақат қалб сарбон.
Тошларнинг тўшига тўкилган алвон
Қонларимни қўмсаб сўйсанг, розиман.

Қалдирғоч қалбимга ин қўйди бугун,
Қанотлар қатида қадимий тугун.
Қалбимга қадайдим муҳаббат туғин
Юрак сув бўлгунча суйсам, розиман.

Эртага эл тинглар ишқ овозасин,
Қалдирғочлар тутар ҳақ сардобасин,
Кўксимга қуёшнинг қон зарбодасин,
Аждод битигидай ўйсанг, розиман.

Башорат

Умидлар қайтади, бахтлар қайтади,
Қайтади унутган куйларинг.
Мозийдан ярадор мардлар қайтади,
Зиёга тўлади уйларинг.

Тўлғин тунларингни безайди ойлар,
Юлдузлар қошинга қўнади.
Қузғунлар чўчитган жонбахш хумойлар
Хотиржам бошинга қўнади.

Тоғларнинг тубидан чиқар сандиқлар,
Минг йиллик китоблар чиқади,
Саҳфалар сатҳида битган чандиқлар
Бағридан хитоблар чиқади.

Қисматнинг буришган сўқмоқларини
Юракнинг гуллари ёритар.
Фалакнинг сим-сиёҳ пучмоқларини
Юракнинг йўллари ёритар.

Булбуллар елканга қўниб куйлайди,
Уйғониб кетади булоқлар.
Қуёш нақ тепангда,
Вужуд куймайди.
Куяди кишанлар, тузоқлар.

Манзара

Қип-қизил саҳрода кўринар уфқ,
Нигоҳим излайди танҳо булоқни.
Қушлар учиб борар кўзлари юмук,
Кўргиси келмасдан қонли чироқни.

Мен, ахир, саҳрода ёлғиз йўловчи,
Бир култум сув сўраб қумларга чўкдим.
Қўлларимни чўзсам, тоғдай қуловчи
Барханлар бошимга захрини тўқди.

Булоқ самоларда, қумлар — бесадо,
Уфққа ўрлайди ёлғиз ўтинчим.
Юрагим «Гиря»ни куйлар бенаво,
Ҳазин чайқалади қайғу-ўкинчим.

Оёғим қумлардан узилмай туриб,
Нажот тополмасам она тупроқдан.
Заминда булоқлар кетдим қуриб,
Сув сўраб турмасам кўкдан, йироқдан?!

Мен ҳам коинотнинг битта парчаси,
Ҳолимдан хабардор, ахир, тилсизлар...
Очилиб осмоннинг минглаб дарчаси,
Сув тутиб турарди менга юлдузлар.

* * *

Кўзларимнинг минтақасида
Ойдайин саргашта нигоҳинг.
Юрагимнинг минг даҳасида
Порляюр сочлари сиёҳинг.

Сочларингнинг салтанатида
Яшамоқ абадий фараҳдир.
Вужудимнинг қат-қабатида
Томирим қадимий дарахтдир.

* * *

Занжирлар
 Занжилар бўйнида эмас,
 Илонлар
 Қамчилар қўйнида эмас.
 Ҳамдуна
 Томчилар ўйнида эмас,
 Замоналар ўтиб,
 Давронлар ўтиб,
 Қасирғалар ўтиб,
 Армонлар ўтиб,
 Яшаётир сенинг бошингда.
 Боболар бўғзида қолган фарёдлар,
 Момолар кўзида қотган дарёлар,
 Дунёда дунёдай дарди дунёлар
 Бегонадир йигит ёшингда.
 Шажаранг — нотаниш,
 Дардлар — нотаниш,
 Қайғулар — нотаниш,
 Бахтлар нотаниш.
 Исёнлар — нотаниш.
 Мардлар — нотаниш...
 Руҳлар чирқиллайди қошингда.
 Сен кимсан?..
 Эҳтимол, бирор аждодинг
 Жанг чоғи ғанимга юкинган осон.
 Юлдузни танитган юртнинг сайёдин
 Дарвозани очиб,
 Қутлаган шодон.
 Наҳот, тушларингда кишнамас тулпор,
 Наҳотки музларнинг зурёдидансан?..
 Нигоҳингда тун бор —
 Юрагингда қул бор.
 Демакки,
 Хоинлар авлодидансан.
 Беғам ўтаверар кунларинг «тўқис»,
 Муҳрлаб олгансан бахтнинг ҳуқуқин.
 Танбал юксакликка «бахтиёр чўкиш»
 Намкаш ҳаволарда дарддай юқумли:
 Занжирлар
 Занжилар бўйнида эмас,
 Илонлар
 Қамчилар қўйнида эмас,
 Ҳамдуна
 Томчилар ўйнида эмас,
 Минглаган бошларда машварат этур.
 Лек, ҳақнинг овози руҳшод этганда,
 Ярадор толега қанот битганда,
 Интиқом илдизи сабот кутганда,
 Жонин ўйлаб қолар экан махлуқлар.
 Сен-чи, нажот сўраб,
 Имонга эмас,
 Илонга ёлвориб нола қиларсан.
 Бирок,
 Занжир бўғар беҳол бўйнингдан,
 Илонлар қон сўрар қаро қўйнингдан,
 Ҳамдуна кўзингни осон ўяди.
 Сен «шўрлик»
 Чинқириб қоласан бекор:
 «Сизга содиқ эдим,
 Не гуноҳим бор?!»



ҚҚАССРнинг Қўнғирот районида туғилган. Нукус Давлат университетининг Қорақалпоқ филологияси факультетини тамомлаган. «Ишқ торлари» шеърлар тўпламининг муаллифи.

СССР Езувчилар союзининг аъзоси.

Ўзимга айблов

Сас-самар келтирмас — телефон беун,
 кириб ҳам бормадим эшигинг қоқиб.
 Сен эса кутяпсан... биламан, бутун
 борлигинг кўз бўлиб, йўлимга боқиб.

Кечаги кун энди қайтмас — хотира,
 бизлар интизорлик билан кутган кун.
 Мени гуноҳларим тинч қўймас сира,
 кечирим-да сўрай олмадим бугун.

Сезаман: сен унсиз йиғламоқдасан,
 фақат менинг каби тўкмайсан кўз ёш.
 Қани, трубкани лабга боссаму
 шивирласам: «Кечир...», кўчса оғир тош.

Бироқ шу бир оғиз сўз соясида
 кўмилиб ётган ўт, соғинч ва алам
 ўртаб юборар деб қўрқаман жуда
 ишқимиз элчиси — телефонни ҳам...


Йўллар

Буралиб кетган сўқмоқ,
 одамларнинг излари...
 изларки, бари жумбоқ:
 бундан ким не излади?

Мени алдаб кетганнинг
 излари ҳам ўчмаган.
 Бир пайт бундан ўтганим
 саробмикан, тушмикан?

Йўллар — мангу. Қўнимсиз
 йўловчилар қарвони.
 Юрагимда тинимсиз
 дарду ҳасрат бўрони...





Расмларни О. Бобожонов ишлаган.



Хуршид
Дўстмуҳаммад

ПАНОҲ

ёхуд 13 октябрь 22 ю 13 да
бўлган воқеа

ҚИССА

Тупроқдан айрилсам қайда қоларман...

Ошиқ ВАЙСАЛ



Тошкентда туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. Қисса ва ҳикоялари республика матбуотида эълон қилинган. Ҳозир «Еш куч» журнали редакциясида ишлайди. СССР Езувчилар союзи аъзоси.

— Аҳмадали оёғининг остида ер қаттиқ силкинганини сезди, хаёли бўлинди, икки-уч қадам юрди, шунда ер тубида нимадир гурсиллаб кетди. Хиёл нарида оппоқ тўзон бурқсиб кўтарилди ва у икки ўрқачли туяга айланиб Аҳмадалининг устига бостириб кела бошлади. Аҳмадали димоғига қуюқ чанг урилгандагина ҳушига келди...

Чанг иси қайтиб унинг димоғидан аримади. Илгари Аҳмадали устма-уст чучқирса «ғўза гуллаяпти» деб «башорат» қилар, соппа-соғ юрган одам қаторасига етти-саккиз, баъзан ўн марталаб чучқира бошлар, ўн-тадан ошаверса, дўхтирхонага танда кўяр эди.

— Ичим ағдар-тўнтар бўлиб кетяпти, дўхтир, — дерди Аҳмадали шалвиллаб. — Кекирдагим шилиниб тushаётганга ўхшайди...

МУАЛЛИФ ЎЗ АСАРИ ҲАҚИДА

Саксон бешинчи йилнинг кеч кузидаги Ленинобод зилзиласидан сўнг орадан бир неча ой ўтди. Зилзиладан вайрон бўлган Исписор қишлоғилик ёзувчи дўстим Уринбой Усмонов билан гурунглашиб ўтириб:

— Ер қимирлаганда қаерда эдингиз? — деб сўрадим.

— Қайроққумга олиб борадиган катта йўлдан келаётгандим, қишлоғимиз муўюлишига етай деганда бирдан... уйга қандай етиб борганимни билмайман, денг...

— Тўхтанг, шу жумлангизни менга совға қилинг! — дедим дўстимнинг ҳикоясини бўлиб.

Уринбой бажонидил розилик билдирди. Яна икки-уч ҳодисаларни айтди...

Бемаҳалда ҳаяллаган боласидан кўзлари тўрт бўлиб, хавотирда ўтирган она фарзандини кўриши билан «Вой-ей, шайтон хаёлимни не ёқларга олиб қочаётганди-я!» деб юборади кўнгли жойига тушиб.

Қизиқ, одам қаттиқ хавотирланганда, юрак ҳовучлаб, керакли жойга етиб боргунича шайтон «олиб қочаётган» хаёлига нималар оралаганини билмайди — идрок этолмайди. Мен, ана шундай — кишининг бир неча сония давом этадиган пароканда ўйларини, узук-юлуқ хаёлларини «тутти, қўлга олиб» бирма-бир ипга тизиб чиқишни тажриба қилдим. Қадимий халқ табобатчилигида қафт кўриб кишининг феъл-атвори, ўтмиши, келажаги, соғлиғи, ҳатто насл-насаби ҳақида ишончли маълумот олинганидек, жузъийга асосланиб умум ҳақи-

да хулоса чиқариш ҳадисини замон ва макон тушунчасида қўллашга уриндим ва бош қаҳрамоннинг уч-тўрт дақиқалик мушкул вазиятда (болалигида чиллак кўтариб бир зувиллашда етиб борадиган ораликда) ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, ўй-хаёлларини тадқиқ этиш билан у ҳақда муфассал тасаввур яратиш имконларини изладим. Ўзбекнинг психологиясидаги энг мураккаб, энг чигал тўлғоношлар эса ажодлар киндик қони тўкилган, ота-боболар сўнги нафасини олган, сўнгги каломини айтган гўша тақдири билан чирмашиб кетади. Шунинг мулоҳазасида қиссани «Паноҳ» деб... узр, беихтиёр муаллифдан лозим кўрилмаган тафсилотларга ўтиб кетяпман. Яхшиси, буёғи ўқувчилар ҳукмига ҳавола...

Дўхтир қалам-қоғозидан бош кўтармай ёзгани-ёзган, Аҳмадали дардини тўкиб солгунича ўтган йили, бурноғи йили тавсия қилган дорисини қайта ёзиб улгурар эди. Дорининг нафи борми-йўқми, чини билан айтганда, Аҳмадалининг ўзига ҳам қоронғи, ҳар қалай, устма-уст чучкиришининг таноби тортилгандек бўлар эди. Аҳмадали учинчи йили дўхтирхонада бошқа врачга йўлиқди, «сиз ҳаво алмаштиринг, ука» деди буниси, «сурункасига уч-тўрт йил ёз чилласи тугамай олисроқ жойларга бош олиб кетинг». Аҳмадали шундай қилди — қаторасига икки йил айна саратонда ҳайё-ҳуйт дея Болтиқбўйи томонларга равона бўлди. Юртига пахта терими авжига минган кунларда қайтди. Чучкириш азобидан қутилаёзгандек эди... Йўтал балосига йўлиқди...

Устидан икки ўркакчи туядек босиб тушган қуюқ ва қуруқ тўзонга Аҳмадали умри бино бўлиб дуч келмаган эди. Уша оқшомги чанг наматга сингиган тупроқдек унинг димоғига ўтириб қолди. Шу-шу димоғига чанг исси урди дегунча Аҳмадалини калта-култа йўтал тутуди, оғиз-бурнини кафти ёки дастрўмоли билан беркитиб амалламаса, томоғи ғиппа бўфилади...

Лекин ўша ер силкинган чоқ эски гувала деворнинг чанги бу қадар тажовузкор бўлиши хаёлига келибди-ми! Аксинча, Аҳмадали бир нима дупурлаганини, ола-тасир ва одамларнинг қий-чуви аро ўзи бораётган тор йўлакда бир машина ун ағдарилгандек оппоқ тўзон кўтарилганини кўрди, холос. Сўл ёндаги девор йўқолиб, дафъатан қоп-қоронғи, ваҳимали бир яланглик намоён бўлди, Аҳмадали шошганидан не ҳодиса юз берганини англаб-англамай чапга бурилди, бурилдию, ҳовли томонга югурди...

Аҳмадали кейинчалик ҳеч кимга оғиз очмаса-да, «Ушанда бақириб юбордимми ёки бошқа биров чинқиргандек бўлдимми?» деб ўзича кўп ўйлади... Ҳовлида кимнингдир жон аччиғида чинқирганини аниқ эшитди — гўё Аҳмадалининг рўпарасида том баравар тўзон кўтарилганини кимдир кўргану кўрқанидан чинқириб юборган, ва гўё бу чинқириққа дош беролмай девор ағдарилган, ва чинқирган кишига ёрдам бериш умидида Аҳмадали беихтиёр ўша томонга чопган, гўё... У ҳовлига ўқдек отилиб киргани ва ғайришуурий таҳликада аланглаб шарпани қидиришга тушгани учун қичқирган-миди-йўқмиди — ўзи ҳам билолмай қолди. Уша лаҳзада миясини «Уруш!» деган даҳшатли сўз тилиб ўтдию, хаёли остин-устун бўлиб кетди: «Бошланди!.. Бомба! Наҳотки, уруш бошланган бўлса?! Йўғ-э, уруш эмас... Бомба тушди-ку, уруш-да!..»

Шундай шубҳага боргани учун кейинчалик ўзининг устидан кулди: «Ахир жўбаликлар қандай гуноҳ қилибдики, душман биринчи бомбасини шу қишлоққа ташласа?!..»

Ҳозирги пайтда уруш қандай бошланиши мумкинлигини Аҳмадали кўп ўйларди, бирваракай тўртта бомба ташланса, Ер тўзонга айланиб кетаров деб ўзича тахмин қиларди, бироқ биринчи бомба Жўба қишлоғининг кулини кўкка совириши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди...

Аҳмадали бегона ҳовли саҳнида қаёққа югурарини билмай саросимада аланг-жаланглаб турганида рўпарасида ўзининг ярмича келадиған кўлага пайдо бўлди. У алпанг-талпанг юриб Аҳмадалига яқинлашди, таққа тўхтаб, секин-секин орқага тисланди ва бехосдан «Она-а!» дея бақириб юборди. Кўлага дод солиб, чўккалаганча ерни муштлай кетди. Аҳмадали унинг майка-

чан йигит эканини кўрди. Қўлтиғидан олди. Йигитнинг қўл-оёқлари чангак бўлиб қотиб қолганди, у нотаниш йигитнинг кўмагини кутмай сачраб қад ростлади ва Аҳмадалига кўзларини телбавор ола-қула қилиб бақрайди-да, яна «Она-а!» деб фарёд кўтарганча айвонга, айвондан эса уйнинг ичкарисига отилди.

У йигитнинг қадди-қомати ўзиникидан хийла тикроқ эканини Аҳмадали орадан бир неча кун ўтгач англади. Уша дамда йигит азбаройи кўрқувдан кичрайиб кетган эди...

Йигит чўккалаб қолганда Аҳмадали уни ёш боладек кўтариб, ўрнидан турғазиб қўймоқчи эди. Бунга жазм этиб улгурмай йигитнинг дам-бадам «Она!.. Она!..» деб ҳарсиллаётганини ва чириани, зўриқиб ихраётганини фаҳмлаб, ёрдамга шошилди. Йигит айвондан ичкари уйга кираверишдаги даҳлиз бўсағасида мук тушиб, йўғон тўсинни қучоқлаб олган, зўр бериб уни сурмоқчи бўлаётган эди. Шу чоқ қоронғиликда кимдир инграб юборди. Аҳмадали йигитга ёндош келиб чўккалади, тўсинни қучоқлаб силтаб кўтарди, тўсин ердан узилди, сурилди... Йигит тинимсиз «Онажон! Онажон!» дер, тупроқни бармоқлари, кафти билан суриб ерда узала тушиб ётган аёлнинг юз-кўзини пайпаслаб қидирадди.

Шу пайт ичкари уйда чинни идишлар шарақлаб кетди, Аҳмадалининг гардани, елкаларига шувиллаб тупроқ қуйилди. Ҳовли тарафдан ёш қизалоқнинг шу топдаги зимистон, чанг-тўзон ва таҳликаларга сира ярашмайдиган майин, лекин кўрқув тўла зорланган овози келди: — Ҳафез ака-а!..

Ҳушсиз онасини чанг-тупроқ остидан кўтариб олаётган йигит бўфилиб гўлдиради, алам ва жаҳл аралаш туфлади. Аҳмадали эса... гўё ҳовли томондан эшитилган майин овоздан том битган қулоғи дафъатан очилгандек, бирдан чор-атрофдаги қий-чув ва тўс-тўполонларни эшита бошлади...

Катта опаси кўринишдан беозор, аслида оғир дардга чалинганига йил тўляпти. У отага тортган — полвон келбатли, юриб чарчамайдиган, ишлаб толиқмайдиган эркакшода аёл эди. Бултур, кеч куз, қишнинг бошлари бўлса керак — куч-қувватини аллақандай кўринмас жонзот сўриб олгандек бирдан озиб-тўзиб, тирсиллаган юзи, оёқ-қўлининг териси сўлишиб, ранги олинди, бурунги ғайратидан асар ҳам қолмади. Ҳаво пасайиши билан оёғи дам шишади, дам оғриб азоб беради. Мана, эрталаб, кечқурун ҳаво салқинлади дегунча опаси яна уйдан чиқолмай қолибди...

Маърифат овқатни хонтахтага келтириб кўяр-қўймас Аҳмадали уни шоширди:

— Тезроқ ўтирақол, овқатланиб олай, сўнг опамникига бориб қайтаман.

Маърифат эрининг авзоига қараб овқат устида болаларига бир-икки «ҳай-ҳай»лаб қўйганини демаса, очилиб гапирмади. Аҳмадали тўнини кифтига ташлаб уйдан чиқаётганда у эрини дарвоза ёнигача кузатди. Кузатётти ўпқаланган ҳам эркаланганнамо мақомда «Ўғлизи кўтариб олинг, ўйнаб келади» деди. Аҳмадали хотинининг раъйини қайтармоқчи эмасди, бироқ шу заҳоти ниятидан айниди.

— У ерда хархаша қилса опамга ёқмайди, — деди. Ўғли баҳонасида эрини гапиртириб олган Маърифат шошилич муддаога кўчди:

— Опамга айтарсиз-а... уйни?..

Аҳмадали индамади.

— «Бир оғиз айтай, олдиларидан ўтай» дегандингиз-ку...

— Касал ётган одамнинг кўнглига бунақа гаплар сиғадими, Маърифат?

— Сиғмаса, эртага охириги муддат — жавобини бермасак уйсиз қоламиз, ахир!

Аҳмадали тепасидан шувиллаб тупроқ тўкилганда беихтиёр бошини елкалари орасига тортди. «Токчадаги чиннилар чил-чил бўлди-ёв, — деди Кимсан. — Маърифат ҳам манави хотинга ўхшаб тўсин-пўсин тагида қолиб кетган бўлса-чи?!» Аҳмадали кучоққа сиғмайдиган тўсин, хас-хашак ва тупроқ остидан ғира-шира кўринаётган аёл кишининг башарасига қаради. «Бўлиши мумкин-ку... Маърифат атак-чечак қилиб юрадиган ўғлини кучоғига босиб уйдан қочиш учун талпинган-у, улгурмаган... ўзи ҳам, ўғли ҳам тупроқ остида қолиб кетган!» Аҳмадали ваҳимачи Кимсанни ўхшатиб сўкмоқчи бўлди-ю, бехосдан бир бўлак муз ютиб юборгандек ичи совуққотди, лекин зум ўтмай ичидаги муз парчаси лахча чўққа айланди ва у икки ҳатлашда ҳовлига тушди. Айвондан ирғиб ўтаётиб зина ёнида турган — сочлари тўзғиган, бўйнига оппоқ чорси ташлаган, кўзлари кинидан чиқиб кетаёзган қизни ағдариб юбораёзди. У — «Ҳафез ака-а!» деб қақирган, хонадонга янги тушган келинчак эди...

Аҳмадали қулаган девор уюмига қоқилмай-нетмай кўчага чиқди. Уйи томон югурди. Дастлаб анҳорга етиб олиши керак, кўприкдан ўтгач ўннга, у ёғи... у ёғи ҳам талайгина йўл!.. Йўқ, унчалик эмас, бир нафаслик йўл, холос!.. Аммо, чироқсиз уйдек зимистонда ҳарчанд чиранмасин, йўли умнас, қадами тобора орқага кетаётгандек бўлаверарди...

У ўғлини бирга олиб чиқмагани учун ўзини ўхшатиб сўқди, сўнг айбни хотинига ағдарди — «Фикри-ёди домда. Янги уйнинг калити кўлига тегсаю, посёлкага кўмса!.. Ундан кўра, қўярда-қўймай ўғлимни кўлимга тутқазиб юбормайсанми!..» Аҳмадалининг жони хиқилдоғига тикилди. Бу ҳам етмагандай кўз ўнгида белгача танчага суқилиб ўтирган опаси гавдаланди. Ранг-рўйи доқадай оқарган, кўзойнаги кулчадек юзига ярашиб тушган, оёқ оғриғи жон-жонидан ўтиб кетаётганига қарамай, кулимсираб ўтирган опаси онасининг қуйиб-қўйгандек ўзгинаси!.. Опаси билан суҳбатлашиб ўтираркан, Аҳмадалининг назарида онаси ўлмагандай туюлди. Узук-юлуқ гурунғ асносида опаси дабдурустан, «Жиянингни сўраб келиб, қўйишмаяпти» деганидагина рўпарасида онаси эмас, онасидек хушсурат опаси ўтирганини фаҳмлади. «Шу кенжамдан тезроқ қутилсам майли... рози эдим, ука», деди опаси ҳасрат халтасини очиб. Опаси «майли... рози эдим» деганда овози титраб чиқдими ёки Аҳмадалига шундай туюлди, ҳар қалай уканинг капалаги учди. Лекин у сир бой бермади. «Жойи чиқса бериш керак» деб ўй суриб эзилаётган опасини чалғитишга уринди. Опаси эса оғиз жуфтлаганича бир нафас сукут сақлади-да, тўсатдан:

— Чиққан жойидан хунобман, ука, — деб бўзлаб юборди.

Аҳмадали, кўнгли бир нохушлик сезиб опасига хавотирли қаради. Опаси обрез томонга кўз қирини ташлаб қилга кириб-чиқиб турган келини йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бошини янада ҳам қилиб ўтирди, Аҳмадали ютинмай ундан жавоб кутди. Опаси чўчиб бошини кўтарди:

— Ер қимирладими?!.

Аҳмадали елка қисди.

— Сезмадингми? — деди опаси қулоғини динг қилиб, сўнг юзидеги хавотир ўрнини табассум эгаллади. — Шу пайтда ер қимирлашига бало борми?.. Бу ёқда...

— Совчи кимдан келяпти? — деб сўради Аҳмадали

опасининг гапини бўлиб. — У опаси ўлганининг кунидан ҳазил қилаётганини сезган эди.

— Аппон закуннинг неварасидан!

Аҳмадалининг назарида кимдир бошига мушт уриб уни ерга қапиштириб қўйгандек бўлди. Нафаси ичига тушиб кетди. «Шу гапни эшитгунча ер қимирласа ҳам майли эди! — деб ўйлади ўзича. — Келиб-келиб, одам қуригандай!..»

Ўйлашга ўйладию чурқ этиб оғиз очмади. Мияси занг ердек қотиб қолганга ўхшади. Жимликни опаси бузди:

— Бошим қотиб қолди, ука, — опаси очиқдан-очиқ йиғини бошлаб юборди. Аҳмадали бисотидан опасини юпантирадиган жўяли сўз топиб улгурмаган ҳам эдики, опаси кўз ёшини артиб-суртиб йиғламосираб гапирди. — Акангга ҳали оғиз очмадим... Унга нима деб айтаман...

Беш йил бўлди чоғи, кунларнинг бирида Маърифат мактабдан гап топиб келди:

— Аҳмад ака-чи, Аҳмад ака! Мактабимиз тарихида биринчи марта домда яшашни хоҳловчиларнинг рўйхати тузилди. Ҳазил-ҳазил билан мен ҳам фамилиямни ёздириб қўйдим.

Ушанда Аҳмадали «ҳамма қолиб, сенга уй тегармиди!» деб мийғида кулиб қўя қолганди... бир ҳафта бурун эса хотини босар-тусарини билмай уни дарвоза остонасида кутиб олди.

— Ҳай-чи, ҳай, ҳаракатингизни кўраверинг, домга кўчадиган бўлдик!

Аҳмадали янгиликни эшитиб юраги ҳаприқиб кетди. Ахир бу замонда отлиққа йўқ кўп қаватли уйдан уч хонасини унга «Ма, ол!» деб туришса, қувонмай-чи!.. Фақат... шу йилнинг бошлари бўлса керак, ака-опалари билан гурунглашиб ўтирган Аҳмадали гапдан-гап чиқиб, хотинининг уй олувчилар навбатига ёзилганини айтди. Орага бирдан ғалати жимлик чўқди. Ниҳоят, катта опасининг касалга чалинмасдан илгариги ғайрати жўшиб кетди, шекилли, лаби гезариб савол қотди:

— Уйни қайтдан бераркан?

— Посёлкадан-да...

— Нима, ота-бобонг ўтган уйдан илон чиқдими, посёлкага кўчмасанг?!. Еки биров сенларни ҳовлидан қувиб соляптимми?..

Опасининг авзойи чаппарости айниганига тушунолмаган Аҳмадали жавобга тили айланмай, дудуқланди. Акаси ҳамон асабийлашаётган опасини тинчлантиришга уринди:

— Қизиқсиз-а, опа, йигирма йил-ўттиз йилдан буёғига мактабни елкасида кўтариб келаётган муаллимлар қолиб, беш-олти йил ишлаган Маърифатга уй тегармиди, — деди.

Катта опаси уй олиш дарагини эшитиб, нега бунчалик капалаги учиб кетганини Аҳмадали кейинроқ акасидан сўраб билди.

— Ҳали-вери уй берадимми-йўқми — хом гап-у, мабодо насиб этиб қолса, кишли-қировли кунлар доми қурмағур жоннинг роҳати-да, ака. Мен бўлмасам, сиз борарсиз, опаларим бориб туришар, катта опам киш бўйи ўша ерда яшасалар ўзларига қулай-ку...

— Қулайликка — қулай, — деди акаси ҳазин тортиб, — фақат эртаю кеч қулайликни ўйлайдиган бўлиб қоляпмиз-да, ука...

Аҳмадали дабдурустан акасининг жавобини фаҳмламади, қўққис бош кўтариб сўради:

— Нима?!

— Бор-будимизни қулай яшашга алмашлаб юборяпмиз деяпман, ука!..

Аҳмадали қандайдир синоатни илғагандай ҳушёр тортдию, эшитилар-эшитилмас, «Бор-будимиз?...» деганча тили калимага келмади. Акаси ундан гап кутмай, укасини юпантирган бўлди:

— Айтдим кўйдим-да, Аҳмад, сени эмас, одамларни айтяпман, одамларни... Уй олсанг, зиёни тегмайди, лекин отам раҳматлининг айтганларидан беҳабарсан-да, укам...

Отасининг айтганларидан Аҳмадали ҳам, Маърифат ҳам чала хабардор эдилар...

Аҳмадали кўприкка ета-етгунича чорасизлик азобидан бўзлаб ўтирган опасининг қиёфаси кўз ўнгидан ўчмади. Кўча тумонат одам, ғала-ғовур, тўс-тўполон — Аҳмадалининг назарида одамлар қиёмат кўпсагина шу кўйга тушиши мумкиндек, демак, қиёматга ўхшаш нимадир юз бергандек эди. Ваҳоланки, Аҳмадали нота-ниш йигитга тўсинни кўтаришиб юборгач ҳовлига, сўнг кўчага чиқиши ҳамано бақириқ-чақириқни, улар орасида «Зилзила!.. Зилзила!..» деган ваҳима тўла овозларни аниқ эшитди. Алҳол йўлак қолиб катта кўчанинг ўртасида издиҳом орасидан туртиниб-суртиниб илгариланган пайқади. Елиб-югуриб бораётиб опасининг «Ер қимирладими? Сезмадингми?» деб сўрагани хаёлининг бир чеккасидан йилт этиб ўтди. Бунга опасининг йиғлаб-сиқтаб гапириши ҳам уланди.

Аҳмадалининг боши қотиб ўтирди-ўтирди-да, юзини четга буриб жеркиброқ сўради:

— Садафнинг ўзи нима деяпти?

— Ҳамма бало ўшанда-да! Уша яшшамагурнинг розилигини билиб хуноб бўляпман-да!

— Ҳа-а... — деди бўшашиб Аҳмадали. — Фақат... ўша Аппон закун билан қуда-андачилик қилишингиз қалай бўларкин?... Тўйбоши бўлиб қаторнинг бошида ҳовлингизга кириб келишдан ҳам тоймайди у...

Аҳмадали гапни «қора балчиқ» деб тугатмоқчи эди, тилини тийди. Опаси севинчи хабар етказгандай ва буюғидан кўнглинг хотиржам бўлсин дегандек юзига табассум югурди, товуши бирдан ўктамлашиб:

— Бир йилдан буён кўзи шифтга қадалиб ётган эмиш... бизни келолмайди, — деди.

Опаси бу гапни шу қадар мамнуният билан айтдики, гўё қизининг посёлкага — ўша одамнинг хонадонига келин бўлишини нечоғли истамасин, Аппон закуннинг қўлсиз, оёқсиз ётганидан шунчалик хурсанд, ҳатто шундай бўлгани учун совчиларга розилик бергандек эди. Ваҳоланки, Аппон закуннинг қилмишлари Аҳмадалидан кўра тўнғич опасига, акасига аёнроқ, закун тўфайли раҳматли отаси кўрган ситамларни Аҳмадали аввал оғасидан, кейинчалик опа-акасидан чала-ярим эшитган эди...

«Шифтга қадалиб ётган бўлса, демак... — Хаёлига оралаган гапдан ғаши келди. — Бировга ўлим тилагунча... — деди Аҳмадали овоз чиқариб. — Уйга борай. Ҳали уйда нима гап, нима сўз?!»

Бироқ хаёл Аҳмадалига тутқич бермади, унинг ўзини ҳам аллаёқларга олиб қочди. Раҳматли отаси посёлкада дастлаб қурилган мактабга директорликдан бош тортганини эслади.

— Районога дадамни уч марта чақиришган, — деб ҳикоя қилганди акаси. — Янги мактаб, янги коллектив, ўқувчилар ҳам ҳар ёқдан йиғилган. Абдиали ака, сиздек тажрибали педагог уддаламаса — бошқалар эплотмайди, дейишибди. Учинчи сафар чақиришганда дадам гапнинг пўсткэлласини айтибди: «Аппон Аҳмедович ободонлаштириш бошиғи бўлган жойда мен ишлолмайман ҳам, яшамайман ҳам!» ...Уша куни уйга дарғазаб бўлиб келган ва шуларни айтиб бергандилар.

Сўнг, «Ё, алҳазар! Одам қуригандай ўша қора балчиқ посёлкани ободонлаштирар эмиш! Аппон закун ободонлаштирган жойга у дунёю бу дунё етти пуштим қадам босмайди!» дегандилар...

Аҳмадали анҳорга яқинлашаёзганида осмонда ини бузилган арилардек тўзиб учаётган қарғаларга кўзи тушди. Қарғалар номозшомда кавакларини тарк этган кўршапалаклардек чарх урар, шўнғир, безовта қағилар — на ерга, на дарахт шохларига кўнардилар...

«Жонингни сақлаш учун қушга айланиб қолишга ҳам тайёрсан-а?... Қанот чиқарсангу бехатар ёқларга бош олиб учиб кетсанг! — Шундайми?...»

Кимсаннинг таънасидан киноясини фарқлаш қийин эди. Аҳмадали унинг тиржайишига ўсмоқчилаб разм солди-да, энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, ўзи томон яқинлашиб келаётган «Тез ёрдам»нинг ўткир чироғидан кўзи қамашиб кетди. «Тез ёрдам» одамлар оқимини иккига ажратиб ғизиллаб ўтди. Оломон қайтиб йўлнинг ўртасига тўдалашганда Аҳмадали Кимсаннинг киноясини унутиб, «Тез ёрдам» изидан юраги увишиб қаради. Назарида иккала машина анҳор устидаги кўприкдан ўтиб ўнгга бурилиши муқаррар эди. Бурилса, тамом, «Тез ёрдам» уларни кига боради! У ҳолда... У ҳолда... Аҳмадали тилининг учиде айланаётган совуқ иборани «тута» олмаётганига бир чеккаси севинди, фақат... хайрият! — у ўйини ўйлагунича «Тез ёрдам» кўприкдан ўтиб тўғри йўлда давом этди.

Аҳмадалининг баданини муздек тер босди. Шунда Кимсан тўнанинг баридан тутиб уни йўлнинг чеккасига тортди. Лекин Аҳмадали чеккага чиқиб улгурмай йўл устида хурпайиб ётган қушни кўриб қолди. У жон ҳолатда қўлини «Тўхта!» деган ишорада баланд кўтарди-да, илдам бориб, қуш тепасида энкайди. Қизғиш «Волга» ғийқиллаб тўхтади. Унинг ён ойнасидан овоз кучайтиргич карнай кўринди.

— Биродарлар! Таҳликага тушманлар!.. Таҳликага тушманлар! Ҳовлига, кўчага чиқиб туринлар!..

Аҳмадали қушни кўлига олдию бармоқлари илиқ, шилимшиқ қонга ботди.

— Мусича! — деди у ўзича.

— Бедана! — деди ҳамон ёнбошидан узоқлашмаган Кимсан.

«Мусичами-беданами — симга урилиб тушган», деди Аҳмадали паршонлик билан. Сўнг, йўл ўртасидаги издиҳомни иккига ажратиб тўғрига ўтиб бораётган қизғиш «Волга»га чалғиди. Томоғига бир нима қадалди, йўтали тутди...

Кейинчалик акаси «Ғўза гулининг исидан чучкирсанг, зилзиладан ўтаканг ёрилиб йўталга йўлиқдинг» деб ҳазиллашадиган бўлди. Аҳмадали эса жиддий туриб ўша куни асло ўтакаси ёрилганини исботлашга киришиб кетар, опасиникидан юз одимча узоқлашганда оёғи остида ер силкинганидан то уйига етиб боргунича хаёлидан кечган ўйларни, йўлда кўрган-кечирганларини такрор-такрор ҳикоя қилиб берар, лекин кечинмаларини сира батафсил, оқизмай-томизмай айтолмас, ҳар сафар нималарнидир унутиб қолдираётгандек дostonи узук-юлуқ бўлиб қолаверарди...

— Опамникидан қанча узоқлашгандинг? — акаси икки-уч қайта ижикилаб шу саволни қайтарди.

— Юз қадамлар чамаси, — деди Аҳмадали ҳардам-хаёл бўлиб. — Лекин анҳорга етишимга анча бор эди...

«Опам танчадан туролмай ўтирган экан-а?... Уйлар кўз ўнгингда ағдар-тўнтар бўлиб кетибди... Уша заҳоти ортингга — опамникига югуриш хаёлига келмадимми, Аҳмад?...»

Шунчаки гап орасида акаси берган саволни ҳар сафар эслаганида Аҳмадалининг юраги зирқираб кетадиган бўлди. Тўғри-да!.. Нега ўша заҳоти орқага қайтмади? Ахир аввало онаси ўрнида она бўлиб қолган катта опасидан хабар олиши керак, эҳтимол, худо кўрсатмасин... у том остида қолиб кетган бўлса... опасини кўтқариши, шундан сўнггина уйига — болаларининг олдига югуриши лозим эмасмиди. У бўлса... «Нима, «у бўлса»? Нима, ширин-шакар ўғил-қизларинг кўзингга кўринмаслиги керакми?» — деб қўққисдан саволга тутди Кимсан. Аҳмадали гуноҳ иш устида қўлга тушган одамдек бўзарди. «Ахир, она ўрнида она бўлиб қолган опани ташлаб кетишим ақлга сиғмайди-да» деди ўзини оқлаб. «Ҳа-а, яша, — деди унинг гапини тасдиқлаб Кимсан. — Она ўрнида она. Онанинг ўзи бўлса бўлак гап эди... Сенга мунофиқлик ярашмайди, Аҳмад. Зилзила бўлганини пайқаганинг замони кўзингга болаларинг кўринди-ку, ёки нотўғрими, а? Опангни кейин эсладинг-ку!..» Янглишдинг, Кимсан, — деди бу сафар ўзига ишонч билан Аҳмадали. — Ер қимирлаганини, уй ва деворлар ағдарилганини кўрган заҳоти ҳеч кимни ўйлаганим йўқ. Ихтиёрим ўзимда эмасди ўша топда. Шунинг учун...

Шунинг учун Аҳмадали девори бузилган хонадонга милтиқнинг ўқидек отилиб кирди, нима қилаётганини англаб-англамай тўсин остида қолган етти ёт бегона кампирни кўтқаришга чоғланди, кейин уйига югурди... жон ҳолатда, нафас бўғзига тиқилиб, телбавори хаёллар, даҳшатли ўйлар гирдобиде югураверди-юрди, юрди-югураверди... Анҳор ёқасига яқинлашганида тағин йўтал тутди — букчайиб қолди, юзини тўнининг барига бурқаб нафас ростлашга уринди, йўтали босилай демади, шунда эркага аёл чувиллаб ёрдамга чақираётганини, бошланг, сарпойчан бир жувоннинг зор қақшаб зир югураётганини кўрди.

— Муслмонлар, ёрдам беринглари!.. Тезроқ, ёрдам!.. Уйда, уйда!..

Аҳмадалининг йўтали таққа тўхтади. Унинг юраги жойдан кўчиб қўлининг учига сирғалиб тушганга ўхшар — мусичанинг момиқ тўшига ботиб турган бармоқларининг учи «гуп-гуп, гуп-гуп» этиб урар, Аҳмадали кафтида ўқтин-ўқтин беҳол ғимирлаётган жониворни нима қилишни билмасди. Зор қақшаб ёрдам сўраётган жувонни кўриб кўнглидан «Гулгун бева-ку!» деган гап ўтдию, беш-олти чоқли киши куймаланишаётган ҳовлига ўзини урди. Қўлидагини айвон пойгагида турган болалар аравачасига қўйди-да, бақириб-чақирашаётган кўлагаларга қўшилди...

Опаси Аппон закуннинг неварасидан совчи келаётганини айтганида Аҳмадали пичоқ еган одамдек ичида «Уҳ!» деб юборди, тилини тишлади. «Аппон закун посёлкада яшайди-ку. У кишининг қизи ўша ёққа келин бўлиб тушса майли-ю, ҳукумат бераётган уйга сен кўчиб борсанг — айбми?» деди Кимсан. Аҳмадали Кимсаннинг йўриғига юриб шу гапни тарсиллатиб айтмоқчи эди, ҳатто лаб жуфтлаган ҳам эдики, Кимсаннинг ўзи уни қайтарди. «Қўй, гапирма, — деди у, — опангни мулзам қилма. Сен айтмоқчи бўлаётган гапни ўзи ҳам ўйлаб ич-этини кемираётгандир, ахир». «Аёллар сен ўйлаганчалик фаҳм-фаросатли бўлишмайди!» деди Аҳмадали зарда билан, бироқ кутганига зид ўлароқ Кимсандан мулойим жавоб эшитди: «Фаҳм-фаросатли эркак аёллар шаънини бунчалик булғамайди».

Аҳмадали тилини тишлади. Ҳатто Кимсан билан суҳбатини биров эшитиб қолишдан чўчиб атрофга аланглади. Лекин андишали, мулоҳазакор Аҳмадали опасига бунақа гапларни айтишга икки дунёдаям журъат қилол-

маслиги ойдек равшан, юраги қисилаётгани ҳам шундан эди...

Изига қайтиб опасидан хабар олиш хаёлига келмади, лекин у болалари ёнига ғизиллаб жўнаб ҳам қолмади. У уйига, Одилбековларнинг етти пушти ва улар қатори ўз киндик қони тўкилган УЙга ошиқди! Фақат йўл-йўлакай уйлар қаторлашиб кетган, ҳамқишлоқлари ҳам унинг сингари УЗ УЙлари гирдида парвона эдилар.

УЗ УЙИга парвона одамлар ёнидан эса бепарво ўтиб бўлмас, ҳар бир уй, ҳар бир хонадон жонига ора кириш жўбаликларнинг қонига сингиб кетганди...

Кимсан ҳиринглаб тилга кирди: «Ўша талотўпда «опам-акам»га бало борми?! Бунақанги офатлар ҳаммани бир-бирига опа-ука, оға-ини қилиб қўяди!..» Лекин шўрлик Гулгун уввос солиб, соч-бетини юмдалаб, дам у-дам бу одамга тармашиб, тавалло қилаётганини кўрган Аҳмадали ўз фарзандларини кўтказмоққа чоғлангандек бир шиддат билан Гулгун бева ҳовлисига югурди.

Гулгун бева ҳушидан кетаётганда беш бола қамалиб қолган уйда кимдир ингради, ҳай-ҳайлаб зир югураётган кишилар эшик-роми очилмай қолган уйга киролмай, гарансиб туришарди. Шунда Аҳмадалининг топқирлиги тутди, у айвон саҳнидаги тўсинни кўтариб келиб ғиштин печ мўрисининг остига урди. Унга бошқалар қўшилди. Учинчи зарбадан сўнг девор тешилиб, туйнук кенгайди...

Ер қимирлаб, уйи бузилганларга ҳукумат ёрдам бераётганда қишлоққа миш-миш оралади. Гулгун беванинг хонадониде бўлган жанжал анча кунгача кўпчиликнинг оғзидан тушмади, қўни-қўшнилари эса орадан неча ўн йиллар ўтса ҳам, қачон зилзила ҳақида сўз кетса, Гулгун беванинг мардлигини дoston қилишди.

— «Эркакман» деб юрганларнинг унча-мунчаси бунақанги тантилик қилолмайди, келин, — дебди ёрдам комиссиясининг раиси. — Э, яшанг, аёл бошингизга кам бўлманг!..

Гулгун бева бу гапга ройиш бермабди. Раис жаврайверибди:

— Беш қоракўзни ташлаб кетган отанинг энди кўнгиллари юмшабди-да! Э, садқаи эр кет-е!.. Қўяверинг, синглим, ўша нокас берган пулни олмай ажаб қипсиз. Ўзим бу ёғини баракалироқ қилиб бераман.

Гулгун бева олти юз сўм санаб олиб имзо чекиш учун қоғозга қараса, исми-шарифи рўпарасида «850» рақам турганмиш.

— Бу нимаси? — дебди у қоғоздан кўз узиб.

Раис пинагини бузмабди.

— «Ёрдам пули» деб қўйибди бунни, синглим, осмондан тушган эҳсон, индамай олавермайсиэми?

Гулгун беванинг лаби гезарибди:

— Нега осмондан тушар экан, давлатнинг пули-ку, бу?..

Раис яна осмондан келибди:

— Давлатнинг ҳисоби бўйича сизга беш юздан бир чақа ҳам ортиқ тегмас эди, — дебди жеркиб. — Нотавон эрингиз гулдек жуфти ҳалолнинг қадрига етмабди деб ачинганимдан юз сўм қўшдим, келин.

— Ажрашганманми-йўқми, болаларимнинг отасини ҳақорат қилманг, бу ёғини эса... менга ачинмай қўя қолинг-да, яхшиси, қанча лозим кўрилса, шунча беринг — мен розиман!..

— Э, худо урган хотин экансан-ку, ўзи! Мен раҳмим келиб, сенга тантилик қилсам!.. Сен... Қоғозга ёзиб қўйилган бу, ахир! Ақлинг етадимми шунга? Қоғоз — ҳужжат!..

Болаларини ўй ичидан эсон-омон олиб чиқишгунича дам ўзига келиб, дам ҳушидан кетаётган Гулгун бева-нини бу қадар бир сўзли эканини Аҳмадали ўша топда тасаввурига сиғдиролмас эди... Гулгун бева қоғоз — ҳужжатни кўтариб келган раисни бир ойгача остонаси-га йўлатмабди...

— Ёрдам комиссиясининг раиси ўн кун ҳам ишла-май тувагини тиллодан қилиб олганмиш!..

— Бировнинг ҳақи бировга буюрармиди — ўша-ўша раис эл-юртнинг кўзига кўринолмайдиган бўлиб қол-ганмиш!..

Аҳмадали уч яшарча қизалоқни тўйнуқдан қўлма-қўл узатаётганда лампа шиша ёруғида ўзига катта-катта кўзлар жавдираб мўлтираганини кўрдию, болани ёни-даги кишига тутқазиб ўзи ҳовлига чиқди, тўйнинг ба-рини белига ҳимарди-да, кўчага отилди. Катта йўлдан ўтаётган қизил «Волга»дан хитоблар эшитилди:

— Уртоқлар!.. Азизлар!.. Саросимага тушманглар! Болаларни эҳтиёт қилинглар! Болаларни!..

Бу «Волга» ҳам тун оғушида худди сувда сузиб бо-раётган кемадек аста-секин узоқлашди...

Укаси опасиникига қайтиб келмагани, ёки бўлмаса тўғридан-тўғри уйига бормай, ким чақирса, ўшанга кў-макка ошиқавергани, боз устига, миясига хаёл сиққани Аҳмадалининг акасини ҳайратга солди. У укасининг ўрнига ўзини қўйиб кўрди... ўзи ҳам уйига — киндик қони тўкилган гўшага ошиқиши аён эди. Лекин... жон ҳолатда типирчилаб танчадан чиқа олмаган опасининг аҳволини тасаввур қилиб, дам юраги ўйнади, дам кулди...

— Аҳмад хайрлашиб чиқди, бир нафас ўтар-ўтмас уйнинг синчи «зирқ» этди, — дея ҳикоя қилди опаси. — Эсхонан чиқиб кетди... Оёғимни сандалдан суғураман дейман, қани қимирлай олсам!.. Оёғимнинг учига тош бостириб қўйилгандек де!.. Додлай дейман, овозим чиқмайди! Кейин, астафурилло!.. Бирдан дераза жа-ранглаб синди, шипдаги тоқилардан беш-олтитаси бо-шимга отилиб тушди, бошим сандалнинг ичига кириб кетибди. Кўрпага бурканиб олибману, нуқул «субҳон-оллоҳ» дейман... Синч қутқарди мени, Сайдали ука, синч!..

— Ер қимирлаганда Жўба қишлоқнинг итларию му-луклари ухлаб қолганмиш!..

— Ҳозирги замоннинг ит-мушуклари зилзилани пай-камайдиган бўлиб қолганмиш!..

Аҳмадали «Тез ёрдам» ва қизил-сарик «Волга»лар тўғрига — посёлка томон карвон бўлиб оққанини ака-сига айта туриб, опаси тўй тараддудига тушганини қис-тириб ўтди. Янгиликни эшитиб Сайдалининг кўнгли ёришди:

— Опам қариб қолдилар, Садаф ҳам йигирма тўртни уриб қўйди, ука, — деди у. — Бундан кечи — кеч!

— Ушанинг ўжарлигига қулоқ солмаганимизда алла-қачон бола-чақали бўлиб кетарди, — деди Аҳмадали тумтайиб. — Ҳў, бирда иш пишай деганда ўзингиз қат-тикрок турмадингиз-да... кўнглига қарадингиз...

Аҳмадали бу қадар шартаки гапириб юборганидан ўзи ҳам ҳайратга тушиб Кимсанга кўз қирини ташлади. «Истиҳолаю андиша деб қачонгача ўз ёғинга ўзинг қов-рилсан, айтадиганингни айт-да!» деб у ҳам Аҳмадалини тезлади. Афсуски, укасининг ўзига бу қадар қизишиб зарда қилишини кўрмаган Сайдали, кўнгли қандайдир

хавотирни сездими, Аҳмадалини юпантиришга ўтди:

— Кеч бўлсаям, мана, бахти очилибди-ку...

Бирок Аҳмадали шаштидан тушмади.

— Бахти кимга очилгани-чи!.. — деди у ҳамон бояги тумтайишини қўймай. — Аппон закунга келин бўлар-миш!..

Гўё укаси башарасига тарсаки тортиб юборгандек Садалининг қулоғи шанғиллаб кетди — кафтини юзи-га босди...

Аҳмадали анҳор ёқасидаги кўчага бурилганда катта опасининг, Садафнинг ташвишларини унутди. Бутун қишлоқ зулмат оғушида қолган, Жўба гўё тим қора бахмал ёпингандек, йилт этган шуъла кўринмасди.

Анҳор ёқасидаги тош кўчанинг бошланиши хийла кенг, шунга қарамай, сўл ёқдаги уйнинг ер билан битта бўлиб ётганини, гувалаклар анҳор қирғоғига қадар со-чилганини кўрган Аҳмадали додлаб юборай деди. На-зарида бутун Жўба ер билан яксон бўлгандай туюлиб, юриши баттар қийинлашди. Ён-веридан одамлар югу-риб ўтар, Аҳмадали эса оёғининг остидан кўз узмас, шунга қарамай, дам-бадам қоқиларди. «Йиқилмасам, бас!» деди у йўл-йўлакай. «Йиқилмасам, уйга етвол-сам, бас!.. Йиқилсам туropolмайман!.. Йиқилмайсан, йи-қилмайсан!.. Бардам бўл, ошиқма, кўзингни оч!..» Узи билан Кимсаннинг овози аралашиб-қуралашиб кетаёт-ганига парво қилмай йўлида кетаверди... Айвондаги кўкиш ранга бўялган уч устун қоқ белидан синди... ўн икки тоқили айвон шифти сочилиб, гурсиллаб бо-сиб туша бошлади... ичкаридаги уй деразасидан соч-лари тўзиган, ўғлини қўлтиғига қисган, даҳшатдан қотиб қолган хотинининг башараси кўринди... Аҳмадали ин-граб юборди — янаям тезроқ югурди...

Қизлари ерда қатор ётади, сўнг хотини, юқорида — бешикда ўғли. Хотини ухлаб қолган бўлса-я!.. Не аҳволга тушди экан?! Болаларни олиб чиқолдимикан? Ёки?.. Аёл бошига тўрт болани эплай олармиди?.. Уй бузилмаган бўлса-чи? Ишқилиб... Эҳтимол... Уйи алмисоқдан қолган, уни бувасининг отаси кўрган — бунақа зилзиланинг неч-тасини кўрган бу уй! Наҳотки, энди вайрон бўлса?.. Йўқ!.. Шунча уй-жой ер билан яксон бўлганда Аҳмадалининг уйи қуламайдими?.. Асло. Қуламайди! Ҳали у ерда ўзидан сўнг ўғли, ўғлидан сўнг неваралари, унинг бола-лари... Одилбековларнинг яна кўп уруғ-аймоғи шу уй, шу жойда яшайди!..

Аҳмадали анҳор ёқасидаги кўчадан пича ичкарила-ганда аравадан думалаб кетган тарвуздек сочилиб ёт-ган харсангошларга дуч келди... Тошлар дарёдан йи-ғиб келинганига, чуқурлик ёнбағрига уйиб қўйилганига ўн йиллар бўлганди... Ана, тош уюмининг тепаси ўпи-рилиб, йўлнинг ярмигача чўзиқ хандақ пайдо бўлибди. — Сайдиллонинг уйи-ку!..

Аҳмадали уйнинг орқа девори ўпирилганидан узун тунука том ерга қапишиб қолаётганини кўриб кўксига туфлади. Кўзига Сайдиллонинг отаси кўриниб кетди. «Чолга нима бўлдийкин?» — деб ташвишланаётиб эр-как кишининг бўғиқ носасини эшитди:

— Набий!.. Югу-ур, Набий!..

Аҳмадали бир ёни ерга теккудек босиб қолган том-нинг ёнбошидан ўтди-да, ичкари ҳонада пайпасланиб одам излади. У бояги нола эгаси — Сайдиллони та-ниган, ўзига тенгқур бу йигит нега нуқул «Набий»лаб чақираётганини билмас, яқин-атрофда бундай исмли одам йўқ эди.

Сайдилло Аҳмадалини пайқамади шекилли, баттар бўғилиб бақирди:

— Югур, деяпман, Набий!.. Те-ез, югу-урр!..

Каравотнинг темири ялтираб кетди. Аҳмадали уни қора тортиб тўғри ўша ёққа юрди. У Сайфилло бобонинг қордек оппоқ соқолини аниқ кўрди, кейин отасининг оёғини босиб қолган шкафни чираниб силжитмоқчи бўлаётган Сайдиллонинг излади. Аҳмадали Сайфилло бобонинг аҳволини кўрганда опасининг «Аппон закун оёқ-кўлсиз ётибди» деганини эслади...

«Қимир этмай ётган бўлса, демак, бугун кунни битибди-да, — деди Кимсан ўсмоқчилаб. Сўнг унинг ўзи Аҳмадалига танбех берди: — «Бировга ўлим тилагунча ўзингга умр тила» деган донолар». Аҳмадали Кимсаннинг бир пайтда икки хил гапиришидан каловланиб қолаёзди-ю, лекин ичидагини сиртига кўчирмади, у Сайфилло бобога андармон бўлди.

Тўқсондан ўтган Сайфилло бобо шифтга қараб ётганча бир нималар деб пичирлар, Сайдилло эса йиғламоқдан нари бўлиб бўғилиб ихрар, ингранар, отасининг оёғини босиб қолган шкафни жилдирилмай нуқул «Набий! Набий!» деб хириллагани-хириллагани эди.

Кейинчалик Аҳмадали Сайдиллодан сўради:

— Набий ким?

— Билмасам... «Набий» эмас, «Наби» дедим.

Аҳмадали кулди:

— Ахир бу атрофда Наби исмли йигит йўқ-ку? Ёки қариндош-уруғингда борми?

Сайдилло «йўқ, билмасам» деб бошини чайқаганча Аҳмадалига кўшилиб кулди... Уларнинг савол-жавобини эшитган Кимсаннинг хириглаб кулганига Аҳмадали эътибор қилмади...

— Шошма, Сайди! Ҳозир оламиз, Сайди! — деди Аҳмадали кифтини шаф остига суқиб. Шунда Сайфилло отанинг овози эшитилди:

— Узингга ҳушёр бўл, болам!.. Оёғимда жон йўқ, оғримайди, ўғлим! Узингга қара...

— Ҳозир, ота, ҳозир!

Аҳмадали Сайфиллога «ҳа-ҳа»лаб шкафни кўтаришга чоғланди, бироқ шкаф михлаб ташлангандек қимир этмади. Сайфилло бобога кўшнилар ҳам ҳийла йирок, узоқ-яқиндан овозлар эшитилиб турар, лекин улар «ҳой, бу ёққа қаранглар!» деб чақириш учун олислик қиларди.

Катта кўча томондан хитоблар эшитилди:

— Биродарлар! Таҳликага тушманглар! Биродарлар!.. Ҳовлига ёки кўчага чиқиб туринглар!.. Биродарлар!..

Кимсан тутоқиб кетди. «Бориб посёлкадагиларни тинчлантирсин улар! Қишлоқдагилардан ташвишланмай кўя қолсинлар!..» — деди у тишининг орасидан тупук сачратиб.

Аҳмадали Сайдиллонинг жеркиб ташлади:

— Типирчиламай шкафнинг орқасига ўт! Ҳушингни йиғсанг-чи!

Сайфилло бобо яна минғиллади:

— Жоним оғримаяпти, болам. Узинг омон бўл, ўғлим... Узингга қара!..

— Шкафни девор қисиб қўйибди! — овози келди Сайдиллонинг шкаф ортидан. — Суриш керак энди!..

Аҳмадали тўнининг орқасини олдига ўгириб, чаппасига кийди ва пайпасланиб-қисилиб шкафнинг орқасига ўта бошлади. Шунда Сайфилло бобонинг йўргакдаги чақалоқдек майин, мулоим нафас олиши қулоғига элас-элас чалинди, Аҳмадалининг назарида бобо ўғлининг ўлиб-тирилаётганидан мийиғида кулаётганга ўхшади...

Аҳмадали шкаф ортига ўтаётганда ўнг қўлининг бош бармоғи «жаз!» этиб ачишиб кетганини кейинчалик эс-

лади... Ҳар сафар она қишлоғини кўтариб ташлаган зилзилани эслаганида тирноғи яна этдан кўчаётгандек бўлар, аъзои бадани жазиллаб ачишганидан афтини бужмайтирарди... «Сайфилло бобонинг чақалоқдек нафас олиши эсингдами?» деб сўрарди Кимсан. «Ҳа, эсимда», деб жавоб қиларди Аҳмадали. «Сайдиллонинг «Набий! Набий!» деб нажот истаганлари-чи?!» — деб яна сўрар эди Кимсан. «Қулоғим остидан кетгани йўқ Сайдиллонинг товуши» дерди Аҳмадали. «Шундай экан, нима қилиб бош кўтариб юрибсан дунёда?!» — деб ўшқиришга тушарди Кимсан. «Хўш, нима қилай, менинг қўлимдан нима келади? Зилзиланинг киндигидан тутиб қолайми?.. Ёки етти пуштим ўтган қишлоғим вайрон бўлмасин деб зилзилага ёлборайми?.. Айт! Билсанг, айтмайсанми!..»

Сайфилло бобонинг омон қолгани жўбаликлар учун бўлак бир дoston тўқишга татиди.

— Ажали етмаган одам юртга қирон келсаям омон қолади, — деди кимдир.

— Табаррук чол-да, умрида бировнинг дилини ранжитмаган, — деганлар ҳам бўлди.

Узоқ йиллар гапиришди. Сайфилло бобонинг ўзи эса ўзича ҳикмат тўқирди:

— Жон эгамники... Одам тирноқ бўлса, ҳаёт — эт, тирноқни этдан ажратиш осон эмас, лекин вақти-соати етган бўлса, худованди карим ихтиёрига қараб ўтирмайди... Паймонам тўлмаган бўлса, ишқоп оёғимни эмас, бошимни эзиб қўйса ҳам ўлмасдим...

— Ҳа, кун битмаган девона юртга қирон келсаям ўлмайди, — дейишди бу гапни эшитганлар. Ана шунда кимнингдир ёдига Аппон закун тушиб қолди.

— Сайфилло бобо бировни ранжитмагани учун омон қолган бўлса, Аппон закун-чи?.. Озмунча одамни қон қақшатмагани у хотинталоқ?

— Унинг йўриғи бошқа! — деди мўйсафидлардан бири. — Уни Сайфилло бобога менгзаманглар!..

Аҳмадали тақдирнинг ўйинларига тушунолмай қолди. Башарти Аппон закун ва унинг қилмишлари тўғрисида эшитганлари чин бўлса... унинг шу ажал комида омон қолгани у дунё-бу дунё адолатдан эмас. Ўша сарров қаншарига тегар-тегмас осилиб қолмай, гурсиллаб тушганида закуннинг бошини мажақлаб ташларди-ку!..

Акаси вазминлик қилди.

— Сарров закуннинг бошини мажақлаганда дунёда адолат чирқираб қоларди, ука! — деди у ерга тикилиб. — Қайтар дунё... шунча одамнинг қарғишига қолган кимса осонгина ўлим топиб кетаверадимми?! Иў-ўк, кўрасан, бу закун ҳали-вери ўлмайди. Ёруғ дунёда адолат, ҳақиқат бўлса — ҳали-вери ўлмайди!..

Ер гурсиллаши билан Аппон закун юрагини туйқус бир ваҳм босди, даст туриб ўзини деразадан ҳовлига отмоқчи бўлди, бироқ на қўли, на оёғи унга бўйсунди. Йиғлаб юборди... Аҳвол шу — Аппон закун шамол турса ҳам, шамол тинса ҳам йиғлайди, оқшомлари мол-қоллар подадан қайтганда сигирлар мўрашини, қўй-қўзилар маърашини эштади — йиғлайди... Ҳовли ўрта-сидаги муштдай-муштдай ўрик «тапп!» этиб ерга тушарди — закун «ўрик тушди, опке-е!..» деб бақиради. Унинг зорини биров ё эштади, ё йўқ — закун шифтга тикилган қўйи дув-дув ёш тўкади, кўз ёшлари бир вақтлар гўштдор, тирсиллаб турган, энди эса ошланмаган теридек қотма тириш юзи, салқинган бағбақаларидан пастга ўрмалайди...

Шифт иккига бўлиниб устига бир уй кесак-тупроқ, камиш, чўп-ёғоч ағдарилганда «Тириклайин кўмила-

ман!» деб юборди Аппон закун. Ётиб қолганидан буён оғзидан тушмайдиган худога овозининг борича ялинди-ёлборди... шифтнинг қоқ ўртасига ташланган сарровнинг бир учи жойидан кўчиб, унинг бўғирсоқдек бурнига тегай-тегай деганда деворга тиралиб қолди... Аппон закун чанг-тўзон босилгач, кўзи қоронғиликка кўника бошлагачина сарровни кўрди, ўтакаси ёрилди. «Вой, дод!» деди. «Ким бор?!» деб ўқирди. Ер кейинги силкинганда сарровнинг учи девордан кўчиб закуннинг ялтироқ манглайига тегай деб қолди. Яна «қирс» этса тамом! — миясининг қатигини ўйнатворади!..

Аппон закун бақирса, овозининг зўрига сарров тушиб кетадигандек эди — киприк қоқмай, нафас чиқармай ётди. Ажал атай тумшугидан бир баҳя нарида қотиб туриб унга азоб бераётган, тақдир Аппон закунни тавбасига таянтираётган эди...

Сайфилло бобоникидан чиқиб анҳор ёқалаб югуриб бораётган ва жин кўчага буриладиган жойни тополмай гарангсиз қолган Аҳмадалининг назарида ҳамқишлоқларининг кўпи тупроқ остида кўмилиб кетгандек туюлди. Итларнинг акиллаши, сигир-бузоқларнинг узук-юлуқ маъраши, одамларнинг шовқин-сурони — жамики овоз осмондан келаётгандек, ерда — Жўба қишлоқда тирик жон қолмагандек қишлоқнинг жони-жаҳони — қарғалар... тўзиб учаётган қарға-кузғунлар жўбаликларнинг чирқираб қолган руҳларидек чарх уриб безовта айланарди...

— Кунботарда ер терак бўйи ёрилиб кетганмиш!..
— Соғ уй қолмаганмиш!..

Ут ўчирувчи, «Тез ёрдам» машиналари, «Волга»-музожаатлар катта йўлдан тўрига — посёлка томонга ўтпти... «Посёлкани ер ютган бўлса керак» деди Кимсан. Аҳмадали жинкўчадан йигирма одим юрар-юрмас қулаб, кўчани кўндалангига тўсиб қўйган дарахтга дуч келдию унинг Она ўрик эканини билгач, «Посёлкани эмас, Жўба қишлоқни ер ютибди!» деб юборди...

Она ўрик Жўба қишлоқнинг она дарахти, қишлоқдаги барча ўриklar шу дарахт мевасининг данагидан ундирилган. Она ўрик данаклари... Она ўрик йил оралаб ҳосил тугади. Унинг данаклари қандай тупроқда унинг ўсганига кўра хилма-хил навларга айланади. Она ўрик навини эса на ёш, на кекса билади...

Шокир мўйнадўзнинг ҳовлисига тақалган сайҳонликда осмоннинг бўлмаса-да, Жўба қишлоқнинг устунидек бўлиб қад ростлаган Она ўрик кўчани тўсиб, қулаб ётарди...

Аҳмадали дарахтни гўё бир забт билан қайта кўтариб қўймоқчидек унинг шохлари орасига ўзини урди. Бошини елкаларига қисиб энгашди-да, қўллари билан пайдар-пай йўл очиб, ўрикни оралаб ўта бошлади... тирноғи этдан ажраган бармоғининг зирқираши бир зум тўхтади — жони ором олди... Бироқ у ҳарчанд шовмасин, тез силжий олмас, новдаларни эгиб-букиб ўтса-да, дам-бадам йўғон шохларга дуч келар, уларни синдиришга ё қаттиқроқ букишга журъат қилолмас — гоҳ остидан — гоҳ устидан айланиб ўтишига тўғри келарди. Аҳмадали ҳали дарахтнинг тепасига етиб бормаган ҳам эдики, тўнининг энги шохга илинди. У чап қўлини силтаб тортиди, кейинги силташда тўнининг астари «тирр!» этиб йиртилди, шох «қарсс!» этиб синди, шунда Аҳмадали пешонаси Она ўрикнинг танасига гурсиллаб урилишини кутганди. Йўқ, аксинча, боши кўринишдан дағал, аслида момиқ болишга теккандек

бўлди, «Иҳмм!..» деган майин-мулойим сас эшитилди...

— Она ўрик ўрнида тўққиз қаватли уй қурилар эмиш!..

— Шу уйдан жой сўраб ариза кўтариб келаётганлар беҳисоб эмиш!..

«Иҳмм!..» деган сас қайдан эшитилганини билмасанда, у Аҳмадалининг қулоғидан сира нари кетмади. «Сендан нажот сўради» деди Кимсан. «Ким нажот сўради?» — «Ўрик. Она ўрик». «Нима демоқчи эди Она ўрик?» — «Жўба қишлоқдан айрилдим», демоқчи Она ўрик». «Унинг зорини одамларга етказиш керак». — «Йўқ, барчага эмас».

Шу ерга келганда Аҳмадали тутоқиб кетди.

— Она ўрик зорини ҳаммага, бутун қишлоққа жар солиш керак, — деди у ҳайқираиб.

— Тирноқча нафи бўлмайди, — деди вазминлик билан Кимсан.

— Нима, ичимга ютайми? Шундай қилсам фойдаси бўладими?!

— У сас ёлғиз сенга насиб этди, Она ўрик ёлғиз сенга аён қилди...

— Ҳамқишлоқларим...

— Қизишма!.. «Ҳамқишлоқларим» деб ховриқяпан!..

— Йўқол! Сендан ақл ўрганишим қолдим энди! Кўзимга кўринма!

Аҳмадали «Йўқол!» деб улгурмай, дили вайрон бўлган Кимсан маънос тортди ундан узоклашган, бошини солинтирганча ҳў-ў нарида кетиб борарди...

Аҳмадали ўз билганидан қолмади. Она ўрикка боши урилган чоқ қулоғига чалинган нажот истовчи, ёлборувчан майин сас ҳақида дилтортар жўраларидан бирига оғиз очди. Жўрасини ҳамфикр йигит деб биларди. Афсуки...

— Эшонанг чиқиб, ваҳима бўлиб қолибсан, шунинг учун пешонанг дарахтга урилганини сезмагансан, — деди жўраси. Кейин кулди, ҳатто, «Дарахт ихраб юборди» дегин, ха-ха-ха, зап чўпчак топибсан-да, зилзила қишлоқни тўзитиб юбордим десам, сенинг миянгни пўла қилган кўринади, Аҳмад», дея очиқдан-очиқ мазах қилди. Аҳмадали ҳиринглаётган жўрасининг ўлик кўзларига ўхшатиб туширмоқчи бўлиб мушт тугди, шунда Кимсаннинг айтганларини эслади. Кимсан эса Аҳмадалининг мулзам бўлганидан беҳабардек ломим демай бош эгиб турди-да, Аҳмадалини юпантирган бўлди:

— Ҳечқиси йўқ, — деди у кўзини ердан узмай. — Она ўрик зорини Сайфилло бобога айт, отанга айт — улар қулоқ солишади...

Аҳмадали Кимсаннинг ниятини тушунмади, «нима деб вайсаяпан!» деб яна захрини сочмоқчи эди-ю, тилини тийди. Кимсаннинг дилини оғритгиси келмади... Ёлғиз қолган дамларида ўша лаҳзани бирма-бир кўз ўнгида қайта жонлантиришга уринди: шох-шаббалар орасидан ўтиб-ўтиб борди — дарахт танасига яқинлашди — бармоғининг жизиллаб ачиши тўхтади — тўнининг энги илинди — силтаб тортганди «тирр!» этиб йиртилди — шунда «бошим гурсиллаб урилди» деган ўй кечди хаёлидан ва... пешонаси пар ёстиқча теккандек бўлди... У ҳолда ким ёки нима ингради?.. Инграмаган бўлса, ўша ғалати, ожиз ва меҳрибон бир сас қаердан қулоғига чалинди!..

Алҳол, тоқати етмади. Кунлардан бир куни, ярим

тунда хотинининг кўксига юзини босиб ётиб, хўрлиги келганидан ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Донг қотиб ухлаётган Маърифат чўчиб ёстиқдан бош кўтарди... Эри юзини ёстиққа буркаганча силкиниб-силкиниб йиғларди... Аҳмадали йиғлашга-йиғлади-ю кўнгли аллақандай нохушликни, зилзиладан кўра даҳшатлироқ фожиани сезаётганини тушунтириб айта олмади. Фақат, «Биласанми?... Тушимда онамнинг кўксига бош қўйгандек бўлдим. Онам нимадир демоқчи, мени алланимадан воқиф қилмоқчи эдилар, лекин гапиролмадилар, лекин Она ўриқка қўшилиб инграб юбордилар... Тушуняпсанми, Маърифат?» дея олди, холос...

Аҳмадали йўғон шохга тармашиб, унга минди. Пешонасини силади. Оёғи ерга тегмас, худди баланд дарахт тепасига чиқиб олгандек оёқларини осилтириб ўтирар, сукунатга озор етказгиси келмас, ўша сирли сасни яна такрор эшитишни қўмсарди...

...чор атроф ҳамон қора бахмал ёпинган — ҳеч нарсани илғаб бўлмасди...

Аҳмадали бирдан хавотиру-ҳадикни, шошқалоқликни — қай кўй ва қай ташвишда келаётган бўлса — бари-ни унутди. У сукунат оғушига сингиб кетгандек эди. Жўбаликлар — одамлардан то қурт-қумурсқаларгача ором уйқусига чўмгандек... фақат барглар шитирлар... Она ўрик япроқлари шивирлар эди...

«Ҳар япроқ шивирига қулоқ тутиш — фарз...»

«Баргларнинг майин-вазмин шитирига монанд ўй суриш — қарз...»

«Она ўрикнинг ҳар шивирини — Жўба қишлоқда яшаб ўтганлар саси...»

— Нималар деяпсан, Кимсан? — деб сўради Аҳмадали шивирлаб.

— Мен эмас, мен гапирмадим, — деди Кимсан ҳам оҳиста...

Уйлар қулагани, томлар босиб қолгани, анҳор тошиб хонадонларни фарқ қилгани унутилди, лекин Она ўрикнинг ағдарилгани ёшу кекса жўбаликларнинг мангу армонига айланди...

Маърифат уни дарвоза ёнида бетоқатланиб кутиб олган, эртадан қолдирмай ҳужжатларни тахт қилиб, олиб бориш зарурлигини уқдира бошлаганда Аҳмадалининг юраги орзиқиб кетди. Дарвозадан ичкари кириб ҳовлини кесиб ўтгунича алмисоқдан қолган бўғотсиз лой томли уйга, унга ёндош тунука томли уйларга мўлтираб разм солди. «Уйланганинда, тўй оқшоми куёвнавкарлар билан келинникидан қайтганинг ёдингдами? Шу ҳовли, шу уйлар — деворлару томларгача ял-ял ёниб-товланиб қарши олгандилар сени!.. Шу хонадонда яшаб дунёдан ўтган пиру бадавлат бобою молларинг севиниб қутлагандек бўлгандилар сени! Кўксинг тоғдек бўлганди ўшанда, ёдингдами?..»

Аҳмадали «Вайсайверма!» деб Кимсанни жеркиб ташламоқчи эди, тили калимага келмади, томоғига нимадир тикилиб, ҳовлига мўлтираб анграйди. Одилбековлар шажарасининг кенжатоий юз ўгириб кетаётганини сезгандек уйлар маъюс тортган, мунғайиб, етим кўзидек бўзлаётганга ўхшарди. Аҳмадали ўралиб-чирмашган ток зангига, кекса тутга, ҳайҳотдек ҳовлига, супага ва ҳў-ў чеккадаги уч туп Тошданакка бош кўтариб қарай олмади...

— Тошданакни ота-боболаримиз эккан, — деди Абдиали ака ғурурланиб.

— Ҳужжат? — деб унинг оғзига урди терговчи.



— Раҳматли отамнинг айтгани-да, ҳужжат, — деди Абдиали ака.

— Ота-бобонгиз уруғлик данакни қаердан олган? — сўради терговчи яна тарашадек қуруқ овозда.

— Турган гап — Она ўрикдан, — жавоб берди Абдиали ака кулимсираб.

— Ҳа-а, — деди терговчи худди калаванинг учини топгандек. — Демак, Тошданак кимга қарашли бўлмоғи керак?!.

Абдиали ака доврираб қолди. «Ахир қишлоқдаги ҳамма ўриклар Она ўрикдан тарқаган... Шунга қарамай ҳар бир ҳовлидаги ўрик — ўша хонадон эгасиники ҳисоб!.. Тошданак ҳам...»

«Сукут — розилик аломати» деганлар бекор айтибди. Абдиали ака устма-уст саволнинг даромадини англолмай қолганди, ҳелос.

Бўлмаса, ичи тўла жавоб эди, дилидагини яширадиган жойи йўқ эди...

— Азизлар! Ҳушёр бўлинглар, азизлар!.. Хавф ўтиб кетди, таҳликага тушманглар!.. Болаларга эҳтиёт бўлинглар!..

Катта йўл томондан келаётган бу сўзлар тобора посёлка тарафга узоқлашиб, лаҳза сайин сўниб бораверди, кейин эшитилмай қолди...

Она ўриқнинг барглари шитирлади... шивирлади... Аҳмадалининг сукунатга озор етказгиси келмади...

— Энди ғоз-ғоз тураётган, «ада», «опа»лаб тилинг чиқаётган эди. Тугунда ош-нон, кўлимда сен — ҳар куни шаҳар қатнайман. Дадангни кўрсатмайди, мен йиғлайман, сен йиғлайсан — бефойда... Қатнайвердим. Кейин сени Рўзихон олиб қоладиган бўлди...

«Япроқлар онанг чеккан дардлардан шивирляпти...» — деди Кимсан.

«Садаф! Севиш-севилиш муқаддасми ёки Она ўрик проқларининг шивирими?.. Айт, Садафжон!..»

Аҳмадали бу гапни ҳам Кимсан айтди деган ўйда унга қаради, лекин Кимсан унга зуғум қилаётган эди:

— Садафда гуноҳ йўқ. Ахир у на отанг чеккан машаққатлардан, на Аппон закуннинг кирдикорларидан хабардор!

— Хабардор қилиш керак-да!

— Ота-боболар жанжалини неварра-эваралар давом эттиришида ҳеч қандай маъно қолмас?

— Нималар деясан, Кимсан?! Ўйлаб гапиряпсанми ўзи? Ахир...

— Ахир отангнинг васиятларини ўзинг яқинда эшитдинг-ку. Тағин Садафдан гина қилишинга бало борми?!

— Гина қилаётганим йўқ, Кимсан, унга ҳам тушунтиришимиз, қулоғига қуйишимиз керак. Токи, наслинасабимизга ғубор кўндирмаслик учун одамни одамдан, жойни жойдан фарқлайдиган бўлсин.

«Аканг, опаларинг қолиб, онанг нечун сени Рўзихон аяга ташлаб кетганларини сўраганмисан ҳеч?»

Аҳмадали «ялт» этиб Кимсанга қаради, Кимсан эса унга бақрайди. «Мен эмас! — деди у жонҳолатда. — Мен гапирмадим!»

— Хо-хо-хо-о-о...

Аҳмадали қулоғининг остида жаранглаётган, лекин жуда олисдан эшитилаётган бу таҳқиромуз кулгига жавоб берадиган ҳолда эмасди шу топда...

Шифти қўл чўзса етгудек пастак ҳужрада офтоб кўрмай ёлғиз ётишдан кўра бир хил саволга бирдек жавоб қайтаравериш оғирроқ азобга айланди. Узун, ойнадек

силлиқ стол ортида ўтирган терговчи жони бор одамми, ёки темир-пемирдан ясалган одамнусха махлуқми — Абдиали ака сира шунинг тагига етолмади. Терговчи доим тунд ва уйқузираган бир товушда нуқул бир хил саволлар берар ва худди сўроқ берувчининг хонумони ёниб-қуйиб айтаётганлари уни заррача қизиқтирмаётгандек пинагини бузмай, кўзини лўқ қилиб ўтираверарди.

— Ҳеч бир жўбалик қадим-қадимдан ўрикни бировдан, одам боласидан аяган эмас, — деб жавоб қилди Абдиали ака.

— Қадимни қўйинг, бугундан гапиринг, — деди уни жеркиб терговчи.

Абдиали ака суст ўйлайдиган, фикрини жамлолмайдиган бўлиб қолганди, шу боис:

— Бугун ҳам ўриклар ҳаммага тенг насиба... Тошданак ҳам... — дея жавоб қилди узоқ ўйга толгач.

Шафқатсиз саволларнинг эса охири кўринмасди:

— Ўрикларнинг номи — Гулинуран экан, нега сиз Тошданак дейсиз?

Абдиали ака оғир ва ҳорғин кулимсиради. Тақир бошини силаб туриб ота-боболаридан қолган, ўзи эса ҳў-ў болалигида отасидан эшитганларини ҳикоя қилди:

— Учала туп ҳам — Гулинуран... Қийғос гулласа тунда чироқнинг ҳожати қолмайди... Лекин отам «йил оғир келса ўрикларни Тошданак деб аташ керак» дердилар...

Бу йил ўриклар гулламади — улар бу йил — Тошданак... Ўз номи билан атамасак улар келгуси йил Гулинуранга айланмайди... «Ҳар нарсани табиат ато этган ном билан ата, болам. Тош бўлса — тош де, гул бўлса — гул...»

— Далил? — сўради терговчи.

— Яна қанақа далил?

— Гапингизни тасдиқловчи ҳужжат?

Абдиали ака мийғида кулди, кулгисини яширмади, сўнг бирдан жиддий тортиб стул суянчигини чангаллади — бармоқлари зирқираб санчиқ турди...

— Ўзингизни овсарликка солаверсангиз ҳужжатни биз кўрсатамиз, — деди ниҳоят терговчи ва хонада саратонда ёққан дўлдек... Аппон закун пайдо бўлди...

— Рўзихонга сени иккинчи сафар қолдиришим эди, — деганди онаси. — Шаҳардан қайтиб Рўзихоннинг дарвозахонасига кирдим. Ана чақирдим, мана чақирдим — қани биров овоз берса... Юрагим ёрилаёзди. «Рўзихон, ҳу-у, Рўзихон!» дея уйига кириб борибман...

Қай кўз билан кўрайки, кеч куз, изғирин совуқда тақир ер — остонага бош қўйиб ухлаб қолибсан — на Рўзихон бор, на унинг сенга парвона болалари...

Аҳмадали Она ўрик оғушидан меҳрибон онаизорнинг қучоғидан чиққандек сирғалиб чиқди — шох-бутоқлар майсадек майин, япроқлар момиқ поёндоз... Она ўриқнинг қўллари — шохлари уни анча жойғача қўйиб юбормади — ниҳоят меҳрибон қўллар, бармоқлар ҳам ҳавода муаллақ силкиниб, тебраниб қолди... Шундан сўнггина милтираган шуълалар кўзга чалина бошлади, узоқ-яқиндан гангур-гунгур товушлар, янаям йироқлардан лангиллаган гулханлар кўринди...

— Она ўрик ағдарилиб, шохлари ерга тегар-тегмас қовжираб ёниб кетганмиш!..

— Уни ўчирадиган бирорта азамат топилмаганмиш!..

Аҳмадали Она ўрик ёнидан узоқлашгани сайин бармоғи симиллаб оғрий бошлади. Сайдиллоникида шкафнинг орқасига ўтаётганда бармоғини қаергадир уриб олдию, «жаз»иллаб ачиша бошлади — бош бармоғининг тирноғи кўчиб кетганини сизди... «Тирноғинг Сай-

диллоникада кўчган бўлса, бармоғинг нега Гулгун бева-
никада ачиша бошлаганди» деб сўради Кимсан. Аҳмад-
али унга жавоб тополмади...

— Қаёқдан сенга тега қолди шу уй? — сўради у хоти-
нидан.

— Ҳамма ҳайрон, ўзим ҳам билмайман денг, Аҳмад
ака! — деди шарақлаб кулиб Маърифат.

— Мактабни опичлаб келаётган муаллимлар қолиб,
сенга...

— Вой, умидим йўқ эди, Аҳмад ака, бундан буён ёш
зиёлиларга кўпроқ ғамхўрлик қилинармиш, ўша ғам-
хўрлик биринчи бўлиб менга насиб этибди, Аҳмад ака!..

— Сен бундай ғамхўрликка муҳтож эмасдинг-ку?..
Уй-жойинг, мана, ҳайҳотдай ҳовлинг бўлса?..

— Бир-икки муаллимлар шуни айтишди, директори-
миз кўнмадилар, «ёш, иқтидорли педагогимиз Маъри-
фатхон тўрт боланинг онаси, қишлоқдан мактабга қат-
нашга қийналяпти, шуни ҳисобга олиб ёш зиёлиларга
ғамхўрликни кучайтириш тадбирларига жавобан у ки-
шига посёлкадан уч хонали дом берамиз» дедилар.

Маърифатнинг оғзи қулоғида, эрини гапиргани қўй-
мас, ўзи бир гапириб ўн кулар эди...

— Маърифат, — деди тўсатдан жиддий тортиб Аҳ-
мадали. — Лабинг лабинга тегмаяптию, ҳеч ўйлаяп-
санми ўзи? Тананга озгина, жиндеккина ўйлаб кўргин...
Ана, уйга, эшик-деразаларга, ошхонадаги ўчоққа, тан-
дирга, ҳовлига қарагин... Кўча томондаги — девор ор-
тидаги уч туп ўрикка сира тикилиб термулганмисан,
Маърифат?.. Тошданакларга?.. Бир пайтлар уларнинг
Гулину деб аталганини биласанми?.. «Даданг анави су-
пада ёнбошлаб чой ичаётиб жонлари узилганини, онанг
ҳов анув деразадан кўриниб турган катда — мудраб
ётганларича ухлаб қолганлари... сен ҳарчанд уриниб
онангни уйфотолмаганини айтмайсанми?» — деб ило-
ва қилди Кимсан.

«Айтмайман», деди Аҳмадали. «Айт, ҳозир айтма-
санг, нима, посёлкага кўчиб борганда айтасанми?!» деди
зарда қилиб Кимсан. Аҳмадали эса бармоғи эмас, гўё
бутун аъзои баданини тирноқ зирҳдек қоплагану қан-
дайдир куч ўша зирҳни — тирноқни кўчириб олаётган-
дек танасида оғриқ турган — «лов-лов» этиб эти ачи-
шаётган эди...

Аппон закун чимирилиб афсунгар иблисга гапирган-
дай ўдағайлади:

— Хайф-э, сизга муаллимлик! Шундай ажойиб за-
монда «йил оғир келди» дейишга қандай тилингиз бор-
ди?! «Тошданак» эмиш-а!.. Колхознинг боқим сигири-
дек уч туп қантдек ўригини ўзингизники қилиб, ҳов-
лингизга кўшиб олдингизми, бас, сиздек одамдан ҳу-
куматга яхшилик соғиниш ҳаром. Бас, бу қинғирликни
закун кўтармайди!..

Абдиали ака на кўзларига, на қулоғига ишонмай га-
рангсиб тураверди. Кўзини пирпиратди, гўдак боладек
мушти билан мижжаларини ишқади — манзара ўзгар-
мади — ўша Аппон Аҳмадий, ўша таниш башара. Алҳол,
супадек кенг ва Аппон закуннинг бошидек ялтироқ стол
ортида ўтирган терговчи ер остидан муғомбирона кул-
ди. Томоқ кирди, ва жуда майин, беозор, ҳатто эшитган
қулоққа малол келмайдиган хокисор оҳангда Абдиали
акага шивирлади:

— Мана — ҳужжат, мана сизга — далил...

Узун, сандиққа ўхшаш диққинафас хонада эрмакка
томоша кўрсатилмаётгани, балки ўзининг тақдири ҳал
бўлаётганини Абдиали ака кўққисдан сезиб қолди. Ва
шу заҳоти тилга кирди:

— Аппон ака, нималар деяпсиз?.. Тушунтириб гапи-
ринг, барака топгур. Ахир биз сиз билан бир тупроқнинг
фарзандларимиз, бир ўрикнинг мевасини еб катта бўл-
ганмиз, ака!..

Аппон закун баттар қоғоғини уйди. Сўнг у ҳам овози-
ни боягиндай хийла юмшатиб гўё бемор дардига мал-
ҳам тавсия қилаётган табибдек дона-дона қилиб айт-
ганларига якун ясади:

— Ана-а, ўртоқ Одилбеков! Бу бошқа гап!.. Илло,
таассуфлар бўлғайким, сўнгги пушмон — ўзинга душ-
мон деганларидек... «Шу уч туп ўрик — Гулину! —
колхозники. Элнинг ҳақини еганни закун кечирмайди»
деб чакак қоқиб чарчадим-а, сиз эса билармонликдан
қолмадингиз. Э, аттанг!.. Начора, пушаймон — гуноҳ-
н бўйинга олиш билан тенг. Ҳа, ҳа, ўртоқ бошлик, —
Аппон закун шундай дея бўғирсоқдек думалоқ бурни-
ни жийирди ва стол ортидаги одамнусхага маънодор қа-
ради. — Бошқа ҳе-еҳ иложимиз йўқ...

Аҳмадали Она ўриқдан йироқлашгани, узоқ-яқинда
машъала кўтарган одамлар бот-бот учраётгани сайин
қишлоқ вайроналарига дуч келаман деб ўйлаган, лаҳ-
за сайин юраги орқага тортиб, безовта тепаётган эди.
Бироқ жинкўчаларда йиқилган деворлар, уйлар оша қо-
қилиб-суқилиб ўтиб боргани сари тобора кўнгли хотир-
жам тортаверди... Яна бир муюлишдан сўнг, ҳув нарида
уйи кўринади, уйлари бузилмаган, кўшниси Войдилло
аканинг уйи билан орқама-орқа қилиб суянишиб турган
бўлади... Войдилло ака дуруст киши — Аҳмадали боя-
дан бери кўшнисини биринчи бор эслаганига ҳайрон
бўлди. «Ҳа-я, Войдилло ака бор-ку. Имонни одам у,
девдай-девдай ўғиллари югуриб чиқиб Маърифатга
кўмаклашади, кўмаклашгани муқаррар, Вайдилло ака
киёматли кўшни» деди унга таскин бериб Кимсан.

Аҳмадали ёнида калласи тарвуздай келадиган хўтик-
дек итни кўриб таққа тўхтади. Итнинг кўзи чўғдек ялти-
раб кетди. Аҳмадалига яқинлашди. Аҳмадали нима қи-
лишни ўйлаб улгурмай итнинг рўпарадаги, одам энга-
шиб кирса бўладиган пастак туйнукка — уйи томон тал-
пиниб фингиётганини кўрди.

Тунука томли баланд уйнинг орқа девори ит боғлан-
ган ҳовли томонга қулаган — тахмон девори қулаган
шекилли, тош-тупроқ устида бир уюм кўрпа-кўрпача,
ёстиқлар ағдарилиб ётар эди.

Аҳмадали таниди, бу — Ҳамдам тунукасозининг уйи,
ит эса тунукасозининг бўрибосари эди...

У кезлар Аҳмадали бола эди. Нима бўлдию, анҳор
ёқасида тошга ишқаб ёнғоқнинг пўстлоғини арчиётгани-
да ёнига Аъзам япалоқ келди ва қўққисдан «Инов жин-
ни!» деб бақирди. Аҳмадали ҳайрон бўлди, Аъзам япа-
лоқ сув ёқасига бамайлихотир чордона қуриб олди-да,
яна, «Инов жинни-и!.. Инов жинни-и!» деб устма-уст ба-
қираверди. У атай овозини ёш боланикидек ингичка-
лаштириб бақираётганини, шу билан ҳў-ў нарида толга
суяниб сувга термулиб ўтирган Иновнинг жиғига тегаёт-
ганини — Аъзам япалоқ, «Қоч, Аҳмад, Инов ўлдиради!»
дегандагина пайқади. Пайқадию, оёғидаги чориғини
йўл-йўлақай қолдириб, ўзи томон лапанглаб учиб кела-
ётган Иновга кўзи тушди.

Аҳмадали кўлидаги ёнғоқларни улоқтирганча дуч
келган тарафга тирақайлаб қочди. Қоча-қоча кимсасиз
боғ ҳовлига кириб қолди — Инов ҳамон қувиб келаётган-
ини кўриб қўрққанидан нафаси бўғизга тиқилди. Шун-
да баланд девор остидаги пастак туйнукни кўрди —
Аҳмадали бирдан-бир нажот йўли бўлмиш шу туйнук-
дан лип этиб ўтиб бегона ҳовлига чиқдию тарракдек
қотди-қолди: шундоққина туйнук ёнига қўйилган курси-

да бўйи ярим қулоч, косовдай қоп-қора, бадбашара хотин ўтирарди. Аҳмадали «ялмоғизнинг чангалига тушдим» деган хаёлда эси оғиб, дағ-дағ қалтирай бошлагандагина туйнукдан Иновнинг пешонасига тушган патила-патила сочи, ғазабдан пахтаси ўйнаб кетган кўзлари кўринди. У шу вазоҳатда туйнукдан ўтса Аҳмадалини бурдалаб ташлаши ҳеч гап эмасди. Шунда қора хотин Аҳмадалининг жонига ора кирди.

Инов, қўй, Иновжон, менинг боламга тегма. Айвонда толқон бор, олиб е, Иновжон!

Қора хотиннинг жуссаси стул суянчигидан ҳам калта, бир қарич келмайдиган қоп-қора қўллари, оёқлари қозонсочиқдек шалвиллаб осилиб турар, аксинча, бужмайиб тарам-тарам ажин тушган башараси баркашдек бесўнақай, лекин мулойим товуши хумнинг ичидан чиқаётгандек ғўнғиллаб эшитилар эди. Аҳмадали қора хотин кўрқинчлими ё Инов жинними, деб ўйлаб улгурмай, Инов ўкириб йиғлаб юборди.

— Жинни бўлсам сенга нима?! Ҳа-а!.. Мен сени масҳара қилмадиму! Ҳа-а!..

Инов шундай деб бурнини енгига сурта-сурта айвон томонга кетди. Аҳмадали эса «лип» этиб туйнукдан ўтиб, кимсасиз боққа чиқди...

У думини қисиб ғингшиётган бўрибосарнинг занжирини бўшатаётганда ўша қора хотинни — Ҳамдам тунуқасознинг ногирон опасини эслади. Унинг ҳаётми-йўқми эканидан шу пайтгача хабарсизлигига таажжубланди. «Кимсан, эртагаёқ суриштириб, шу хонадондан хабар оламани» деди Аҳмадали ва уйига борадиган йўлдан адашганини пайқади... Аҳмадали болалик кезлари ҳали Кимсанни танимас, улар бир-бировини топишмаган эди...

— Энди Жўба қишлоқни текислаб ташлашармиш!..
— Қишлоқ ўрнига посёлка тушармиш!..

— Ҳай, Аҳмадали болам! Келяпсанми, айланай? Эсон-мисан, ҳайтовур?

Аҳмадали кўча қолиб яна бировнинг ҳовлисидан ўтиб бораётганини пайқадию юришдан тўхтамай ўзига пешвоз чиққан кампирга муомала қилди:

— Ҳа, келяпман, ўзларинг тинчмисизлар, ая?..

Аҳмадали сўраб-суриштириб улгурмай рўпарасидаги кампир Рўзихон ая эканини таниганди.

Аҳмадали қачон шу кўчадан ўтса Рўзихон аяга дуч келади. Айниқса ая кексайгани сайин тоқатсизланаверадиган, дарвозаси ёнидаги курсидек келадиган супачага чиқиб кун-уззукун тиззаларини қучоқлаганча ўтирадиган, ўтган-кетган билан қуюқ омонлашадиган одат чиқарганди.

Ая Аҳмадалини кўрган заҳоти супадан тушади, бир қўли билан белини ушлаганча инқиллаб унинг йўлини тўсади. Аҳмадали қуюқ саломлашади, ҳол-аҳвол сўрайди, Рўзихон ая худди Аҳмадалидан бундай илиқ муомалани кутмагандай, севинчига севинч қўшилиб овози қалтираб чиқади:

— Ваалайкум салом!.. Олтин бўл, болам, мулло бўл, қўзим!..

Кейин кўярда-қўймай уйига таклиф қилади. Аҳмадали ҳар сафар «кираман, ая, бир кираман уйингизга» деб қуллуқ қилади, хайрлашади. Аҳмадали узоқлашиб, муюлишга етиб кўздан ғойиб бўлгунича Рўзихон ая уни дуо қилади, пичирлайди, кафтини юзига тортади...

— Рўзихон аянг ювош кампир... Отанг раҳматли оқланиб қайтганларида бор гапни қўни-қўшниларга айтиб

юрди. Шўрлик сени боқиб ўтирганини кўрган эри «халқ душманининг боласига ачинган одамнинг ўзи ҳам душман!» деб ўласи қилиб калтаклаган экан...

Аҳмадали онасидан эшитган бу гапни куни кеча Рўзихон аяни ўзи айтди:

— Ушанда, — деди ая тўсатдан Аҳмадалини йўлдан қўйиб, — онанг бечора «Рўзихон, Рўзихон»лаб ҳовлимизда турибди, шўрликнинг аҳволини кўриб ичларим адо бўлди. Лекин гўрингда тинч ётгур чолим ичкари уйда «дамингни чиқарсанг, бўғаман!» деб ҳиқилдоғимга мушт қадаб турганди. «Эри қамалгач, хотинининг изига одам қўйилган» деб кўрқитганди мени...

Аҳмадалининг кўнгли бузилди, сир бой бермади, аянинг елкасига қоқди, «қўяверинг, ўтган ишга салават, эсдан чиқаринг, ая» деди. Рўзихон ая эса йиғлади, дока рўмолининг учи билан кўзларини арта туриб Аҳмадалидан узр сўради:

— Йўқ, болам, худодан кўрқаман, ўғлим. Мен унутсам, худойим унутмайди, деб тавба қилди. «Она ўрик зорини Рўзи аяга айт» деди Кимсан. Кимсаннинг жангарлиги тутаётганини тушуниб етмаган Аҳмадали унга жавоб қайтармади...

Абдиали ака поезддан тушиб йўловчи юк машинасида анҳор бўйига етиб келганда оқланганига чиндан ишонди... Сайфилло бобонинг уйи ёнидан ўтиб анҳор ёқалаб келаварди. Сув ҳамон ўша-ўша кунботар томон оқаётганди, қатор ва зич ўсган қари толларнинг шоҳи ҳамон сувга тегиб турарди... Абдиали ака кўзларини чирт юмиб-ла жинкўчалардан адашмай-нетмай уйини топиб бора оларди... «Салом, Она ўрик» деди Абдиали ака Шокир мўйнадўзнинг ҳовлисига етганда... «Қайтдим, Она ўрик... оқландим... Одилбековларга, Жўба қишлоққа доғ туширадиган гуноҳим йўқ экан...» Яхшики, кўчада ҳеч зоғ дуч келмади... Муюлиш, яна муюлиш... Рўзихоннинг дарвозаси, курсидек супача... муюлиш — Абдиали аканинг кўзи уч туп Гулинурга тушдию турган жойида қотиб қолди... «Гулинур» дейми — «Тошданак?...» Салом берайми, ё...»

Абдиали ака не кўз билан кўрсинки, уч туп Гулинур кўчада қолган, ҳовлисининг девори бузилиб, саккиз-ўн қадам ичкарига сурилиб қайта урилганди. Ушанда Абдиали аканинг кўксига нимадир жазиллаб ачишган, мабодо оғриқнинг жони, хотираси бўлганида Аҳмадали тирноғи кўчганида, хў-ў, ўша — отасининг кўксига оғриқни эслаган бўларди...

— Маъқул, шунга фаросатларинг етибдими — мен сенлардан хотирим жам, — деди Абдиали ака тўнғич фарзандларига, шу ўрикни емасак очдан ўлмаймиз, майли... деди-ю, қотиб кетган дийдасидан ёш тирқиради...

Ўша йили Гулинур қийғос гуллади... ҳосили ер билан битта бўлиб тўкилди. Лекин уни на колхоз, на Абдиали аканинг оиласи териб олди... Қишлоқ оқсоқоллари Абдиали акага оғиз солишди: «Гулинур сизники, муаллим, деворни қадимги жойидан уриб олинг, Абди-вой, — дейишди. — Гулинур аввало Она ўрикдан, қолаверса, ота-бобонгиздан мерос сизга...» Абдиали ака ўзини зўрлаб кулди, кўнмади... Уч туп ўрик кўчада қолди...

— Энди хотиржам ўладиган бўлдим, яхшилар, — дейдиган бўлди ая. — Аҳмадали ўғлим гуноҳимдан ўтди, қўлимдан сув ичди, Аҳмадали ўғлим!..

— Уйсиз қолганларнинг ҳаммаси посёлкага кўчирилмиш!..

— Жўба қишлоқда энди одам яшай олмасмиш!..

Аҳмадали Рўзихон ая билан йўл-йўлакай омонлашди, ундан кўнгил сўради, икки ё уч қадам ўтдию уни йўтал тутди. Қаттиқ йўталди, ўқлогдек ўйнаб кетган чакка томирларига кафтини босди, нафасини базўр ростлаб, чўккалади — ундан ўн-ўн беш одимлар нарида Рўзихон аянинг болалари, неваралари, яна бир қанча қўшниллар давра қуриб ўтиришарди. Аҳмадалининг ёнига биринчи бўлиб Рўзихон ая етиб келди, у тинмай «болам, ўғлим» дер, Аҳмадалининг кураклари орасига ёш боланикидек кучсиз ва заиф мушти билан уриб-уриб қўярди.

— Ма, болам, ҳўплаб-ҳўплаб, ич, болам. — Рўзихон ая пиёлага бармоқларини ботириб Аҳмадалининг юзига сув сачратди. — Болаларингдан хавотир қилма. Одам ўз уйининг остида қолганми, ҳеч замонда, болам?.. Уй ҳам ўз эгасини танийди, ўғлим...

Аҳмадали оёқ-қўли мадорсизланаётганда гулхан атрофидагиларнинг бунчалик хотиржам, баҳамжиҳат ўтиришларини, ҳатто жилмайган чехраларни кўриб оёқ-қўлига мадор югурди. У Рўзихон аяга миннатдорчилик билдириб қаддини ростлади — сўнг аянинг ер билан битта бўлиб ётган уйига бир қур кўз ташладию боягидан кўра шитоб билан югурди... У муюлишга етса бас, узоқдан бўлса-да, УЙИНИ кўрар, кўриши ҳамоно ҳаммаси аёнлашар — Рўзихон аянинг бу қадар гиргиттон бўлаётганини, унинг ҳовлисида бунчалик кўп одам йиғилганининг боисини англаб етган бўлар эди...

— Эртага эртаминан ҳашар, болаларим. Омон қолганимизга шуқр, болаларим. Жўбани қайта тиклаймиз, қишлоғимиз жонига ора кирайлик энди, қўзиларим!..

Аҳмадали анча жойгача Рўзихон аянинг ҳаяжонланиб, энтикиб мамнун гапиришига қулоқ солиб борди. Муюлишга етганда... яқинроқда чироқлар бирдан кўпайиб кетгандек бўлди. Одамлар тўп-тўп бўлиб гулхан тегра-сида ўтиришар, осмонда «қағ-қағ»лаб чарх ураётган қарғалар ҳам сийраклашган — ўз қўналғаларида ором ола бошлашган эди...

Аҳмадали муюлишга етганда...

Муюлишдан у ёғи Одилбековлар ҳовлисигача қўл чўзса етгулик жой эди... Орада уч туп Гулинур ўсган етти-саккиз қадам ерни босиб ўтса бас — сўнг дарвоза кўринади...

Аҳмадали муюлишда қоқилди, йиқилди... У бу сафар йиқилишдан, пешонасини бирон ерга уриб олишдан чўчиганди, лекин... у «Иҳм!» дедию кафтини бурнига босди... илиқ қон ва қуруқ чанг исини туйди...

«Етдим деганда йиқилдинг-а!..»

Аҳмадали ажралмас ҳамроҳидан нажот кутгандек унга қўлини чўзди. Лекин Кимсан кўринмади. Аҳмадалининг юраги орқасига тортиб кетди. «Кимсан, қаердасан?» деб овоз бермоқчи эди, улгурмади. Кимдир палағда товушда жеркиниб тўнғиллади:

«Нима қилиб ётибсан, тупроққа қорилиб?! Тур, қаддингни ростла, тур!..»

— Кимсан! Ўзингмисан?! Овозинг бунча бўғиқ?..

Аҳмадали қон туфлади, ўрнидан турар-турмас овоз эгасини қидириб аланглади. Сўради:

— Яна аразладингми, Кимсан?! Бунча аразчи бўлиб қолмасанг? Ахир, нима гуноҳ қилдим, сенга?.. Уйга борай, болалардан хабар олай, кейин...

— Кейин ўзим биламан нима қилишни!.. Энди бошқача яшаймиз!.. Бошқача яшамасак бўлмайди...

— Кимсан?!..

— Мен сен билган Кимсан эмасман. Бошқа — янги Кимсанман.

— Бошқа?!..

— Ҳа, боягина туғилган Кимсанман...

— Рўзихон аянинг девори бир норғул йигитни босиб қолганмиш!..

— Уни уч кундан кейин қазиб олишганмиш!..

Аҳмадали юз тубан йиқилдию, орқа-олдига қарамай, шошиб қад ростлади, шунда димоғига «гуп» этиб қон иси урди... «Тирноқ этдан ажради-ю, нега қон чиқмади?.. Ловиллаб ачишяпти, лўқиллаб азоб беряпти, холос...» Аҳмадали шу хаёлга чалғиб улгурмай Кимсан билан гапга тушиб кетди.

— Боягина туғилган бўлсанг, яхши, қадамингга ҳасанот, — деди янги Кимсанга Аҳмадали. — Аввал танишайлик, мен — Аҳмадалиман...

— Йўқ, мен — Аҳмадалиман, — деди янги Кимсан.

— Нима?

— Мен — Аҳмадалиман!

— Мен-чи? — деди ҳайрон бўлиб Аҳмадали.

— Сен ҳозирча ҳеч ким эмассан!..

Саноқли кунлар ичида Жўба қишлоқ гавжум бўлиб кетди... Кеч кузда Жўба қишлоқнинг чанги кўкка ўрлади... Ёппасига қурилиш бошланди... Етти иқлимдан етиб келган ёрдамчилар қишлоққа ўрнашиб олишди, улар Жўба қишлоқни қайта бунёд этишга киришдилар... Аҳмадалининг тирноғи кўчган бармоғи газак олди. Бунинг азоби етмагандай, Кимсан ҳам тамом тинчини ўғирлади. Аҳмадалининг боши хум, Жўба қишлоқда не воқеалар содир бўляпти, нега дунё бунчайин тор кўриняпти кўзига — тагига етолмаётган эди...

— Мактабинг посёлка билан қишлоқнинг қоқ ўртасида-ку, қаёқдан қатнашинг бирдек эмасми?

Аҳмадали шундай деб хотинини уй олишдан айнитмоқчи эди.

— Қоқ ўртасида бўлгани билан посёлкадан қатнаш қулай. Бу уйга анҳор ёқасидан яёв етиб келиш ҳам машаққат... Тушунсангиз-чи, Аҳмад ака!..

«Бор-будимизни қулай яшашга алмашиб юборяпмиз, ука!..»

«Нима деяпсан, Кимсан?».. — «Акангнинг гапларини эслаяпман, Аҳмад»... «Акамнинг айтганларидан сенинг хабаринг борми, Кимсан»... — «Кўп нарсадан хабарим бор, Аҳмад, кўп нарсадан»...

Аҳмадали Рўзихон аянинг ҳовлисида йиғилиб ўтирганларнинг чехрасидаги хотиржамликдан таажжубланди... Гўё зилзила бўлмагандек, гўё уйлар босиб тушмагандек... гўё вайрон бўлган қишлоқни қайта тиклаш гулхан теварагидега тўпланиб ўтирганлар учун чўт эмасдек... гўё бош бармоғининг тирноғи этдан ажрамагандек... Оғриқ азоби суякка бориб тақалмаётгандек...

«Войдилло ака бор!.. Қўшнилар бор!.. Рўзихон ая бор!.. Маърифат, болалар ёлғиз қолмаган!.. Ўғлимнинг бешигини олиб чиқишган!..»

— Абдиали аканинг оиласида тирик жон қолмаганмиш!..

— Кенжа ўғлининг эси оғиб қолганмиш!..

Аҳмадали тупроқ аралаш қон туфлади, Кимсаннинг далдасида қаддини ростлаб беихтиёр тўнининг барини қоқди, икки-уч одим юрди — таққа тўхтади, кўз ўнги қоронғилашди, хиралашди... ҳовлининг девори бошдан-оёқ қулаб ётар, кўча тупроғи ўпирилиб уч туп Тошда-накни ҳовлининг ўртасига қадар суриб юборганди!..

— Уч туп юз йиллик ўрик бир кечада ўн беш қулоч нарига сурилиб қолганмиш!..

— Абдиали аканинг кенжаси номозхон экан, уни худо асраганмиш!..

Уч туп Гулинурунинг йигирма қулоч сурилиб Абдиали аканинг ҳовлисига силжиб қолганидан Жўба қишлоқда катта достон туғилди.

— Ҳалолидан, — деди кексалар ёқа тутиб.

— Э, воҳ, Абдиали кўрмади-да, шуни! — деди бошқалар.

— Ё, қудратингдан! — деди кампирлар...

Деворни қайси жойдан олишни билмай аллақанча вақтгача Аҳмадалининг боши қотди...

Аҳмадали йўл ўпирилишидан пайдо бўлган ҳандақдан ғайришуурий бир чаптастик билан ҳатлаб ўтди. Акасининг, икки кичик опасининг елкама-елка суяниб турганини, тўнғич опаси чарсиллаб ёнаётган гулханга оёғини тоблаб, бешик тебратиб ўтирганини кўргачина қандай ҳодиса юз берганини англади, мажолсизланиб тиз чўкиб қолди... Акаси, оналари киндик қони тўкилган, энди эса ер билан битта бўлиб ётган уйга ундан бурун етиб келишган, вайрона тепасида мотамсаро бош эгиб туришар эди...

...Одилбековларнинг уйдан катта кўчани кесиб ўтган анҳор ёқасигача бўлган йўл бунчалик олис эмасди. Айниқса, Аҳмадали болалигида бу йўлни бир нафасда босиб ўтарди... Кўчада тенгқур ўртоқлари билан чиллак ўйнарди, кимдир ютқазар, кимдир қолиб чиқар, ўйини бой берган бола чиллакни қўлига олиб югурарди:

— Ҳаккалакам-дуккалакам, зуввв...

Йўк, бунчалик тез айтмасди, балки сўзларни бўғинма-бўғин, иложи борича чўзиб, фақат нафас олмай — ўйиннинг шарт шундай эди — айтар:

— Ҳа-кка-ла-камм, дук-кала-камм, зу-у-у-уввв!..

Шундай дегунча анҳорнинг бошига етиб олишар, ўйин қизигандан қизир эди... Қўйиб берса, Аҳмадали ҳозир ўрнидан туриб тўнғич ечади, оёқ яланг бўлиб, шимининг почасини ҳамаради, сўнг кўчага чиқади-да, «ҳаккалакам-дуккалакам...» деб бақирганча катта йўлга қадар югуради, тупроғи ўйнаган йўл ҳам, гувалак деворлар ҳам, анҳорни тўлдириб оқаётган сувдан то қаторлашиб ўсган бақалоқ толларгача — ҳаммаси қадрдон, зувиллаб бораётган боланинг қадамини энгиллаштиради, нафасини очади, бамисоли учириб олиб боради, катта йўл ёқасигача нафасини бўлмайди... ўйиннинг шарт шундай эди... Ҳа, қўйиб берса, Аҳмадали ҳозирроқ кўчага отилади, Жўба қишлоққа бир эркалик қилади, қичқириб-қийқириб илон изи жин кўчалардан югуради — оламни бошига кўтаради... қўйиб берса... Аҳмадали бехос ўқчиб юборди, ўқчиши йўталга айланди, олти, етти, саккизинчисидан сўнг акса урди... нафаси қисганидан қўлидаги рўмолчани оғзига босди... калта-култа баттол йўтал тўхтади демас, Аҳмадалининг кўзларида юлдуз чақнар, юлдузлар орасида гоҳ ўша кун тупи билан қишлоқда ёқилган гулханлар, гоҳ Гулгун бева, Рўзихон ая, гоҳо Ҳамдам тунукасоз бўрибосарининг чўгдек кўзлари кўринар, дамо-дам буларнинг барини посёлка томон елиб бораётган «Волга»-мурожаатлар, «Тез ёрдам»ларнинг пориллаган чироғи босиб кетарди...

Аҳмадали дадасининг жони узилган супада омонат ўтирган кўйи тўрт букланган газетадаги қалин қора ҳарфлар билан терилган ахборотни пичирлаб яна ўқиди: «13 октябрь кун кеч соат 22 ю 13 да Жўба қишлоқда ер қимирлади. Жароҳатланганларга ёрдам кўрсатилмоқда». У бошини ҳам қилди, хаёлга толди...

Жўба қишлоқ сукунат оғушига чўмса етти эшик наридаги ҳовлида ўрикнинг «дўпп!» этиб ерга тушгани эшитиларди... Рўзихон ая толқон қовурганда қозоннинг даранглашига Аҳмадали супада ётиб қулоқ соларди... Энди эса ёнингда турган одамга бақириб гапирмасанг, иложи йўқ... Жўба қишлоқда қурилиш ишлари қизиб кетди.

Аҳмадали тирноқсиз бармоғини кафтига букиб олди... у сирқираб, симиллаб оғрийверди, ҳали ўсиб, битиб улгурмаган тирноғининг орасига кимдир пона қоқётгандек, уни қайта этидан ажратаётгандек бўлаверди...

— Қишлоқ ёппасига қайта қурилади, Жўба қишлоқ шаҳарга айланади, шаҳарга! — деди Сибирь тарафлардан келган янги врач худди суюнчи сўраётгандек ҳаяжонланиб. — Бармоқнинг бунақанги шикастланишини умримда кўрган эмасман, қўлингизни темир-пемирга уриб олмасангиз, тирноқ нега кўчади? Одатда тирноқ кўчса, қон кетгувчи эди... Таажужб!.. Кўкармаган, нетмаган, томири шикастланмаган-у, «лўқиллаб оғрияпти» деяпсиз?.. Тавба!.. Йўталигингиз эса... қурилиш ишлари битиб чанг тўзон босилгунича тинчроқ, ҳавоси беғубор жойларга бош олиб кетмасангиз бўлмайди. Уша ёқларда юриб даволанинг, қишлоғингизга кейин қайтиб келарсиз. Бошқа иложи йўқ...

— Мен бормайман, — деди Кимсан дўхтирнинг маслаҳатини эшитар-эшитмас. — Мен шу ерда қоламан.

— Мен ҳам кетаман деб жоникаётганим йўқ, — деди Аҳмадали. — Иложи бўлмаса қандоқ қилай?

— Сен кетавер, Кимсан, мен шу ерда Аҳмадали бўлиб қоламан. Тўрт томонинг қибла!..

Аҳмадали собиқ Кимсанни армон билан эслайди. Жаҳли чиққудек бўлса, Кимсан Аҳмадалини ўз ҳолига қўйиб зув этиб ғойиб бўлар, Аҳмадали ундан устун келганига ичдан севинар, лекин кўп ўтмай яна ўзи Кимсанни соғинар, кўзи тўрт бўлиб Кимсанни кутар — Кимсандан айри яшашни тасаввур қилолмас эди. Ер қимирлаб қишлоқдан ҳаловат кўтарилгач, айниқса «кўч-кўч» бошланган кунларнинг бирида манави худо урган янги Кимсан пайдо бўлдию, ҳе йўқ бе йўқ Аҳмадалини... «ҳеч ким эмассан» деди-я...

— Бурунги Кимсанни унут энди... Оғзидан она сути кетмаган гўдак-ку, у... Ушанга тармашиб олсанг одам бўлмайсан... — Янги Кимсан бир зум гапдан тўхтади-да, худди Аҳмадалининг кўнглини оғритгиси келмагандек, мулоимлашди. — Жўн одам бўлиб ўтасан, дунёдан, тушуняпсанми?.. Кўзингни каттароқ очадиган, қишлоғингни, киндик қонинг тўкилган уй-жойингни ўйлайдиган пайт келди.

— Узимни, болаларни ўйламаймми?

Аҳмадали шундай деб юбордию, яқин кунларда кўнглининг ўзи ҳам англаб етмаган бурчакларида ҳозиргина Кимсандан эшитган гаплари аллақандай бир мунгли-исёнкор оҳанг тариқасидами... ақл ва эҳтирослар қотишмасидан ҳосил бўлган журъат кўринишидами... серпанжа илдизлари ернинг туб-тубига томир отган асрий чинорга хос ғурур тимсолидами... алланарса пайдо бўлганини сезган, шу чоққача англаб улгурмаган ўша алланимарса бугун янги Кимсан бўлиб рўпарасида турарди...

— Бу сенинг гапинг эмас, — деди янги Кимсан Аҳмадалининг хаёл суришига ортиқча изн бермай.

— Меники бўлмай, кимники? — Аҳмадали лоқайд бир оҳангда шундай дедию гўё ўзининг номидан биров

гапириб юборгандек таажжубда атрофига аланглади. Шунда етти-саккиз қадам наридан таниш овоз эшитилди:

— Нима қиласиз бунни йўлдан уриб?! Бола-чақасини йўласин... посёлкага кўча эл қатори хотиржамгина яшайверади. Эрта-индин бузиб юбориладиган қишлоқда қолиб нима қилади?!

Аҳмадали узоқ йўл босиб ҳолдан тойган йўловчи-дек афтодаҳол ва пажмурда Кимсанни кўриб югуриб боргиси, уни қучоқлаб бағрига босгиси келди. Лекин у турган жойидан қимир этолмади. Ихтиёри янги Кимсан ихтиёрига кўчганини сезиб мамнун бўлса, қадрдон Кимсаннинг бўзлаб, жавдираб қарашини кўриб дили вайрон бўлди.

Аҳмадали икки ўт орасида — аросатда қолганди... Янги Кимсан мийғида кулиб, собиқ Кимсанни назари илмай сўкинди. Аҳмадалининг бир кўнгли иккала Кимсанни яраштириб қўймоқчи эди, лекин янги Кимсаннинг важоҳатини кўриб уни ўз майлига унатишга кўзи етмади. Аҳмадали қадрдон уйдан ҳайдаб чиқарилган итдек бечораваш аҳволга тушган собиқ Кимсанни кўрмаслик учун юзини тескари бурди.

Унинг шуурида, қалбида бир нима далва-далва бўлиб парчаланаятган эди...

Янги Кимсан собиқ Кимсан томон бир-бир одим ташлаб тишлари орасидан тупук сачратиб пичинг қилди: — Болаларини йўласинми-а?.. Миш-мишдан бошқага ярамайдиган мана шу эл қатори яшасинми-а?.. Қишлоқ бузилса бузилаверсинми-а?!

Бундайин шашт билан боришда икки Кимсан ёқа бўғишиб кетиши, Аҳмадали уларни ажратишнинг уддасидан чиқолмаслиги муқаррар эди. Шундай бўлса-да, у Кимсанлар орасига тушмоқчи бўлиб хезланган эди — юролмади, аксинча, кўринмас иллар билан чирмаб боғлангандек янги Кимсан узидан эргашди. Янги Кимсаннинг гапларидан ичига қуюқ нур оқиб кираётган, айни чоқда кўнглининг бир чеккасида собиқ Кимсанга ачинаётган ҳам эди.

Собиқ қадрдонидан кечсинми у?.. Унинг баҳридан ўтсинми?.. Янги Кимсан уни не кўйларга солади ҳали?.. Не кўчаларга бошлаб боради уни?!

Аҳмадали бирор қарорга келиб улгурмай собиқ Кимсан узоқлашиб кетаверди, кетаверди — кичрая, кичрая рўёдек кўздан ғойиб бўлди...

— Узинг эл қатори яша! Бор! Дуч келган жойда яшайвер, мишиқи!..

Янги Кимсан шундай деб хумордан чиқди чоғи, дарҳол ўзини тийиб Аҳмадалига юзландию жаҳл таъсиридан тўла қутулолмай бурнини жийирганча захрини сочди:

— Энди сен анавинга ўхшаш латта эмассан... Э, элпарвар бўлган, сўтак!.. Кунни сенга қолган элнинг шўри қурсин!.. Гап шундоқ: тил топишсак, ниятларимиз бир жойдан чиқса, ана ўшандагина қайтиб янги Аҳмадалига айланасан!.. Одам бўласан!..

Янги Кимсан шундай деб Аҳмадалига орқа ўгириб олди. Аҳмадали бемажол, ҳушини йиғолмай гангираб ўтирганча турқи-таровати собиқ Кимсанга ўхшаб кетадиган янги Кимсанга мўлтираб қолди. Дастлаб унинг қўллари елкасидан синиб-узилиб тушгандек, сўнг оёқлари бурама михдек танасидан ажраб чиқаётгандек ва аъзои-бадани бурда-бурда қилиб узиб-юлқиб ташлангандек бўлди... Маърифатга посёлкадан уй берилаётганини айтганида катта опасининг капалаги учиб кетганига Аҳмадали унчалик тушуниб етмаган, сўнгроқ акасида сўраб билгач ҳам ўз уйини ташлаб кетишнинг касофатини зўр-базўр англагандек эди. Энди эса ҳаммасини унинг ўзи фаҳмлаб етган, зеро, ҳақиқатни ҳар

ким ўзи фаҳмлаши — ер қимирлашидан кўра кучлироқ, қудратлироқ ҳодиса эди...

Ер ўпирилиб тупроқ сурилганда Гулинурунинг биттаси ёнбошга оғган экан. «Илдизи лат емаган бўлса бас» дейишди қариялар, «Жойидан кўчган бўлсаям томири бут бўлсин» дейишди ҳамқишлоқлари. «Томири бут бўлса, ҳеч бир куч уни жойидан кўчиролмайди!» дейдиган бўлди Аҳмадали тушларида...

У супада тиззасига салом бериб ўтирган кўйи врачнинг маслаҳатини эслади. Шундагина ён-атрофдаги қишлоқларни айланиб аҳолининг аҳволини ўз кўзи билан кўриб қайтмаганига афсусланди.

«Барча ҳамқишлоқларинг йўтал, чучкириш хуружига гирифтор бўлса-чи?.. Дўхтир катта опанга, Сайдали аканга — ҳамма жўбаликларга «ёппасига қишлоқдан бош олиб кетинглар» деса нима бўлади?.. Жўнаб кетаверадимиз ҳамма?.. Чангдан, ғўза гулининг исидан қочиб кетаверасизларми?..»

Аҳмадали бўйнида осилиб турган уч-тўрт қават докани оғиз-бурнига босиб, тўнғиллади: «Нима, менинг жиғимга тегяпсанми, Кимсан? Калака қилмоқчимсан ё?.. Бутун бир қишлоқ аҳли чанг-тўзон деб қишлоғини ташлаб қочганини қаерда эшитгансан?! Етти пуштинг томир ёйган тупроқни ташлаб қаёққа борасану борган жойингда қандай паноҳ топасан?! Бу ёғини йўлаяпсанми, ўзи?!..»

Аҳмадали хириллаб йўталди, ора-чора йўталга чучкириш қўшилди... гапиролмади...

— Чанги қуриб кетсин, адо бўлмайди!..

Аҳмадали хотинининг жириллашига лоқайд, бепарво қаради, Маърифат каравот суянчигига ёйилган гиламнинг эмас, Аҳмадалининг миясидаги чангни қоқаётгандек эди... Аҳмадали гапирмади... Аксинча, Она ўрик япроқларининг шивирини эслаб лаззатли ўйга чўмди, Сайдиллонинг жон аччиғида «Набий!.. Набий!..» деб бақчишини кўз олдига келтирди... Уй ўйга, хаёл хаёлга уланди... Аҳмадалими — Кимсанми, эшитилар-эшитилмас «Набий!.. Набий!..» деб шивирлади.

Қишлоққа ёрдамга ёпирилиб келган қурувчилар, уларга эргашган жўбалик болакайлар кўчадан гала-гала бўлиб ўтишди. Утиб бораётганлар оғзидан қишлоқ кўчаларига ҳазил-мutoйиба аралаш миш-мишлар тўкилиб қолаверди:

— Бугун оқшом яна ер қимирлармиш!..

— Қишлоқ одамлари ёппасига посёлкага кўчириллармиш!..

— ...миш-миш!..

— ...миш-миш!..

Абдурахмон Жомий



Азиз фарзандга насиҳат

Кирибсен еттига, меники етмиш,
 Сенинг бахтинг кулар, меники кетмиш.
 Умр ўтганлигинин мен чекиб ғам,
 Йилу ою ўтибдир ҳафталар ҳам.
 Экиб дон мен замин ҳам чопмадим, бас,
 Тикандин яхши бир гул топмадим, бас.
 Не суд, энди мадор қўлдан кетибдур,
 Инону ихтиёр қўлдан кетибдур.
 Кўшиш эт то қўлингга сарватинг бор,
 Бошингда соябонинг — давлатинг бор.
 Бир иш қил, охирики фойда қилсин,
 Бошингга хайру эҳсонлар ёғилсин.
 Аввал илму ҳунардин баҳравар бўл,
 Нодонлиғ ҳам жаҳолатдин бадар бўл!
 Эрур ҳар жоҳилу донога маълум,
 Зако аҳли тирик, нодони марҳум...
 Илм йўлида айла ўзни қурбон,
 Умр қисқа, илм эрса фаровон.
 Киши келмас ҳаётга икки бора,
 Илм йўлида кет, йўқ ўзга чора.
 Илм касбини қилдинг, сўнг амал қил.
 Амалсиз илм эрур бир заҳри қотил.
 Не ҳосилки, бўлиб сен кимиёгар,
 Мисингни қилмасанг соф олтину зар.
 Илмда гар яралса кашфиётинг,
 Анга ихлос билан бахш эт ҳаётинг.
 Ишингда бўлмаса сидку садоқат,
 Бўлар ул кашфиётинг бир омонат,
 Чала ишдин келур бошларга ғалво,
 Қоринни оғритар хом бўлса ҳалво.

Тожиқ халқининг атоқли шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий таваллудига (1414-1492) 575 йил тўлди. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий билан бир даврда яшаб, устоз-шоғирдлик, дўст-биродарликка мушарраф бўлган мавлоно Жомий юбилеи республикамизда ҳам кенг нишонланади.

Эътиборингизга улуғ шоирнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонидан бир парчани ҳавола этмоқдамиз.

Билиб кўйгил, садоқат айласанг гар,
 Йўлингдин юз хатар кетгай саросар...
 Биров нонин есанг, зинҳору зинҳор
 Сен анга мушт тутиб етказма озор.
 Едингми тузини, наҳс бирла сурма,
 Намакдонга ғазабдин сен тупурма,
 Этиб дўстларга эҳсонун саховат,
 Бахиллик кўйида қилма маҳоват...
 Чунон айла мурувват то эрур фарз,
 Ки охир гарданингга тушмасин қарз.
 Асил дўстларга жонингни фидо қил,
 Валекин дўстни душмандин жудо қил.
 Бўлур сенга ҳақиқий дўст зоҳид,
 Дили дўстлик нуридан пок воҳид.
 Кўмилсанг ғамга, у ғамҳоринг ўлгай,
 Зиён кўрсанг таянч, ҳамкоринг ўлгай.
 Ёмон ишдан бурар яхши томонга,
 Берар таскин насиҳат бирла жонга.
 Гуноҳга ботганингга дўсти чолок,
 Хамирдан қил каби олгай сени пок.
 Сенинг яхши ишингда ёвар ўлгай,
 Муносиб қилмишингда раҳбар ўлгай.
 Бу янглиғ дўстга қурбон айла ўзни,
 Жудо бўлмас қадрдон айла ўзни.
 Ва гар йўқ бўлса, кулбанг сори юз бур,
 Кечиб ағёрдан, бўл дўстга манзур.
 Замона ғамларидан шод ўлтур,
 Жаҳон андуҳидан озод ўлтур.
 Туман ишларга асло бўлма машғул,
 Бир иш бошини тут оламда мақбул.
 Агар бўлсин қоронғу тун, агар кун,
 Дилингни айлагин шул ишга мафтун.
 Қўлингдан келмаган чоғида бир иш,
 Беҳуда тентираб, сен чекма ташвиш.
 Китобхонлик бу оламда саодат,
 Китобхонликни доим айла одат.
 Эрур машҳур бу маъни ушбу бобда:
 Утар доно, қолур илми китобда.
 Аниси кунжи танҳолиғ китобдир,
 Чароғи субҳи донолиғ китобдир.
 Эрур бемузди миннат бир муаллим,
 Очиб фикрингни, бергай сенга таълим.
 У бир сирли, ақлли ҳамзабондир,
 Донолиғ сирлари унга аёндир.
 Ичи ғунча мисоли пурварақдур,
 Эрур ҳар бир саҳифа бир табақ дур.
 Муқоваси чармдан, турфа хилдир,
 Ичида икки юз сўзким асилдир.
 Бари мушкинзур — сўз узра сўзлар,


Иноқликдин қўйиб юз узра юзлар.
 Қўйиб қўйган каби ўхшаш бари ҳам
 Киши анга ишорат айлаган дам.
 Лаб очган чоғи сўзларга бериб жон,
 Бўлур минг гавҳари маъни намоён.
 Гоҳи сўз сўнгида бўлгай иборат
 Юнон ҳикматлариға бир ишорат.
 Гоҳ ўтмиш тарихин бизларга шарҳлар,
 Гоҳи келгусидан бергай хабарлар.
 Гоҳи шеър денгизи этса талотум,
 Сочилгай маънилар атрофга чун қум.
 Бу орзуларга ўзни банди тутма,
 Асил мақсадни бир лаҳза унутма.
 Агар сен бўлмасанг унга сазовор,
 Ҳаётинг беҳуда ўтказма зинҳор.
 Кўнгул розини изҳор айламай тил,
 Ани яхши-ёмонини фикр қил.
 Қафасдин айласа ҳар қушки парвоз,
 Эрур мушкул ани тутмоқлик боз.
 Қародиллиғ била сафсата айлаб,
 Тегизма тил шариятга атайлаб.
 Ҳақиқат нозик бўлгай мисли бир қил,
 Не ҳосилки қаро бўлса у кўнгул.
 Саводсиз сўфиларға бўлма улфат,
 Касофатлар солур бошингга кулфат.
 На бир ишга улар ақли етишгай,
 Нодонлиғдин сени сарсон этишгай.
 Кишини йўлдан оздирса жаҳолат,
 Бўлур гумроҳ то рўзи қиёмат...
 Эрур шоҳга яқинлиғ ўту оташ,
 Сен андин дуд мисоли қоч яккаш.
 Олов ёнган чоғи пилта чироғдин.
 Сен андин баҳра ол, лекин йироғдин.
 Яқинроқ бормагилки, қўрқаман ман,
 Жудо бўлсанг ҳаётинг нуридан сан.



Амалга учмагил, бўлма дилозор,
 Қўлингдан мансабинг кетгай баякбор.
 У тахтда истироҳатдин ҳазар қил,
 Биров «Тур!» — деб қўлингдан олгуси бил.
 Амалдин сен амалсизликка юз бур,
 Эрур ҳар мансабингдан ушбу манзур.
 Такаббурлиғни асло қилма одат,
 Ки камтарлиғ эрур доим саодат.
 Ўжарлиғдин тутолмас ўзни бошоқ,
 Қулаб тушгай тубидан кесгач ўроқ.
 Агар тупроққа тушса хор бўлиб дон,
 Кўтаргай тумшўғида куш ўшал он.
 Талаб эт подшоҳлиғ маснадида,
 Халойиқ таъзим айлар ўз ҳадида.
 Ададни кўрки, бўлгай ўну юз-сад,
 Ки нуқта қўйганидин кўпаюр ҳад.
 Не ваъда айлагил, ҳаргиз вафо қил,
 Вафосизлиғдан ўзни мосуво қил...
 Жоҳил янглиғ на сен банди падар бўл,
 Атодин кечу фарзанди ҳунар бўл.
 Тутундан нур таралмас, асти гарчанд,
 Не ҳосилки, эрур оташга фарзанд.
 Мусалло узра они айлагил ёд,
 Дебон «оллоҳу акбар» айлагил шод.
 Оқиллардин эшитсанг бир насиҳат,
 Анга жонинг билан сен айла диққат.
 На гўл янглиғ киритсанг бул қулоқдин,
 Чиқорсанг они тезда ул қулоқдин.
 Кўқармас дон ҳарорат бермаса хок,
 На ҳар томчига тенгдир гавҳари пок.
 Эрур ушбу мақол ҳар жойда такрор,
 Одам бор уйда доим бир садо бор...

Тоҷик тилидан **О. БҮРИЕВ**
 таржимаси

Расмларни
 Ғ. Мелиев ишлаган.



Абдулла Қодирий:
МЕНГА ҚУИЛГАН
ҚИЯБЛАРНИ БОШДАН-
БЕК РАД ЭТАМАН. ҲА-
ҚИКАТ ИУЛИДА ҲЕЧ ҚАН-
ДАЙ ЖАЗОДАН, ҚИЙ-
НОҚДАН ҚУРҚМАЙМАН.
АГАР ОТМОҚЧИ БУЛСА-
ЛАР, ҚУКРАГИМНИ КЕРИБ
ТУРАМАН...

Ҳабибулла Қодирий

ҚОДИРИЙНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

Хотира қисса

Сўзбоши ўрнида

«Отам ҳақида» хотира китобимнинг биринчи нашри 1974 йилда, иккинчи, тўлдирилган нашри эса 1983 йилда босилиб чиқди. Хотираларни ёзаётганимда кўпдан-кўп қизиқарли кўрган-кечирган, билган воқеаларим ёдимга тушса ҳам, уларни у ёки бу сабаблар билан асарга киритиш мумкин бўлмас, ҳатто битта-яримта киритганларимни ҳам «бу мумкин эмас, сиёсатга тўғри келмайди», деб муҳаррирлар тушириб қолдиришар эди.

Ниҳоят, сиёсат ўзгарди, Сталин ҳокимияти паторат топди, ошкоралик, адолатни, ҳақиқатни очиқ айтадиган кунлар келди. Дўстлар «Энди бу ёғини ҳам ёзинг» дея бошладилар.

Бу ёзганларим, албатта, илгариги хотира китобимдаги маълумотлардан тамоман ўзгача ва тегишли ҳужжатларга асосланади. Бундай муҳим ва машаққатталаб ҳужжатларни архивлардан излаб топишда менга ўғлим Хондамир ҳам катта ёрдам берди.

Муаллиф

Бўлмаганга бўлишма

Абдулла Қодирий 1926 йилдан сўнг икки сабабга кўра матбуотдан хийла йироқлашиб кетадилар. Биринчиси, «Муштум» журнаlining 1926 йил 27-сонида босилган «Йиғинди гаплар» номли ҳажвий мақоласи учун айбланиб, қамалиши (бу тўғрида газета-журналларда бир қадар маълумот бердик) бўлса, иккинчиси, 1926 ва 1927 йилларда ўтказилган Ўзбекистон зиёлилари ва маорифчилари қурултойларида (Тошкент) қабул қилинган баъзи қарорлар эди. Сўнгги сабабнинг қисқача мазмуни бундай: бу қурултойларда зиёлилар асосан иккига, яъни пролетар ва эски зиёлилар гуруҳларига бўлинади. (Архивларда бу икки қурултойга оид материаллар кўп, шу боис уларнинг тафсилотига киришиб ўтирмаймиз). Эскиларга миллатчи, пантуркист ёрликлари осилиб, уларга қарши қаттиқ ҳужум бошланади. Махсус қарорлар қабул қилиниб, эскилар санъат, адабиёт ва матбуот ишларидан, айниқса, раҳбарлик лавозимларидан мумкин қадар тезроқ четлаштирилади, баъзилари ҳатто таъқиб остига ҳам олинади.

Агар эсласангиз, хотираларимда Акбархўжа исмли кишини бир неча бор тилга олиб ўтган эдим. Бу киши бизнинг Эшонгузар маҳаллалик, дадамдан чамаси ўн беш ёшлар катта, ҳамулфат, эскичадан саводи бор, мулланамо, савдогар киши бўлиб, баъзилар уни жўғи дейишар эди. Пиёнбозорда ойна билан савдо қилувчи дўкони бўларди. Шу киши бошқа улфатларга қараганда, негадир дадамга ўзини яқин тутарди. Айниқса, 1926 йилда, дадам қамалиб, уйимизда йўл-йўриқ кўрсатувчи кимса бўлмаган кезларда у киши гўё меҳрибонлик қилиб, ҳолимиздан хабар олган, тергов-суд идораларига, бошқа ёр-дўстлардан кўра кўпроқ қатнаган бўлиб кўрилади.

Ўшанда Янги Иқтисодий Сиёсат (эркин-хусусий савдо)нинг охириги йили бўлган шекилли, айтишларича, Акбархўжа ака Москвага бориб, ойна келтириб сотишни ихтиёр қилади. Табиийки, бунинг учун катта миқдорда нақд пул керак, бунча пул эса ўзида йўқ бўлади. У боён ёр-дўстларидан икки, уч, ҳатто беш минглаб қарз кўтариб (жаъми йигирма беш минг сўм), Москвага жўнайди. Шунда, Акбархўжа ака «Ўтган кунлар» учун икки минг сўмдан зиёдроқ қалам ҳақи олганларини билиб, дадамдан ҳам икки минг сўм қарз сўрайди. Дадам йўқ дея олмай, сўралган пулни берадилар.

Акбархўжа ака Москвага бориб, икки вагон ойна харид қилади ва харид моллар Тошкентга етиб келгунча НЭП муддати тугаб, гўё ойналар ҳукумат тарафидан мусодара қилиниб, у Тошкентга қуруқ қайтиб келади ва қарзларини қайтаролмай, танг аҳволда қолади. Унга қарз берган савдогарлар, боён кишиларнинг (мен кўпларини танир эдим) йўқотган пуллари давлатларини озайтирмас эди. Аммо, қалам ҳақида кун кўрувчи Қодирий кабилар учун икки минг сўм катта йўқотиш эди. Қодирий бу пуллар билан янги бинолар қурмоқчи, боғини обод қилмоқчи, лойтом, чаккахона уйлардан қутулмоқчи эдилар. Барибор, дадам қийналсалар ҳам ниятлари йўлида тиним билмадилар. Бирон ерда боғланиб ишламаслик, уста-мардикор юмушлари, «Меҳроб-

дан чаён»ни ёзиш ташвишлари ёзувчини анча чарчатган эди... Бир куни дадам ойимнинг тилло тақинчоқларини рўмолчага тугиб сотгани олиб кетдилар...

Жосият бибим Акбархўжа аканинг қилмишлари ва дадамнинг пул важдани қийналиб юришларидан оз бўлса-да, хабардор эдилар. Бир кун, таом чоғи эди шеклилли, дадамга:

— Акбархўжа жилла бўлмаса пулингни ярим-ёртисини берса бўлар эди, болам, — деб қолдилар.

— Э, ойи, — дедилар дадам гўё ўша пул масаласини эслаб ўтиришни ҳам истамагандай, — сўрашнинг фойдаси йўқ, бўлмаганга бир бўлишдик-бўлишдик-да...

Дадамнинг амакиси Тош бобонинг ўғли — Одил ота дадамдан йигирма ёшлар чамаси катта эди. Унинг Эски Жўвада, Эшонгузар маҳалламизда ва Самарқанд дарвозада ҳовлилари бўлиб, кейинги вақтларда кўпроқ «Эшонгузар»да яшар эди. Одил отани Эски Жўвада баққолик қилгани учун Одил баққол деб ҳам аташарди. Одил ота бизниқига тез-тез келиб-кетар эди. Бир куни шаҳар ҳовлимизда бибим билан сўзлашиб ўтирарканлар, дадамнинг харажатдан қийналганларини айтиб, бибим Акбархўжадан ҳасрат қила кетдилар...

— Э-э-э, она, (у киши бибимни шундай атардилар), — деди Одил ота, оғзидаги носини намат тагига тупуриб, — Акбархўжа эшоннинг найранги қирқ эшакка юк бўлади. Бир ўзи юз шайтонга дарс берадиган одам у. Абдулла у билан ошначилик қилиб, бир тушди-тушдида. Эшон эллик йил кейин келадиган фойдани олдиндан кўриб иш қилади... Унинг вагон-пагон, ойна-пойна деган гапларига ҳам ишонгим келмайди...

Мен у чоқларда ёш бўлганимдан Одил отанинг сўзларини эътиборсиз эшитган, аҳамият бермаган эканман. Буни кейинчалик тушундим.

Бизнинг хилхона Эски Жўвада, ҳозирги хотин-қизлар клуби ўрнидаги (дадамнинг айтишларича, Кумуш биби дафн этилган) қабристонда бўлган. Қодир бобо Эски Жўвадаги шаҳар ҳовлимизни сотиб Эшонгузарга кўчиб келгач, масофа узоқлигидан дадам Эшонгузар маҳалласи ёнидаги Хўжа Аламбардор қабристонидан янги хилхона учун 1918 йилда маҳалладош улфатлари билан шерикчилик ер сотиб олиб, бўлашиб, қабристонга кўшадилар.

Раҳимберди амаким дер эдилар: «Даданг хилхонани икки тиллога сотиб олди ва барча қариндош-уруғларимизнинг дафн қилиниши мумкин эканлигини эълон этди».

Хилхонани шерик бўлиб олишган дадамнинг улфатлари: Мулла Зайниддин, Низомиддин, Пўлатхон ва бошқа (номлари ёдимдан чиқди) кишилар ҳамда амакиларим бир оғиздан айтишардики, Акбархўжа шерик бўлмаган, хилхона олмаган, биз таклиф қилганда рад этган, унинг Хўжа Аламбардорда хилхонаси йўқ. Хайр, пули бўлмагандир, ёки бошқа ерда хилхонаси бордир. Хуллас, 1924 йилда янги хилхонамизга биринчи бўлиб бир юз тўрт ёшда вафот қилган Қодир бобом дафн этиладилар.

1960 йилларнинг охири бўлса керак, танишлардан бири «Акбархўжа ака вафот этди, сизнинг хилхонангизга кўмдик» деб қолди. (Биз кўшни — Самарқанд дарвоза маҳалласида яшаганимиз учун, унинг вафотидан бехабар қолибмиз). Бир куни йўлим тушиб қабристонга кирдим. Дарҳақиқат, хилхонамиз ўртасида баҳайбат бир қабр пайдо бўлибди. Гўрковни қақриб сўрадим. У узр айтиб, «бу қабр отангизнинг ошнаси Акбархўжа аканики, вафоти олдиндан болаларига, «менинг жасадимни Жулқунбойнинг хилхонасига қўйинглар», деб васият қилибди», деди. «Акбархўжа ака ёки болалари биздан рухсат олишлари керак эди-ку...» дедим. «Келинг,

хафа бўлманг, бу қабр ярим йил-бир йил ичида йўқ бўлиб кетади» деди у.

Бизнинг муддао, албатта, хилхонада эмас, ер кимлардан қолмаган... Гап Акбархўжа аканинг ҳақиқатан ҳам ўз фойдасини ўйлаб, узоқни кўзлаб «иш» тутишини ва марҳум Одил ота сўзи чиндан-да тўғри эканлигини тасдиқлашдадир.

Кейин нима бўлди, дерсиз. Акбархўжа аканинг қабри гўрков айтгандек ярим йил-бир йилда йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, унинг қабри устига каттагина темир панжара қўндирилди. Ундан кейинги йили панжара ёнида кичкина қабр пайдо бўлди (бу қабр Акбархўжа аканинг келининики, у «мени қайнотамнинг оёқларига қўйинглар» деб васият қилган эмиш). Шундай қилиб қарабсизки, қарийб ўттиз йил ичида Жулқунбой хилхонасининг ярмини Акбархўжа авлодлари эгаллаб олишди. Фирибгарлик, қаллоблик қандай «якши хунар»-а, агар у вафоти олдиндан шундай васият қилмаганда, бечоралар қаерларда «сарсон бўлиб» юришарди.

Шундай қилиб, «Ўтган кунлар»нинг қалам ҳақи ҳам бечора ёзувчининг ўзига насиб этмади. Ҳатто (бошқаларини қўятуринг) хилхонасини ҳам бўлиб олишди, шоввозлар.

Танқидми, таҳқир!

Қодирий кундалик матбуот ишларидан қўл йиғиштирган бўлсалар ҳам баъзан-баъзан Ўзбекистон давлат нашриётидан қишлоқ хўжалигига, асарлариликка оид рисолачлар (русчадан) ва гоҳо ўқув китоблари (масалан, татарчадан профессор Абдулла Шуносийнинг уч бўлимдан иборат «Физика курси» китобини) таржима қилиб турар эдилар.

Бу даврда Қодирийнинг асосий машғулоти икки йўсинда бўлди: кириб, юқорида ҳам бир қадар эслатганимиздек, ер сотиб олиб боғ тартиб бериш, янги уйлар кўриш бўлса, иккинчиси (1924 йилдан) аста-секин материал тўплаб, «Меҳробдан чаён» романини ёза бошлаш эди.

Баъзилар хизматдан бўшасалар нима қиларини билмай, уйга кириб-кўчага чиқиб, гангиб қоладилар. Қодирийда эса бу ҳол кўринмас эди. Қиларга кўнгиллаб қўйилган, лекин бажаришга фурсатлари етмаган ишларни энди аста-секин амалга ошириш билан банд эдилар, у кишининг вақти аниқ тақсимлаб қўйилган эди: ёз ойлари боғда меҳнат, қишда эса сандалда ўтириб ижод қилиш...

Албатта, ҳар хонадонда бўлганидек, оиламизда ҳам шу йиллари айрим етишмовчиликлар бор эди. Қишлоқ рўзғорни ёздан ғамлаб олганимиз учун ейиш-ичишдан қийналмасак ҳам кундалик харажат, кутилмаганда бирор кийим-кечак сотиб олишга (бир махси-калиш аяб, яматиб кийилса, бир неча йилга етар, ёз ойларини каттадир-кичикдир, кўпчилик ялангоёқ ўтказарди. Масалан, Раҳимберди амаким «оёғим қизиб кетади» деб, умр бўйи махсисиз, фақат калиш кийиб ўтдилар. Баъзан у киши меҳмонга борганларида мажбуран махси кийсалар ҳам, қайтишда ечиб қўлтиқлаб олар эдилар. Шунга ўхшаш қишлоқ гуппи чопонни ҳам камбағалроқ кишилар ямата-ямата бир неча йиллаб кияр эди) баъзан пул бўлмай қоларди. Чунки ой сайин келиб турадиган маош, қалам пули энди йўқ эди-да...

1927-28 йиллар бўлса керак, кеч кузак, совуқ тушган, шаҳар ҳовлимизда яшаймиз. Уша куни кечаси билан ёмғир ёғиб чиқди. Эрталаб туриб мактабга отландим. Бироқ оёқ кийимим йўқ эди. Ямалган калишимдан сув ўтар, уни ёмғир, лойда кийиб бўлмас эди. Ойим «меники бутунроқдир, кийиб кетақол» деб ўз калишла-

рину бердилар. Эски махсим ямалавериб, тикишга келмай қолгани учун пайтава ўрашнинг иложи йўқ, пайпоқ кийиш эса у вақтларда ҳали расм бўлмаган эди. Яланг оёғимга калишни илиб, мактабга жўнадим.

У пайт асфальт йўл қаёқда дейсиз. Кўча изғирин, ёмғир шивалар эди. Бир оз юргач билдимки, оёғимдаги калиш ҳам сув ўтказар экан, то мактабга (мактабимиз «Учқун» мактабига филиал, Сузук-ота маҳалласидаги эски чойхонани таъмирлаб қурилган, икки хонали эди. Ҳозир бу бинода озиқ-овқат дўкони жойлашган) етиб боргунимча калишларим ичи лойга тўлиб, оёқларим совуқдан қизариб, музлай бошлаган эди.

Мен эса сўнгги партада Собит исмли ўртоғим билан ўтирар, ҳамма болалар этик, махси-калиш ёки кавуш кийиб келган, оёқларидан нам ўтмаган эди. Мен дафтаримни очдим-да устига бошимни қўйиб, қўлларим билан юзимни бекитиб, хўрлигим келиб, юм-юм йиғлай бошладим ва кўзимдан дафтарга томган ёшларни яшириш учун сиёҳ қалам билан бўйяй бошладим... Уқитувчимиз Матлуба опа (бу табаррук онахон ҳозирда ҳам ҳаётлар) менинг бош қўйиб ўтиришимдан шубҳаланиб, ёзув тахтаси олдида туриб:

— Ҳабибулла, нега ундай ўтирибсан? — деди.

Собит ўртоғим бир оз шўх-қизиқчиरोқ эди, қўлларим орасидан дафтаримга қараб:

— Вой опа, Ҳабибулла қон йиғлаяпти, — деди.

Болалар менинг калишимдан сув-лой ўтиб кетганлигини, оёғим совуққотганлигини айтишди.

Бечора ўқитувчи менга деди:

— Кел менинг олдимга, тиззамга ўтқазиб, оёғингни иситиб қўяман!

Унинг бу гапи мени баттар йиғлатди. У менга «бўлмаса бор уйинга кетақол» деб жавоб берди. Қайтишда мен калишимнинг ичини жўрттага лойга тўлдириб кўча ўртасидан юриб келдим (кўрганлар лойга ботиб кетипти, деб ўйласинлар деб). Шу-шу икки-уч ҳафта мактабга бормадим. Дадам янги махси, калиш келтириб берганларидан сўнг ўқишга бордим.

Қодирини ишдан четлатишиб, фақат иқтисодий зарба бериш билан чекланиб қолмадилар. Матбуотда тез-тез унга қарши ноҳақ, ўринсиз ҳужумлар, ҳақоратомуз танқидий мақолалар уюштириб, ёзувчи қалбини тирнаб, жароҳатлаб ҳам турдилар. Яқинда кутубхона архивларини қидириб, «Муштум» журналида (1928 й, 8-сон) бир мақолани учратиб қолдик. Ажабки, бу мақолани илгари ўқимаган, кўрмаган эканман. Мақоланинг номи — «Муштум»ни варақлар экан», имзо — Мирза Нуртой (шоир Фафур Фулом). Унда мақола эгаси «Муштум»нинг биринчи сонидан бошлаб, гўё журналнинг беш йиллик фаолиятига яқун ясайди.

Қуйида биз мақоладан Қодирийга тегишли ўринларни муҳтарам ўқувчиларга ҳавола этамиз, токи ўзлари ўқиб ҳукм-хулоса чиқарсинлар.

«Ё муҳтарам ўқувчилар!

Лаб-лунжингизни йиғиштиргайсизким бу нарсдан кулиш баса мушкулдир» (бу жумла қўполроқ бўлса ҳам, Қодирий услубига ўхшатма эканлиги кўриниб турибди. Фарқ шундаки, Қодирий аввал юзлаб ҳажвлар ёзиб, ўқувчиларни кулдириб, кейин муқаддимада баъзан бу жумлани кўққисдан ишлатиш ҳуқуқига эришгандилар).

«Кеча рафиқа билан андак айтишиб қолиб, ўзимга бир гўшадан қувонч қидирар, бир оз бўлса ҳам шикаста кўнгилни «юпатмасмикин» дегандек қилиб, «Муштум»нинг эски номерларини варақлар эдим.

Ана, бош бармоқни оғизга ҳавола қилиб, ҳўллаб 1923-нчи йилги «Муштум»нинг февралда чиққан бирин-

чи сонини астагина очдик. Биринчи сўз — «Муштум» таърифида, Жулқунбойники. Бунда «Муштум» — сиёсатда «подишоҳ», иқтисодда «авлиё» эмишким, унинг аҳамияти куллияси маҳалла ижтимоиётидан дарак қилинади. «Қовун деб экканимиз шумғия, олтинқўнғиз деб махтаганлари қорақўнғиз эканким, бурунни ўрашқа мажбур бўлдиқ», деб пешонага шилт этиб уриб қўяди. Сўз «афандилар» билан тугалиб «бир муштипурзўр бўлса, у ҳам пролетар мушти» экани эътироф қилинади.

2-нчи сондаги «Саломнома»ни ўқидик. Унда: «Халқ қайғусин емайин, мактаб очай дёмайин, эллик-олтмиш қўй берган, саккиз кунлаб тўй берган Туркистон бойларига салом!» дейди Думбулниса. Биз халқ қайғусин, тарбиясин шулардан кутган мижғилнисаларга ҳам қалампирли салом, — дедик. (Худди шундай. Доҳий Ленин, янги барпо қилинган Совет давлати ва халқ қайғусин чекиб, янги иқтисодий сиёсатни жорий қилди. Шунинг учун Абдулла Қодирий — Думбулниса «Эллик-олтмиш қўй бериб, саккиз кунлаб тўй қилган» исрофчи бой-савдогарларни мактаблар очишда, ёшларга яхши таълим беришда ёш давлатимизга ёрдам қилишга чақиради. Бу борада кулишга ҳеч ўрин йўқ. Ҳ. Қ.)

«Мана қўлимизда 4-сон.

Бош мақола Жулқунбойнинг «Наҳс босқон экан»и. Миллатнинг буюк адиби «ўз» истиқболдан ваҳимадор бўлиб, Октябрнинг муваффақиятини кўрмайди (Қодирий «Жасорат айб эмас», «Қизил байроқ» газетаси. 1921 йил ва шунга ўхшаш қатор мақолаларида Октябрнинг муваффақиятлари, Туркистон халқларига берган ҳуррияти ҳақида ёзганлар. Уқимаган эканлар-да. — Ҳ. Қ.). «Ётар садаға, кўнглим айниб кўз олдим қоронғиланди», дейди. Кўпчиликни хўтук ва ҳўкизга мисол қилади. Биз — ўз аптини сувда кўргандир, «наҳс босқон экан» фол очтиргандир, — дедик».

Фафур Фулом давом этиб: «Балки бунга «ўша вақтдаги муҳит (А. Қодирийдан — Ҳ. Қ.) шуни (шундай ёзишни — Ҳ. Қ.) талаб қилар эди» дегувчилар бўлар» дейди. Бу билан ноҳақ танқидини андаваламоқчи бўлади ва охирида ёзади: «Биз ҳамеза аралаш «Шундаймикин-а!» деймиз.

«Қўлимизда 10-сон. Биринчи мақола. «Замонанинг зайили», «Муштум» имзоси билан бунда... «Бир вақтлар ўз борлигини кўрсата олган ўзбек миллати» деб «Ўтган кунлар»нинг нашъасидан бурун тортилади».

«Энди Жулқунбой тарафидан яратилиб, ўз вақтида ва ўз аҳиллари ўртасида мужиби ташаккур бўлиб қабул қилинган, раста, бозор, гап ва тўкмаларда қайта-қайта ўқилиб, ўзига бир туркум «Олий табақа»ларни жалб қилган икки вужуд — Калвак маҳзум ва Тошпўлат тажанларга жиртак айтмоқчимиз. (Мунаққиднинг юқорида иқрор бўлишича-ку, Калвак ва Тошпўлат ҳақидаги асарлар халқ ташаккурига сазовор бўлган ва халқ тарафидан «раста, бозор, гап, тўкмаларда қайта-қайта ўқилган». Шундай экан, билмадим, мунаққид кимга жирттак айтмоқчи: Калвакками, Тошпўлатгами, Жулқунбойгами ё севиб ўқиган халққами ва ё ўзигами?)

«Калвак маҳзум «Шодикул» таъбирича XIX аср Урта Осиё феодаллари даврининг мажмалағ бир типи. У давр қатори ёрон хоктроб кетиши лозим бўлса ҳам ёзувчи уни тиргизади ва XX аср иккинчи чорағига қадам қўйиш арафасида турғон ва социализм жамиятининг асоси қурилмоқда бўлган бирдан-бир ишчи-деҳқон мамлакатининг турли сиёсий ва ижтимоий муассасаларида «контроллик» қилиш вазифасини топширади. Шунинг билан бирга шўро хизматчиларига «насиҳат»

1. Зиё Саид.

қилиб, шўро идораларини «роҳи растка» йўллатмоқчи бўлади. (Қийғини қидирса топилаверади... Бизнингча, мунаққид «кашф этган» бу гумон-назарияни ҳеч бир ўқувчи кўнглига келтирмас ва ёзувчининг ўзи ҳам буни асло хаёл қилмаган бўлса керак. Қалвак маҳзумга ўхшаш мадраса ҳаёти билан заҳарланган кимсалар бизда — Совет даврида ҳам жуда кўп эди. Чунки, «мадраса таълими Совет давридагина тугатилди. Қодирийнинг ўзлари ҳам ўша мадрасаларда ўқидилар, кўрдилар. «У фалон асрининг одами эди» дейиш ҳам нотўғри. Бизнингча, гап, қандай йўл билан бўлмасин, мақсадни ўқувчиларга ишонарли қилиб бера билишда. — Ҳ. Қ.).

«Тошпўлат тажанг — олти йиллик Шўро даврида саводини чиқара олмай (бунақалар кўп бўлган — Ҳ. Қ.), кўча-кўйда сандирағлаб юрган лўтти бир чапан. Унинг Қалвак маҳзумдан айирмаси сўзининг китобий бўлмай, самовар тили бўлгани. Биз буларга сўз бермадик. Чунки, «эзмалик ҳам эбида» дейдилар. (Бу изоҳотлар бутунлай ортиқча, китобийми, йўқми, ўқувчининг ўзи жуда яхши тафовут қила олади — Ҳ. Қ.). Керак қилар эканлар, марҳаматларини дариг тутмай ичкарига қарасинлар. Унда чакка тириштиришга арзигудай гаплар топилмаса Тошпўлат тажангнинг ҳақ-ҳурмати.

Инсон жавҳари тарбия. (Ғафур аканинг бу гапига қўқиндик бўлса арзийди — Ҳ. Қ.). Ғози билан Жулқунбойлар, «Муштум»ни монополия қилиб, меҳнаткашларни ёт руҳда тарбия қилдилар. Монополиянинг маъноси шулки: бир йиллик «Муштум» бошдан-оёқ шу икки азаматнинг хосаки қаламлари билан чиқди... Агар, қандай қилайлик ёзувчилар йўқ эди, десалар балки, бошқармадан берган жавобларингиз¹ қалбаки экан-да? деймиз. (Бу гап мутлақо асоссиз, ёлғон ва тухмат. Чунки, «ёзувчи оз, мақола етишмайди, деб, редакцияга келган барча яроқсиз хат-мақолаларни журналда босилверса иш «атала»га айланади. Ҳозир ҳам шундай. Редакцияларга қоплаб хат-мақола келади. Ҳаммаси босилавермайди-ку. Наҳотки, «Ғози билан Жулқунбойлар» ярайдиган мақолаларни ҳам четга суриб, ўзлариникини босган бўлсалар. — Ҳ. Қ.). Ғози Юнус ва Жулқунбой ўз фойдалари, ғаразлари йўлида ўзларининг насибасига, ҳаётига чанг соладиган виждонсиз, сотқинлардан эмас эдилар. Қодирий, аксинча, «Муштум» ёзишгучиларини кўпайтириш мақсадида» журналда доим қақариқлар, даъватлар ёзиб турганлар. Бу ҳақда «Фельетонлар қироли» номли мақоламда («Ёшлик», 1987 й. 11-сон) фикр юритганим учун яна қайтариб ўтирмайман. Аммо, Ғ. Фулом мақоласидаги ушбу сўзларни келтирамиз.

«Ўқувчилар!

Авфингизни сўраб, ижозатингиз билан яна бир мартаба сизларнинг назари диққатингизни 26 йил, 27-сон «Муштум»нинг муқовасидаги расмга йўллатмоқчимиз. Бунда Йўлдошбой акамини «орқа-олдинга қара, эҳтиёт бўл!» дегандай қилиб расми туширилган. Лекин бир варақ очинг «Овсар» миянинг (Жулқунбойнинг) пролегар матбуотини булғатганини, гўнагалига тош солиб, валий неъматларига аёқлик хизматини бажармакчи бўлгонлигини ўқийсиз-да, уч йиллик умрингизга воасаф ўқиб, «тарих-тарих» дейсиз ва эснаб қўясиз?»

Бу сўзлар Қодирийни очидан-очиқ таҳқирлашдан бошқа нарса эмас. «Йиғинди гаплар» мақолиси ва унга тааллуқли гаплар тегишли ташкилотлар тарафидан 1926 йилнинг июнь ойигача текширилиб, маълум хуло-

са-ҳукмлар чиқарилиб, тиниб-тинчиб кетган ва ҳатто кўпчилик мақолани ўқиганлар, эшитганлар унутиб ҳам юборгандилар. Орадан роса икки йил ўтгач (бу давр ичида Қодирий «Меҳробдан чаён»ни ёзиб битирадилар), бу мақолани ёзишга, ўтган ишни кўзгаб халққа эслатиб қўйишга мунаққидни нима мажбур қилди экан? Ҳукумат-ку, (масалан, Йўлдошбой акалари) албатта, «шу масалани яна бир кўзгаб қўй» деб ваколат бермаган бўлса керак ёки Қодирий яна бошқа бирор жиддий мақола ёзган эмасларки, эскисини эслатиш эҳтиёжи туғилган бўлса.

«Абделде»

1926 ва 1930 йиллар орасидаги давр турли-туман кампаниялар замони бўлиб, деярли ҳар йили бир-икки кампания чиқиб турар эди. Масалан, миллий чегараланиш, ер ислоҳоти, паранжи ташлаш, катта ер эгаларини синф сифатида тугатиш — қулоқ қилиш, саводсизликни битириш, коллективлаштириш, шўрога кириш учун ҳақлилиқ-ҳақсизлик ва ҳоказо...

Кечирасизлар, бугун шу сатрларни ёзаётганимда уйимизда унутилмас бир фожиа рўй берди. Мендан икки ёш катта Назифа опам ҳаёт заҳматларини кўп чеккан, соддадил, ўз номи билан ҳалол, покиза аёл эди. У оиласи билан ёнимизда яшар эди. Негадир, сўнги чоқларда тез ривожланувчи паришонхотирликка чалинди. Унутувчанлик, гапдан, йўлдан адашувчанлик, ўз хоҳиши билан таом емаслик ҳолатлари пайдо бўла бошлади. Докторлар бу касалликни давосиз деб топишди. Уйда ҳамиша болалари тарбиясида, назоратида яшар эди.

Назифа опам кутилмаганда уйда ҳеч ким йўқлиги, эшикнинг очик қолганлиги сабабли 1987 йилнинг 29 сентябрда эрталаб кўчага чиқиб кетади. Эҳтиёт юзасидан биз унинг кўйлаги ёқасига исм-шарифи, уй адреси ва телефон номерларини ёзиб, тикиб қўйган эдик. Бутун шаҳар оёққа туриб, қидирув бошланди. Ниҳоят, учинчи октябрь, шанба куни кечга томон Тошкент шаҳар, Кўктерак сойи лабидан, сазга балчиққа мўъжаси билан йиқилган ҳолда ўлиги топилди ва тўртинчи октябрь куни Хўжа Аламбордор қабристонидagi хилхонамизга — дадамнинг қабри ёнига етмиш бир ёшида дафн этилди.

Бечора опам, кўрганларнинг айтишларича, кўчага чиқиб, ўткинчи машиналарга қўл кўтариб, «Мени дадамни олдига элтиб қўйинларга!», деб қичқириб қолар эмиш.

1926—1927 йилларда барча республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ер ислоҳоти ўтказилди. Катта ер эгаларининг ерлари олиниб, ерсиз, чоракор деҳқонларга бўлиб берилди. Ҳукумат тарафидан махсус тузилган комиссиялар қишлоқ, кентларга чиқиб, кўрсатилган низом бўйича иш кўрар, адолат билан иш олиб борар эди. Бироқ, табиийки, баъзан тушунмовчиликлар ёки чигал масалалар содир бўлиб қолар (масалан, ер бўлинганда низом бўйича маълум бир қисми эгасида қолдирилган), ер эгаси эса, «Менинг беш фарзандим бор, демак, бешта ҳовли-жой берасизлар» деб даъво қилар, бундай ҳолларда ер эгасига тегишли юқори идораларга ариза ёзиб мурожаат қилишга ҳам ҳақли эди.

У вақтларда ариза ёзиб берувчи ўзбек адвокатлар йўқ бўлса ҳам, саноқли, бунинг устига ёзилган аризанинг мазмуни унинг ижобий натижаланиши учун катта аҳамиятга эга эди. Нима ҳам бўлади-да, Қодирий бирикми яқинларига ариза ёзиб берадилар, ёзган аризалари ижобий ҳал бўлади. Шу-шу «Жулқунбой ёзган ариза яхши ўринларкан» деб уйимиздан ариза ёздирувчилар

¹ Авваллари бошқарма (редакция)га келган хат-мақолалар бирор сабаб билан босилмай қолса, «Бошқармадан жавоб» сарлавҳаси остида «Мақолангиз фалон сабабга биноан босилмайди» деб жавоб берилар эди. (Ҳ. Қ.).

аримай қолади. Ёдимда, Қодирий шу кезларда «Меҳробдан чаён» романи устида тинмай ишлар, ҳеч бир идорада хизмат қилмас, кўпинча одамлар эшикдан қақриб келиб, дадам билан сўзлашар, нималарнидир маслаҳатлашар, баъзиларини дадам ўз ижодхоналарига бошлаб кириб, ариза ёзиб берар эдилар.

Бир куни Насриддин тоғам бизниқига бир кишини бошлаб келдилар. Бу одам кекса ёшли бўлиб, барра телпаги, йўл-йўл, узун пахталик тўнидан ўзбекка менгзаса ҳам, юз тузилиши ва тилидан қозоқ кишига ўхшаб кетарди. Дадам у кишини ижодхоналарига бошлаб кириб, чой-нон қилдилар ва эски танишлари каби сўзлаша кетдилар.

Бу киши Тошкент атрофида (Байтўрғонми, Ҳасанбойми тарафларда бўлса керак) яшар, ўз даврининг катта ер эгаларидан, чорвадорларидан эди. Унинг Расулмуҳаммад бобом (ойимнинг отаси) билан савдо ишларида муомаладор ва ҳатто борди-келди қилганликларини, шу важдан дадам билан ҳам танишлигини (дадам 1915 йилгача Расулмуҳаммад бобомнинг қўлларида приказчик бўлиб ишлаганлар) аниқладим. Ер ислоҳоти бошлангач, бу киши ўз ерининг бировларга бўлиб берилишини истамай, «зўр» бир адвокат топиб ариза ёздиргани шаҳарга тушади. Насриддин тоғам эса, «Менинг поччам ариза ёзувчи зўр адвокат бўлган» деб бизниқига бошлаб келадилар. Дадам билан қозоқ кишининг ораларида тахминан шундай савол-жавоб бўлганлиги эс-эс ёдимда:

— «Ерингиз қанча, оқсоқол? — сўрадилар дадам.

— Икки юз эллик таноп.

— Шунча ерни бировга бермай, ўзингизда қолдирмоқчимисиз?

— Ҳа, отамдан қолғон-да.

Дадам кулдилар:

— Ҳозир ер отасидан қолганми, ўзи сотиб олганми, бу билан ҳукуматнинг иши йўқ. Давлат жойи катталарнинг ерини камбағал, чоракор деҳқонларга кесиб бериб, ҳаммани бир текис ерли қилмоқчи. Агар, «Менинг фарзандларим кўп, ўзимга кўпроқ ер қолдиришлар» десангиз, бунинг йўли бошқа, — дедилар.

Бу маслаҳат қозоқ кишига маъқул тушди, шекилли, болаларининг номини бирма-бир айта бошлади. Шуниси ёдимдаки, қозоқ киши «Абдулла» дейишга тили келмай, дадамга «Абделде» деб мурожаат қилар эди. Мен анча вақтгача «Абделде» деб, дадамни масхара қилиб юрдим ўшанда...

Қодирий аризанавислик «хунар»ини тўрт-беш ой давом эттиргач, бу хунар ижодларига ҳалал бераётганлигини сездилар, шекилли, (тўғриси, Қодирий, иш ёки ҳавас учун эмас, оилага моддий ёрдам бўлсин учун шундай қилар эдилар), бир куни фанер тахтачага араб ҳарфида сиёҳ қалам билан катта-катта қилиб «Абдулла Қодирий ариза ёзмайди» деб эълон ёзиб, кўча эшигимиз тепасига михлаб қўйдилар. Шундан сўнг уйимизга аризачилар келмайдиган бўлишди. Ёдимда, ўшанда кўчамиздан болалар баланд овоз билан «Абдулла Қодирий ариза ёзмайди!» деб қичқириб ўтишарди. Бир куни қарасам, дўл-ёмғирлар эълоннинг ёзувлари ювиб кетибди, тахтачаниннинг ўзи эса ерга тушиб ётибди. Мен эълонни ажи-бужи қилиб, ўзимча қайтадан ёздим ва жойига қоқиб қўйдим. Дадам мен ёзган эълонни ўқиб, кулдилар ва уни бутунлай олиб ташладилар.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, Қодирий ер ислоҳотининг аввалларида бу ишга фаол қатнашдилар, матбуотда кўплаб фельетон, ҳажвий, жиҳдий мақолалар ёзиб турдилар. Бу мақолалар Қодирийнинг кичик асарлар тўпламларида қисман қайта нашр этилган, қолганлари эса тўплам шаклида нашрга тайёрланмоқда.

1928 йилда паранжи ташлаш кампанияси ўтказилди. Бу тадбир биз болалар учун жуда қизиқарли «томоша» эди. Дарҳақиқат, шу ёшгача «хотин-қизларнинг паранжида юриши қонун, лозим ва лобид» деган ишонч-ақида билан юрувчи биз болаларга тўсатдан уларнинг кўча-кўйларда эркаклар каби, чачвонсиз, очиқ юз билан юришлари ҳеч бир эшитилмаган, кўрилмаган, гўё мўъжизадек туюлар эди. Биз кўчама-кўча югурардик, «бугун фалон маҳаллада паранжи ташлаш бўлар эмиш, юринглар, бориб томоша қиламиз, янги духоба паранжиларни хотин-қизларнинг ўзлари бошларидан олиб ўтга ташлар эмишлар ва ўзлари паранжи ёпинмай уйларига кетар эмишлар, жуда қизиқ бўлармиш», деб чопганимиз-чопган эди. Кўпинча эса; «фалон маҳаллада бир хотин паранжисини ташлаган экан, эри шартта калласини олиб ташлабди» деган даҳшат-ваҳимали гаплар қулоғимизга чалиниб қолар эди.

1928 йилнинг эрта баҳори, март ойи бўлса керак, шаҳар ҳовлимизда яшар эдик, дадам ижод билан банд, ёғин-сочинсиз кунлар эди. Ниҳоят, карнай-сурнай, ноғора садолари билан паранжи ташлаш маросими бизнинг Эшонгузарга ҳам кириб келди. Маҳалла хотин-қизларини уйма-уй юриб, мажлисга таклиф қилишди. Чойхона олдидаги катта тахта сўри устига қизил алвон ёзилган, бир стол ва тўрт-беш стул қўйилиб, юқори идоралардан махсус юборилган икки-уч эркак ва хотинлар (булар женотдел ходимлари, лекторлар эди) чиқиб ўтиришди. Маҳалламиздан ҳам икки-уч эркак ва хотинлар, жумладан, дадам ҳам юқорига чиқди. Бироқ дадам у ерда кўп ўтирмай, чойхонага кириб кетдилар. Назаримда, у киши маҳалла аёллари уялмасинлар деб ўзларини четга олдилар-ов...

Табиики, бутун маҳаллага бугун паранжи ташлаш «маросими» бўлиши олдиндан маълум эди. Ҳар бир уйда жанжал, иккиланиш, можаролар... Баъзи эрлар ўз хотин-қизларига «мажлисга чиқмайсан!» деб пўписа қилса, бошқалари сиёсатдан қўрқшар, чор-ночор «чиқсанг ҳам паранжингни ташламайсан!» деб пишиқлашар, баъзилар эса хотин-қизларини шитоб қариндошлариникига «меҳмонга» жўнатиб юборишар эди. Шундай бўлса ҳам, қиз-жувонлар духоба, банорас ва эски паранжи-чачвонларини ёпиниб чойхона қаршисига бирин-бирин йиғилишар ва уй деворлари тагида қатор-қатор тизилишиб тик туришар эди. Аёллар тўпланиб бўлишгач, маҳалла раиси баъзи расмий табрик сўзларидан сўнг, ҳалиги вакил кишиларга сўз берди.

Мен ваъзчиларнинг сўзига қулоқ бермадим. Ҳарҳолда, улар паранжи ёпиниш «тарихи», паранжининг ислом динига алоқасизлиги, зарари, Буюк Октябрь инқилобидан сўнг хотин-қизларга берилган озодлик, эркинлик, эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бу ҳақда Лениннинг чиқарган декретлари, хотин-қизларнинг ўқишга ва меҳнатга ҳуқуқдорлиги тўғрисида сўзладилар чоғи... У вақтларда бу масалалар биз болаларни қизиқтирмас, қизиқтирадигани эса кўча ўртасига тўнка, шоҳшаббалардан ёқиб қўйилган гулханга хотин-қизларнинг ўз ихтиёрлари билан бошларидан чимматларини олиб ташлаш «маросим»и эди.

Ниҳоят ваъз қилувчилардан бири баланд овоз билан қичқирди:

— Қани, ҳурматли оналар, опалар, сингиллар, қизларимиз! Орангизда кимлар ўт юракли, жасур? Ким биринчи бўлиб паранжи ташлашни бошлаб беради?! Асло қўрқмангиз, Шўролар ҳукумати ҳамиша сизларнинг ҳимоячингиздир!

Эркадир-хотиндир, барча сукутда. Уларнинг кўнглида кучли кураш боради: бир неча асрлаб ҳукм сурган, ҳамма билан қон-қонига сингиб кетган, ҳатто диний тус олган бу зарарли одат, бошдаги бу хунук рўдапони ташласинларми-йўқми?... Йўлдош амаки эса ўт устига куруқ шохлардан ташлаб, оловни гуриллатиб турардилар.

— Наҳотки, барчангиз кўрқоқсиз, а? — деди ҳалиги ваъзон киши, — биз ўнлаб маҳаллаларда шундай «маросим»ларни ўтказдик. Ҳамма ерда ҳам яқдиллик, хурсандчилик билан ўтди!..

Кўчамизнинг охирида, Хўжа-Нуриддин қабристонига чиқавериш тарафда Маликхўжа деган кекса бир киши яшар эди (у ҳақда бошқа хотираларимда ҳам ёзганман). Унинг Ойжамол исмли шаддод бир қизи бўларди. Ойжамол опа турмушга чиқиб, бир бола кўргач, уйига қайтиб келган (чамаси у шаддодлиги учун ҳам эри билан чиқиша олмаган) эди. Дарҳақиқат, у шахт сўзли, «Ўтган кунлар» романидаги Хушрўй бибини эслатар эди. Ойжамол опа бир кун бизникига нимадир юмуш билан кириб, оймга: «Ноғой келиной¹, сиз кимсан, Жулкунбой деганни хотинисиз, кийим-бошингизни бойларнинг хотинларига ўхшатиб, сал тузатиниб кийиниб юрсангиз бўлмайдими?!» деб танбех бергани ёдимда... Ойжамол опа ҳақида яна шундай ҳангома бор: Бир киши Маликхўжа амакига маҳсисини яматигач беради. Маликхўжа амаки иши кўплицаданми ёки тоби қочиб қолганиданми, ишни вақтида бажармайди. Шунда уч-ўрт қатнаб, овра бўлган маҳси эгаси Малик амакини ҳақорат сўзлар билан урушади. Эшик орқасида буни эшитиб турган Ойжамол уйдан йиртиқ маҳсини олиб чиқади-да, эгасига дейди: «Дадам етмиш етти жойидан ямалган маҳсингни тикмайдилар, сассиқ маҳсинг бошингдан қолсин!» — дейди ва эгасининг юзига маҳси билан шарт-шарт уради. У киши аввалига гангиб, ҳайрон бўлиб қолса ҳам, кейин Ойжамолга ҳамла қилмоқчи бўлади. Ойжамол эса: «Агар менга қўл теккизсанг, шундай дод соламанки, шармандангни чиқариб жўнатаман!» — дейди. Киши бўшади, маҳсисини қўлтиқлаб жўнайди. Шу-шу ошна-оғайнилари унга «маҳси битиб қолдимми?» деб ҳазил қиладиган бўлишади.

Орқа қаторда турган бир аёл бирдан ҳаракатга келиб, аёлларни сафини ёриб олдинга чиқди ва бошидаги эскириб қолган духоба паранжи ва чачвонини (чашмбанд) олиб буклади-да, ўтга ташлади. Ҳамма чапак чалиб юборди. Бу — Ойжамол эди. У юзларини рўмол билан ўраб, орқа сафга, аёллар орасига ўтиб кетди. Юқорида ўтирганлар бу биринчи чиққан аёлнинг исми-фамилиясини ёзиб олдилар.

Шундан сўнг аёллар бирин-кетин паранжи-чачвонларини намойишкорона ўтга улоқтира бошладилар. Ойим ҳам беш-олти аёлдан сўнг чиқиб, банорас паранжиларини ўтга ташладилар. Ҳар бир аёлнинг паранжи улоқтириши чапак, «раҳмат, баракалла!» қичқириқлари билан қарши олинарди. Устма-уст, босара қилиб ташланган паранжилардан ўтнинг ловуллаб ёниши сусайган эди. Йўлдош амаки қаердандир (тайёрлаб қўйилган бўлса керак) керосин келтириб, ўт устига сочди. Шундан сўнг ўтнинг алангаланиб, ловиллаб ёнишини кўрсангиз эди...

Аёллар паранжиларини ташлашгач, кўзлари кўрарли «туйнук» қолдириб рўмоллари билан юзларини ўраб олишар ва тезда ўзларини орқага — четга олишар эди-

лар. Бечора аёллар, чордевордан ичкаридан ўзга нарсани билмаган мазлумалар, энди «туйнук» орқали ҳақиқий, ёруғ дунёни кўрар эдилар.

Шу йўсин паранжи ташлаш кампанияси ҳам ўтди. Дарҳол бўлмаса ҳам, кўчаларда уялинқираб юрган аёллар, қизлар кўрина бошладилар. Паранжисиз аёллар оқими кўчаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида тобора кўпая борди (Ойжамол эса Чорсудаги тикувчилик артелига ишга кирди). Шундай қилиб, очилган аёлларга ажабсиниб қарамайдиган ҳам бўлишди.

Биз болалар эса кўчаларда:

Саккизинчи март, Бандагидан¹ торт... —

деб ашула айтиб юрадиган бўлдик.

Паранжи ташлаш кампанияси Шарқ (айниқса, ўзбек, тожик) хотин-қизлари ҳаётида оламшумул ўзгариш ясади. Бу буюк Октябрнинг мазлум халқларга берган самараларидан бири эди. Қизиқ, Қодирий ҳам худди шу кампаниянинг авжи қизгин чоқларида Раъно образини («Меҳробдан чаён») яратган, унинг хонга қарши ғазаб, жасурона исёни ҳақида ҳикоя қилган эдилар.

Шу йил (1928) бўлса керак, шаҳар ҳовлимизда яшар эдик, Ўзбекистон республикасининг пахта плани тўлмадимми ёки тўлган бўлса ҳам давлатимизнинг пахтага бўлган эҳтиёжи тақозо этдимми, ҳар ҳолда, хонадонларга пахта солиғи солинди. Ҳар бир хонадон қавиб қўйган кўрпаларидан иккитасининг авра-астарини шилиб, пахтасини давлатга топшириши керак эди.

Дадам «Ўтган кунлар» романи учун материал тўпашга Фарғонага борганларида Марғилондан саккиз тепкилик қора хонатлас келтирган эдилар. Икки кийимлигидан ойм билан Жосият бибим кўйлак тикиб кийишган, қолганини эса беш-олти катта-катта кўрпа қилишган эдилар. Шу кўрпалардан иккитасини сўкиб, пахтасини дадам ўз қўллари билан маҳаллақўмга чиқариб топширдилар. Бир кўрпанинг аврасидан Ойкумуш (Раҳимберди амакининг қизи) ва Назифа опамга кўйлак тикиб беришди (ўша кўрпалардан бирини ҳозиргача сақлаб келамиз). Шунда ойм бир нарса демасалар ҳам, Жосият бибим эътироз билдирдилар:

— Нима бало, ҳукумат шу кўрпаларни пахтасига зор бўлиб қолибтими, Абдулла?

— Зор бўлганми-йўқми, бу сиёсатчилик, ойи. Бунга қарши «йўқ, бермайман» деб бўлмайди. Зарур бўлганки, солиқ солганлар...

— Жуда бўлмаса, сендан олмасалар бўларди.

— Бўлмайди, ойи. Энди бой-ашрафлардан солиқ олинмайдиган ё камайтириб олинадиган замонлар ўтиб кетган.

Йўрға домла

Албатта, колхоз-совхоз деган гапларни эшитмаган, хаёлига ҳам келтирмаган деҳқонлар орасида коллективлаштириш дастлаб осон кўчмади. Душманлар тарқатган турли ғараз гаплар, миш-мишлар ўқимаган халқни иккилантирар, тўғри йўлдан адаштирар эди. Бу «киш»-да айрим аламзада қулоқлар, руҳонийлар «жонбозлик» кўрсатар эдилар.

1931 йил бўлса керак, Розик амаки деган бола-чақали бир киши Самарқанд дарвозадаги боғ кўчамиздан

¹ Ойимнинг юзи оқ-сарикдан келгани учун баъзилар шундай деб ҳам аташарди.

¹ Бандак — паранжининг орқасидаги узун-узун иккита қийиқ енг ва уларни бирлаштирувчи шокила.

Карим яканчининг боғини сотиб олиб, кўчиб келди. Йиллар ўтиб, улғайганимдан сўнг Розик амаки (у киши ҳозир оламда йўқ, шундай бўлса-да, исмини очик айтмадим. Чунки, бола-чақалари ҳозир ҳам биз билан қўшни яшашади) бир суҳбатда шундай ҳикоя қилиб берган эди:

«Бизнинг шаҳар ҳовлимиз «Мирлар» маҳалласида, дала-боғимиз «Қонқус»да, ўзим ўртаҳол деҳқон эдим. «Колхоз бўлар эмиш» деган гап чиқиб қолди. Колхоз нима бўларкан десак, шаҳардан чиққан раҳбарлар тушунтириб беришди: колхоз бу кўпчилик бирлашиб тузилган хўжалик экан, ҳар ким меҳнатига яраша даромад олар экан, ҳукумат деҳқончиликка тегишли бўлган ҳамма зарурий эҳтиёжларга ёрдам берар экан... Бир қараганда шарт-шароит яхши. Колхозга кирсамкин, деб кўнгиллаб қолдим...»

Қишлоғимизнинг Йўрға домла исмли (чамаси, жуда тез юрадиган киши бўлса керак, — Ҳ. Қ.) имоми бор эди. Бир кун у мени тўхтатиб деди:

— Ҳа Розикбой, ишлар қалай?

— Ёмон эмас, тақсир.

— Колхозга аъзо бўлдингизми?

— Ҳа, тақсир, бўлсамми деб турибман...

— Колхознинг маънисини тушундингизми?

— Тушундим. Ер-сув ўртада бўлар экан.

— Ҳа, баракалла Розикбой... Шунисини била туриб, колхозга аъзо бўлмоқчимисиз? Охиратингиз куйибти, иним.

— Нега тақсир?

— Негаки, бутун бир қишлоқ битта хўжалик қилинса, ҳамма нарса ўртада бўлади. Хотин-халаж, келин-кеват, қиз-қизалоқ ҳаммаси ўртада бўлади, шуни билиб қўйинг...

Менинг аъзойи баданим зириллаб кетди, ҳайратланиб сўрадим:

— Шаҳардан келган вакиллар ундай дейишмаган эди-ку, тақсир?

— Ҳа-ҳа, ҳеч нарса билмайсиз, гўлсиз, Розикбой. Ҳозир ҳаммасини айтса, биров колхозга кирадимиз? Аввал алдаб-алдаб колхозга киритади, кейин аста-аста кийиз китобини ўқитади-да. Соддасиз, Розикбой, соддасиз...

Бу гап менга худди шапалоқ ургандай таъсир қилди, кўз олдидан бўй етиб қолган қизларим, уйланадиган ўғилларим ўтди... Шу куниеқ кўч-кўронимни аравага ортдим ва бир умрга далани ташлаб шаҳар ҳовлимизга кўчиб тушдим. Албатта, далага ўрганган киши ёз кунлари шаҳар ҳовлида тура олмайди. Унга-мунга боғ сотиб олмоқчилигимни дарак қилдим.

Шу кезларда дадангиз — Абдулла акамлар маҳалламиздаги Шоҳаким самаворчининг чойхонасига тез-тез чойхўрликка келиб турар эдилар. Бир кун мени чақириб, «Эшитишимча, сиз боғ олмоқчи экансиз... Биз томонга боринг, кўшним боғини сотмоқчи», дедилар. Тақдир экан, тезда савдо ҳам пишиб, сизларга қўшни бўлиб қолдим...

Қулоқ дегани катта ер эгаси, киши кучидан фойдаланган қишлоқ бойи. Бундай бойлар озми-кўпми деярли барча халқларда бўлган. Бироқ Сталин ҳокимияти «киши кучидан фойдаланиш — жиноят» деб, бу табақага мансуб хўжаликларни шафқатсиз қирди. Уларни бутун оилалари билан совуқ жойларга, дала-даштарга сургун қилди, сувсиз ёки ботқоқлик ерларни ўзлаштиришга мажбур этди. Иқлим-шароитига кўникмаган, ҳатто энг оддий яшаш шароити билан ҳам таъминланмаган жуда кўпчилик одамлар шу йўсин қирилди, ҳалок бўлди.

Лекин, камина, ўша вақтларда шундай акс ҳолатларни ҳам кўрганманки, улар ҳамон мени ўйлатади. Қулоқ

бўлгач, бу нарса фақат қишлоқлик бойларга тааллуқли бўлмоғи керак эди. Бироқ, бу кампания шаҳарлик «қўл учуда» кун кўрувчиларга ҳам тегишли бўлиб кетди.

Биздан уч-тўрт боғ нарида Соли сабзифуруш деган кексароқ киши яшарди. У бой эмас, атиги ярим гектар келар-келмас боғи бор, «касби» сабзифурушлик, Чорсудаги Жомеъ масжиди рўпарасида, гуруч бозор ёнидаги пастқамда кўча юзига қоп-қоп сабзи тўкиб, (деҳқонлардан олиб) сотар эди. Қачон кўрсам кўлида шайинли торози, «бир-бир!», «икки-икки!», деб саноқдан адашиб кетмаслик учун қичқириб турар эди. Албатта, мен сабзифурушлик қилиб, бойиб кетган одамни кўрган эмасман.

Шу одамни ҳам қулоқ деб Тошкентдан сургун қилишди.

— Солакани куёви бориб кўриб кепти, жуда узоқда, бир дашти биёбонда ишлар эмиш. Турадиган ерида тиккайган дарахт йўқ, ертўлада ётишар, овқатларининг ҳам мазаси йўқ эмиш, — деб сўзлашар эди қўшни хотинлар.

Бу одам ҳам ўша ёқларда оламдан ўтди.

Жосият бибимнинг опаси — Убайда бибининг Соли исмли куёви бўлар эди. Узи Сирлимасжидда (Чорсуга яқин) турар, касби совунгарлик, Чорсунинг совунбозорида (Дом деҳқон ёки Такия қаршисида) бир одам сифарли кичкина дўкончада савдо қилар эди. Соли амакини Соли совунгар дейишар, дадамдан ўн беш-йигирма ёш катта, озғин, новча, бир кўзи ожиз бўлгани учун Кўр-соли деб ҳам аташар эди.

Баъзан Жосият бибим билан Соли амакимнинг уйига меҳмон бўлиб борардик. Уйлари эски, бостирмалик, қаровсиз бир ҳолатда эди. Мен ҳовлининг бир чеккасига қурилган катта дош қозонда бақирлатиб қайнатиб совун пиширишларини ва пишгандан сўнг кичик-кичик сопол пиёлаларга қуйиб, офтобда қуритиб, шабадада қотиришларини томоша қилар эдим.

Шу кишига ҳам қулоқсан, дейишди. Бир кун Соли амаки бизникига келиб, дадамга маслаҳат солди. Дадам:

— Ҳозир жуда қизғин, нозик вақт, орага тушиб бўлмайди. Яхшиси, бир-икки ҳафта ўзингизни панага олиб юра туринг, шов-шув сал пасайгач, бир иложи чиқиб қолар, — дедилар.

Соли амаки бирмунча вақт кишиларга кўринмай, яқинларининг уйда ётиб юрди. Бизникида ҳам бирор ҳафта яшади. Шундай кулгилик бир гап бўлгани ёдимда: янги сотиб олинган бир танубча еримиздаги қайрағочларни қулатиб, қовун-тарвуз эдик. Зўр қовун битди. Биттасини бир одам базур кўтара оладирган оқ қовунлар учи тарс ёрилар ва ирий бошлар эди. Қовунларни сотмас, еб улгуролмасдик ва кўни-кўшни, қариндош-уруғларга улашар эдик. Шунинг учун дадамларнинг бошчилигида қовун шинни пишира бошладик...

Бир кун дадам пастки айвонда қоқиқа осилган катта бўз халтага қовун шарбатини солиб, тагига катта мис тоғора қўйиб шарбатни ўтказиш, тиндириш билан машғул эди. Соли амаки эса бу ишда дадамга ёрдамлашар эди.

Ҳаммаҳалламиз марҳум Шоусмон Шоқосимов шундай ҳикоя қилган эди: «Ўша чоқларда мен янги тузилган ширкат ва колхозлар тафтиш комиссиясининг раиси, Абдулла Жулкун эса ширкатимиз идорасининг котиби эди. Мен айна бир вақтда қулоқ тугатиш комиссиясининг ҳам аъзоси эдим.

Бир гал Чўпонота мавзеидан ўнлаб ер-мулки кўп бўлган деҳқонларни қулоқлар рўйхатига олдик ва умум-маҳалла мажлисида овозга қўймоқчи бўлдик. Шунда

Абдулла Жулқун келиб комиссияга арз қилди:

— Ҳурматли комиссия аъзолари, сизлардан бир илтимосим бор.

— Қандай илтимос? Марҳамат, — дедик.

— Рўйхатингиздаги Усмонхон домлани қулоқ қилинмаса...

— Нега? Унинг ери катта, мулки кўп, киши кучидан фойдаланган, биласанми шуни?

— Биламан, — деди кулиб Абдулла, — аввало, ер-мулк унга отасидан мерос. Ўзи беозор, кўп йиллаб мударрислик қилган, сизу бизга илм-одоб берган олим киши. Мадрасалар ёпилгандан буён қўлида кетмон, боғида тинмай меҳнат қилади. Баъзан ноилож қолган чоқларида битта-яримта одам ёллагандир...

Бир оз бўшашиб, ўйланиб қолдик.

— Нима қилиш керак, шунча катта ер-мулкка эгаю унга тегмай қўявериш керакми, сенинча? — дедик.

— Йўқ, менимча, уни ортиқча ер-мулкни давлат ихтиёрига олинса-ю, ўзи қулоқ қилинмаса, илмини, маърифат йўлида элга қилган хизматини ҳисобга олинса, адолатли иш бўларди...

Биз Абдулланинг фикрига қўшилдик, уни рўйхатдан ўчирдик».

Жосият бибим гоҳо «сиёсат» ишларига ҳам аралашиб қўяр эдилар. Шийпон-гулзоримизнинг авжи яшнаб, донғи кетган чоқлар эди, бибим кутилмаганда деди:

— Абдулла, сен ҳам мундоқ Охунбобой, Акмалхон (Акмал Икромов), Мирпайзилла (Файзулла Хўжаев)ларни шийпонга чақириб, бир меҳмон қилсанг бўлмайдимми?..

— Бўлади, — дедилар дадам кулиб, — чақирсам келишади...

— Бўлмаса нега чақирмайсан, болам?

— Улар менга ўртоқ эмаслар-да, ойи. Ўртоқлар чақирилмаса ҳам, ўзлари келаверишади. Катталарни маҳсус чақиршдан муддао бўлиши керак. Бирон мушкулни осон қилиш, обрў орттириш, мартаба таъма этиш ва ҳоказо... Менинг катталар биткизиб берадиган мушкул ишим йўқ, обрў-мартабага ҳам муҳтож эмасман...

— Ужарсан, ўғлим, ўжарсан... сен ҳам мундоқ катта-конларга ёқадиган гапларни топиб ёзсанг-ку, бунақа қийналиб ўтирмас эдик...

1930—1931 йиллардаёқ дон, гўшт ва бошқа озиқ-овқатларнинг тақчиллиги бошланди. Нонни забор (заборная книжка — жон бошига алоҳида-алоҳида берилган дафтарча) билан маълум биркитилган дўконлардан берилар, дафтарчадан тегишли ой кунларнинг талони қирқиб олинар эди.

Гўшт Самарқанд дарвоза гузаримиздаги қассоблик дўконида (ҳозирги «Самарқанд» чойхонаси ўрнида) забор дафтарчасисиз берилар эди. Гўшт келадиган кунни халқ бир кун илгари билар ва кечқурундан бошлаб эллик-юзлаб одам навбат олар ва кўчада тунаб чиқишар эди. Эрталаб соат тўққиз-ўнларда гўшт келар, қий-чув ичида фақат навбат билан сотилар эди.

Қассоб чорсулик Ёқубхўжи исмли киши бўлиб, дадамнинг холаваччаси (дадамдан анча ёш катта) эди. Ёқубхўжи тоға жуда жиддий, тўғри, ҳалол киши, амма-хола, ошна-оғайнини билмас, ҳатто бизга навбатсиз бериш у ёқда турсин, навбат билан борганимизда ҳам гўштни тузатиброқ тортмасди. У чоқларда таниш-билишчилик иллоти кузатилмас эди.

Бир кун кечлик овқатни еб гўшт навбатига чиқдим. Тун бўйи ўртоқларим билан ўтириб, тонг оттирдим ва пешиндан сўнг икки қадоқ (саккиз юз грамм) гўшт олиб, уйга келдим. Жуда аччиғланган эдим. Ахир, арзимаган гўшт учун деярли бир кеча-кундуз уйқусиз навбатда

турган эдим-да. Ойим ҳали сувоқ қилинмаган, олди очиқ болохонали уйимизда нимадир иш билан банд эканлар. «Ойи! Мана, гўшт, келтирдим!» дедиму жаҳл билан шалхак гўштни халтадан олиб, бор кучим билан болохонага отдим. Гўшт айвоннинг орқатокча деворига ёпишиб қолди...

Юқорида айтганимиздек, ўша пайтлар ширкат тузиш ҳам қизгин борарди. Шаҳар билан қишлоқлар (колхоз) оралиғида боғот жойлар кўп, бундай катта-катта дала-боғларни колхозларга қўшиб юбориш имконияти йўқ (чунки, улар деярли шаҳар ичкарасида, оралиқда майда хўжаликлар кўп эди), улардан ширкатлар тузилар ва улар шаҳар халқига, завод-фабрикаларга сабзавот, мева етказиб берар, эвазига пул, саноат ва озиқ-овқат моллари олишарди.

Биз ҳам «Баракат» номли Қатортол, Чўпонота, Самарқанд дарвоза мавзеларидан ташкил топган ширкатга аъзо эдик. Ширкатимиз идораси Самарқанд дарвоза маҳалласида, бир бойнинг болохонасида жойлашган эди.

1931—1933 йиллар бўлса керак, шийпонимиз қаршисидаги гулзорни бузиб картошка экдик. Гулзорни бузишда дадамнинг бошқа бир андишалари ҳам бор эди: йил сайин оғир етишмовчиликлар билан қийналиб яшаб турган халқ олдида гулзорга оро бериб ўтиришни дадам ўзларига эп кўрмадилар... Картошкани ҳиммат билан парвариш қилдилар — яхши ҳосил берди. Кузакда бир қисмини ширкатга топширдик. Қопланган картошкаларни алвонлар тақилган араваларга ортиб, қизил карвон қилиб, Товуқ бозордаги (ҳозирги Дизель станцияси бекати) Тоштрам депоси-ишчиларига олиб бордик. Ҳар бир аравада бир хўжаликнинг етиштирган ҳосили бўлиб, бизнинг картошка ҳам бир аравани тўлдирган қоллар устига эса мен ўтириб олгандим. Тоштрам раҳбарлари, ишчилари бизни қизгин кутиб олишиб, ошхонада меҳмон қилдилар ва қоғозларга ўраб, турли ширинликлар, совғалар беришди.

Давоми келгуси сонда

Зебо Мирзаева



Эски бозор

Бошин йўқотгани эсда йўқ бу халк
 Жанда кулоҳи-чун қилади ғавғо.
 Йиртиқ чўнтагидан юз йилким йитган
 Сарик чақасини излайди дунё!
 Бозор — икки кўзи ёғ босган боққол,
 Тўккан қатиғини ётиб ялайди.
 Бунда Кўкалдошнинг безга қолган
 Тилло сандиғини ўғри талайди!
 Шаҳар — болаларин адаштирган тул,
 Беғам ухлаб ётар токи тушгача.
 Меҳмонлар қўллари очик бўлса эл,
 Уғирлаб кетишар қабртошгача!
 Қайда бу бозорнинг дарвозалари,
 Ким билар, бу лаҳм қаерга кетган?
 Ё кўҳна савдонинг хирожии бари
 Бир қари каламуш инига элтган?
 Тижорат қайнатган бу катта қозон
 Тобора авжига чиқади, зеро
 Ҳеч кимса билмайди, ғамларга ботган
 Қодирий келади расталар аро.
 Келади, қарайди: бозор — оч боққол,
 Тўккан қатиғини ётиб ялайди.
 Бунда Кўкалдошнинг безга қолган
 Тилло сандиғини ўғри талайди!
 У кетар, кўзда ёш, эгик бош билан,
 Тошларни қучоқлаб йиғлар Чиғатой;
 Тун ойга шу кеча қабр қовлайди,
 Қабр йўқ! Осмонда порлайверар Ой!..

* * *

Мен — тушман...
 Ой нури тушмаган гулнинг
 Сарғиш баргларида ўғирланган туш.
 Мен — тушман;
 Тош каби қотган танингни
 Бир лаҳза илитган илоҳий оғуш...
 Мен — тушман.

Сен уни кўрдинг бир марта.
 Кўрдим: тўзон каби тўзиди зорим.
 Мен — тушман...
 Сўрайман сендин ўзгага
 Кўрсатмасин энди парвардигорим!..
 Мен — тушман: қолмагай на кўз ёш, на ғам, —
 Олиб кетажакман бесоя, беиз.
 Яшаб қол мен билан уйғонгунингча,
 Унгинг — ҳақ,
 мен эса ўткинчи бир ҳис...
 Мен — тушман,
 лабингнинг ол қадаҳини
 Олмосдай куйдирар мен айтган у сўз.
 Мен сенинг на эртанг, на кечмишингман,
 Мен сенинг кўзингда
 бир тушман...
 Афсус...

Рўёга илтижо...

Минг йилким менинг бир ёруғ куним йўқ,
 Минг йилким ой — ханжар, юлдузлар — ханжар.
 Минг йилким, тилимга босадилар чўғ,
 Кун ва тун аталган иккита аждар!..
 Азизим, дунёмни босди совуқ сел,
 Кулгуларим тошдан, кўз ёшим тошдан.
 Ахир, кел, фақат, кел, ким бўлсанг ҳам кел,
 Бекор, ошганим йўқ ўн саккиз ёшдан!
 Ёлвораман, келгин, дийдам ғоридан
 Икки оч илонни ўлдиргани кел.
 Келгин тушларимдан ёруғ дунёда,
 Қоронғу кўзимни тўлдиргани кел!
 Минг йилким, бир ташна заминдай айро,
 Дарё келса ютдим, қон келса ютдим.
 Сўнг минг йил... о, исминг нимаиди, дунё...
 Унутдим, унутдим, унутдим...
 Минг йил ато этди минг йиллик бир ишқ,
 Мен унинг қошида турибман ҳайрон.
 Ер, менга ёронгул исмини бергил,
 Бир гулнинг умрини бер менга, осмон!
 Ахир, нима қилай, қадамларим зил,
 Қутилмоқ истайман бу тилсим тошдан.
 Фақат кел, фақат кел, ким бўлсанг ҳам кел,
 Ҳали ошганим йўқ ўн саккиз ёшдан!

Марина Цветаева

«Бу дунёда ўзин аяган,
 У дунёга бош олиб кетар.
 Кўкда бир бор порлаган нурдай,
 Туманларда йўқолар, йитар.

Этьиқодлар ҳамиша пучдир,
 Вақт қолдирмас бирон асорат.
 Яшамоқ — бу чидай билмоқдир,
 Чидай билмоқ эса жасорат!»

...Йўқ, йиғладим — кўз олдимда сен,
 Пок ўлмоқлик, ахир, иноят.
 Яшамоқ — бу кўникмоқликдир.
 Кўникмаслик эса — ЖИНОЯТ!



Расмни Д. Мурселимов ишлаган

Космос ерга нима берапти? Сўнгги ўн йилда бу ҳақда кўп гапирляпти. Тўғриси, мен ҳам космос ерга моддий, иқтисодий жабҳада эмас, балки маънавий соҳада нима бераётгани тўғрисида сўз юритмоқчиман.

Космик муваффақиятларнинг социал-сиёсий жиҳати 1957 йилдан бошлаб тадқиқ этиб келинади. Шу мавзуга жиддий докладлар, махсус мақолалар, рисоалар, китоблар бағишланди. Бу мавзу космос ҳақидаги ҳужжатли фильмларнинг етакчи йўналишига айланди. Сир эмаски, биз журналистлар ютуқлардан эсанкираб, кўп ҳолларда хайрат билан «Кавкабистон корхонаси» ёки «Коинотдаги бандаргоҳлар» каби жимжимадор ибораларни кашф қилишга берилиб кетдик. Қолбуки, юлдузлар ҳали жуда-жуда олисда, бандаргоҳлар эса ҳозирги галактик саёзликда қуриляётган эди. Шундай одамлар ҳам бўладики, Ой биринчи бор суратга олинганида ва Ю. А. Гагарин парвоз қилгач, совет космонавтикасининг муваффақиятлари — шак-шубҳасиз социалистик қурилиш табиатига хос, фақат унга тааллуқлидир, дейишгача бориб етишди. Буни тушунса бўлади, чунки ғаразли кишилар бизни техникада қолюк, илмда ночор деб айблаётган бир пайтда дунё миқёсидаги бундай ғалаба таъсирида ҳаддан ошиб кетиш табиий ҳол, албатта. Тўғри, ғалаба кунларида камтарликни йўқотмаслик катта санъат. Космос ҳақидами, балет ё чанги эстафетаси ҳақида гап кетяптими, биз доим ўзимизни хокисор гута олмаймиз. Вироқ «ҳаддан ошишлар»га қарамай, ростдан ҳам кўп ишлар қилинган эди. 69-йилларда фан ва техника тарихчиларининг ишлари фаоллашди. СССР ФА табиатшунослик ва техника тарихи институтининг В. Н. Сокольский раҳбарлигидаги авиация ва космонавтика тарихи сектори ракета техникаси ва космонавтика тарихига оид мунтазам семинарлар ўткази бошлади, шу масалалар бўйича гўпламлар (улар эндиликда 50дан зиёд) эълон қилинди. Космонавтика ёш тарихчиларининг бутун бир гуруҳи назарга тушди...

Менга эътироз билдиришлари мумкин: ҳозиргача С. П. Королёвнинг батафсил таржимаи ҳоли эълон қилинмаган. К. Э. Циолковский ҳақидаги китобларда олимнинг мураккаб, баъзан зиддиятли фалсафий қарашлари ҳақида лом-ним дейилмайди. Албатта, «оқ доғлар» мавжуд. Акс ҳолда, тарихнинг тарихлиги қолмасди. Қолаверса, улуг одамлар ҳақида гап кетар экан, шошмашошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Аввал китоб ёзиб, кейин уни «қайта қуриб» — янги вазиятга кўра «пиру устод»ларни алмаштиргандан кўра, яхшиси ёзмаган маъқул.

олиш ҳам машмашага айланиб кетарди. Баъзи раҳбарлар бемаъни «махфийлик»ни қалқон қилиб, аста-секин нима яхши, нима ёмон, нимани айтиш керак, нимани айтмаслик, гапирганда нимани ва қандай гапириш лозимлигини минг бор чиғирикдан ўтказиб олардилар.

Космонавтикага қизиқиш сусайганлигига фақат журналистлар айбон эмас. Кўп жихатдан бу жабаён объектив

миша зўр куч. Амалда шу нарсага амин бўлдики, «махфийлик»нинг жуда кўп қодалари тўқиб чиқарилган экан. Унинг сўғричланган мухрлари остида ишдаги камчилики яшириш, танқиддан қутулиб қолишга уриниш ётганини яққол кўрдик.

Мақолада кўплаб салбий мисоллар келтирдим, энди эса катта мамнуният билан сўнги йиллардаги космик тадқи-

ЯРОСЛАВ ГОЛОВАНОВ

КОСМОНАВТИКА ОШКОРАЛИК КЎЗГУСИДА

Космонавтикамизнинг нисбатан ёрқин галабаларини қайд этар эканмиз (маънавий маънода, албатта), энг аввало Юрий Алексеевич Гагарин парвозига тўхталиш лозим.

Мен биринчи космонавт мисолида омадимиз юришганини илгарилари ҳам ёзганман. У ҳақиқатан ҳам ақлли, камтарин инсон эди. Гагарин 1961 йилнинг 14 апрелида, яъни учувчиларнинг «Биз эртакни воқеликка айлантирмоқ учун туғилдик» деб номланувчи эски марши садолари остида аэродромнинг қизил гилам тўшалган йўлагига қадам қўйгандан бошлаб, то хотини билан Кремлдаги қабулдан чиқиб, Ленин яшаган Горкидаги озода, бўм-бўш уйга кириб келгунича ва улкан кўзгу қаршисида кўкрагига Олтин Юлдуз қадалган янги майор либосида тургунига қадар бўлиб ўтган воқеаларни яхши эслай олмаслигини айтган эди. Гагарин парвози ҳақиқат эди, бу ҳақда на гапириб, на ишонтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Дарҳақиқат, 1945 йилнинг 9 майдан кейин бу қадар чинакам завқу некбинликнинг ёрқин кўриниши намоён бўлмаган эди.

Шундай бўлса-да...

Тарихий парвозининг тўртинчи куни Гагарин Кропоткинскидаги Олимплар уйининг Катта залида журналистлар билан учрашди. Биринчи космонавтни фавқулодда кўтаринки руҳ билан кутиб олишди. У айтган деярли ҳар бир жумладан сўнг гулдурас қарсақлар янграрди. Президиумга хатлар ёғилиб кетди. Академик Е. К. Фёдоров уларни «элақдан ўтказиш»га киришди. У баъзи хатларни бир четга суриб қўярди, бошқаларига нималарнидир қайд этарди. Нега? Гагаринга ишонмасмиди? Нима учун? Тўғри, залдагилар учувчини яхши билмасди. Лекин президиумда ўтирганлар унинг нафақат бағоят ёқимли, балки ақлли инсон эканлигини билишарди-ку?!

— Биринчи номзод эканлигини ҳақида сизга қачон хабар беришди? — деб навбатдаги хатни ўқиди Гагарин, сўнг гўё кечирим сўраётгандек жилмайди-да:

— Биринчи номзод эканлигим ҳақида менга ўз вақтида хабар беришди, — деди.

Зал кулиб юборди. Залдагиларнинг жозибали майорга меҳри ортиб борарди, унинг ноқулайликдан тезроқ фориг бўлишида кўмаклашмоқчи бўлишарди. Орадан кўп йиллар ўтгач, Гагарин билан ўша матбуот конференциясини эсладик. «Ушанда ўзимни қаерга қўйишимни билмай қолгандим», деди у. Кейинроқ хийла тор даврада нишонланган «космик» юбилейларнинг бирида юқоридагидек учрашувларни пародия қилишганди:

Савол: Космосда смородина мураббоси едим, дедингиз. Смородина қанақа эди — қизилми, қора?

Космонавт: (Академик Е. К. Фёдоров билан узоқ шивирлашади): Смородина яхши эди...

Эсимда, Сергей Павлович Королёв кўзларидан ёш чиққунча қулди. Агар жиддий ўйлаб кўрилса, хушчақчақлик учун деярли асос йўқ эди.

Ю. Гагарин ўшанда ҳеч нарсани яширмай жавоб берга-

нида мамлакатимизнинг мудофаа қудрати заифлашиб қолармиди? Ундай бўлмасди. Худди ўша пайтларда Гагариннинг ўзи космонавтлар отрядига аъзо бўлишга рапорт берди, деб гап тарқатишган эди. Аслида, бундай рапорт зарурлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, Гагарин бундай қилмаган эди. Худди ўша пайтда Гагаринга, парашютда эмас, кемада ерга қўндим, деб айтасан, деб тайинлашди. Парашютда ерга қўниш кимгадир Гагарин қаҳрамонлигини камситадигандек ва уни халқаро рекорд сифатида қайд этишга ҳалақит берадигандек туюлди. Бемаъни бу нақл бир неча йил оғиздан-оғизга кўчиб юрди ва ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Бу ҳақда эслашганида Гагарин доимо асабийлашар эди. Нега шундай қилишди? Вилмайман. Лекин бу ақлсизлик экани аниқ.

«Союз-Аполлон» (ЭПАС) Совет-Америка программасида қатнашган астронавт Дональд Слейтон ҳамкасбларини яхши биларди. Юлдузча шаҳрида яшарди: «Улар деярли муқаддас қаҳрамонлардир, — деган эди у парвоздан сўнг: — Руслар атеист бўлишни даъво қиладилар, космонавтлар шунинг учун қандайдир бўшлиқ ўрнини тўлдиряпти». Слейтон ноҳақ. Бунга дин ёки атеизмнинг дахли йўқ. Гагарин ва унинг ўртоқлари мисолида биз давримиз қаҳрамонини, асримиз тимсоли бўлган инсонни қидирган эдик. Аср барча соҳада мукамал бўлмаганидек, унинг қаҳрамонлари ҳам фаришта эмас. Аммо бу ҳақда гапириш расм эмасди. Кўплаб космонавтлар билан ишлашимга тўғри келган. Баъзилари инсон сифатида кўпроқ, бошқалари, табиийки, камроқ ёқарди, шунга қарамай, мақолаларим ва репортажларим охирида фақат ўз фамилиям турса-да, менга тайинлашларича шахсий фикрларим — кимни ёқтиришим, кимни хуш кўрмаслигимни оммага етказиш олмадим. Қаҳрамон қандай бўлиши ҳамма мақола ва репортажлар учун олдиндан ҳал қилиб қўйиларди. Космонавт учдим, демак, у қаҳрамон бўлмаслиги мумкин эмас.

Ҳа, қаҳрамон олдиндан тайёр эди. У олмадан кўтарилган нухса каби кирмиз юз ва соғлом: олмадаги доғлар, холлар бўялар ё бўлмаса кесиб ташланарди. Бироқ олми нухасини ҳеч кимнинг егиси келмасди! Одамларда ғайри-ихтиёрли норозилик пайдо бўла бошлади: лақиллатаётганларини, оқ-қорани ажрата билиш лаъқатларига ишонимаслигини сезиб қолишди шеклиди. Ҳаммага бир хил тўн бичиш шу аҳволга олиб келдики, 60-йилларнинг охирида космонавтикага иштиёқ сусайди. Навбатдаги парвоз одамларни унча қизиқтирмай қўйди.

«Восход — 2» кемасининг тарихий парвози ношудларча иш тутиш файдадан кўра зиён келтиришига бир мисол. Алексей Леонов дунёда биринчи бўлиб, очик фазога чиққач, йўл кўрсатадиган автомат ишламай қолди. Натижада командир Павел Белаяв кемани қўл билан бошқаришга мажбур бўлди. Ҳар икки космонавт космик кемани Пермь атрофидаги тайгага эсон-омон қўндириб, оғир синовни матонат билан енглдилар. Расмий ахборотда эса яна сийқа жумла босилди: «Кемадаги барча системалар, жиҳозлар ва аппаратлар бутун парвоз давомида нормал ишлади». Ваҳоланки, қишқи тайга кема қўниши учун қулай жой эмаслигини ҳатто болалар ҳам тушунардилар. Ахир кемалар илгари етти марта Қозоғистоннинг чўл районида доим бир жойга қўнганини ҳамма биларди. Бироқ ўша кунлари бу ҳақда ҳеч қандай изоҳ берилмади.

Мана шу далилларни-мантқиқ ва соғлом фикр нуқтаи назардан таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Бундай космик «ахборот»лардан тарбия маъносига қандай ижобий натижа олдик? Ҳеч қандай. Тўғрироғи, мутлақо қарама-қарши самарага эришдик: одамлар расмий ахборотларга ишонмай қўйишди. Техника панд берса, бу ҳол космонавтлар учун ҳам, ердаги хизматчилар учун ҳам фавқулодда синов эканлигини тушуниш шу қадар мушкулми? Кўп ҳолларда улар синовларни мардона енгиб ўтадилар. Дарҳақи-



эпопеяларининг янги даврдаги намунаси бўлиши мумкин эди.

Хуллас, бир ёлгон, истасак-истамасак иккинчисини туғдираверади. 1985 йил ёзида «Салют — 7» орбитал станцияси бошқарувга бўйсунмай қўйди. Космонавтлар Владимир Жонибеков ва Виктор Савиних бутун маҳоратини ишга солиб, уни Ерга қайтаришди. Аввалига бу ҳақда лом-мим дейилмади. Фақат орадан кўп кунлар ўтгач, тушуниб бўлмайдиган, мужмал ишорали мақола босилдики, гўё Жонибеков билан Савиних бири-бириндан жасур йигитлар экан.

Космик кема парвозга шайланган пайтда техника бузилиб қолганига В. Титов ёки А. Серебров айбдор эмас. Қўтқарув системаси ишлаб қолиб, космонавтлар тирик қолишди, бироқ миш-мишлар тарқалиб кетди. Чет эл «овоз»лари бунни дарҳол маълум қилишди. Биз эса сукут сақлайвердик. Фақат бир ойдан сўнг академик В. А. Котельников содир бўлган воқеани Халқаро астронавтика федерациясининг мажлисида маълум қилди. Чет эллик журналистлар бу ахборотни босиб чиқаришди, биз эса ўшанда ҳам оғиз очмадик.

Эҳтимол, хатоларнинг ибтидоси жаҳондаги энг бахтиёр инсон — Юрий Гагарин Москва кўчаларидан ўтган ўша ғаройиб қуёшли апрель кунига бориб тақалар. Агар биз ўша вақтдаёқ Гагарин кўплаб кишиларнинг меҳнати туфайли бино бўлган юксак чўққиди турганлигини кўрсатиб берганимизда, ўша ақл бовар қилмас рухий кўтаринкилик, ўша жўшқин парвоз янаям юксак бўлиши мумкин эди. Аслида космосга учмаган ва умуман учмайдиганлар, ярим соатдан сўнг номлари бутун жаҳон тилига тушувчи лейтенантлар ортидан қопқоқ мурватларини қотирувчилар орденларини тақиб юриш имкониятига эга бўлмаган фидойилар бўлади. Улар орасида ишдан тонгда келувчи, Қозоғистоннинг тандирдай иссиқ саҳросида бир қултум муздай сувни хаёл қилиб, бола-чақаси ҳузурига бир неча ойлаб келолмайдиган кишилар бор эди. Сергей Павлович Королёв номини вафот этган кунни эмас, худди ўша пайтда айтиш лозим эди. Унинг ажойиб сафдошлари ҳақида юксак муқофот билан тақдирлашга қарор қилинган ўша 1961 йилнинг 17 июнь кунидеяёқ гапириб керак эди. Нега шундай бўлмади? Нима ҳалақит берди? Махфийликми? Ҳа, биринчи галда махфийлик.

Тарихий фильмларда вазир шоҳ кўзини шамғалат қилиб, пиёлага узук кўзидан захар сепар экан, бундай вазиятда сир сақлаш мумкинлигини тушунаман. Юз минглаб (ишга алоқадор ҳаммани қўшиб ҳисоблаганда) одамларга раҳбарлик қилган худди ўша Королёв фамилиясини қандай сир сақлаш мумкин? Бугунги кунда разведкачи оптикиси шу қадар ўткирки, ҳаво очиқ кезлари Войкўнғир шоссеси четда ётган журнални ҳам «кўра билади». Шундай экан, улкан старт комплекслари, инсоният тарихида қурилган энг кўламли иморатлардан иборат синов корпусларию космодром жойлашган ерни қандай қилиб махфий тутиш мумкин?

Журналистлик тажрибамдан иккита мисол келтирай. У пайтларда маълум сабабларга кўра, космик кемаларнинг парвоз ва қўниш вақтини айтиш тақиқланган эди. Космодромга командировкага боришимни редактордан бошқа ҳеч ким, ҳатто хотиним ҳам билмасди. Ўша кунни оғайнимни учратиб қолдим. У мени меҳмондорчиликка таклиф қилди ва бирдан нимадир эсига тушиб қолди:

— Афеус, тўғри келмас экан. Ахир, сен космодромда бўласан-ку...

Оғайним врач, космонавтикага ҳеч қандай алоқаси йўқ. — Сен қаёқдан биласан? — деб сўрадим.

— Хотиним космонавтлар учун овқат тайёрланадиган жойда ишлайди. Идишларни учидан роппа-роса 20 кун (30, 10 — аниқ эслолмайман) аввал тўлатиб қўйишади. Шундай бўлгач, парвоз қайси кунга белгиланганини ҳамма билади...

— Сизлар қаёқдан биласизлар?

— Электр станцияси космик кема қўнаётган пайтда юқори кучланшли симларда ток узиб қўйилиши ҳақида фармойиш олади. Табиийки, корхоналарга бу ҳақда олдиндан хабар берилади. Шунинг учун кема қачон қўнишини бутун шаҳар билади...

Бундай «махфийлик»нинг кимга кераги бор? Ҳеч кимга. У ҳатто зарарли. Негаки, чинакам махфийликка нисбатан истеҳзоли муносабат уйғонади, ҳақиқатан ҳам сир сақлаш лозим бўлган жойда оғиздан гуллайдилар. Ундай бўлса, бесамар махфийлик нега яшаб келди?

Ўша пайтда муваффақиятсизликлар тўғрисидаги хабарлар билан бошлиқларни имкони борича ранжитмаслик керак деган ақида ҳукмрон эди. Ёлгон «махфийлик» жуда қулай эди. Учиш кунини эълон қилдингми, марҳамат, амал қил. Улгурмадингми, халқ албатта сўрайди: нега вақтида учмади? Кун маълум бўлмагандан кейин, нимани сўрашарди. Эсимда, 1969 йилнинг 13 январи — «бахтсиз» душанба кунини «Союз — 4» парвозига бир неча дақиқа қолганида учиб муддатини техник сабабларга кўра бир суткага кечиктиришди. Бунинг ҳеч ким билгани йўқ. Баъзи синчков телегомшабинлар Владимир Шаталовни кадрларнинг бирида ботинкада (буни 13 январда суратга олишган эди), иккинчисида — узун қўнжли мўйна этиқда (буни 14 январь кунини қўшишди) кўриб, ҳайрон қолишган бўлса нима қилибди: осмон узилиб ерга тушибидими?

Қўниш кунини эълон қилдингми, марҳамат, техник воситаларни ҳам, одамларни ҳам белгиланган вақтда шай қилиб қўй. Қутилганидай бўлмай қолса-чи? Яна тушунтириш керак: нима учун, ким айбдор? Олдиндан белгиланган кунни эълон қилмаслик имконияти бор экан, ортиқча галвага не ҳожат?! Программа олдиндан эълон қилинди, дейлик, лекин бажарилмади. Улгуришмади. Нимадир бузилиб қолди — ҳар нарса бўлиши мумкин. Бироқ бари бир жавоб беришга, айбдорларни топишга тўғри келади-да. Эълон қилинмаса ёки умумий тарзда айтилса-чи? Айни мудоао! Акс ҳолда, олдиндан космонавт фамилиясини айтасан-у, у қутилмаганда касал бўлиб қолади. Яна гап эшитасан: нега кўз-қулоқ бўлиб турмадинглар?

Автоматик станциялар Ойга ва сайёраларга Ер йўлдоши орбитасидан йўл олади. Ер йўлдоши орбитада техник нуқсон туфайли ишламай қолганида, улар сунъий йўлдошлар, деб эълон қилиб юбориларди. Чет эл мутахассислари ўтказган ҳисоб-китоблар эса бу уйдирмани тез вақт ичида фош этади... Ҳаммаси 1959 йилнинг январидан бошланганди. Ўшанда «Луна — I» станцияси топшириқни бажармади, Ойга кўна олмади. Шундан кейин унга «Орзу» деб ном қўйишди. Илк бор ва афеуски, сўнгги бор махфийликнинг яроқсиз системасига ЭПАС зарба берган эди: парвознинг барча программаси, асосий ва дублёр экипажлар, кўмакчи экипаж, программа раҳбарлари, алоҳида тармоқлари система бўйича етакчи мутахассислар олдиндан эълон қилинди. Ҳатто «космик» шаҳар Ленинск ва Сирдарё матбуотда очик айтилди. Аммо ҳеч қандай ғайритаъйиб ҳодиса рўй бермади. Шаҳар ўз жойида эди, дарё оқиб ётарди, биринчи марта эълон қилинган Жонибековни ўғирлаб кетишмади ва у сўнгги ўн йил ичида 5 марта космосга парвоз қилди. Парвознинг барча муддати тўғри кечди, программанинг бирча шартлари бажарилди. Бу ошкоралик на давлатимизга, на унинг мудофаа қобилиятига зарар етказди.

Ғаройиб, бекиёс манзара пайдо бўлди. Мен, масалан, газетада Алоқа йўллари министрлиги ва Соғлиқни сақлаш министрлигини танқид қилганман. Лекин мақолаларни эълон қилишдан олдин тегишли муассасаларга бориб фатво олиб келиш ҳаёлимга келмаган. Бундай олганда, қайси эс-ҳушли одам ўзини ошкор танқид қилишлари учун кўмак беради? Космонавтикада танқид у ёқда турсин (фаолиятимизнинг бу соҳаси нега энди танқиддан холи бўлиши керак? Бундай «эркинлик»дан наф борми?), оддий ахборот

олиш ҳам машмашага айланиб кетарди. Баъзи раҳбарлар бемаъни «махфийлик»ни қалқон қилиб, аста-секин нима яхши, нима ёмон, нимани айтиш керак, нимани айтмаслик, гапирганда нимани ва қандай гапириш лозимлигини минг бор чиғирқдан ўтказиб олардилар.

Космонавтикага қизиқиш сусайганлигига фақат журналистлар айбдор эмас. Кўп жиҳатдан бу жараён объектив ҳамдир: инсон табиати ўзи шунақа, мўъжизаларга тез кўникиб кетади. Астронавт Эдвард Уайт «Жемини — 4» кемасидан очиқ фазога чиққанида герметик қалпоқ ойнаси терлаб қолади ва у бутун оламга: «Ҳеч нарса ни кўрма-япман!!!» деб ҳайқиради. Бу ҳолатни бутун Америка то бошқарув маркази скафандр ойнасини бурун билан тозалаб кўйишни маслаҳат бергунча ҳаяжон ва хавотир билан кузатиб туради. Уайт кейин қандай ишлар бажарганидан қатъи назар (бу жасоратли инсон кўп иш қилди, космос учун жонини ҳам қурбон берди) одамлар хотирасида ўша воқеа муҳрланиб қолди.

Бошқаларнинг ютуқлари ҳақида сукут сақлаш, муваффақиятсизликларини маҳобатлаштириш ҳам тескари натижа бераверади. Одамларимиз саводли, маълумотли, бинобарин, газеталаримизда улар америкаларда ҳамма нарса тез-тез бузилиб, парвоз муддати ўзгариб туриши, бизда эса ҳеч нарса бузилмаётгани, парвоз асло кўчирилмаслиги ҳақида ўқиганларида бунга сира-сира ишонишмас эдилар. Бундай тарғибот билан ишлов берилган экинзорда эса ватанпарварлик сира ўсиб-унмасди. Аксинча, турли миш-мишлар, ярашмайдиган уйдирмалар гуркираб кетди.

Одамлар жаҳон халқлари совет космонавтларини қандай шарафлаганликларидан хабардор, бундан мағрур эдилар. Аммо 1969 йил 21 июлда инсон Ойга илк бор қандай қаддам қўяётганини кўриш илинжида телевизор қулоғини бураганларида, эски кинокомедия кўрсатишди. Ой йўлдош орбитасида ўртоқларнинг қайтишини кутаётган астронавт Майкл Коллинз Хьюстондаги бошқарув марказига бундай деб хабар берди:

— Мен уларга ҳаммадан кўра яқинроқ турибман, лекин у ерда ҳозир нималар бўлаётганини кўрмаяпман.

Уни тинчлантиришди:

— Хафа бўлма, Майкл, руслар ва хитойлар ҳам кўраётганлари йўқ...

Қандай аччиқ ҳазил!

«Мабодо газетада Нейл Армстронгнинг катта портретини босиб чиқарсангизлар, — деб ёзган эди менга омскилик ўқитувчи, — наҳотки мени Гагаринни камроқ севиб қолади деб ўйлайсизлар?»

Бу саволга жавоб бериб ўтирмайман. Шунингдек, нега биз узок йиллар ўжарлик билан Американинг «Шаттл» фазовий кемаси конструкциясидан нуқсонлар қидириб келганимизни ҳам тушунтириб ўтирмайман. Уч йил муқаддам бўлиб ўтган «Челленжер» фожияси бу аппаратдаги талай камчиликларни кўрсатиб берганига қарамай, тан олиш керакки, «Шаттл» техниканинг бемисл ютуғидир. Гап бу ерда бошқа нарасада. Биз «Шаттл» космосни ҳарбийлаштиришнинг қудратли воситасига айланиши, «самовий уруш»нинг бемаъни программасини амалга оширишнинг асосий қуроли бўлиб қолиши мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Албатта, унинг қаттиқ ёқилги блоклари заиф зичланганлиги, керамикалари кўчиб кетаётганлиги ҳақида эмас, балки тўрт кеманинг 1994 йилгача мўлжалланган 311 парвоздан 113таси Пентагон учун ижарага берилганлиги тўғрисида ёзиш керак. Бинобарин, иқтидорли инженерлар яратган конструкцияларни эмас, ундан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга уринилаётганлигини танқид қилиш лозим. Эндиликда биз ҳам кўп марта фойдаланиладиган космик кема яратдик. Американики бўлса, демек ёмон, бизники эса яхши бўлади — шунақами? Эриш туюлади.

Қайта қуриш шамоли журналистика «парвоз майдони»дан хасларни супуриб кетди. Эндиликда очиқ матбуот конференцияларида космик экипажлар таништирилмоқда, телевидение мухбирлари тўғридан-тўғри учин майдонидан репортаж олиб бормоқдалар. «Наука и жизнь» муқовасида кечагина махфий тutilган «Энергия» ракета-космик системасининг рангли сурати босилди, унинг тузилиши ҳақида «Правда» ҳикоя қилди. Очиғи, шу кунларга етарман деб ўйламаган эдим. Ҳеч қандай хатар рўй бермади. Биз заифлашиб қолмадик, кучлироқ бўлдик, чунки ҳақиқат — ҳа-

миша зўр куч. Амалда шу нарсага амин бўлдикки, «махфийлик»нинг жуда кўп қоидалари тўқиб чиқарилган экан. Унинг сўргичланган муҳрлари остида ишдаги камчиликни яшириш, танқиддан қутулиб қолишга уриниш ётганини яққол кўрдик.

Мақолада кўплаб салбий мисоллар келтирдим, энди эса катта мамнуният билан сўнгги йиллардаги космик тадқиқотларга тааллуқли тўлик, ҳақиқий маълумотларга асосланган ижобий мисолларга тўхталмоқчиман. «Квант» астрофизик модули «Мир» орбитал станция билан туташини «истамай» қолди. «Космик объектларни бирлаштиришга уриниш давом этади...» деб хабар берди матбуот. Ва ҳамма бирдан космос ҳақида гапира бошлади. Туташармикан? Наҳотки бир неча тоннали ғаройиб аппаратура атмосферанинг юқори қисмида ёниб кетади? Космонавтлар қайсар модулни станцияга судраб келиша олармикан? Газета редакциялари ва телевидениега қўнғироқлар ва саволлар ёғилиб кетди. Космос гўё Ерга яқинлашгандай бўлди, орбитада аҳвол қалай экан, деб юрагингиз ачишади.

Космонавтикадан мутлақо йироқ одамлар ҳам бу мураккаб ва оғир ишга дахлдор эканликларини ҳис этдилар. Жамиятнинг маънавий бирлаштирувчи жараён рўй берди. Бу жараён фақат бир сабаб — ошкоралик туфайли юзага келди. Ҳақиқатни айтишдан шўчимадик: ҳа, туташтириш аввалига амалга ошмай қолди. Бу ошкора айтилганлиги космонавтикамиз хизматини зинҳор камситгани йўқ. Аксинча, ердаги хизматчилар ва космонавтларнинг биргаликда чуқур ўйланган амалий ҳаракатлари туфайли космик эпопея муваффақиятли якунланди. Жаҳондаги миллионлаб одамлар мутахассисларимизнинг юксак профессионал маҳоратларига эътибор эмас, уларнинг иродали ва қатъиятли, ўз касбининг фидоий кишилари эканлигига ҳам қойил қолдилар.

Қайта қуриш жадаллашиб борапти. Яхши ишларимиз талайгина, бироқ янада кўпроқ бўлишини истаймиз. Қаршилик, орқага тортишга уринаётган кучлар бор. Тўғриси, бу табиий. Ишимиз силлиққина юришиб кетади дейишга қандай асосларимиз бор эди? Ҳеч қандай.

Ю. Романенко ва А. Лавейкин парвози ҳақида бевосита учин майдонидан олиб берилган репортажни кўрганамиз яхши бўлди. Бироқ бу экипаж «омади юришмаган» В. Титов ва А. Сербровнинг дублёрлари эканлигини, улардан бири медиклар тавсиясига биноан парвоздан қолдирилганлигини айтишга журъат қила олмадик: космонавт Г. М. Гречкога бу ҳақда телемошабинларга айтишга ижозат беришмади. Ҳар қанча бош қотирмай, турмушга оид бу оддий ишда қандай давлат сири бўлишини ақлимга сиғдиролмайман. Аксинча, экипажларни алмаштириш фактининг ўзи «космик» медиклар нақадар талабчанлик билан иш юритаётганликларига далолат эмасми? Романенко ва Лавейкиннинг орбитадаги аъло даражадаги меҳнатлари дублёрлар расмият учунгина тузилмаслигига шохидлик бермайдими? Г. М. Гречко ўз ўртоғи ҳақида бор гапни нима учун айтиш мумкин эмаслигини сўраганида унга савол билан жавоб беришди: «Нима керак?»

Тутунарли: жуда кўплаб оғир, аммо муҳим ишлар ҳали олдинда. Мана шу лаънати «нима керак»ни кўп йиллар эшитиб келдик. Ҳар гал тўғри жавоб олиш, ишончли тушунтириш эшитиш учун парти каюб бўлардик. Кейинроқ энг аниқ, энг тўғри жавобни топдим: «Шунинг учун керакки, бу ҳақиқат!» Бугун партиямиз изчил амалга ошираётган демократик қайта ташкил этишнинг баракали натижаларини яққолроқ кўряпмиз, ошкоралик йўли ҳақ эканлигига иқдор бўляпмиз, ҳақиқат билан бирга қадам ташлаш қийин, лекин сира-сира ёмон эмаслигини янада чуқурроқ ҳис этапмиз!

Саъдулла ҲАКИМ таржимаси
(«Коммунист» журналининг 1988 йил
16-сонидан қисқартириб босилмоқда)



Факт — оғрик, муаммо — дард. Публицистнинг гражданлик туғени халқ дардига малҳам топиш учун сафарбар этилган. Ошкоралик боис публицистлар ҳаётимизнинг энг ўткир муаммолари, жумладан, ўз-ўзига ўт қўйиш ҳоллари кўпаяётганининг туб социал илдиэларини очишга, сабаб ва оқибатларини аниқлашга уринишмоқда. В. И. Ленин номидаги ТошДУ профессори, филология фанлари доктори Очил Тоғаевнинг «Исёнми ёки жиноят» мақоласи мазкур мавзудаги чиқишларда қайта қуриш руҳи, янги таҳлилий тафаккур қай йўсин амал қилаётгани хусусида баҳс юртади.

келганлиги айтилади. Бундай можароларнинг ҳам таъсири бор, албатта. Аммо, аслида, оилавий можаро, биринчи навбатда, оилавий бурчга хиёнат, муҳаббатнинг барбод бўлиши ва бошқа ички хуфя сабаблар оқибатида юз беради.

Ж. Маматовнинг «Аччиқ қисмат» очеркида ўзини ёққан бир неча ёш аёл ўлими олдида бу фожианинг сабаби «севгисиз турмуш» эканини айтади. Дадахон Екубовнинг «Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари» туркум телекўрсатувларида ҳам ўзига ўт қўйиб ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган бир қанча аёл ҳам худди шундай фикрни изҳор этади.

Очил Тоғаев

Исёнми ёки жиноятми?

Раҳбарлар ўз фаолиятларидаги ҳар қандай жиддий камчиликни ҳаспўшлаб, бўяб-бежаб кўрсатишга интилар эдилар. Бу бюрократик кўникма оммавий ахборот воситаларига ҳам таъсир этган эди. Бирор камчилик ҳақида қўрқа-писа фикр юртадиган журналист ўша йилларда «воқеликни бузиб кўрсатиш» деган ёрликдан ўзини муҳофаза қилиш мақсадида «бу ҳол якка-ярим бўлса-да, учрайди» деб ёзар, сўнг факт-ҳодисанинг ўткир жиҳатларини бир мунча силаб-сийпалаб, ҳаспўшлашга ўтар эди. Бундай кўникма ҳозир ҳам кўзга ташланади. «Аёлларнинг ўзига ўт қўйиш ҳоллари, — дейилади бир мақолада, — кам, албатта. Аммо кам бўлса-да, жуда ташвишли воқеадир».

Худди шу мақолада бир йилда 300 га яқин ўзига ўт қўйиш воқеаси содир бўлгани қайд этилади, ўз жонига қасд қилишнинг бошқа усуллари бу ҳисобга кирмайди. Бу дегани уч юзта тақдир, уч юзта ўзига хос олам, уч юзта оғир фожа, демакдир. Буни «ташвишли воқеа» дейиш камлик қилади. Ўзига ўт қўйиш жамият ҳаётига жиддий моддий-руҳий зиён етказа бошлаган ижтимоий муаммодир.

Ўзини ёқиш Европа халқлари воқелигига хос нарса эмас. Бу ҳол Урта Осиё аёллари орасида тарқалган. Демократия ва ошкоралик давридагина бу ҳақда матбуотда очиқ гапириш имконияти туғилди. Шу ҳақдаги публицистик мақола ва очеркларда ҳодисанинг моҳиятини талқин этиш, сабабларини очишга интилиш сезилади. Чунки, сабаби аниқланмаган касалликни даволаш қийин.

Оилавий келишмовчилик ва можаролар ўзини ёқиш ҳодисасининг сабабларидан биридир — Гулчехра Алибоева, Ж. Маматов, Дадахон Екубов ва бошқаларнинг мақола ҳамда телекўрсатувларида шундай мулоҳаза юритилади. Оилавий келишмовчиликлар ва можароларнинг моддий сабаби иқтисодий етишмовчилик бўлса, маънавий-ахлоқий сабаби эр-хотин орасидаги муҳаббатнинг барбод бўлишидир.

Кўпгина очерк ва мақолаларда «иккаласи ҳам севишиб турмуш курган» қиз-йигитлар тез орада ажралиб кетганлиги ҳақида афсус-надомат билан фикр юритилади. Ешларнинг оилавий турмуш ҳақида юзани ўйлаганликлари, қайнона-келин можароларининг кескинлашганлиги ва бошқа шу каби енгил-елпи жанжаллар бундай ажралишга олиб

Маълумки, «севгисиз турмуш» ҳаммавақт ҳам фожиага олиб келавермайди. «Севгисиз турмуш» курган кўплаб ёшлар никоҳни бекор қилиш билан оилавий можароларга нуқта қўйиб тинчийдилар. Бирок, «севгисиз турмуш» иборасининг моҳиятига тeранроқ разм солинса, унда анча жиддий маъно яширингани маълум бўлади.

«Аччиқ қисмат» мақоласида келтирилган бир-икки факт ҳақида мулоҳаза юритиб кўрайлик. Малика Мирзақобилонанинг итoаткoрлиги ўз бошига бало бўлди, дейди публицист. Аввало шунга айтиш керакки, маъноли, андишали итoаткoрлик азалдан аёл қиёфасига ўзига хос хусн-ла-тофат, гўзаллик бағишлаган фазилат ҳисобланган. Бу ҳол оилада аёлга ҳурмат ва меҳр уйғотган. Аксинча, аёлнинг бетга чопарлиги, жангарилиги ахлоққа зид ҳисобланган. Самарқанд областидан уюштирилган «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» (1988) телекўрсатувларида ургутлик Салима деган келинчакнинг эр, қайнона, маҳалладагиларга беандишаллиги, бетгачопарлиги томошабинларда нохуш таас-сурот қолдирди. Уч ойлик эмизакли боласини эрига аччиқ қилиб, икки ҳафта ташлаб кетган, гўдакнинг ўлимига сабабчи бўлган бу аёлнинг хатти-ҳаракати оналик шаънига исноддир. Ўзини ҳаммага ғазабкор тутишидан ғоят нодон ва тарбиясизлиги яққол кўриниб турибди.

Нега Маликанинг нафис итoаткoрлик фазилати қайнона, эр томонидан қадрланмайди? Нега улар келинга нисбатан, аксинча, зулми тобора кучайтириб, фожа даражасига олиб борадилар? Ўзига ўт қўйиб касалхонада оғир аҳволда ётган Малика нега «даъвом йўқ» деб тилхат ёзиб, эрининг уйланишига розилик беради? Малика нега шунчалик мутелик даражасига тушган? У эр ва қайнона олдида шу қадар муттаҳамми?

«Унга турмушга чиқиб, бахтли бўламан, деб ўйлаган эдим. Бир ҳафтадан кейин орзуларим барбод бўлди», дейди ўзига ўт қўйган Офият деган бошқа бир аёл. Оилада Офиятнинг ижтимоий фаолиятига тўсиқ бўладилар, фабрикада ишлашини қаттиқ таъқиб остига оладилар. Яна бир ёш аёл Қоқиянинг тақдирини бундан ҳам аянчлироқ. Оилада учинчи фарзанд туғилганда ҳам эр ва қайнона зулми тобора авжга чиқади. Шифохонадан келган Қоқияга ҳатто фарзандларини ҳам кўрсатмайдилар, таҳқирлаб ҳайдайди-

лар. Болага гоят меҳрибон ўзбек оиласида ёш онага нисбатан бу қадар тошбағирликнинг сабаби нимада? Бу икки аёл «севгисиз» турмушга чиққан бўлса, эрлар яхши қўриб уйланган эдилар-ку? Йигит севмаса бир ёстиққа бош қўярмиди? Йигит севгисининг бу қадар тез айниб, тошбағир бўлиб қолишига сабаб нима? Шуларни ўйлаганимизда «севгисиз турмуш» деган сўйқа иборанинг асл моҳияти ойдинлашади. Бу — нопок никоҳ, деган маънони англатади. Никоҳга қадар қизлик и ф ф а т и н и сақлаб олмаслик ўзбек оиларидаги мажмур ва фожияларнинг бош сабабидир. Бироқ, ифбатсизлик ҳаммавақт ҳам ўзини ёқишга олиб келавермайди, албатта. Ифбатсизлик туфайли оилада вужудга келган қаҳрли ва таққирли вазият иродаси бўш баъзи аёлларни шундай фожиага етаклайди.

Публицистларимиз оилавий бурчга хиёнатнинг бу илк кўриниши ҳақида негадир лом-ним демаядилар. Биз ижтимоий ҳаётдаги нопокликни қаттиқ қоралаймиз. Оилавий ҳаётдаги бундай нопокликка келганда, беписанд муносабатда бўламиз. Бундай нопокликни қоралашни маданиятсизликка йўямиз, бой-феодалларча турмуш тарзи ақидаси, деб қараймиз. Жиддий оилавий можароларга сабаб бўлаётган, ёшлар тақдирини ларзага келтирадиган даражада амал қилаётган бу аён ҳақиқатни нега тан олишни истамаймиз? Эки публицистларимиз қизлик ифпати ҳақида фикр юритишни ҳозирги замон маданий удумларига номуносиб, деб ўйлайдиларми?

Қизлик ифпати халқимизнинг юксак ахлоқий фазилатларидандир. «Сизга ифбатли ва севимли рафиқа билан Қутидордек қайнота, Ҳасаналига келин» муборақ бўлсин, деб Отабекни табриқлайдилар. Қизлик ифпати виждоний поклик, номус-ҳаё демакдир. Қизлик ифпати оилавий ҳалолликнинг негизи. Ифбатли келин йигит учун эл-юрт олдидаги ғурури, ор-номуси, оилавий бахти, бир умрлик ҳалол турмуш рамзидир. Қиз бўлажак ёри — йигит кўзига ҳалоллик тимсоли бўлиб туюлади.

«Никоҳга қадар алоқа оилавий хиёнатга олиб боради», дейди Ф. Энгельс. Қизлик ифбатининг топталиши аёл бахт-саодати, келажак тотув турмуши, оналик бахти, фарзандлар тақдирининг топталишидир. Ифбатсизлик — ахлоқий умидсизликдир. Доғжанинг «Муҳаббат бозори», И. Хушевнинг «Ифбат керакми?», Ф. Қиличевнинг «Исловоатхона «малика»лари» ва бошқа публицистик материалларда умидсизлик балосига учраган, севги гадоси бўлиб, «сарсонсаргонликда бузуқлик йўлига кирган хотин-қизларнинг ахлоқий фожияси кўрсатилган.

Йигит севги идеалининг сароб бўлиб чиқиши, эзгу ишончининг инқирозга юз тутиши унинг учун оғир маънавий фожиа. Илк оилавий нопоклик йигитнинг маънавий айнишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳодиса кўп ҳолларда икки ёш тақдирида ўчмас из қолдиради. Ёш келинга нисбатан фавқуллодда тошбағирликнинг негизи ҳам худди ана шунда.

Оилавий турмуш ижтимоий ҳаёт ва фаолият билан шу қадар бириккиб кетган бизнинг замонада оилавий ҳалоллик шахснинг ижтимоий фаолияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Оилавий ҳалоллик ижтимоий ҳалолликнинг негизидир. Оилада виждонли, ҳалол турмуш кечирган киши ижтимоий бурчга ҳам содиқ ва ҳалол бўлади, деган эди В. И. Ленин.

Ифбат талаби халқимизнинг эзгу маънавий-ахлоқий анъаналаридандир. Паранжига «хужум» йилларида хотин-қизлар озодлигига қаршилик кўрсатиш ҳаракати негизда ҳам аслида ана шу талаб мураккаслашган эди. Оилавий бурч, ҳалоллик, номус-ор, эркалик иззат-нафсни ҳимоя қилиб майдонга чиққан эдилар. Бундай кураш ҳозирги вақтда хуфя тарзда амал қилмоқда.

Оилавий можаронинг иккинчи сабаби йигитнинг оилавий бурчга хиёнатидир. Бундай хиёнат маънавий негизда — муҳаббатнинг барбод бўлиши ёки меҳнатсиз бойлик, текин даромад, яъни ижтимоий нопоклик оқибатида юз бериши мумкин. Бундай оилавий ҳақоратли вазият келин учун боши берк кўча бўлиб туюлади. Аёл ҳаётдан воз кечишининг энг даҳшатли усулини танлайди ва амалга оширади.

Ўзини ёқиш ҳодисасининг учинчи сабабини ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан излашга тўғри келади.

Самарқандлик врач Э. Гаффоров аёллар орасида ўзини ёқиш рўй бераётганига сабаб оиладаги моддий етишмовчилик, деб тўғри қайд этади. «Бизга маълумки, — деб ёздаи у, — кўпгина оилаларда овқатланиш илмий асосланган нормалардан жуда фарқ қилади. Нон, конфет, қанд, чой — кўпича эргалабки нонуштада ҳам, тушлиқда ҳам дастурхонда бўладиган ноз-неъмат ана шундан иборат. Кечки овқатга, эрнинг келишига шўрва ёки лангмон тайёрланиши мумкин. Янги бўшанган аёл ва унинг кичик ёшдаги болалари шундай овқатланишлари керакми?»

Бироқ, ҳурматли врач моддий етишмовчиликнинг илдизини ижтимоий-иқтисодий муносабатларда эмас, балки оилавий-ахлоқий муносабатлардан излайди. Оиланинг бундай қашшоқ турмуш кечиришига сабаб кўпфарзандликдир, деб таъкидлайди. Шундан кейин кўп фарзанд кўришнинг физиологик ҳамда иқтисодий зарари ҳақида мулоҳаза юртади. Унинг фикрича, кўпфарзандли оилада аёл саломатлиги заифлашади, бунинг устига оиладаги бой-феодалларча муносабатлар қўшилиб, уни ҳаётдан воз кечишга, ўзини ёқишга олиб келади. Хуллас, фожиянинг олдини олмоқ учун фарзанд кўришни режалаштириш керак, деган фикрни олға суради. Автор «чеклаш» сўзи ўрнида юмшоқроқ маънода «режалаштириш» сўзини қўллайди.

Тажрибали врачлар билан суҳбатимиз ва ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, кўпфарзандли аёл соғлигининг ёмонлашувига эмас, аксинча, яхшиланишига ёрдам қилади. Шаҳар ва қишлоқларда олти-саккиз, ҳатто ўн талаб фарзанд кўриб, келинчақдай яшнаб, очилиб юрган аёллар кўпчиликини ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Агар қишлоқларда сирфарзанд эмизикли аёллар соғлигининг ёмонлашуви юз берган бўлса, бунинг сабабини иш шароитининг ёмонлигидан, пахтакор меҳнатининг оғирлиги, унга тўланадиган ҳақнинг номуносивлиги масалаларидан излашга тўғри келади.

Энг қимматли техника экини пахтага бошқа экинларга нисбатан энг оз ҳақ тўланаётганлиги Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси минбаридан ҳам айтилди. Бир кубометр тахтанинг аҳолига сотиладиган нархи 150 сўм бўлгани ҳолда бир центнер олий нав пахтанинг нархи икки баравардан кам — 70 сўмни ташкил этади. Қолбуки, бу икки предмет моддий-иқтисодий моҳияти жиҳатдан бир-биридан ер билан осмонча фарқ қилади. Кўп жойларда колхозчи-пахтакор табиий туғма инвалидлик пенсиясидан ҳам кам — ойига 30-40 сўм иш ҳақи олади. Турғунлик даврида шахримиз баланд иморатлари пештоқига ёзилган «Оқ олтин» ни олтин қўллар яратади!» деган сўйқа шиор пахтакорнинг иқтисодий қашшоқлигини масхаралаш бўлиб туюлмайдими?

Халқимиз асрлар бўйи иқтисодий қашшоқлик юки остида эзилиб, яшаб келган даврларда ҳам аёлларнинг ўзини ёқиш ҳодисаси ҳозиргидек авж нуқтага кўтарилмаган эди. Иқтисодий танглик ўзбек аёлларининг фарзандга бўлган меҳрига ҳеч қачон раҳна сололмаган. Оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўтмиш ҳақидаги асарлари бу фикрни тасдиқлайди. Меҳнатга ҳақ тўлашда ижтимоий адолатни барқарор этиш иқтисодий қийинчиликни енгиллаштиради. Бу эса, ўз навбатида оловқуш дардини камайитиришга олиб келиши мумкин.

Атоқли адиб Одил Екубов «Қишлоқдаги фожиа» мақоласида пахтакор аёлнинг оғир иш шароити ҳақида гапириб, аёлнинг колхоз даласидаги ҳозирги аҳволи ўтмишда паранжи тутқинлигидан бир неча баравар оғир эканини таъкидлади. Нега аёл саккиз соатлик иш куни ўрнига тонг сахардан қоронғи тушгунча қирқ беш даражадан баланд жазирама иссиқда ғўзага сепилган захардан нафас олиб меҳнат қилади? Нега ҳомиладор ва эмизикли аёлларга далада имтиёзли меҳнат шароити яратилмаган? Нега зарарли шароитларда меҳнат қилганлик учун қўшимча ҳақ тўланмайди?

Далада ишлаётган болали аёлларга «меҳнат ва дам олиш учун қулай иш режими белгиланиши, зарурият туғилганда, бошқа енгилроқ ишга ўтказилиши, бунда уларнинг илгариги ишидаги ўртача маоши ва барча имтиёзлари сақлаб қолиниши зарур. Қишлоқ хўжалиги техникасида ишлаётган аёлларнинг иш нормаси умумий нормалардан 60 фойиз кам қилиб белгиланиши шарт. Аёлларнинг ўн беш килограммдан ортиқ юк кўтариши ёки ўн килограммдан ортиқ

юкни 1,5 метрдан юқорига кўтариш тақоза қиладиган ишларга қўйиш таъқиқланади. 16-18 ёшгача бўлган баловатга етмаган қизлар қўлда кўтариши мумкин бўлган юк 10, 25 килограммдан ошмаслиги керак», дейилади агросаноат комплекси ходимлари касабаси союзи республика комитети раисининг тушунтириш хатида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1987 йил 15 май).

Бироқ, бу қонуний кўрсатмаларга кўп жойларда амал қилинмайди.

Инсон ҳуқуқларини, жумладан, аёллар меҳнати ҳуқуқини поймол этган куч бюрократизм — тўрачиликдир. Тўрачилик социалистик меҳнатнинг моҳиятини — ҳар кимнинг қобилиятига яраша, ҳар кимнинг меҳнатида яраша, деган принципини барбод этиб, меҳнатчининг «сиқиб сувини чиқариш» (В. И. Ленин) сиёсатини қўлади. Бунинг эвазига ишловчига қарийб ҳеч нарса берилмади. Тўрачилик меҳнатни социалистик моҳиятдан, ҳузур-ҳаловат, шодлик — бахт туйғусидан маҳрум этди. Жабр-зулм, зўровонлик меҳнатига айланганди. Тўрачилик меҳнат замиридаги инсон омилни барбод этиб, плани бош омил деб эълон қилди. Инсон фақат планга илова қилинган қўшимча материалга айланди. Хуллас, тўрачилик айниқса қишлоқ меҳнатқашларига кўп жавр келтирди.

М. Абдуллаевнинг «Исён» очеркида колхозчи қиз Гулчехранинг ўлими сабаблари ишонарли очилган. Гулчехранинг ҳалокатида бош қотил тўрачиликдир. Бригадир қизни меҳнатдан бўйин товланганликда айблаб, қаттиқ таъқиб ва таҳқир этади. Кичиклигидан меҳнатда суяги қотган камтар ва камсуқум масъум деҳқон қизнинг меҳнатдан бўйин товлаши мумкин эмас эди. У дугоналари сафидан ҳеч қачон ажралиб қоладиган қиз эмасди. Гулчехра меҳнатни ҳаётидаги овунчоғи деб билган. Бригадир таъқибига қарамай, унинг қайта-қайта далага келиб, қизлар даврасида ишламоқчи бўлганлиги ҳам бунинг яққол далилидир. Қиз аллергия — чанг ва бегона ҳидлардан қаттиқ таъсирланувчи касаллик сабабли узоқ чўлга бориб ишлашга рози бўлмади.

Тўрачилик, маълумки, инсонга тошбағирлик, жаҳолат негизда таркиб топади. Гулчехра бюрократизмга қарши, ўзини ҳимоя қилиб кураша олармиди? Гулчехра турғунлик йилларида кўп оилаларда аёлининг оналик, граждонлик, хотинлик ҳуқуқи топталаётганини, меҳнатқаш аёл қадрсизланганини, ҳуқуқсизликка маҳқум этилаётганини кўриб ўсган қиз эди.

Меҳнатсиз даромадга муккасидан кетган эр бузуқликка берилади, оилавий бурчга, аёл манфаатларига хоҳласа хуфя, хоҳласа ошқора сурбетлик билан хиёнат қилябoshiлади. Бу нопокликка тоқат қила олмаган аёл тегишли ташкилотларга мурожаат қиладди. Эр билан ҳамтовоқ бўлган мутасадди бошлиқлар аёл шикоятига таҳқирловчи-масхараловчи муносабатда бўладилар. Оилавий нопоклик ҳамда ижтимоий адолатсизлик икки темир панжа бўлиб, аёлни руҳий исканжага олади. Бу иллатга қарши ўзида маънавий қудрат топа олмаган аёл норозиликнинг бирдан бир йўли деб ўз жонига қасд қилишга журъат этади.

Маънавий қашшоқлик — қишлоқ аҳолиси учун мутелик асоси эди. Маънавий қашшоқ, онгсиз меҳнатчини қаерга етакласангиз кетаверади, нимани буюрсангиз бажараверади. Тўрачилик (бюрократизм) меҳнатчида қуллик руҳиятини шакллантирган. Ижобий эҳтиросдан маҳрум бўлган оломонни қаҳр-ғазаб тугўнига маҳқум этган эди. Қаҳрли меҳнат вазияти, қаҳрли муомала, қаҳрли турмуш шароити халқ учун маънавий зиндон эди.

Инсон руҳиятини ҳаракатга элтувчи куч соғлом эҳтиросдир. Ижобий эҳтирос сабот-матонатнинг маънавий негизи. Маърифат, санъат, адабиётдан ҳосил бўладиган соғлом ҳис-туйғу инсон маънавий камолотида айниқса ҳал этувчи аҳамиятга эга. Гулчехра булардан маҳрум бўлиб ўсган маънавий қашшоқ қиз эди. Севги — ёш юракка ижобий эҳтирос бахш этадиган ҳароратли куч. Гулчехранинг севган йигити ҳам бўлмаган. Зўрга тирикчилик кечириб келаётган оилада ҳам ижобий эҳтирос уйғотадиган шароит йўқ эди. Вақтида турмушини топиб кетмаган қизга нисбатан ота-она, ака-укалар ҳам кўпинча хушкўрмаслик муносабатида бўладилар. Хуллас, Гулчехрани ҳаёт билан мустаҳкам боғлайдиган маърифий ҳамда эстетик шодлик, хурсандчилик омиллари гоят заиф эди. Қизлар даврасида ишлаб,

улар билан мулоқотдан, меҳнатдан ҳосил бўладиган ижобий эҳтирос — қизни ҳаётга боғлаб турган ягона ип узилгач, қиз қаттиқ руҳий ларзага тушган.

Биз қизни фожиага олиб келган сабаблар ҳақида фикр юритдик. Бироқ бу сабаблар қизнинг ўлимини оқлаш учун асло далил бўлолмайди. Бошқача айтганда, мазкур сабабларга биноан қиз ўзини ўлдиришга ҳақли эди, деган хулоса чиқариш асло мумкин эмас.

Дарҳақиқат, публицистикамизда бу ҳодисанинг моҳияти, аини жараённинг ўзи — яъни қизнинг фожиали хатти-ҳаракати қандай баҳоланмоқда?

Очеркда ёш пахтакор қизга зулм ўтказган тўрачиликни қоралаш жабрдийда қиз тақдирига беихтиёр ачиниш туйғусини ҳосил қиладди. Бу ҳол қизнинг тўралик тазйиқи остида ўзини ёқиб ўлдиришга нисбатан беихтиёр ачиниш, хайрхоҳлик туйғуси бўлиб туюлади. Очеркнинг «Исён» деб аталиши ҳам шундай таассурот қолдиради. Лўнда маъноли, жозибали бу сўз бошқа бир қанча катта-кичик муаллифларга ҳам маъқул тушиб, матбуотда ўзини ёқиб мавзуга бағишланган материалларда тез-тез такрорлана бошлади. Журналист Ж. Маматов бу ҳодисани «аёллар исёни» деб атади. «Офийат бардоши қалкиб, исёнга айланди, бир зумда у гулхан ичида қолди», деб ёзади. «Исён» сўзи шу ҳодисага бағишланган бошқа материалларда ҳам учрай бошлади.

«Исён» — хоҳ илғор, хоҳ тескари, хоҳ руҳий, хоҳ жисмоний бўлишидан қатъи назар турғунлик ҳолатига нисбатан моҳиятан курашни англатади. Кураш эса ижобий маънога эга. Реакцион исён тарафдорлари ҳам ўзлари учун ижобий мақсадни кўзлаб курашганлар. Ўзини ёқини «Исён» деб атасак, бундай фожиага журъат этган аёлни исёнкор, яъни курашчи, дейишга тўғри келади. «Исён» ва «исёнкор» деб аташ бу ҳодисага муайян хайрхоҳлик билдириш демекдир. Хайрхоҳлик сўзи замирида эса маъқуллаш маъноси ифодаланган. Шу туйғули «исён» ва «исёнкор» деб таърифланган материаллар иродаси бўш баъзи кишиларда ижобий таассурот қолдириши, аллақандай рағбатга монанд туйғу ҳосил қилиши мумкин.

Ўзини қурбон қилиш ҳам қора кучларга қарши курашнинг бир кўриниши дейишлари мумкин. Тўғри, урушда ўзини танк остига ташлаган, душман ўқ отиш нуқтасини ўз гавдаси билан қоплаган жангчилар жасорати юксак қаҳрамонлик сифатида рағбатлантирилганлиги маълум. Ёки сиёсий ва ижтимоий зулмга норозилик сифатида очлик эълон қилган маҳбуслар ҳаракати ҳам курашдир.

Курашда мақсад ва восита бир-бирини тақозо этиши лозим. Ўз гавдаси билан душман ўқ отиш нуқтасини барбод этган Тўйчи Эрийгитов, Александр Матросов сингари икки юздан ортиқ совет жангчисининг онгли фидойилиги минглаб совет жангчиларининг ҳаётини сақлаб қолди, янги ғалабаларга йўл очди. Пиrowардида бундай фидойилик Улуғ Ватан уруши ғалабасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Очлик эълон қилган маҳбуслар аввало амалий кураш имкониятидан маҳрум бўлган кимсалардир. Иккинчидан, улар ўз норозилиги ва талабларини ошқора баён этиб, очлик эълон қилдилар. Ўз ўлими орқали зулм ва ноҳақликка зарба беришни мақсад қилиб қўядилар. Бундай талаблар бир қанча ҳолларда бажарилади, очлик эълон қилган шахслар ғалаба қозонадилар. Бу воқеа фожиа билан туганган тақдирда ҳам курашчилар сиёсий-маънавий ғалаба қозонадилар. Уларнинг сиёсий ёки шахсий талабларини бажармаган мутасадди шахслар жамоатчилик кўзи олдида очликдан ҳалок бўлганларнинг қотилига, демек, жиноятчиларга айланадилар. Бундан қатъи назар, очлик эълон қилиш ҳам курашнинг мақбул шакли эмас, албатта. Жамоатчилик фикрини оёқоти қилган реакциян бошлиқлар етук халқ курашчилари, истеъдодли йўлбошчиларнинг талабларини рад этиб, уларнинг беҳуда ҳалок бўлишларига атайлаб йўл қўйиб берадилар.

«Ўзимни ҳалок қилиш орқали жаноби олийлари подшога мамнулик бахш этишга ҳеч бир мойил эмасман», деган эди буюк Герцен аччиқ киноя билан. «Мен ўзини ўлдиришни кураш усули сифатида маъқуллайолмайман», — дейилди қозогистонлик райком секретари аёлнинг ўзини ўлдириши воқеаси баён этилган «Бағритошлик» («Правда» 1988 й. 9 ноябрь) очеркига муносабат билдириб ёзилган

хатлардан бирида, — чунки мақсадига эриша олмаган инсон шундай йўлни танлайди. Бундай ўлимни унинг душманлари ўзларининг ғалабаси деб ҳисоблайдилар ва адолат учун курашиш беҳудадир, деб талқин этадилар. Бундай норозилик ўлими иккиланишга мойил иродаси бўш кишиларда ярамас одамлар (тўралар, сафсатабозлар, тухматчилар, лаганбардорлар, мансаббараастлар, тилғлағламчилар, хуллас, одамларнинг кайфиятини, ҳаётини, ташаббусини барбод эғувчилар) билан талашиб-тортишиш, курашишдан барибир ҳеч бир фойда чиқмайди, деган фикрни тасдиқлашга олиб келади» («Правда», 1988 й. 6 декабрь).

Гулчеҳранинг ўзини ёқиши тўрачиликка, ижтимоий адолатсизликка нисбатан норозилик белгиси, албатта. «Норозилик сўзида муайян даражада кураш маъноси мавжуд. Аниқроғи, норозилик курашнинг куртаги. Лекин ички хуфя норозилиқдир. Гулчеҳра ҳам очлик эълон қилганлар сингари ўз норозилигини ошқора баён этиши мумкин эди. Ўлимидан кейин аён бўлган норозилик руҳи кимга фойда келтиради? Хуфя норозилик — беҳуда ҳалокат йўли курашни инкор этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, Гулчеҳранинг ўлими тўрачиликнинг ғалабаси ҳисобланади ва бошқаларни ҳам тўрачилик зулмига қарши ошқора курашдан четлаштиришга олиб келади. Бундай ўлимларнинг гуноҳкорлари яширин қолиб, ўз разил кирдикорларини давом эттираверадилар. Тўрачилик бундай ўлимлардан қанча-қанчасини ҳеч нарса бўлмагандай ими-жимида тинчитиб келди. Ошқоралик ва демократия давридагина бу миллий фожиа матбуот орқали кенг халқ оммаси муҳокама-масига ҳавола этила бошланди.

Хуллас, Гулчеҳра танлаган йўл зулмга норозилик мақсадига зиддир.

Тўрачилик зулми ҳақида гап кетганда одамнинг жони тош эмас, ҳар қандай сабр-тоқатнинг ҳам чеки бор, дейдилар. Тўғри, одамнинг жони тош эмас, лекин тошдан ҳам қаттиқроқ. Ҳар қандай оғир ва қаҳрли шароитларда ҳам инсон сабот-матонат билан яшашга қодирдир. Ҳаёт — инсонга бир марта бериладиган табиат эҳсони. Ҳаёт — кураш, машаққат, бахт-саодат, азоб-уқубат, қийноқларни енгиб ўтиш, мағлубият ва ғалаба, деган сўз. Кураш тугаган куни ҳаёт ҳам тугайди.

Гулчеҳранинг ўлимига сабабчи бўлган тўрачиликни, бошқа куч ва омилларни қоралаган публицист қизга раҳмдиллик, хайрхоҳлик билдиради. Очеркда қизнинг ўзини ёқиш хатти-ҳаракати заррача қораланмайди. Юқорида биз «исён» сўзи публицистикамизда кўникма сифатида амал қила бошлагани ҳақида айтган эдик. Ўзини ёққан аёлга нисбатан хайрхоҳлик руҳи ҳам муайян фикрий кўникмага айланиб, бир қанча публицистик материалларда такрорлана бошлади. Ж. Маматовнинг юқорида эслатганимиз мақоласида шундай руҳ сезилади. Журналист ўзини ёққан Офият деган аёлни қабристонга дафн этишга розилик билдирган шахсларни «корчалонлар» деб атади.

Сийқа кўникма ижодий мустақилликка зиддир.

Одатда зулм қоралаганда унинг қурбони оқлаёди. Гулчеҳра ўлимида эса, икки томонни қоралашга тўғри келади. Мазкур ўлимнинг икки қотили бор. Биринчиси — зулмкор тўра-раҳбар бўлса, иккинчиси — қизнинг ўзи. Ўз жонига қасд қилиш хайрхоҳлик ва раҳмдилликка сазовор эмас. Бир киши иккинчи бир кишининг ҳаётига қасд қилса, уни қотил сифатида қаттиқ жазолайдилар. Ўзига ўт қўйиб ҳалок бўлган аёллар ўз ҳаётларининг қотилларидир.

Иккинчидан, инсон ижтимоий муносабатлар мажмуасидир. Шу сабабли шахснинг ҳаёти бир кишининг мулки бўлиб қолмай, жамият бойлиги, нодир ижтимоий ҳодисадир. Ўз ҳаётининг қотили бўлган кимса инсоний ҳаётнинг ҳам қотилидир. Ўз жонига қасд қилиш табиатнинг олий мўъжизаси инсон ҳаётига, жамият бойлигига хиёнат қилишдир. Бу — энг олий ва оғир жиноятдир.

«Еш ленинчи» газетаси муҳбири Гулчеҳра Алибоева бу ҳақиқатни биринчи бўлиб қайд этган журналистлардан. «Куйганларнинг инграшига раҳмим келмайди», дейди Гулчеҳра «Бунчалар ширинсан, ҳаёт» очеркида. Унинг бу сўзлари асло тошбағирлик белгиси эмас, балки инсон ҳаётига астойдил ачиниш, ҳақиқий инсонпарварликдир. «Улар тириклик олдида гуноҳга ботган. Уларни ҳеч ким



ачиниш билан тилга олмайди. Улар ўлимни тилаб, чақириб олган гуноҳкор бандалардир».

Ўз жонига қасд қилиш исломнинг бош китоби «Қуръон»-да ҳам қораланади. Бундай шахс ўлимидан кейин одатдаги эл эъзози ва хотирасидан маҳрум этилади. Ўзини ёққан кишиларнинг жасадини қабристонга қўйишга норозилик билдирган шахсларнинг хатти-ҳаракатини ахлоққа зид ҳодиса, деб бўлмайди. Буни ўз жонига қасд қилиш, ўзини ўлдириш ҳодисасига халқ норозилиги рамзи деб ҳисоблаш керак.

Ноғирон бўлиб қолган бундай кишилардан эса, эл ҳазар қилади. Гулчеҳра Алибоева мақоласида айтилишича, автобусга кирган чол ўриндикда ёлғиз ўтирган аёл ёнидан жой олади. Аёлнинг куйган башарасига қарагач, чолнинг авзойи бузилади. «Қизим, ножўй иш қилибсиз. Енингизда ўтириб мен гуноҳга ботмайин, — дейди ва ўрндан туриб кетади. Иккинчидан, ўз ҳаётининг қотили бўлган кимсалар ўғил-қизларига, қариндош-уруғларига, иснод келтирадилар. «Онасини кўр, қизини ол» деганларидек, уларнинг фарзандларига истехзо ва ишончсизлик билан қарайдилар.

Хуллас, бу ҳодиса жамоатчилик томонидан ахлоққа зид, мудҳиш фожиа сифатида қаттиқ қораланиши лозим.

FLANK





НИГОХ



РУСТАМ FOYITOV

Рустам Ғойитов — 1961 йилда туғилган. 1978—81 йиллар Тошкент давлат оқартув техникумида таҳсил олган. Чимкентлик.

Қўшиқ унинг тақдир. Шорур юрагидаги дардларни шеъринг солади. Хонанда эса шодлик ва тамларини қўшиқ оёқтасида изҳор этади. Эҳтимол, ҳали ёшлигидаёқ Рустамнинг дилига мухаббат, ха, ха, қўшиққа мухаббат уйғотган Ботир Зокиров, Шерали Жўраевдир?!

Рустамнинг юрагида гўнча очган соҳир туйғулар сура тинчлик бермас, улар гўё қўшиққа айланса-да, қанот ёкса... Устига-устак ўз йўлини топшиш лозим, тинимсиз аزلанди у. Қўнғ билан ўз устида ишлар экан, битмас туганмас бўлиб кўринган ўзбек мусиқа ва қўшиқ санъатининг мукамаллигидан қайта-қайта ҳайратга тушиб, ифтихор ва гурур кўнглида тоғдай бўлиб юксалди. Қўлига тор олди...

Янги жаҳон қўшиқчилиги бугунги кунга келиб шундай кўлам касб эгдиги, миллий анъаналардан ривож топиб, у миллион-миллион ёшларни бирлаштирувчи, туйғуларни камол топтирувчи оҳанрабога айланди. Ундан Рустам Ғойитов ҳам бахраманд, наинки бахраманд, балки ўзи ҳам рок-музыка йўлини танлаган, унга миллий рух киритишга таломли сафарбар. Рустам Ғойитов раҳбарлигидаги «Нур» гуруппаси санъаткорларининг маслак ва мақсади ҳам шу.

«Эр йўғит эли учун яшайди», — деди Рустам Ғойитов, шу эзу налтига ёр бўлсин!

Абдугани ЖУМАЕВ
Суратлар муаллифити.



Василий Жуков

КИМ АЙБДОР?

Ойбек Жақсимуротов — эндигина ҳаётга кириб келаётган навниҳол йигитча — бошига тушган савдоларни тушунишга ҳали қодир эмасди. Нега бундай бўлди? Ахир ўша машғум кечада улар бешовлон эдилар-у, нега бўлмаса қора курсида якка-ёлғиз ўзи ўтирибди? Тўртта жўраси худди уни масҳара қилгандек, гувоҳларга айланиб олишибди. Ана, кўзларини ерга қадаб, ёмғирда қолган мусичадай шумшайиб ўтиришибди. Нималарни ўйлашяпти экан шу тобда?

Суд ҳайъати кўринган заҳоти Ойбек ҳамма қатори беихтиёр ўрнидан туриб кетди, кейин яна шалвираб жойига чўкди. Кўринмас девор уни бошқалардан гўё ажратиб тургандай, йўқ, у овозларни эшитидади, кулогига сўзлар кирди, лекин маънисини илғаёлмайди — ҳаёллари чалкашиб кетади. Ичида ўтирган аллаким «эй бола, эсингни йиғсангчи, ўзингни ҳимоя қилсанг-чи» деяётгандай бўларди. У зўр-базўр оғир ҳаёлларидан мосуво бўлиб, залга кулоқ осадди.

Раислик қилувчи Раимбой Отажонов суд ҳайъатини эълон ҳам қилиб бўлаёзибди. Жақсимуротов базўр раиснинг қораловчи ва жабрланувчиларни санамаганлигини сезишга улгуради. Кейин эса айбланувчи сифатида сўз олиб суддан прокурор ва жабрланувчи Еркин Каниёзов иштирок қилишини талаб қилади. Ҳимоячиси Г. Янгалитчев ҳам унинг талабига қўшилади. Бироқ суд уларнинг талабини адо этмайди. Мажлис бошланади.

Ишнинг ҳолатини эълон қилган суд судланувчининг айнан нимада айбланаётганлигини айтгач, ундан қўйилаётган айбга иқрорми эканини сўрайди. Жақсимуротов ўз ҳимоячисининг суд мажлисидан сал олдин берган маслаҳатига амал қилиб ўз айбини қисман тан олади. Бироқ шунинг ўзи беғуноҳ одамни судлашга, ҳаттоки уни олий жазагача маҳкум қилишга етарли эканлигига ақли етмайди. Еш инсон ашаддий безорилиги учун бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилинадиган 204-модданинг 2 пункти бўйича ҳамда қасддан баданга оғир шикаст етказгани учун уч йилдан саккиз йилга қадар озодликдан маҳрум қилинадиган 88-модданинг «б» пункти бўйича айбланаётган эди.

Айблаш ҳулосасига ҳамда тергов материалларига мувофиқ ишнинг ҳолати тубандагича эди: «1987 йилнинг 22 августида тахминан кеч соат 7 яримларда Ойбек Жақсимуротов уйдан чиқиб, таниши Нукусбой Авезовни қонуний никоҳдан ўтгани билан табриклагани боради. Борса у ерда Нукусбойнинг узоқ-яқин қўшниларидан тўрт йигит — Маденбой Тўрамуротов, Жумамурод Алламбергенов, Камол Абдуллаев, Пурохаддин Тожиқидиновлар ҳам ўтиришган экан, ҳаммалари кеч соат 11 ларгача у ерда меҳмон бўлиб ўтиришди.

Келин-куёвлар билан хайрлашиб чиқишгач, мезбоннинг қўшнилари бўлмиш бояги тўрт йигит олисда — шаҳар марказида яшайдиган Ойбекни кузатиб қўйишга жазм қилишди. Октябрь кўчаси ва Чимбой шоссеси кесишган жойда улар бир йигит ҳамроҳлигида кетаётган бир гуруҳ қизларни кўриб қолишади. М. Жуманазаров кўчасига етай деб қолганда Жақсимуротов жамоатчиликка ҳурматсизлик кўрсатиб, жамоат тартибини қўпол равишда бузиб, қизларга: «Уйларингизга кузатиб қўйилдикми?» деб мурожаат қилади. Қизларнинг ўрнига Еркин Каниёзов «Оғайни, бор йўлингдан

қолма» деб жавоб қилади. Бироқ Ойбек Жақсимуротов уятсизларча безорилик хатти-ҳаракатларини янаям кучайтириб, Каниёзов билан олишиб кетади. Ойбекнинг ҳамроҳлари уларни ажратиб қўйишгач, ҳамма йўлига равона бўлади.

Қизларни 4-поликлиникагача кузатиб қўйган Каниёзов йўловчи бир машина — «Жигули»ни тўхтатади-ю, ўзининг Ойбек Жақсимуротовни тутиб милицияга топшириш ниятини маълум қилиб, қизларга кетаверишларини айтади. Кейин «полвон» машинага ўтиради-ю, ҳайдовчига жанжал содир бўлган ерга ҳайдашни буюради. Ойбек Жақсимуротовни М. Жуманазаров кўчасида кўриб қолган машина уни қувиб етади. Бироқ безори ердан тош олиб Еркин Каниёзовнинг бошига солади ва ўзи қочиб кетади.

Оми одамгина бу айбловга ишонади. Келинг, майда гапдан қочайлик. Бу масалаларнинг ҳаммаси, бир-бирига боғланмайдиган чигал гаплар калавасини қуйироқда ечишга уриниб кўрамиз ва унга ўз баҳомизни берамиз.

Шундай қилиб суд ҳодисага бевосита гувоҳ кишиларни сўроқ қилишни бошлади. Улар саккиз нафар эди, яъни Ойбекни ўша оқшом кузатиб қўйган тўрт йигити, Каниёзов томонидан ҳам шунча одам: опаси Лола Каниёзова, яқин қариндошлари Гулбаҳор ва Гулмира Қулумбетова ҳамда маъшуқаси Галина Ризамуротовалар эди.

Гувоҳларнинг кўрсатмаси деярли бир-бирига тўғри келарди. Уларнинг ҳаммаси жанжалнинг бошланиши қизларни кузатиб қўйиш таклифидан бошланганлигини яқдиллик билан айтишди. Бироқ таклиф айнан кимдан чиққанини кўрсатишолмади. Болалар таклиф ҳаммамиздан чиққан дейишса, қизлар эса «шулар эди-да» дейишдан нарига ўтмай, дарвоқе, йигитлар саккиз нафардан кам эмасди, деб туриб олишди. Судда иштирок этган барча гувоҳларнинг кўрсатмасидан шу нарса келиб чиқадики, биринчи низо ҳар ҳолда «арикдан ҳатлаб ўтиб йигитларнинг бири билан олишиб қолган ва ундан қорнига тепки еган Каниёзов»нинг ташаббуси туфайли келиб чиққан. Бироқ айни шу саҳна тасвирида ҳам қизлар айблов ҳулосасида айтилган фикрни, яъни жабрланувчини айнан Жақсимуротов тегганини тасдиқлашгани йўқ. Еркиннинг опаси Лола судланувчини биринчи марта кўриб турганини айтса, Гулбаҳор айбдор пакаана, нимжонгина бола эканини айтиб, ҳадеб Маден Тўрамуротовни кўрсатарди. Ҳолбуки бу пайтда кўчалар, айниқса чорраҳалар чароғон бўлгучи эди. Гулмиранинг гапига қараганда барча болалардан калтак еган Еркин уларни машинада қувлаган.

Воқеанинг давоми нима бўлган?

Йигитларнинг гувоҳлик беришича, биринчи низодан кейин улар бошқа йўлдан кетишга қарор қилганлар. Бироқ, беш минутча вақт ўтмаёқ аллақачон «Жигули» машинаси пайдо бўлиб қоладию унинг тўрттала эшиги ланг очилиб «мана улар!» деган овози эшитилади. Ва болалар қўрққанларидан ҳар томонга тўзиб қочишади. Каниёзовни ким урганини ҳеч ким билмайди. Уларнинг кўрсатмасидан шунини тушуниш мумкинки, машинада жуда кўп одам бўлган ва улар кўпам олижаноб ниғда бўлишмаган.

Қизлар эса тўхтатилган машинада нотаниш ҳайдовчининг ёлғиз ўзи бўлган, демак, «Жигули»да кўп одам бўлиши мумкин эмас, негаки унга Еркиннинг бир ўзи ўтирган, дейишмоқда. Қизларнинг гапи бир масалада ҳар хил чиқаяпти. Гулбаҳорнинг гапига қараганда машинанинг ортидан улар Лола билан икковлон чопиб кетишган ва Еркинни ерда қонга беланган ҳолда учратишган. Бироқ бошқа икки гувоҳ ҳам ўзларининг иккинчи воқеа юз берган жойда бўлганликларини баён этишган. Ва ҳаммалари бир овоздан Еркин ерда ётган эди, бизлар яқинлашгач эса у бошига тош текканини айтди, дейишади. Кейин ҳаммалари нарироқда итоаткорона кутиб турган машинага ўтиришиб кетганлар. Ҳеч кимса на ҳайдовчини, на машинани эслаб қолмаган ва бу муҳим деталь жиноий ишда оқ доғ бўлиб қолаверган.

Судга маълум бўлган манзарани тўлиқ тасвирлаб беришимиз учун айбланувчининг суд жараёнидаги кўрсатмала-

рига, қолаверса, судда ўзи иштирок қилмаган жабрланувчининг бироз ўзгартиришлар билан айблагга асос бўлган ёзма кўрсатмаларига батафсилроқ тўхталишимизга тўғри келади.

Биринчи тўқнашув ҳақида гапиратуриб Жақсимуротов йигитнинг, яъни Каниёзовнинг ариқдан ҳатлаб ўтиб ёқасидан олганда қорнига тепганлигини тан олади. Шунда уларни ажратиб қўйишган ва кейинчалик ҳамма ўз йўлига равона бўлган. Йигитлар эски бир боғчанинг олдига яқинлашганларида уларни машина қувиб етади. Машина ичидан қий-чув қилиб одамлар отилиб чиқишганда йигитлар кўз тушган тарафга қочиб қоладилар. Ойбек боғча дарвозасидан ҳатлаб ўтаётгани, йиқилиб тушади. Қувиб келаётган йигит яқинлашганда қўлига илгинган тошни унга отади. Бироқ тош унинг пешонасига тегиши мумкинлигини ўйлаб кўрмайди.

Каниёзовнинг тушунтириш хатидан:

«Уша куни мен қариндошим Бозорбой Назаримбетовнинг тўйида эдим. Кеч соат 11 га яқин қариндошларимни кузатгани тўйхонадан чиқдим. Гоголь номи мактаб ёнида бешта йигит биз тарафга кела бошлади. Уларнинг бири қизларга гап ота бошлади. Мен унга йўлидан қолмаслигини айтдим. У бўлса йўл четига чиқиб «бу ёққа кел» деб айтди. Мен унга яқин бордим. Қизлар чувиллашиб жанжалга бош суқмасликни сўрашди. Уша пайт йигит менинг қорнимга тепди, мен ўтириб қолдим. Қолган тўрттаси уни олиб кетишди.

Қизларни Ленин номи мактабгача кузатиб қўйгач, мен нотаниш бир машинани тўхтатдим тўйга ташлаб қўйишни сўрадим. Қизларга эса, «буёғига ўзларинг кетаверинглар», деб айтдим. Машинада ҳайдовчидан бошқа ҳеч кимса йўқ эди. «Амударё» кинотеатрига яқин қолганда мен боғчи йигитларни кўриб қолдим ҳайдовчига «шулар ҳозиргина мени дўшпослашган эди, келинг уларнинг бирини тутиб милицияга топширамиз» деб айтдим. Уларни боғча олдида қувиб етдик. Бизларни кўриб девордан ошиб қочиб кетишди. Мен улардан бирини қувиб энди деворга тирмаша бошлаганимда кимдир тош билан бошимга солди. Мен ерга ётиб қолдим. Қанча ётганимни, нима бўлганлигини эслаёлмайман. «Жигули»нинг ҳайдовчиси «Амударё» кинотеатри ёнидан олиб қайтаётганида мен қаршимизда келаётган Лола опамни ва Галияни кўриб қолдим. Кейин улар мени шаҳар касалхонасига олиб кетишди...»

Гувоҳларни сўроқ қилиб бўлгач, суд танаффусга чиқди. Эртасига 7 январь куни судланувчининг сўнгсўзини эшитиш ва ҳукм чиқариш керак эди.

Эртасига эрталаб суд судланувчига сўнгсўз бериш билан ўз ишини бошлади. Бироқ, мажлисга раислик қилувчи судланувчининг кўп гапиришга чоғланганини кутмаган эди. Судланувчи бир-икки оғиз гап гапирмасидан туриб, судья Р. Отажонов гапини бўлди:

— Тезроқ. Гапини калта қилгин. Бир-иккита гап айтгин, бўлди шу билан.

Ойбек унга қоралаб қўйган бир неча қоғозларини кўрсатади.

— Бу ерда мен ҳаммасини ёзганман...

— Кўп нутқ ирод қилишинг шарт эмас, — унинг гапини бўлади Р. Отажонов, — айтдим-ку, икки-уч оғиз гап айтсанг, шунинг ўзи етарли деб.

Еш йигит устига бир пақир муздай сув қуйилгандек шалвираб жойига ўтириб қолди.

Қолбуки, у сўнгсўзига катта умид боғлаганди. Эҳтимол лоақал ўз яқинлари, қариндош-уруғлари олдида кўнглидаги гапларни тўкиб солмоқчи бўлгандир. Бироқ қонун посбонлари билан айтишиб бўлармиди, айниқса ҳукм чиқарилиши олдида.

Судланувчини сўнгсўздан маҳрум қилгач, суд маслаҳат хонасига йўл олди. У ерда яна бир инсон тақдирини ҳал бўлди.

Ҳукм ўқилди. Уни қисқача баён этишга зарурат бор, зеро у айблов хулосасидан мутлақо фарқ қилмайди. Шуниси ачинарлики, улкан республика номидан, кўп миллионли халқ ва унинг қонуни номидан қонушнуослар давлат бўёсига пур етказадиган қўпол хатолар содир қилишди.

Шундай қилиб: Ўзбекистон ССР номи билан 1988 йил 7 январда халқ судьяси Р. Отажонов раислигида, халқ маслаҳатчилари Т. Бекжонов, Н. Қалимбетов, секретарь Жолдасова ҳамда адвокат Г. Янгаличев иштирокида ЎзССР Жи-

ноят кодексининг 204—2 ва 88 «б» моддалари бўйича айбланаётган Жақсимуротов Ойбек Жанабоевичнинг 1—430-жинойи ишини кўриб чиқдилар.

Суд айбланувчини, жабрланувчини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, адвокатнинг сўзларини эшитиб, ҳамда уларни иш материаллари билан солиштириб кўриб ушбуни аниқлади: судланувчи безорилик мақсадида Каниёзов Еркин билан муштлашади, хусусан унинг бошига тош билан уриб оғир шикаст етказганлиги иш материаллари бўйича ҳам, гувоҳларнинг кўрсатмаси ва судмедэкспертиза хулосаларига кўра ҳам тасдиқланади.

Ҳукм чиқаришдан олдин суд состави айбланувчининг илгари судланмаганлигини, иш жойида ижобий таърифланганлигини, меҳнатдаги муваффақиятлари учун фахрий ёрлик билан тақдирланганлигини ҳолатни энгиллаштирувчи жиҳатлар сифатида ҳисобга олди. Бироқ жиноят натижалари жабрланувчини оғир оқибатларга гирифтор қилганлигини ҳисобга олиб — унинг ўнг кўзи кўрмай қолган — Жақсимуротовни беш йилга озодликдан маҳрум қилишга, жазони кучайтирилган режимдаги ахлоқни тузатиш меҳнат колониясида 1988 йил 7 январдан бошлаб ўташга, айбланувчини суд залида қамоққа олишга ҳукм қилди.

Шундай қилиб суд тугади.

БИРИНЧИ ШАРҲ

Судга равшан бўлган маълумотлар ва халқ судьяси Р. Отажонов раислигидаги суд коллегиясининг фаолиятини таҳлил қила бошласангиз, суд ҳайъатининг ўз ишини яхши билишига ёки одиллигига шубҳа туғилади. Кўриниб турибдики, суд ИНСОН ТАҚДИРИГА масъулиятсизлик билан қараган.

Биринчидан, жиноий иш материаллари Жақсимуротовнинг жиноят содир қилишда айбдор эканлигини ҳеч қандай тарзда исботлай олмайди, агар унинг дастлабки ва юзма-юз қилингандаги «айбини тан олганлиги» ҳисобга олинмаса. Бироқ Сталин давридан машъум хотирот бўлиб қолган Вишинскийнинг бу «назария» си аллақачон қораланиб, ҳуқуқшуносликдан чиқитга чиқарилган. ЎзССР Жиноят кодексига кўра «айбланувчининг ўз айбини тан олганлиги фақат мавжуд далиллар мажмуи тасдиқланган ҳолатдагина айблагга асос бўлиши мумкин». Бунда наинки ушбу модданинг талаблари бузилган, балки юриспруденциянинг асосий қонуни саналмиш «айбсизлик презумпцияси» ҳам топталган. «Айбсизлик презумпцияси»га кўра «исботланмаган гуноҳкорлик — исботланган гуноҳсизлик» дир.

Иккинчидан, у ёки бу тарафдаги гувоҳлар ё ҳодиса иштирокчилари ёинки манфаатдор шахслардир. Масалан, Каниёзов тарафидан гувоҳ — унга яқин одамлардир ва улардан ҳолис кўрсатма кутишга кўпам ишониб бўлмайди. Қолбуки, шундай бўлиб ҳам чиқди, бироқ ёлғонни биз кейинроқ фош қиламиз.

Учинчидан, биронта гувоҳ ҳам Каниёзовни тош билан урган айнан Жақсимуротов эканини айтмайди. Йигитлар бир овоздан ким урганини билмасликларини айтишиб, қизлар эса ўша пайтда фожеа юз берган жойда бўлишмаган, ҳайдовчининг номини ҳамма зўр бериб яширишга уринади. Қолбуки, рўй-рост айтадиган бўлса, фожианинг юз беришига, айнан машина сабабчи бўлган.

Хатолар, қонунбузарликлар кўп эди. Энди ўз фикримизни умумий тарзда баён қилишга ҳаракат қиламиз.

Биз қисқача танишиб ўтган айблов хулосаси уларни тўқиб чиқарганларнинг ўзини кулгили аҳволга солади. Масалан, йигитларнинг қизларни уйгача кузатиб қўйиш ҳақидаги тақдирлари «жамоатчиликка нисбатан очик-ойдин ҳурматсизлик» сифатида талқин қилинади. Бунақада яқин ўртада салом бериш ҳам жиноятчилик саналиши мумкин. Гувоҳларнинг кўрсатмасида ҳеч қаерда Жақсимуротов ёки Каниёзовнинг кўрсатмасича «улардан бири» «буёққа чиқ» демаган. Бу сахна наинки баҳсли, балки ҳал қилиб бўлмайдиган жумбоққа айланиб қолган. Ростдан шундай бўлганми ўзи? Қолбуки айни шу нарса кейинги воқеалар силсиласини келтириб чиқарган.

Энди барча эътиборни машинага қаратамиз. Ақл югуртириб ўйлаб кўрсак, биронтаям «йўловчи» машина кечаси соат 12 да наинки бешта соғлом йигитнинг ортидан қувлаш туғул, балки нотаниш одамга тўхташга ҳам жазм қилмайди.

Ақли расо одам ёлғиз ўзи, худди Каниёзовдай уларнинг бирини тутиб ниҳояти милицияга топшириш учунгина бешта йигитга қарши чиқишга журъат қилолмайди.

Машинанинг эгаси ҳам ўзини ажабтовур тутган. Аввалига у ҳужумнинг итоаткорона қуроли бўлган эса, кейинроқ, «қаҳрамон шахс» бўлиш Каниёзовни сўкиб, фалокатдан нарироқ юриш ўрнига янги фармойишларни кутиб, қуллук қилиб туради. Алағ-оқибат, гувоҳларнинг кўрсатмасича фожиа юз берган жойда машинага ўтиришадигу ҳайдовчи уларни уйларига ташлаб қўяди. Каниёзовнинг тушунтириш хатига кўра улар Лола ва Галаяни кинотеатр ёнида учратишади ва жабрланувчи шаҳар касалхонасига етказилади.

Ва ниҳоят, суд процессини олиб боришда процессуал кодекснинг бузилишини кўрсатмаслик мумкин эмас. Ҳар ҳолда, судланувчи ва адвокатнинг прокурор ва жабрланувчининг судда албатта иштирок этиш ҳақидаги талабларини қондириш тўғрисида бўлар, бу ишни холис кўриб чиқишга ёрдам берган бўларди. Раислик қилувчи моҳиятдан судланувчини сўнгсўздан маҳрум қилиб, унинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузди. Шуниси ажабланишлик, бу иш материалли шунча олий маъмулоти юристлар қўлидан ўтиб, биронтасини ҳам жиноят ҳолатлари тўғри тавсифланганми — йўқми эканлиги шубҳалантирмаган.

ИДРАМА-ИДОРА САРСОНГАРЧИЛИК

Судга довура Ойбекнинг ота-оналари кўргуликни нима деб ўйлашни ҳам билишмасди. Балки у ростдан ҳам безорилик қилгандир? Ҳозирги ёшлардан ҳамма нарсани кутиш мумкин-ку ахир! Тупна-тузук юрган одамлар гоҳо ақлга сиғмайдиган ишлар чиқариб қўйишадию... Бироқ, биринчи кунданок ҳамма шубҳалари ноўрин эканлиги аён бўла бошлади. Судланувчининг волидаси Жанил опа ўғлининг беғуноҳ эканлигини она юраги билан ҳис қилиб, унинг тақдири учун аёвсиз курашга отланди.

Нукус шаҳар халқ судининг ҳукми кассация тартибида Қорақалпоғистон АССР Олий Судига шикоят қилинди. Олий Суд раиси Ж. Содиқов бошчилигида ишни кўриб чиқишда коллегия аъзолари Г. Нурумбетов ва Р. Алеминов, Қорақалпоғистон АССР прокурорининг ёрдамчиси П. Назаров ва адвокат Г. Янгаличевлар иштирок этишди.

Коллегия мажлисида Ойбекнинг тақдири қандай ҳал бўлишини эшитгани унинг ота-онаси ва яқинлари — жами тўққиз киши иштирок этишди. Матбуот ходимларидан қорақалпоқ телевидениесининг муҳбири Ж. Қуралиев ва «Жас ленинши» газетасининг махсус муҳбири А. Жолдасовлар қатнашишди. Мажлиснинг бориши ҳақидаги тафсилотларни мен ўз ҳамкасбларимдан билиб олдим.

Иш бўйича доклад тайёрлаш Р. Алеминовга топширилган эди. Бироқ докладчи тайёрланмаган шекили, айблов ҳулосасини ўқиш билангина чекланиб қўя қолди. Нега у суд жараёнини тўлиқ таҳлил қилмади? Эҳтимол бунинг учун унда ҳафсала етишмагандир?

Докладчидан сўнг адвокат Г. Янгаличев сўз олади. У тергов органлари ва суднинг биринчи инстанциясини ўринли танқид қилади. Бироқ унинг гаплари фақат журналистлару, тақдири ҳал қилинаётган одамнинг жигарлари, яқинларига етиб боради холос. Мажлисни ўтказаетганларни Ойбекнинг тақдири кам қизиқтираётгани уларнинг ишга бўлган муносабатидан ҳам аён эди. Раислик қилувчи Ж. Содиқов доим аллақим билан телефонда гаплашгани учун адвокатнинг гапларини эшитмади ҳам. Г. Нурумбетов Р. Алеминов билан ўзлари учун қизиқарилоқ мавзу бўлган шарикли ручка ҳақида гап сотишди. Прокурор ёрдамчиси П. Назаров эса қорақалпоқ тилини яхши тушунмагани учун ўз хаёллари билан андармон ўтирди.

П. Назаровнинг нутқи ўта қисқа бўлди: «Ҳукм ўзгариш-сиз қолдирилсин».

Ойбек Жақсимуротовнинг кассацион шикоятда нима дейилган эди? Унда суддаги кўрсатмаларини такрорлаган йигит тергов пайтида милиция ходимлари уни айбини тан олдириш учун уриб, қийнашганини ҳам кўрсатади. Ҳолбуки, агар ўз айбини тан олганлигини ҳисобга олмасак, ишда айбни тасдиқлайдиган биронта ҳам жиддий далил йўқ. Ажрим мазмуни Нукус шаҳар халқ судининг ҳукмидан ҳам ажабтовур.

Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг ажримда яна

ўша, илгариги юридик ҳужжатлардаги гаплар такрорланади. Қизларни кузатиб қўйиш «жамоатчиликка ҳурматсизлик ва жамоат тартибини бузиш» сифатида талқин қилинади. Яна нотаниш «Жигули» тилга олинади. Бироқ ажримда Каниёзов ҳайдовчига тўйхонага эмас, воқеа юз берган жойга ҳайдашни сўраганлиги айтилади. М. Жуманазаров кўчасида улар Жақсимуротовни қувиб етишадигу Каниёзов уни тўхтатади. Бироқ судланувчи ердан тош олиб унинг бошига солади ва ўзи қочиб қолади.

Кассацион шикоятда келтирилган материалларни ўрганиб чиқиб ва тубандагиларга асосланиб, суд коллегияси ҳукмга ўзгартириш кириштишга қарор қилди.

Судланувчининг айби, — дейилади ажримда, — ўз айбига икродлиги, дастлабки терговдаги кўрсатмалари ва жабрланувчи Е. Каниёзовнинг, гувоҳлар Г. Ризамуротова, опасингил Кулмубетовалар, Л. Каниёзова кўрсатмалари, суд-медэкспертиза ҳулосаси ва бошқа материаллар билан тўлиқ исботланган. Бироқ О. Жақсимуротовнинг илгари судланмаганлиги, ўз айбига иқроп бўлганлиги, унинг ёшлиги ва иш жойидан ижобий таърифланганлигини ҳисобга олиб, суд коллегияси жазо муддатини беш йилдан уч йилга туширишни лозим деб топди. Жазони 7 январдан кучайтирилган тузатиш меҳнат колониясида ўташ масаласи шундоқ қолди.

Жанил опа ўғлининг кассацион шикоятини бу жиддий идорада жиддий кўриб чиқишларига умид борлаган эди. Бироқ умидлари пучга чиқди. Лекин курашни тўхтатмади.

Юрак-бағри эзилган она Қорақалпоғистон АССР прокуратурасига ўғлининг ноҳақ қамалганлигини, Қорақалпоғистон Олий Суди кассацион инстанцияси ҳам ишга юзаки муносабатда бўлганини шикоят қилади.

Кўп ўтмай автоном республика прокурорининг биринчи ўринбосари В. Кошлевский имзоси билан жавоб хати олади. Жавоб хатида ҳам Жақсимуротовнинг шаҳар халқ судининг ҳукми ва Қорақалпоғистон Олий Судининг ажримда исботланган айблари келтирилади. Автор шикоятчининг аризасидаги далиллар асоссизлигини, суд қарори тўғрилигини ва қонунга мос келишини, бинобарин уларга норозилик билдиришга асос йўқлигини маълум қилади.

Бу жавобни олган онаизор энди обком партиянинг иккинчи секретари Д. Берков номига шикоят йўллади. Кўп ўтмай уни обком секретари қабулга таклиф қилади. Бундан ташқари автоном республика юстиция министри Н. Абдуллаев, Олий Суд раиси Ж. Содиқов ва бошқа кишилар таклиф қилинади. Бироқ Ж. Содиқов ўзининг ўрнига ўринбосари Р. Мирзааҳмедовни юборади. Д. Берков нега раиснинг ўзи келмаганлигини суриштиради. Мирзааҳмедов унинг кассацион шикоятни кўриб чиқишда коллегия йиғилишига раислик қилганлигини, шунинг учун ўз-ўзини инкор қила олмаслигини маълум қилганини айтади.

— Ушбу иш бўйича нима дея оласиз?

— Мен ишни ўрганиб чиқдим, — жавоб қилди Мирзааҳмедов. — Жақсимуротовнинг айби ундаги иш материаллари бўйича исботланмаган. Уни ҳисбага олмаслик керак эди, деб ҳисоблайман.

Бу сўзлардан сўнг не-не тунларни бедор ўтказган онанинг қалби шиғиллаб кетади. «Ҳақиқат бор экан-ку, — ўйлайди у, — мана охири ҳақ жойига қарор топди-ку.»

Мирзааҳмедов яна узоқ гапирди. Бироқ Жанил опанинг кулоғига бошқа гап кирмади. Шўрлик она энди қайғу-ҳасратлари тугаганига астойдил ишонган эди. Йиғилиш тугагач, Д. Берков уни ўғли ҳақидаги масала энди холис кўриб чиқишига ишонтирди.

Бироқ Жанил опа эрта суюнган экан. 21 мартда у Қорақалпоғистон АССР прокуратурасидан обкомга қилган аризаси бўйича жавоб олади. Ҳужжатга яна В. Кошлевский имзо чеккан бўлиб, у биринчидан ҳечам фарқ қилмасди.

ИККИНЧИ ШАРҲ

Суд билан кассацион босқич мажлисигача бўлган деярли бир ойлик муҳлат ичида коллегия қатнашчилари иш материални бемалол ўрганиб чиқишлари мумкин эди. Бироқ улар ишга эскича, юзаки ёндошишди. Бундай муносабат эса бағритошлик ва инсон тақдирига лоқайд қарашнинг ўзгинасидир. Ҳолбуки қўлларига давлат одамлар устидан ҳокимлик қилиш ҳуқуқини берганлиги учун ҳам улар бурч нуқта назаридан сал одамийроқ бўлишлари зарур эди.

Уларда шу оддий инсоний ҳислат етишмади.

Қорақалпоғистон область партия комитетида докладчи Р. Мирзааҳмедов ҳолатни тўғри шарҳлаб берди. У жиний иш материалини ҳафсала билан ўрганиб чиққан ягона масъул ходим бўлиб чиқди. Бироқ кассацион инстанциянинг қарорига фақат прокуроргина норозилик билдириши мумкин бўлгани учун ариза обком партиядан автоном республика прокуратурасига, яна илгари шу иш билан шуғулланган одамга келиб тушади. Уртоқ Берков ҳузурда прокуратура вакилларида ҳеч ким қатнашмаганлиги учун Р. Мирзааҳмедовнинг фикрини ҳам ҳеч ким билмасди. Шунинг учун прокуратурадагилар аввалги жавобнинг яна бир нусхасини ўйлаб-нетиб ўтирмай аризага юбориб қўя қолишди.

ТЕРГОВ ИЗИДАН

Олти ой бурунги ишни текшириш осон иш эмас, айниқса биз журналистлар учун. Негаки журналистлар тергов органларидай ҳуқуқ ва воситаларга эга эмас. Шунинг учунми, мен бу мураккаб ишга аввалга бирон натижа чиқишига ишонқирамай қарадим. Бироқ айблов хулосасини ўқиганим заҳотиёқ мазкур ишда ошқора ғаразгўйлик ва йўқ жойдан жиноятчи ўйлаб топилганлигини сездим. Бу ишга лоқайд қараш мумкин эмасди.

Текшириш қандай олиб борилганлигини айтиб ўтирмайман. Бу шарт эмас.

Биринчи навбатда машина эгасини топиш керак эди. Шу кунни Каниёзов тўйда эди. Уша ердан у қариндошларини кузатгани чиққан. Вақт кеч эди, ҳойнаҳой уйгача фақат таниш қизлар билангина қайтмаган бўлиши керак. Демак, машина тўйда қатнашган меҳмонлардан бириники бўлиши мумкин, деган фикр туғилади. У кимнидир уйига кузатиб, яна ортга қайтаётган бўлиши керакки, йўлда тўхтатган Еркин «мен ҳайдовчидан тўйхонага ташлаб қўйишини сўрадим», деб кўрсатма берган.

Эҳтимол машина тўйдан бир гуруҳ одамларни олиб қайтаётган бўлиши мумкинки, Еркин тўхтатганда улар «безорилардан бирини милицияга топшириш»дай олижаноб операцияда жон-жон деб қатнашишга рози бўлишган. Жақсимуротов ва унинг ўртоқлари берган кўрсатмани, яъни «машина етиб келди-ю, ҳамма эшикларни ланг очилиб «мана улар» деган қичқирқлар эшитилди» деган гапларини эслайлик-а.

Еркин ҳам, қизлар ҳам машинанинг сарғиш рангда эканини айтишса, Жақсимуротов ва унинг ўртоқлари машинанинг оқ рангда эканини тасдиқлашмоқда. Бироқ кечаси сарғиш ранг чиндан ҳам оққа ўхшаб кетади. Бундан шу маъно келиб чиқадики, Еркин ва унинг қариндошлари машинани кундузи ҳам кўришган, демак уни олдин ҳам билишган.

Шундай бўлиб ҳам чиқди. Сарғиш рангдаги В 55—22 КП номерли «Жигули» машинасининг эгаси Нукус шаҳридаги Оржоникидзе кўчаси 42-а уйда яшовчи, тўй иштирокчиларининг кўпчилигининг, жумладан Еркину у билан бирга тўйхонадан чиққан қизларнинг таниши Жубаниш Давлетов бўлиб чиқди.

Шунча вақт яширинган ва яширилган гувоҳ бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида нима дейди? Еркин Каниёзовни урган кимса кимлиги ҳақидаги масалага деярли ойдинлик кирита олмади. Тушунтириш беришдан олдин у «бунинг учун Еркинга гап тегмайdim» деб суриштирди.

«Кечаси тахминан 11 яримларда мени Еркин «Амударё» кинотеатри яқинида (тўртинчи поликлиника олдида эмас) тўхтатди. Мен уни аввалдан яхши таниганим учунгина тўхтатдим. У жуда бўғилиб турган экан, шунинг учун мендан гўё опа-сингилларини ҳақоратлаган болаларни машинада бирга қувишимни сўради. Биз йигитларни бир зумдаёқ қувиб етдик. Мен машинанинг олис ва яқинни кўрсатадиган чироқларини ўйнатиб уларга яқин борганлигим учунми, улар қўрқиб қочибди. Мен уларнинг боғча дарвозасидан ошиб ўтиб кетганларини кўрдим. Еркин уларни қувиб кетди. Кўп ўтмай юзини кўллари билан яширганча орқасига қайтди. Унинг ҳамма ёғи қон эди. Шу пайт қизлар етиб келди-ю, мен уларни уйларига — Ленинградская, 57 га олиб бориб қўйдим. Бошқа ҳеч нарса билмайман».

У ҳолда жиноятчи ким эди?

Ҳамма умид нотаниш машина эгасидан эди, уям пучга чиқди.

Хўп... Энди бугеги нима бўлган эди?.. Уша кеча Еркинни шаҳар касалхонасига олиб боришади, эрталаб у «бош мияси

лат еган ҳолда, бош суягининг очиқ жароҳат олганлиги; кўз соққасининг оғир формадаги контузияси» каби диагноз билан республика касалхонасига, бир ҳафтадан сўнг эса кўз касалхонасига ўтказилади.

Агар беморлар бирон-бир жароҳат туфайли касалхонага тушишса, ҳамширалар бу ҳақда милицияга хабардор қилишади. Каниёзов ҳақида ҳам милиция огоҳ этилди. У частка милиционери С. Хўжамуротов ундан тубандагича тушунтириш хати олди. «Мен Ленинград кўчасидан қариндошларимникига кетаётгудим. Бирдан қоқилиб, йиқилиб тушдим. Ўзимга келиб қарасам юзим қон экан. Ҳеч кимга ҳеч қандай даъво йўқ». Бирмунча муддат ўтгач, у худди шундай тушунтириш хатини Нукус шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига ҳам йўллади. Нега? Чунки у шу ердан Тошкентдаги олий милиция мактабига ўқишга юборилган эди. Бироқ курсант Е. Каниёзов жароҳат туфайли машғулотларда бўлмаётганлигини эшитган милиция бошлиғи нима ҳодиса юз берганлигини шахсан ўзи аниқламоқчи бўлди.

Бироқ сир сирлигича қолиши қийин. Бир тўйда Маден Тўрамуротов «бир йигитни бошлаб лақиллатганлигини» ўзига ўхшаган йигитлар даврасида мақтаниб айтди. Даврада Уролбой деган, Еркиннинг бир таниши ҳам бор эди. У дўстининг оғир вазиятда қолганлигини — жароҳат туфайли олий мактабда қирқ кундан ортқ даре қолдирганлигини, лекин жўялироқ баҳона тополмаётганини яхши биларди.

Уролбой янгиликни Еркиннинг қариндоши Байрам Назаримбетовга етказди. Агар Маденни ўртага олиб кўрқитилса у Еркинни шаҳар марказида яшайдиган Ойбек Жақсимуротов урган, деб айтиши мумкин эди. Йигитлар машинага ўтиришиб, Тўрамуротовни ҳам ҳамроҳ қилиб олиб Ойбекнинг уйига боришади. Маден Ойбекни уйдан қақриб келгани киради. Бироқ вақт кеч эди, онаси ухлаётган Ойбекни уйготмай, унинг уйда йўқлигини айтади.

Эртасига, 13 октябр кунни улар Ойбекни асга кўчага чақришади. Уйдан сал нарироқда милиция машиниси турарди. Милиция лейтенанти Ваҳром Оразалиев ёш йигитни яхши муомалада мелисахонага таклиф қилади. Ота-онанинг ҳеч гапдан хабари йўқ, улар ўғилларини ишга кетган, деб ўйлашганди. Бироқ фалокат оёқ остида эди.

...Ойбекнинг тўртта «жўра»сини улар бир кун аввал яхши пиштиб олишган эди. Уларнинг тўртвини ҳам лейтенант В. Оразалиев мелисахонага олиб кетатириб, ҳозир тушунтиришларича яхшилаб кўрқитган: «Оғайничалишлар, ҳаммангизни гуруҳбозликда урушганлигингиз учун етти-саккиз йиллик қамоқ жазоси қутяпти. Агар мянгангизни ишлатсангиз, гапларимдан чиқмасангиз ҳаммаси яхши бўлади».

Мелисахонада ўлгудек кўрқитилган йигитлар Оразалиев нима деб айтиб турган бўлса, шуни ёзишади. Ишни олиб бориш Каниёзовни милиция мактаби орқали яхши танийдиган бошловчи терговчи Т. Каримбоевга топширилади. Дарвоқе, бу унинг биринчи иши. У яқиндагина Тошкент Олий милиция мактабини тугатиб қайтган эди.

У биринчи қадамлариданоқ кўпол камчиликларга йўл қўяди. Тўртала йигит гапга индамай кирганликлари учун жанжал иштирокчилари тоифасидан олиниб, гувоҳликка ўтказиб қўйилади. Уларнинг иккитасини Каримбоев Еркин Каниёзовга қақриқ қоғозини топширгани Хўжайли шаҳрига юборади.

Гап шундаки, шу пайтгача улардан ҳеч ким Еркинни танимас, Еркин ҳам уларни билмас эди. Шунинг учун қонун бўйича терговчи Каниёзовга ким жароҳат етказганини билиш мақсадида танишув ўтказиши лозим эди. Бироқ бошловчи терговчи ғаразгўйлик билан ишни осон тугатиш пайдан бўлди.

Каниёзов ҳали ҳеч нарсдан беҳабар эди. У қақриқ қоғозини олган заҳоти айтилган жойга етиб боради. Мелисахонада унга махфий равишда гап нимадалигини тушунтиришади. Вақтни бекор ўтказмаслик учун улар Каниёзовни «жиноятчи» билан таништиришади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, Еркиннинг аризаси 13 октябрда мелисахонада бўлмаган. Бироқ жиний иш делосида ариза 12 октябрда (?) қайд этилган.

Унгача Ойбекни жиноятни бўйнига олишга мажбур қилиш учун руҳан чарчатишди. Унинг бирин-кетин ёзган тушунтириш хатларини йўқ қилишиб, ўзларига керакли бўлган «ҳақиқатни» ёзишга талаб қилишди. Юзлаштириш ҳам

фойда бермаганидан сўнг айбни тан олдиртирадиган «мутахассислар» ишга киришишди.

Нукус шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига аризасида Жақсимуротов шундай ёзган эди:

«...13 октябрда эрталаб соат 8 да мени уйимдан лейтенант Оразалиев машинада олиб кетди. У менга Еркин Каниёзовни урганимни айтди. Мен уни билмас, ҳеч кимни урмаган ҳам эдим. Бироқ у айбимга иқроор бўлишимни талаб қилиб қайта-қайта тушунтириш хати ёздираверди. 5 марта берган кўрсатмамни йўқ қилиб юборди. Кейин мени жиноий қидирув бўлими бошлиғи Р. Югайнинг кабинетига олиб борди. Улғудай дўппослашни айтиб кўрқитди ва мендан яна иқроорнома ёзишни талаб қилди.

Мақсадларига эришолмагач, улар мени уриб ташлашди. Аллақандай Илдор исмли кимса эшикни ичидан кулфлади. Оразалиев ойна ёнида туриб олди. Югай эса мени сочимдан тортиб бошимни деворга ура бошлади. Мен хушимдан кетдим. Узимга келиб ўрнимдан тура бошлаганимда Илдор кўкрагимга ва оёғимга тепа бошлади. Мен яна ўзимдан кетиб қолдим. Кейин менга яна иқроорнома ёзишимни талаб қилишди. Шунда мен мабодо «айтганларини қилмасам бу жойдан тирик чиқмайман» деб ўйладим ва иқроорнома ёзиб бердим. Лекин аслида ҳеч кимни урмаганман.

Кейин Югай лейтенант В. Эрнazarовни чақирди. Мени ҳожагга олиб чиққан лейтенант «У ерда нима, сени уришди-ми?» деб сўради. Мен «Ҳа, жуда ёмон уришди. Бошим айланяпти» деб айтдим...

Аризасининг давомида Ойбек шу ишловдан кейин терговчи Каримбоев қандайдир қоғозга ва протоколга имзо чекишни буюрганини ёзади.

Ҳодиса ҳақида у қуйидаги гапларни айтган. Ушанда қизларни кузатиб қўйиш тақлифи Маден Тўрамуротовдан чиққан. Қизлар қўпол муомала қилишганида унинг жаҳли чиқиб сўкинган. Шунда қизлар билан кетаётган йигит ариқдан ҳатлаб ўтиб Ойбекка ташланган. Негаки Ойбек четда кетаётган бўлган. Табиийки, у ўзини ҳимоя қилган. Бироз вақт ўтгач ичи одамга тўла машина йигитларга рўбарў келган. Йигитлар қочишган. Ойбек қоқилиб йиқилиб тушган. Унинг ёнида қўлида алламбало қорайиб турган Маден бор эди.

Ариза 24 октябрда ёзилган эди, бироқ у ўз эгасига етиб бормади. Ойбек онаси ҳамроҳлигида аризани шаҳар милиция бошлиғига топшироқчи бўлиб унинг қабулхонасида турганида терговчи Каримбоевни кўриб қолади.

— Нега бу ерда турибсан? — сўрайди терговчи ва унинг қўлидан аризасини олиб ўқиб кўради. — Э, акамullo, бекор ўлган илоннинг бошини кўзгабасан. Сенинг ишларинг яхши тинчиб кетди. Сенга 90-моддани қўлладик ва масалангни коллективингга ҳавола қилдик. Юр, мен сенга паспортингни олиб берай... — дейди.

Шу билан ярашган бўлишди. Ойбек бу бир фитна эканини ҳеч хаёлига келтирмаган эди.

Терговчининг галига лаққа тушган йигит ёқимсиз ғалвага яна бош суққиси келмади. Майли, оғриқ ўтар, яра битар, ўйлади у. Асабларим шунча бузилгани ҳам етар.

Каримбоев эса аризани ўқиб безовта бўлди. Дўппосланганлиги ҳақидаги гап майлику-я, бунга у аралашмаган эди, бўлган ҳодиса тафсилотларини аниқлаш учун Жақсимуратов ички ишлар бўлими бошлиғидан ишни бошқа терговчига ўтказишни сўраган эди. Воқеанинг бундай чаппа кетиши энди иш бошлаган терговчига обрў келтирмаслиги тайин. Шу боис у яна қабиҳликка қўл уради...

Воқеанинг буёғи маълум: 6 январда суд жараёни бошланди, 7 январда эса судья Отажонов Жақсимуратовнинг паспортини олиб қўйди, шу кун иш инсон суд залининг ўзида ҳибсга олинди.

СЎНГИ ШАРҲ

Нега Ойбек Жақсимуратовни айбдорлигини тасдиқлайдиган аниқ далиллар бўлмагани ҳолда суд қилишди? Сабаби оддий: илк иқроорномани базўр қўлга киритишди. Кейинчалик паспортини қайтариб бериб ундаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш туйғусини рафлабда қолдиришди, ишни эса жиноий жавобгарликка тортиш учун сездирмай тайёрлай бошлашди. Йигит бегуноқлигини ҳис қилар, негаки у ҳеч кимни урмаган, жамоат тартибини бузмаган эди. Судга чақириқ қоғозини ва айблов хулосасини у 5 январда олган бўлса, 6 январда

мажлис бошланди. Натижада у ёлгон айбномадан ўзини ҳимоя қилишга тайёрлана олмай қолди.

Суд мажлисида адвокат «дастлабки терговда жиноят қилганингни бўйнингга олибсан, шунинг учун судда ҳам айбингни қисман бўйнингга олсанг, суд буни ҳисобга олади ва гуноҳингни енгиллаштиради» деб маслаҳат, тўғрироғи панд берди. Довдираб қолган йигит энди судда ҳам, кассацион шикаюятида ҳам дастлабки терговда зўрлик йўли билан мажбуран айтган ёлгон гапини такрорлайверди. Тушунарли ҳол. Йигит ҳали бунақа ишда тажрибасиз эди. Қолаверса, у «фақат ҳақиқатни айтаман», деб тилхат ҳам бериб қўйган эди. Унда «агар ҳозир рост гапни айтсам, дастлабки ёлгон кўрсатма учун жавобгарликка тортишса-я», деган таҳлика ҳам бор эди.

Ҳар ҳолда, Каниёзовни Ойбек Жақсимуратов урмаган бўлса, у ҳолда ким урган? Бу ҳодисанинг гувоҳлари йўқ. Лекин бу муаммо ҳақида терговчи Каримбоев ўйлаб кўрди-микан? Албатта, йўқ. Нега бўлмаса деярли чексиз ҳуқуқлардан фойдаланиб, кўнгилга нима ёқса, шунини тўқиб чиқармоқ мумкин? Терговчи жабрланувчининг «Мен улардан бирини қувиб, девордан ҳатлаётганимда кимдир бошимга тош билан солиб қолди» деган кўрсатмаси ҳақида ҳам ўйлаб кўрмади.

Очерк муаллифи Маден Тўрамуротов билан Жумамурот Алламбергеновни ҳамроҳ қилиб олиб ҳодиса юз берган жойни бориб кўрди. У ерда, яъни тўртовлон ҳатлаб ўтишган жойдан жабрланувчи ошиб ўтмаган. Уни бу ерда биров уролма, сабаби тўсқач жудаям баланд эди. Қолаверса, ўн метр нарида чироғини ёқиб турган машина ҳайдовчиси бу воқеани кўрмаслиги мумкин эмас. Шундай бўлган тақдирда у девор бўйлаб югурдим, деб айтиш ўрнига, дарвозага қараб югурдим, деган бўларди. Демак, у деворнинг нариги ёғига ошиб ўтолмаган «аллаким»нинг кетидан югурган. Улар девор бўйлаб ҳам эмас, нарироқдаги бир эски бино ёнидан югуриб ўтишган. Негаки унинг ёнида ҳам пастак девор бўлган. Бу бино ёнидаги девордан икки метрча бўртиб чиққанлиги учун машина чироғи ёритолмай қолган қоронги жойда фоғија содир бўлган.

Бироқ Маден Тўрамуротовни содир қилган ҳодисасида айблаш мумкинми? Мен «содир қилган» деб тўлиқ ишонч билан айтяпман. Қолаверса, у мақтанчоқлик билан ўзини соғиб ҳам қўйган. Лекин шахсан мен Тўрамуротовни аини шунинг учун айбламайман — негаки у тош билан бировни урганида ўзини ҳимоя қилиш туйғуси туфайли шу ишни қилган. Машинанинг чийилдоқ овози, чироқларнинг ўчиб-ёниши, одамларнинг бақириқ-чақириқлари яхшиликдан далолат бермасди, у ўйлаб ўтирмасдан тош билан рақибини уриб қўя қолган. Уни аблаҳлиги ва сотқинлиги учун жиддий айблаш даркор. У ўз виждонига хилоф равишда милиция ходимлари билан «тил топишди» ва ўз дўстини ноҳақ жазога гирифтор қилди. Ўз дўстларини тақхирлашга йўл қўйган анови қолган уч қўрқоқ ҳам танбеҳга лойиқдир.

Бўлиб ўтган ҳодисада Каниёзов ўзи гуноҳкордир. Негаки у биринчи ва иккинчи низоларда ҳам ташаббус кўрсатган эди. Курсант Каниёзов (эндиликда у соғлиғи туфайли Тошкент Олий милиция мактабидан бўшатишган) ҳали милиция сафларига қўшилмасиданоқ қисқа вақт ичиде МВД ходимларини кўпинча ҳовлиқтирадиган бошбошдоқлик ва жазоланмаслик туйғусидан маст бўлди.

Демак, ҳақиқат қарор топди, лекин...

Нукус шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари руҳлан-тирган, суд билан қонунлаштирилган ва прокуратура қўллаб-қувватлаган ёлгон туфайли бир инсон тақдирини барбод қилишга муҳит яратилди. Нукус уй-жой қурилиши комбинати бўёқчилар бригадаси группасининг комсорги, комсомол аъзоси меҳнат тўзатиш муассасаси маҳбусига айланиб қолди. Давлат, жамият ва комсомол ташкилоти унинг қиёфасида бир дўстини йўқотди.

Судланувчининг қанча яқинлари ҳақиқатга ишончларини йўқотганлари-чи? Улар қонунни қоралашмайди. Қонунларимиз тўғри. Бироқ қонунни амалда қўллаш кўпинча унга зид бўлади. Қонунни бузишга айбдор бўлганларни қаттиқ жазолашнинг пайти келди, зеро қонундорлар томонидан қилинган ҳар қандай зўравонлик давлатнинг обрўсига, унинг сиёсий негизига путур етказди.

Русчадан БАХТИЁР КАРИМОВ таржимаси



Яшар Қосимов

НАВҚИРОН ШЕЪРИЯТИМИЗ ТАШВИШЛАРИ

Кекса «ёш» шоирлар

Адабиётда туғилаётган янгилликни кенгфеллик билан қабул қилиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Ундай саховатли қалб ва одамгарчилик фақат катта истеъдод эгаларидагина бўлади, дейишади. Бироқ адабий малакаси ва ёши улуг санъаткорларнинг бадиий ижод оламига эндигина кириб келаётган қаламкашларга муносабати, назаримда, фақат иқтидор даражаси билан белгиланмаса керак. Устоз деган улуг ва муқаддас тушунча замирида улкан истеъдодга эга бўлиш заруратидан кўра кўпроқ, биринчи галда, миллий-маънавий келажак учун маъсулият туйғуси ва буюк ватандош, фидойи миллатпарвар бўлиш зарурати ётади. Ахир ҳеч кимга сир эмаски, ёшлар, айниқса, бугунги кунда профессионал билим таълим-тарбиясидан кўра маънавий мададга ва меҳрга зор бўлишмоқда. Бир нарсани сира унутмаслигимиз керак: адабиётнинг қутлуғ остонасида турган бўлгуси мезонларни очиб чехра билан, қучоқ очиб қутиб олишнинг ўзи ҳам бир истеъдоддир. Ноёб ва нодир истеъдод! Инсоний истеъдод.

Биз ҳозиргача жуда кўп қилмишларимизни ва иллатларимизни яшириб келдик. Энг адолатпарвар ва бахтиёр мамлакатда яшайпмиз, деб жаҳонга айюҳаннос солдик. Бизда оталар ва болалар муаммоси бўлиши мумкинмас, деб оғиз кўпиртирдик. Устозлар ёш қаламкашларни фақат ва фақат гулдасталар билан қутиб олишади, деб ўзимизни ва бошқаларни ишонтирмакчи бўлдик. Аслида, кўпинча уларни адабиётнинг остонасига ётиб олган хўмрайиқ башаралар қаршиларди...

Шуни афсус билан таъкидлаб ўтиш керакки, адабий-маданий ҳаётимизда шахсга сифиниш ва турғунлик даврларининг асоратлари, қатор иллатлари ҳамон яшаб келмоқда. Масалан, биргина ёшулли ва ёш ижодкорларнинг ўзаро муносабатини олиб кўрайлик. Таассуф, бу соҳада бўлаётган силжишлар, ўзгаришлар қувонарли даражада эмас. Ёш шоир, носир ва мунаққидлар асарларининг нашр этилиши кўнгилдагидай йўлга қўйилмаган. Нега? Чунки матбуот ва нашриётлар ҳали ҳам таниқли, тажрибали муаллифларнинг салобати олдида ожиз. Ҳали ҳам йиллар мобайнида шаклланиб пайвандланган ўзаро манфаат занжирлари узилгани йўқ. Бунақанги маҳдуд ва тор манфаат «фалсафаси» эса адабиётнинг умумий манфаатлари билан ҳеч қачон кесимшайди.

Етмишинчи йилларда ёш ижодкорларга нисбатан ҳақсизлик одат, бузилмас «қонун» тусини олди. Масалан, шу даврда шеърятга кириб келганлар ўзларининг илк тўпламларини эълон қилишга 28—30 ёшдагина зўрга эришди. Бу авлоднинг истеъдодли вакилларида бири Йўлдош Ёшбекнинг илк шеърлари 1970 йилдан буён республика матбуотида эълон қилина бошлаган. Биринчи китоби эса роппа-роса 11 йил кейин — 1981 йилдагина дунё юзини кўрди. Бунақа чекланмаган «синов» муддатининг поэзияга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиришини исботлашга ҳожат бўлмаса керак. Адабий танқид оламида аҳвол янада ачинарли. Бадиий жараёнда етмишинчи йилларнинг бошларидан буён фаол иштирок этиб келаётган иқтидорли мунаққидларимиздан бири Аҳмад Аъзам ниҳоят ўтган йилигина ўзининг биринчи

тўпламини эълон қилишга улгурди. Бу гал қутуш ва «синов» муддатининг сал кам йигирма йилга (!) чўзилганининг гувоҳи бўламиз. Ун йиллардан буён вақтли матбуотда шеърлари билан мунтазам қатнашиб келаётган Абдукарим Ислом, Ғулом Фатҳиддин, Чоршаъм, Жамол Сирожидин, Дилором Исоқова каби ўнлаб қаламкашларни биринчи тўплам севинчини қирқ ёшларда татиш «бахти» кутмоқда. Ажойиб шеърлари билан кўпчиликнинг назарига тушган, поэзиямизга саксонинчи йилларда ташриф буюрган шоирлар орасида ўзига хос овози билан ажралиб турадиган Ойгул Суяндикованинг китоби ҳозиргача биронта нашриётнинг режасига киритилмагани мени ҳайратлантиради. Носирларимиздан Баҳодир Муродалиев илк китобини анчадан бери сабр-тоқат ва интизорлик билан кутмоқда. Менимча, бу беғубор соғинччи, муқаддас изтиробни ҳурмат қилишга, қадрлашга одатланиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Шу ўринда, негадир, ёш ва марҳум (бу тушунчалар қанчалик бир-бирига қовушмайди!..) Баҳодир Содиқни эслагим келади. 21 ёшида ҳаётдан кўз юмган бу истеъдодли йигит билан танишиш, учрашиш менга насиб этмаган. Аммо унинг Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ, Усмон Азим, Муҳаммад Раҳмон, Хуршид Даврон ва бошқа шоирлар ҳақидаги кузатишлари, мўъжаз мақолалари менда ўчмас таассурот қолдирган. Жуда катта имкониятлар соҳиби бўлган бу йигит бизга ўнлаб мақолалар, адабиёт ҳақида ўзига хос, оҳори тўқилмаган мушоадалар қолдириб кетган. Булар унинг талабалик йилларидаёқ шаклланган танқидчи бўлганидан далолат бериб турибди. Баҳодир Содиқнинг фожиали ҳалокати кўпларни қайғуга солди. Шоир дўстлари унинг ўлимига марсиялар ёзди. Лекин ҳамма нарса шу билан тугади. Қўлёзмаларининг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмади. Яхшиямки ўтган йили «Ёшлик» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ёш мунаққиднинг иккита мақоласини эълон қилди. Ижодкор хотирасига бор-йўқ ҳурмат шу. Билишимча, Баҳодир Содиқнинг қўлёзмалари саккиз йилдан буён нашриётларни «кезиб» юрибди.

Яна бир муҳим масалани таъкидлаб ўтмоқчиман. 1988 йил сентябрининг 10—17-кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Дўрмондаги ижод уйида республика ёш ижодкорларининг анъанавий V семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчиларининг қўлёзмаларини ўқиш, сўзларини тинглаш жараёнида ҳаёлимда нуқул бир сўроқ айланарди: булар Усмон Носир 25 яшарлигидеяқ бешта тўплам, машхур дostonлар, классик таржималар муаллифи бўлганига, Абдулла Қаҳҳор «Сароб»ни 23 ёшидаёқ ёза бошлаганига ишонармикан?! Семинар қатнашчилари орасида чинакам ёш ижодкорлар камчиликини ташкил қиларди. Нега бундай бўляпти? 20—30-йилларда ёш ижодкорларга ғамхўрлик ҳозиргача қараганда кўп бўлганмикин? Еки ўшанда нашриётлар кўпмиди? Бу саволларни ўйлаб кўрадиган, адабиётимизнинг истиқболи учун астойдил қайғурадиган кишилар топилиб қолар. Аммо бир нарса аниқки, кейинги ўттиз йил давомида адабиётда ёшларга муносабат фақат ёмонлашиб келган. Фактларга мурожаат қилайлик. Масалан, 60-йиллар шоирлари илк тўпламларини, тахминан йигирма беш ёш

атрофида эълон қилишган. 70-йилларга келиб ўртача рақам ўттиз ёшгача кўтарилди. 80-йилларда эса ўттиз-ўттиз беш ёш қатъий «норма»га айланмоқда. Ёш ижодкорларнинг адабиётга кириб келиш ёшининг ошиб бориши билан республика нашриётларида ўзбек тилидаги нашрлар сонининг йил сайин камайиши ўзаро чамбарчас боғланган ҳодисалардир. Бу номутаносибликнинг бартараф этилиши, назаримда, кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Шаклланиш қийинчиликлари

Адабий жараёнда қудратли ва ранг-баранг истеъодлар қанча кўп бўлмасин, барибир у ҳамisha тозаришга эҳтиёж сезади. Зеро олтин куз нечоғлик сахий ва тўкин-сочин бўлмасин, табиат ўз кўкламани ҳар доим соғиниб кутади. Тараққиёт диалектикаси шундай. Табиат сингари руҳлар ҳам янгилашиб боради. Шеърят баҳори — ёшлик. Ўзгариш қонунияти табиатнинг ўзидай абадийдир. Табиат фаслларида биронтасини қисқартириб бўлмаганидай, бадий тафаккурда авлодларнинг давомийлигини ҳам ўзгартариш амри маҳол.

Ўзбек шеърятини олтмишинчи йилларнинг ўрталаридан эътиборан бошланган туб бурилишдан буён салкам чорак аср вақт ўтди. Бу бурилиш янги ўзбек лирикасининг тарихини бошлаб берди. 65—75-йиллар мобайнида ўзига хос бадий идрок ва мушоҳада тарзи, мустақил гоёвий-эстетик дунёси бўлган бутун бошли бир поэтик бўғин камол топди. Турғунлик даври иллатлари ушбу адабий наслнинг шаклланиши ва ўсиши жараёнида унга муайян даражада қаршилик кўрсатган бўлса-да, умуман унинг ривожини йўлини бутунлай тўса олмади. Ҳозирги шеърятимиз қиёфасини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. 70-йилларнинг ўрталарига келиб навбатий поэтик «портлаш» содир бўлди — янги лирикада иккинчи тўлқин бўй кўрсата бошлади. Етмишинчи йиллар қаламқашларининг поэзияга шиддат билан кириб келиши шеърятимизнинг улкан ижод йўлига чиқаётганидан, унинг изчил ва табиий тараққиётдан дарак берарди. Бу авлод кейинги бир-икки йил ичида ўз «Лирика»ларини адабий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилди. Шу нарса, биринчидан, ўн йиллик ижодий изланишларнинг сарҳисоби, илк ижодий босқич якуни бўлса, иккинчидан, уларнинг поэтик ёшлик, «ёш шоир» унвони билан хайр-кўшлашишлари эди.

Биз шундан кейингина 80-йиллар ёшлари тўғрисида ўйлай бошладик. Яъни, хайрлашаётган ёшликнинг виро садолари бизни навбатдаги авлод тақдири хусусида ўйлашга ундади. Ва ўшанда уларни кўрмай хайратландик. Бу поэтик тараққиёт гармонияси бузилишининг илк белгилари эди. Аслида ёш шоирлар бор эди, бироқ уларнинг адабий факт сифатида тасдиғи йўқ эди, холос. Шунинг оқибатида мазкур ўн йилликнинг охирларида биз ёш қаламқашларнинг биринчи тўпламларини эмас, балки уларнинг илк чиқишларини ўқиш билан кифояланмоқдамиз. Демак, амалда 80-йиллар ёшлар шеърининг бугунги аҳволи ва умуман моҳияти ҳақида узил-кесил фикр айтиш имкониятидан маҳрумимиз. Бу авлоднинг матбуотда ва айрим коллектив тўпламларда эълон қилинган машқлари юзасидангина баъзи бир мулоҳазалар айтиш мумкин.

Навқирон поэтик насл вакилларининг адабий ва ҳаётий тажриба жиҳатидан таркиби анча мураккаброқ. Уларнинг бир қанчаси ўттиздан ошиб, ўттиз бешга қараб кетаётган бўлса, асосий кўпчилиги ўттиз ёш атрофида. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу нарса ёшлар шеърятини баъзи бир ғалати, ғайриодатий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Айтайлик, улар ижодида «хайрат» ўрнига «хотирот», илк севги кечинмалари ўрнига турмуш ташвишлари бўртиброқ кўринади. Уларнинг илк тўпламларида ёш шоир дунёсига унча «ярашмайдиган» аломатлар кучлироқ сезилса ажаб эмас. Бунинг асосий сабаби битта — маънавий-ҳаётий тажриба, адабиётга кириб келиш, нашр қилиниш вақти билан ёш ўртасидаги номутаносиблик. Бироқ бу авлодни «кечikkan авлод» деб аташга ҳаққимиз йўқ. Иқтидорли шоирларимиздан Ҳалима Аҳмедова олдиндан сезгандай бизни бундан огоҳлантиради:

Бизлар кечикмадик, кечикди дунё.

Турғунлик даврида барча маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўз асл моҳиятини йўқотиб қўйиши истеъодларга муносабатда ҳам намоён бўлди. Истеъодлар ва ёш авлод тақдирига бефарқлик, маънавий бойликларга майда буржуача муносабат ўтган даврнинг энг машғум иллатларидан бири сифатида англаймоғи керак. Ёш шоирнинг қуйидаги мисралари ўша давр психологиясининг, ижтимоий-ахлоқий иклимининг умуман ёш авлодлар тақдирида акс-садосидай жангларлайди:

Сен дединг кечикдик, хуржунлар бўм-бўш,
Карвон талангандир, қароқчилар кўп.
Рухим, таланганлар битта биз эмас,
Уларнинг дардини, гуноҳини ўп.
Қара, қорачигим тундан-да қаро.
Унда бир ярадор дарахт ўсади.
Бу очкўз дунёнинг чўнтакларини —
Менинг умидларим қонлар қусади.
Сен дединг кечикдик. Кечикмадик биз
Аслида кечикиб дунё айланди.

Кечиккан дунёнинг бегоналиги, ўзларига нисбатан бефарқлик ва бепарволик ёшлар шеърятини қандайдир бир хафагарчилик, гина, араз каби кечинмаларга туртки бериши, назаримда, табиийдир. Теваракка хайратнинг, муҳаббатнинг кўзлари билан қараган ёш қалбнинг бу бағритош дунёнинг меҳрсизлигидан, лоқайдлигидан ўқинишга маънавий ҳаққи бор деб ўйлайман. Истеъодли қаламқашлардан Чори Авазининг бир шеърини кўриб бундай кечинмалар гоят таъсирчан ифодаланган:

Мен ҳаётнинг остонасидан
Эндигина ҳатлаган одам.
Қимтинганга ўхшайман минг йил
Ичкарига қўймоққа қадам.

Бирор кимса ёнимга келиб,
Ҳеч менинг ҳолимни сўрмади.
Мен ҳаммани кузатдим минг йил,
Минг йил мени ҳеч ким кўрмади.

Чумолидек қатор ва қатор
Ўтишдилар шошиб, суришиб.
Кўрмадилар баъзида ҳатто
Кетишса-да менга урилиб.

Ғалати бир хайронлик ичра
Туравердим безабон, қарахт.
Остонага ботган оёғим
Илдиз отди мисоли дарахт.

Япроқларим қуйлар безовта,
«Биз одамимиз, биз дарахт эмас.
Минг йил бизни ҳеч ким кўрмади,
Энди кўриб қолишмасанга».

Ҳа, бу шеър, айниқса, «Остонага ботган оёғим Илдиз отди мисоли дарахт» сатрлари шеърятимизнинг табаррук бўсағасида турган, остонадаёқ илдиз отаётган навқирон авлод ҳолатининг рамзий инъикосидай англашиши мумкин. Мақсуд Бекжоннинг ўз тенгдоши Абдували Қутбиддиновга бағишланган «Қачон ва қаерда» шеърини ҳам шундай кайфият бор. Муаллиф тилақларини ҳазил тариқасида ифодаласа ҳам унинг ўз сафдошлари истиқболга ишончини, некин тасаллисини жиддий қабул қилиш керакка ўхшайди:

Қоядай виқорли пешонанг узра,
Ҳалпираб узилар дафна барглари.
Бошингни буюк бир гулчамбар безар,
Шодликка айланар шеъринг — дардларинг.

Ўнутма, кеч кузда, дафна остида
Юксак тақдирлар нар ҳар битта сўзинг.

Бадий тафаккурда қарашлар ва услублар ҳар киллиги ҳам, турли маънавий-ҳаётий тажрибага эга авлодларнинг мавжудлиги ҳам, миллий сўз санъатининг балоғатидан да-

рак беради. Шеърятимизга кейинги йилларда кириб келаётган, ҳали илк тўпламини бостиришга улгурмаган ўнлаб қаламкашнинг изланишлари ўзига хос ёндашувни, алоҳида муносабатни тақозо этади.

Ўзликнинг ифодаси. Ёш лирик қаҳрамоннинг маънавий-ахлоқий мавқеи

Бу кун биз янги авлод деб атаётган ёш ижодкорларнинг кўпчилиги саксонинчи йилларнинг бошларидан буён бадий жараёнда кўриниб келмоқдалар. Демак, уларнинг ижодкор-шахс сифатида шаклланиши, эстетик ва гражданик мавқеларининг таркиб топиши турғунлик даврининг мураккаб, ижтимоий ноҳақлик ва зиддиятларга бой шароитида кечган.

Уларнинг илк изланишлар савиясидаги қалам тажрибалари билан танишлик шуни кўрсатадики, шеъримиз сўнги йигирма йилда қўлга киритган бебаҳо поэтик-ахлоқий сифатлар, қадриятлар ёш қаламкашлар ижодида фаол потенциалга айланмоқда. Ёшлар шеърятисидаги ранг-баранг мавзулар, кўтарилган муаммоларгина эмас, балки жуда муҳим бўлган ижтимоий-ахлоқий позиция лирикамининг чорак асрдан буён тўғри ва истиқболли йўлдан бораётганини кўрсатиб турибди. Поэтик ёшликнинг эзгу ният ва орзулари М. Бекжоннинг қуйидаги шеърида ўзининг равшан ифодасини топган:

Тонг етим,
Тонгдан ҳам етимроқ ким бор?
Кел, унга сен — она, мен — ота бўлай.
Токи у бечора, ҳар гал умидвор
Боқмасин — кўзлари аламга тўла.

Токи сал юпансин бизнинг меҳр-ла,
Бизларга мақтансин чиройи билан.
Ўзини овутсин бизни сеҳрлаб,
То биз ҳам чиқайлик туннинг измидан.

Ахир, тонг эгасиз, эгаси йўқ уй,
Юракни эзгудай ҳувиллаб ётар.
Кел, уни тўлдирсин биз танлаган куй,
Ҳам бизга бошпана бўлсин Тонготар.

60—70-йиллар шоирларининг дунёнинг энг бокира ва беғубор чоғи — Тонг ҳақидаги маҳзун қўшиқлари ёдга тушади. (Чўлпон Эргаш, Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ ва бошқаларнинг тонг кайфиятини акс эттирган шеърларини эсланг.) Рамзий образ даражасига кўтарилган Тонг поэтик насллар яқдиллигининг тасдиғидан бошқа энди шаклланаётган навқирон эстетик идеалнинг ёруғ моҳиятини ҳам рўй-рост акс этдиради. Зотан, «Тонготар садолари»нинг (Ч. Эргаш) жўшқин, исёнкор «Тонготар куйлари»га айланиши муқаррар.

Тарихга, халқнинг ўтмишига муносабат ҳар қандай адабий авлоднинг маънавий қиёфасини белгилайдиган асосий мезондир. Чунки англаган тарих, тирик хотира нафақат эстетик қадрият маъносида зарурийдир ҳамда муайян ижтимоий реалликнинг, миллий мавжудликнинг бош омилидир. Чунки авлодлар хотирасида кечмишнинг ўчиши бевосита миллий ўзлик ва бутунликка дарз кетиши демакдир. Агар олтмишынчи йиллардан то ҳозиргача поэзиямиз маънавияти ва моҳиятида узлуксиз давом этиб келаётган гоъвий-бадий изланишларни мухтасар умумлаштириш зарурати туғилса, уни унутилаётган тарихни тиклаш, «хотира ҳуқуқи» (А. Твардовский) учун кураш деб аташ тўғрироқ бўларди. 60—70-йиллар шоирларининг шу йўналишдаги уринишлари поэтик тарихимизнинг унутилмас саҳифаларига кириди. Бироқ ёшлар шеърятининг ҳозирча кам ёритилгани ҳамда уларнинг ижтимоий-тарихий мавзудаги ўткир шеърларига матбуотнинг унчалик саховат кўрсатмаётгани бу масалани кўнгилдагидай очиш имконини бермади. Шу боис айрим мулоҳазалар билан чекланиб қўяқоламиз. Хarakterли намуналардан бири сифатида Рауф Субҳоннинг қуйидаги шеърини келтириб ўтиш ўринлидир. Бу шеърда

тарих — маънавий эҳтиёж, хотира — Ватан эканлиги «тош» образи орқали муваффақиятли очилган:

Булутлар
Қояларни,
Йиғлаётган беваларни,
Қора тутунларни эслатар...
Булутлар марҳумларни эслатмас фақат.
Чунки улар тош бўлиб сочилган
Ватанга.

Гулингни тупроққа отма, бу нола,
Сен уни бирон бир тош устига қўй.
Қўлдаги нонингни ташлама, бола,
Сен уни бирон бир тош устига қўй.

Бу сатрлар устод Рауф Парфининг машҳур «Битик тош» ини эсимизга туширади. Илк бор Ватан тошлари Рауф Парфига Ватанинг мангу тимсоли бўлиб кўринган эди:

Вақт қуюнида не давру даврон,
Бу тошга айланган эркдир, бардошдир.
Бу Ватан аталган муқаддас армон.

Унга қарайману бир ҳис туяман,
Бу юртим тимсоли мангулик тошдир...
Юрагим тошига шеърим ўяман.

Тасодифий эмаски, иқтидорли қаламкашларимиздан Эшқобил Шукуровнинг «Езувлар» туркумига кирган шеърларидаги йитаётган-чўкаётган тошларимизга трагик муҳаббатни замирида ҳам бугунги ёшлар учун анъанага айланган мотив — Ватан тошларига ватандошлик севгиси ётади. Навқирон поэтик тажриба кўҳна ва маълум ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди; ҳар қандай авлоднинг ватанпарварлик хислатининг моҳиятини улардаги ворислик тўғрисидаги даражаси белгилайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ватан тарихига муносабатнинг характер ва қўлами эстетик фикрнинг аҳволинигина билдирмайди. Балки ижтимоий тараққиётнинг, жамият маънавий ҳаётининг ва умуман, миллий ўзликни англашнинг даражасини ҳам белгилайди. Агар, масалан, тарихнинг бебаҳо ёдгорликлари, ўтмиш бойликлари, маданий мерос намуналари қадрсизланаётган экан, демак, бу ниманингдир аломатидир. Демак, замондошларимиз маънавиятида қандайдир йўқотишлар рўй бермоқда. Жамиятда ахлоқий-ижтимоий қадриятлар инқирозга учрамоқда, ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Зотан унутилаётган ўтмиш — ўтмишнинг эмас, айнан бугуннинг фожиасидир. Чунки ўтмишни яшата олмаслик яшашга ноқобилликнинг аломатидир. Хотирасиз, тарихдан узилган авлодларнинг тақдири, истиқболи хавф остида қолади. Ёшлар поэзиясининг қатор намуналари, жумладан Карим Баҳриевнинг «Оқсарой» номли шеъри кишини ўйлантиради. Муҳим ва жиддий ҳулосалар чиқаришга ундайди:

Ҳали ҳам тик турса кўҳна Оқсарой,
битар толедаги қанча кемтиклар,
бу улкан бинога тикилган одам
чўккан руҳларини оларми тиклаб...
Сокинман.
Нафасим ютаман ичга
Қаттикроқ йўталсанг —
тупроқда кўчин.

Осмонга термулиб ўлаётган қушга
ёрдам беролмайди наҳотки ҳеч ким.

«Осмонга термулиб ўлаётган қуш» ўхшатиши — йитиб бораётган ўтмиш ҳақиқатини, яъни замондошларимиз, юртдошларимиз фожиасини шафқатсиз очиб ташлайди.

Ёш шоирларнинг аксарияти ҳаётий фожиалар, бугуннинг долларб муаммолари ҳусусида ўйлаётганларини дадил айтишдан чўчимайдилар. Улар ўтмиш ҳақида, бугунимиз ҳақида бор ҳақиқатни баралла айтишни ўзларининг гражданик бурчи деб биладилар. Вуни фақат табриклаш мумкин. Бир пайтлар — 60—70-йилларда — поэзия имо-ишоралар, мураккаб рамзалар орқали шивирлаб айтган дард ва аламларни навқирон шеърнинг ҳайкириб айтиши қувонarli ҳол, албатта. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий ҳаётда қа-

дор топаётган ошкораликнинг шеърятдаги акс-садосидир. Ешлар шеърятда ҳаётини ва ижтимоий мундарижанинг теранлашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Уларнинг ўз изланишларида бадиий топилма ва образларнинг янгиланган ташқари, фикрий-ғоявий кўламдорликка интилиши таҳсинга сазовордир. Масалан, истеъдодли шоир Яхё Тоғанинг

**«Пешонанг шўрини ювмоқми учун
Қатор ариқларни тортиб борар вақт»,**

мисралари ўзининг оригинал метафорик сифими ва ижтимоий умумлашма кўлами билан ёдда қолади. Иқтидорли қаламкашлардан Чоршаъм чуқур миллий-ижтимоий дардларимизни хассослик билан оддий «Топишмоқ ўйин» мантигага сингдирган. Болаликнинг беғубор ўйини билан муқоясада катталар ўйини, улуғларнинг қалтис «ҳазили» нақадар оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги шеърда маҳорат билан очилган:

**Шаҳар бердим Самарқанд деб,
Топишмоғинг топмайин.
Шаҳар бердим, ол, Ташкент деб,
Сираям тап тортмайин.**

**Мен айрилдим Фарғонадан,
Шаҳар бериб толдим-эй.
Охир кетди Бухоро ҳам,
Мен шаҳарсиз қолдим-эй.**

**Ҳаммасини сен олдинг-а,
Қолдирмайин бир дона.
Мен ўша тун томга чиқиб,
Йиғлаб тушдим пинҳона.**

Воқеликнинг бетакрор образлар орқали фоживий инъикоси Абдували Қутбидинов қатор шеърларининг ҳам етакчи хусусиятидир. Бу, айниқса, «Машрабнинг топилмаган тўртликлари» туркумида ёрқин назарга ташланади:

**Турналар тумшугида
Сақлар қон ила тузни.
Фарёдим эчкиэмар
Соғиб олар юлдузни.**

Ёки:

**Ит калласин туғ қилиб
Ватан қилар ибодат.
Тўқимлаб эшакларини
Тоққа кетар саодат.**

Ҳаёт ва табиат ҳақидаги кўникилган тасаввурларни, оддий ва эски ҳақиқатларни поэтик мантиқнинг кучи билан инкор этиш орқали уларга янги ҳаёт-ғоявий-бадиий маъно юклаш тажрибаси Азиз Саиднинг изланишларида яхши самаралар бермоқда. Масалан, ёш шоирнинг ихчам шеърларидан бирида мароқли зидлантиришга дуч келамиз: «Яна баҳорми, Мен чарчадим. Яна гулларми, Мен чарчадим. Яна ёмғир, Куртаклар. Бўса... Илтимос, елкаларимдан олинг бу бахтни, Мен бултурги хазонлар остида Бир пас дам олай. Чарчадим». Табиатнинг уйғонаётган ва яшараётган маҳали (баҳор, гуллар, ёмғир, куртаклар, бўса...) билан бултурги хазонлар остида тин олиш истагининг қаршилантирилиши «мен» ҳолатини ғоят аниқ ифодалайди. Лекин бу шеър шунчаки ҳолат ёки кайфият шеъри эмас. Умуман, юқоридаги сатрлардаги ҳасратнишинликни ўткинчи кайфиятдан тугилган деб бўлмайди. Айниқса, «Илтимос, елкаларимдан олинг бу бахтни» мисрасидаги «бахт» сўзи шеърни шундай тор, бирёқлама тушунишга руҳсат бермайди. Муаллиф ғоясини англлатувчи сўз ўрнида турган «Бахт» айнан ўша сатрни «Мени бахтсизлигим билан ёлғиз қолдиринг» маъносига ўқишга ундайди. Зеро идеал ва орзулар инқирозга учраган муҳитда нарс-тушунчалар ўз моҳиятидан йироқлашади. Сўзлар ҳақиқий маъносини йўқотади. Гуллар, кур-

таклар ва бултурги хазонларнинг фарқи қолмаган маънавий-ижтимоий заминда «бахт» сўзининг бутунлай тескари маъно бериши табиийдир. Бу ўринда кимдир сиёсий зийраклигини намоён қилиш учун «Нимага? Нега?» деган аъъанавий саволлар билан тиқилинч қилиши ҳам мумкин. Ешлар шеърятда бу хил «қошулай» ва «қалтис» саволларга аниқ жавоблар борлиги кишини қувонтиради. Айтайлик, А. Саиднинг ўзининг лирик миниатюраларидан бири айна шу жиҳатдан эътиборни тортади.

Шундан бошланди ўзи:

**Орзуларни бошқача ном билан аташдан,
кун ботишини тонгга ўхшайди дейишдан,
бўлмаса, жарни тоғ деб ўйларимдик
Севгилим.
Ташбех шафқатсиз.**

Бу шеър бадиий умумлашма ва таҳлил кўламининг кенглиги билан ёдда қолади. Зотан, гуноҳларга, турфа ёлғонларга кўмилган яқин ўтмишимиз бундан ҳам шафқатсиз ташбехларни тақозо этиб турибди.

* * *

Еш шоирларнинг матбуотдаги чиқишларигагина суяниб туриб уларнинг услубий изланишлари хусусида муайян бир тугал мулоҳаза билдириш қийин, албатта. Аммо ёшлар шеърятда шаклланаётган айрим услубий аломатларнинг баъзи бир ижобий ва салбий жиҳатларига тўхталиш мумкин деб ўйлаймиз.

Навқирон поэзияда 60—70-йилларнинг лирик-услубий ўзига хосликларининг акс этиши, бизнингча, табиий бир ҳолдир. Зеро, бугунги ёш қаламкашларнинг эстетик диди ва қарашлари бевосита ўша поэтик даврларнинг таъсирида шакланган. Улар Абдулла Орипов поэтикасидан кўп нарсаларни, жумладан, энг ўткир фикрларни, исёнкор кечинмаларни нозик имо-ишоралар орқали, тагдор қилиб ифодалашди, Рауф Парфи лирикасидан серқатлам истиоралар, мураккаб рамзлар санъатини кунт билан ўрганиб, ижодий ўзлаштирмоқдалар. Омон Матжон, Эркин Воҳидов, Миразиз Аъзам, Чўлпон Эргаш, Жамол Камол ва бошқа танқили шоирларимизнинг ҳам ранг-баранг поэтик оламлари ёшларнинг фаол муносабат ва қизиқиш доирасига киради. Айниқса, бу санъаткорларнинг қатор шеърларига хос бўлган рамзий-тематик ва рамзий-воқеабанд тасвир усуллари янги бўғин вакиллари машқларида ҳиссий ва интенсив бадиий инъикос воситаларидан бирига айланмоқда.

80-йилларнинг ёшлари ижодига олдинги авлод — 70-йиллар шоирларининг баракали таъсири хусусида ҳам кенг мулоҳаза юритса бўлади. Оқ шеър ва сарбаст шеър шаклларининг навқирон поэзияда салмоқли ўрин эгаллаб бораётганлиги бу таъсирнинг самарасидир. Муҳаммад Солиҳнинг лирик-фалсафий миниатюралари, Йўлдош Эшбек, Азим Суён, Усмон Азим, Садриддин Салим ва бошқалар ижодида халқ оғзаки шеърятига, умуман, фольклор қадриятларига янги ҳаёт бериш, Муҳаммаджон Раҳмон, Матназар Абдулҳаким, Шавкат Раҳмон, Усмон Қўчқор, Шуқур Қўрбон, Хуршид Даврон ва шу авлоднинг бошқа намоёндаларига ҳам тегишли бўлган ўтмиш ва бу кун алоқаларининг теран, изчил талқини, янги ҳаёт миллий-эстетик замон концепцияси ва ҳ. к. ёш бўғин вакилларининг маънавий-поэтик сарчашмалари қаторида туради.

Қайта қуриш ва ошкоралик даври поэзиямиз услубида жиддий ўзгаришлар яратмоқда. Бугунги кунда адабиёт бутунлай янги ижтимоий-сиёсий иқлимда нафас ола бошлади. Кечагина шивирлаб айтиладиган гаплар шеърдан-шеърга кўчиб юрибди. Жамият иллатларини фош қилиш, шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида халқимиз бошдан кечирган кўрғиликларни ёритиш адабиётнинг асосий мақсадига айланди. Бироқ бирданга аён бўлдики, фош қилиш маҳоратимиз анча паст экан: фожиа ва дардларни очик-ошқорга айтиш услубини, рост сўзлашни негадир унча эплай олмагимиз... Аксарият роман-киссаларимиз тили очерк-мақола тилидан фарқ қилмай қўйди. Кўп шеърларни эса бемалол


қофияли публицистика деб атаса бўлади. Шеърятда бир хиллик, яланғочлик, шовқин-сурон кучайиб кетмоқда. Нафосат, гўзал эҳтирослар, бетакрор кечинмалар камайиб, камёблашиб бормоқда... Нега шундай бўляпти?

Адабиётда, айниқса шеърятда бундай аҳвол юзага келишининг бир эмас, балки қатор сабаблари мавжуд. Мен улардан биттасини тилга олмоқчиман. Назаримда, поэзиянинг мақсадлари билан ифода воситалари ўртасида қандайдир бир номувофиқлик, уйғунсизлик пайдо бўлганга ўхшайди. Биз етмиш йил мобайнида одатланиб келган бахтиёрликни куйлаш услуби ошкоралик даврининг теран реалистик таҳлил талабларига жавоб беролмайди. Таъбир жоиз бўлса, ёлгон сўйлашга одатланган тил рост сўзлашга қийналаётгандай туюлади. Шахсга сиғиниш даврлари ва турғунлик йилларининг поэтик арсеналидан мерос бўлиб қолган бахт ва шодликни тараннум этиш усуллари, дабдабали, ҳаётийликдан узоқ услуб андозалари янги босқичнинг трагизмга йўғрилган инъикос йўсинини яратишга наинки ёрдам бермайди, балки тўсқинлик қилади. Кейинги уч-тўрт йил давомида сталинизм қурбонлари, республикамиздаги мудҳиш монокультура фожиалари, Орол ва бошқа сон-саноксиз йўқотишларимиз ҳақида ўнлаб, эҳтимол юзлаб асарлар битилганига қарамай, ҳали-ҳануз биронта ҳақиқий гўзал, қалбларни титратадиган, даврининг фожеали гимни даражасига қўтарилма оладиган шеър яратилмагани шундан далолат бермаяптими?

Бу кун барчамиз, чинакам ижодкор аввало фожианавис бўлиши керак деган, замонлар синовидан ўтган буюк ҳақиқатни чуқур англамоғимиз зарур. Жамият ва ҳаёт иллатларини фош қилиш маҳоратини, арзон публицистик талқин тузоғига илинишдан сақланишни, фикрни очиқ-ошқора ифода қилиш, воқеликни трагик тасвирлай олиш услубини, хуллас, фожиани фожидай ёзиш маданиятини пухта эгаллаш ҳозирги адабиёт олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу, бир томондан, янги даврнинг ўзига муносиб поэтик услубини яратиш, иккинчи томондан эса, умуман бадиий идрокни олдинги — табиий ўзанларига қайтариш нуқтаи назаридан жуда катта аҳамиятга моликдир.

Максим Горький СССР Ёзувчилар союзининг I съезидаги машҳур нутқида шуларни алоҳида таъкидлаган эди: «Биз жуда катта, дунё аҳамиятига молик ишга бел боғлаганмиз ва бу ишда иштирок этиш учун шахсан намуна бўлишимиз керак. Биз улкан фожиаларга тўла даврга кириб бормоқдамиз ва биз бу фожиаларни қадимги трагиклардек мукамал тасвирлашни ўрганишимиз, шунга тайёрланишимиз лозим». Бу гаплар айтилганига ярим асрдан ошган. Кўп миллатли совет адабиёти бу ҳаётий зарурий вазифани маълум сабабларга кўра уддалай олмаганига қарамай (айрим ижодкорлар асарлари бундан мустасно, албатта), мана шу пайғамбарона башорат ва ўғит бу кун, айниқса долзарб янграмоқда. Зеро, сўз санъатининг энг умумий таърифи инсоншунослик бўлса, энг аниқ таърифи, ҳеч шубҳасиз, фожиашуносликдир.

Шуҳрат Умаров



Удум

Орол туғёнларин сезмадик аввал,
Қирғоқлар чекинди, тўлқинлар тинди,
Бутун бошли денгиз тақдир чигал
Бўлганда дод-фарёд этармиз энди.

Тупроққа заҳарлар сочиб неча бор
Хабарлар тингладик чалишиб қарсак.
Табиат йиғлагач, биз тортдик ҳушёр,
Еримизни абгор қилибмиз кўрсак...

Далли дарёларни севармиз беҳад,
Ва зарра тупроққа меҳримиз кўп чўнг.
Фақат иззатини қўямиз баланд
Ё дардманд бўлгач у, ёки ўлган сўнг.

Туш

Боғлар уйғонди бир хомуш туш кўриб,
Кеча, кечмишларин нотаниш кўриб,
Ёнар эмиш сувлар, ёнармиш дарё,
Қизғиш алангада чўл, дала, саҳро.

Оққушлари тўзғиб қочармиш ҳар ён,
Денгиз тўлқинлари ўрни чанг-тўзон.
Балиқлари йиғлаб, сўрар сув, ҳаво,
Булбуллари тўзган, тўрғай-бенаво.

Серноз табиатнинг букулган қадри,
Ортган эди беҳад тупроқнинг дарди.
Юрт бошида сўнгсиз тўлғонинг кўриб,
Халқим уйғонди бир хомуш туш кўриб.

* * *

Оёғингдан чалса дард ногоҳ,
Тўшак узра боғласа тақдир,
Зулмат ичра ташлаб баногоҳ
Кўзларингдан яширса ҳам нур,
Қўллар ҳатто туютолмай қалам
Изтиробдан юрагинг ёнса.
Поклигингни сезатуриб ҳам
Тилинг ҳатто сўзлашдан тонса,
Фақат сендан тонмаса ёринг
(Эл наздида, балки бу ордир.)
Таянч бўлса кўзлари зоринг —
Муҳаббат шу. Муҳаббат бордир.



Сиз сўраган мавзуда

Япроқни илдиЗ деб ўйламайлик



Қора халқим, маҳкам бўлинг.
(*Элегешдан топилган ёднома*)дан,
VII аср)

Қогоз ҳукмронлиги қилич ҳукмронлигидан даҳшатлироқ. Даҳшатли томони шундаки, қогоз ҳукмронлигида нураб бораётган нарса кўзга яққол ташланмайди. Виз узоқ вақт шундай ҳукмронлик остида яшадик. Яъни бой бераётган нарсамизнинг шакли-шамойили кўзимизга кўринмади. Аввало «бисмилло»си бор, деб классик адабиётимизга тош отдик. Классик шеърят дурдоналарининг илоҳий ва эзгу эътиқод нурида ярқираган қирраларига чаласавод «дахрий»лар қўли билан лой чапладик. Аслида, бундай дурдоналар бир сандиққа жамланиб, маҳорат ила қулфланган. Калити — тасаввуф. Виз сандиқ рўпарасига келарканмиз, калитни яширишади. Виз сандиқ тирқишларидан чиқаётган шуълалардангина баҳраманд бўламыз, холос.

Худоба ҳамду сано ўқиган деб, буюк бобомиз Ҳазрат Навоийнинг машҳур «Хамса»си ҳам кесиб-қирқилмоқда. Махтумқули шеърлари ўзбекчага ўгирилар экан, динга дахлдор сўз ва иборалар «сайқалланмоқда». Унинг шеърлари билан айтилувчи қўшиқлардаги «алҳамдилуллоҳ», «ҳақ» каби сўзлар ўрнига бошқа замонавийроқ сўзлар ишлатилади. Бу феодал тузум даври акс эттирилган музейдаги жинчиқоқни батареяли фон билан алмаштиришга ўхшамайдими?

Баъзи атеистларнинг ваҳима кўтаришларига қараганда, бугунги ёш авлод эътиқоди гўёки пластилдандан ясалган: сал ҳаракат билан тақводор қилиб қўйиш, сал ҳаракат билан коммунизм ғояларига бўйсундириш мумкин. Шу боисдан айтиш мумкинки, ислом дини ёшларнинг кўзи олдида чўян панжаралар билан сарҳадлаб қўйилган.

Тадқиқ ўй, фақат таъқиқ бор. Ўз боласини севмаган киши ҳеч қачон қўшнисининг боласини яхши кўрмайди. Ўз қадрини билмаган ўзганинг қадрини-да билмайди. Виз интернационализм хусусида тўхтовсиз гапирар эканмиз, ўз миллатини

севиш ҳам миллатчилик деб талқин этилмоқда? Бунга қандай тушунлиш мумкин? Нега бугунги мактаб ўқувчиси Амир Темурдан кўра Пётр I ни, Урхун-Енисей ёдгорлигидан кўра «Игорь жангномаси»ни, Шайх Нажмиддин Кубродан кўра Матросовни, Номоз ботирдан кўра Чапаевни чуқурроқ билади, тушунади?

Ўзбек шеърятининг навқирон авлоди шоирлари мушоҳада тарзлари билан тошлардаги қадимий битикларга тобора яқинлашмоқдалар. Аммо, бу тақлид эмас, ўзи пайқаманган ҳолда ўзлигига қайтишидир. Файласуфлар ҳам айтишади-ку ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир деб. Ёш шоирларнинг ғарб модернизмлари эмас, ўз аجدодлари руҳий оламига яқинлашиши табиий бир ҳолдир. Болага нега отанга ўхшайсан, деб таъна қилинмагани каби бундай ўзликка қайтиш ҳам ҳеч кимнинг ғашига тегмаслиги, аксинча, ҳаммада ҳайрхоҳлик уйғотмоғи лозим эди. Бироқ, мунаққидларимиз саксонинчи йилларнинг ўрталаригача бу давомийликни миллий заминдан узилиш деб баҳолашди. Уларнинг тахминича, миллий замин шасхга сифиниш ва ундан кейинги даврлардаги мадҳу сано ёғдириш, яъни қизил офариндоликдан андоза олиб, байрамларда отилган мушакларгача, айтилган қадаҳ сўзларигача ўзида акс эттирган «ҳозиржавоб» шеърятнинг дарз кетган нуқтасидан бошланар экан. Уларнинг фикрича, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар шаънига ноҳақдан қора тамға босишда иштирок этган «халқ дўстлари» шеърятги ёшлар учун сарчашма вазифасини ўташи керак эди. Аммо, ёшлар бу манзилгоҳларни четлаб ўтмоқдалар.

Шундай экан, нега ёшларнинг эътиқод дунёси пластилинмонанд деб тахмин қилинади? Нима учун Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр каби сўфийликнинг йирик намояндалари ижоди устидан «залворли» қора чизиқ тортилган?

Даҳрийлар эса узоқ муддат япроқни илдиЗ деб ўйлаган мунаққидларимиз «фаолиятини» такрорлашмоқда. Дин, Қуръон хусусида муайян тасаввурга эга бўлмай туриб, динга, Қуръонга қарши курашмоқдалар. Уларнинг қўлида яроғ бор. Дин сарқитлари деб, тусмоллаб урилган зарб аждодларимизнинг келажак учун минг йиллар мобайнида шакллантирган анъаналарига тегиб шикаст етказмоқда. Ҳатто, даҳрийлик илмининг билимдони саналаётган Исо Жабборов рисолаларида ҳам диний фалсафани тушунмай, жўн талқин этилган ўринлар учрайди. Олим худди мактаб ўқувчиси каби, худо махлуққа ёки одамга ўхшайдими деган саволни кўндаланг қўяверади.

...Дехқон дала четига қушларни чўчитиб мақсадида кўриқчи ўрнатди. Бошига телпак, эгнига жулдур чопон кийгизди. Охир-оқибатда кўриқчи қушларнигина эмас, тун қоронғисида дехқон болаларини-да кўриқча бошлади. Ва бу кўриқув кўриқчининг бошига етди...

Ислом динига муносабат ҳам худди юқоридаги манзарани эслатади. Даҳрийлар бидъатни ва ўзлари яратган «фалсафа»дан бир чимдимини «дин» деб тамғаланган идишга ташлаб, «кўриқув» «ишлаб чиқмоқдалар».

Авлиёларга сифиниш уларга тоатибот бўлиб кўринмоқда. Курашнинг бундай номақбул услуби тарихий обидаларни нуратмоқда: Шайх Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий мақбараларини тобора емираётган нарса вақт шамолларигина эмас. Қадимий урф-одатлар, тўй-азадаги сарф-харажатларга ҳам дин айбдор эмиш... Ҳолбуки, дин авлиёларга сифинишга ҳам, азага кетадиган ортиқча чиқимларга ҳам қарши.

Шовотда Юсуф Ҳамадоний қабристонга бор. Нажоттаблар келиб, Ҳамадоний қабрига сифинишади. Маҳаллий халқ шеvasида у «Исмадонбува» деб юритилади. Бу зиёратгоҳ ҳам даҳрийлар харитасида хавфли нуқта. Ун йиллардан бери баҳсу

мунозара давом этмоқда: диндорлар бу ерга Ҳамадоний кўмилган дейишса, даҳрийлар, кўмилмаган, дейди. Сигинишга келганларга эса бу шовқин ёқмайди. Улар ими-жимиди ўз юмушларини бажариб кетишса, бас. Турғунлик даврида ўша қабристонга соқчилар қўйилиб, сигиниш ман этилганини ҳам эшитганмиз.

Ҳамадонийнинг ўзи ким бўлган? Бу ҳақда маҳаллий матбуот қисқача маълумот беради. «Ҳамадоний ҳақида ҳақиқат» мақоласининг муаллифи, Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳамадонийнинг муридими, деган, аммо икки сиймо дунёқараши орасида осмон билан ерча фарқ бор, деб бир-бирини тўлдирадиган икки парча келтирадики, бундан улар дунёқараши орасидаги масофа қилчалик ҳам келмаслиги ошкор бўлиб қолади. «Улимнингиздан бурун ўлинг» ғоясига содиқ қолган аллома дунёқараши нотўғри талқин этилади. Яссавий ҳазратларининг мунофиқликка юз туггани сира-сира ақлга сиғмайди.

«Исло» маълумотномаси (ЎзСЭ Бош редакцияси, 1986 йил) ва бошқа луғатларда Юсуф Ҳамадоний—Хўжагон тариқати асосчиси хусусида лом-лим дейилмаган.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ўз даврида Юсуф Ҳамадоний сармозорни қурдирган эканлар. Сармозор—катта зиёратгоҳ деганидир. Зиёратнинг динга тааллуқли томони йўқ. Зиёрат исломдан аввал ҳам савоб саналган, ҳозир ҳам шундай.

Бугунги манзарани кўринг: Ҳамадоний қадамжоси дейилган Шовотдаги сармозорни даҳрийлар «сохта гўр» деб айюҳаннос солишмоқда. Билимсизлик бошланадиган жой шовқин-суронникидир. Бу сукутгоҳ ушбу фикрни тасдиқлаб турибди.

Тарихга назар ташласангиз, айрим бўшларнинг маъно жиҳатдан кичрая бошлаганига гувоҳ бўласиз. Гўё «осмон» сўзи кенг осмонни эмас, миттигина шамсияни ифодалайдигандек... Масалан «мажлис»ни олайлик. Мозийдаги мажлислар байрамдек орзиқиб кутилган. Турғунлик даврида у кишини беихтиёр эснатадиган сўз даражасига кичрайди. «Рўзгор» — қадимда дунё маъносида қўлланилган бўлса, ҳозир «оила»нинг синонимидир. Бу кичрайишлар замондошларимизнинг узоқ муддат руҳан эмас, жисман каттарош гирдобига тушиб қолганлигини билдиради. Уша гирдобга ғоят мос ном топилган — «турғунлик».

Турғунлик даврида дабдабазлик ҳатто қабристонларгача кириб борди. Қабрга жимжимадор мармар лавҳалар ўрнатиб қарийб одат тусини олди. Қишлоғимиздаги қабристонлардан бирида катта мармарга марҳум суврати чизилиб, темир панжаралар билан ўралиб қўйилганини кўрдим. Хотира кунда марҳумнинг қариндош-уруғлари панжарадан ошиб ўтиб, ёдгорликни арта бошлади. Одатда бундай юмушлар Хо-

тира кунигача бажариларди. Ҳозир бу иш ўз отахонига бўлган меҳр-муҳаббатни ҳаммага кўз-кўзлаш экани аён кўриниб турар эди.

Марҳум ким эканлигини сўраб-сўришгирдик. Маълум бўлишича, у савдо экан... Фақат, бузгина эмас, бизни қишлоқ қабристонларининг бугунги кўриниши ташвишга солади. Ҳар қабртошда катта-кичик суратлар, турфа ёзувлар... Дин қабртош ўрнатилишига ўзига қарши-ку? Ёдгорликлар, ҳар хил суратларнинг сукутгоҳга кириб келишига дин пешволари нечун йўл қўйиб беришди экан? Уша сарфу харажатлар сукутгоҳ теваригини боғ-роғга айлантириш учун сарфланса, моддий бойликдан маънавий бойлик афзаллиги бир карра исеботланган бўлур эди.

Жимжималар ҳеч қачон инсон ҳаётига зеб бўлмаган.

Бугунги воқелик теранроқ мулоҳаза юртишини талаб қилади. Мана, яқинда арман халқи бошига мусибат тушди. Қора кунларда халқлар орасидаги муштақам дўстлик риштаси яққол кўзга ташланди. Мусибатнинг, жароҳатнинг шакли-шамойили кўзга яққол кўрингани учун ҳам бутун жаҳон қайгурди, ёрдам қўлини чўздди. Бизда-чи? Бизнинг мусибатимиз зимдан аста-аста содир бўлмоқда. Жароҳат ўрни эса юпанч сўзлари билан бекитилмоқда. Яқин кунларгача болалар ўлими бўйича республикамиз СССРда биринчи ўринни эгаллаб келаётгани сир тугиларди. Дард яширилдими, иситмаси чиққунчида давом этверарди. Бугунги кунда иситмаси чиқди: ҳар йили 33 минг гўдак дунёдан ўтмоқда. Аёллар ўзларини олов қаърига ташламоқдалар. Бу фожиаалар ниманинг аломати? Ҳар ҳолда дастурхон тўкин-сочинлиги, тинч-тоғув турмуш аломати эмас.

Ешлар ҳаётдан зерикшияпти. Юракда сарфланиши керак бўлган куч бор, аммо ўша куч сарфланиши учун майдон йўқ. Қишлоқ манзараси бир хил: пахта — тутзор, пахта — тутзор. Тўқайлар, кўллар ерсурар машиналар кураги остида қолиб кетган. Маънавий турмуш бундан-да қашшоқ. Илгари қурли тўйлар бўларди, аждодларимизнинг удумлари яхши кунларда юз очарди...

Турғунлик даврида халқнинг миллий қиёфасини кўрсатиш дабдабазлик белгиси деб баҳоланди. Қалин ҳам эскилик, дин сарқитига тақалди. Аммо, боболаримизнинг айтишича, қадимда қалин миқдори икки қоп ғалла билан ўлчанган, холос. Ҳозир эса, беш-олти ва ҳатто, саккиз минг сўм атрофида. Демак, қалин «янгилик» сарқитидир.

Етмишинчи йилларда қишлоғимизда оппоқ соқолини кўксига тушириб, эски китоблардан нақл қилиб ўтиргувчи марғур чоллар бўларди. Улар билан ҳар қанча суҳбатлашиб тўймасдиқ. Юзида, сўзида оҳанрабо-си бордек эди... Ҳозир эса қишлоғи-

мизда олтмишдан ўтганлар ҳам соқол қўйишмайди. Суҳбатига қулоқ турсанг — пенсия ҳақида бир шингил, ўғлидан ёки келинидан шикоят ва бир оз гўйбат... Бу ҳам руҳан кичрайиш белгиси эмасми?

Ошкоралик турғунлик даври ясаб берган кишилардан фикрни озод қилмоқ демакдир. Ҳозирги сўёсат — энг одилона сўёсат. Бундан-да ошкорароқ замонни кутуш беҳуда. Ниманинг олдиғаки девор ўрнатилган экан, уни бугунги кун нуратиб юбормоғи даркор. Экстрасенслар олдидаги тўсин қачон олиб ташланади? Ошкоралик даври ибтидоида бу нарса амалга оширилмаётгани бизни ҳар хил шубҳаларга етаклайди. Дарднинг ўзи ҳам, давоси ҳам табиатдан, деган нақл бор. Оролдан қўпаётган тузли тўзонлар, ер остидаги химикатлар «омбори», тиббиётимизнинг ғариблиги халқнинг сиҳат-саломатлигини ночор аҳволга тушириб қўйди. Худди шу пайтда, дарда малҳам босиш мақсадида экстрасенслар ёрдам қўлини чўзаётган бир маҳалда... бу таширфни олқишлаш ўрнига уларнинг «бошига муштланаётир». Нодир қобилият бир айлантрилиб, илди-сиз ниҳолга қиёсланди.

Ҳолбуки, фаннинг ўзи экстрасенс қобилиятини илмий шарҳлаб беради. (Қаранг: «Экстрасенслар физиклар назарида», «Известия», 1986 йил, 3 июль).

Бу қобилият илди-сиз минг йилларга бориб тақалади. Шу илди-сиз кўрмиб юборишни истаган шовқин-сурон турғунлик даврига яқинроқ нуқтадан чиқмоқда. Экстрасенс қобилиятига шубҳа билан қараётганлар балки ўша қадимий боғланниш риштасидан беҳабардирлар.

Фикримизни бири ёзувчининг, бошқаси эса экстрасенс қаламига мансуб иккита мақоладан парча келтириб далилламоқчимиз:

«Ваъзиларнинг экстрасенсларга чопиши ва улардан даво исташи, профессор Б. Карвасарскийнинг таъбири билан айтганда, йиғлаётган норасгани эмзик билан овутишдай гап. Маълумки, эмзик тўйдирмайди, аммо юптади. Биомайдон ҳақидаги гап эса одамлар орасида кеча ёки бугун туғилгани йўқ. Инсон пайдо бўлибдики, у ҳар хил атама ва тушунчаларда биз билан ёнма-ён яшаб келади, бу ҳақда турлича афсоналар ҳам маъжуд. Диндорлар шу афсонаю турли-туман олди-қочди миш-мишлардан усталик билан фойдаланган, одамларнинг ақл-заковатини заҳарлаб келган биомайдонни «худонинг қудрати»га олиб бориб боғлашган. Фан эса ўз навбатида бу гапларнинг бўлмағур сафсата эканлигини исеботлади.»

(Урозбой Абдураҳмонов. «Чангалзор «пайғамбар»нинг ҳалокати», «Ешлик» журналы, 1986 йил, 10-сон)
«Платон ўзининг «Янги даволаш усули» номли китобининг III томида биомагнитизм тўғрисида ёзди: «Биомагнитизм — ҳайвоний куч» деб

аталган даволаш методи. Парацельс давридан маълумки, эркалар асосан мусбат зарядли, аёллар эса манфий зарядга эгадир», дейди у. Одамлар ўша биомагнитизм камайиши натижасида касал бўлади. Баъзи одамларда биомагнит куч кўп бўлади. Биомагнит кучи кўп одам шундай кучи камайган беморга таъсир қилиб, ўз биомагнит кучининг бир қисмини берса, бемор тузалади, деб тушунтиради файласуф».

(Мадийр Солаев. «Табобат: диагностика муаммолари», «Ешлик» журна-ли, 1987 йил, 8-сон)

Мадийр Солаев олимлар ўтказган тажрибаларни шарҳлаш асосида кўз ва бармоқлар воситасида аниқ диагноз қўйиш масалаларига равшанлик киртади. Оддий мантиққа эътибор берайлик: бир кишини алдаш мумкин, нари борса ўн кишини. Минглаб беморларнинг ишончи пуч нарса устига қурилмайди-ку? Бундай шоншухрат қанча тез тикланган бўлса, шунча тез чиппака чиқади.

Нега экстрасенслар иши таъқиқланган, ташвиқотга руҳсат берилмаган мавзуга айланиб қолди? Бунинг боиси шуки, журналистлар Гёте таъбири-нинг тескариси билан айтганда, экс-

трасенсларга яхшилик истаб, ёмонликни раво кўришди. Экстрасенс иқтидорига баҳо берилаётганда муболага аралашди. Худди ўша муболага халқнинг экстрасенсни Луқмони Ҳаким даражасигача кўтаришига имкон берди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ўз мақоласига раддия эълон қилишига ҳам халқдаги тушунмовчилик, муболагани ҳақиқат деб билишлик сабабчидир.

Яна бир нарса бизни мулоҳаза юритишига ундайди: аксарият врачлар таъмагир, қўпол, лоқайд. Улар ойига нари борса юз беморни қабул қилишади. Шу ҳам уларни чарчатиб, бағрини тошга айлантириб қўяди, десак хато қиламиз. Бу нуқсонларнинг ҳаммаси уларнинг ички дунёсида, яъни «зуваласининг хамиртуруши» дадир. Экстрасенслар эса табиатан саховатлидирлар. Улар кунига юзга яқин бемор қабул қилишади ва ҳеч қачон таъмагирлик кўчасига яқин йўлашмайди. Аксинча, улар моддий бойликка бефарқ қарайдилар. Яқинда Муяссар Шарипова хонадонида бўлиб, худди шу нарсага ишонч ҳосил қилдик. Муяссарнинг ота-онаси зиёли, илм-фандан яхши хабардор. Акаси эса ёш шоир сифатида танил-

моқда. Хонадон соҳиби фарзандларидаги маънавий гўзаллик туйғусига хайрхоҳ. Муяссар шахсий жамғармасининг бир қисмини Тинчлик фондига ва арман халқига ёрдам ҳисобига ўтказди. Бу ҳам экстрасенс қизининг саховатидан дарак беради.

Халқ таъаботидаги эшикларни кенг очиб даври келди. Тиббиётимиз савияси экстрасенслар ҳисобига салгина бўлса-да кўтарилса, бунинг нима маси ёмон? Шу кунгача республикамиздаги экстрасенслар рўйхати матбуотда эълон қилинмапти. Ташвиқот қилиш ҳам уларнинг модирн қобилиятлари даражасида бўлмоғи керак.

Қайта қуриш деяпмизми, нималар қулаб тушгани ҳам ошкора айтилмоғи лозим.

Ҳар ким ўз ички дунёси доирасидагина пок бўлгани, эътиқодга содиқ қолгани ҳали ҳеч нарсани ифода этмайди. Узлатга чекинган поклик — поклик эмас. Бугунги кун миллат келажиги ўрнига мансаб курсисини кўз қорачигидек асраётганларга қарши. Бугунги кунда нимаки кашф қилинар экан, бу мозидаги маънавий салтанат шугъаларининг бизга етиб келаётгани аломатидир. Ҳеч бўлмаса эзгулик давомийлигининг шу ҳаракатига халал бермайлик.

Баҳром Рўзимухаммад

ИЛОВА. Ушбу мақолани тайёрлашда мушоҳадага ундаган хат эгалари билан таништирамиз — Маҳмуджон Гаффоров (Тўрақўрғон), Муборак Алиакбарова (Ғалаба), Ҳаким Аҳатов (Яккабоғ), Тошпўлат Эрматов (Қоракўл), Раъно Расулдова (Дехқонобод), Бозорбой Собиров (Пахтаобод), Муқаддас Пўлатова (Қарши).

Муштарийларимиздан бири ёзибдики, ошкоралик ошкора бўлсин. Фикрига қўйиламиз. Зотан, «Ойна» ўзида қараган киши қиёфасини яшириб қолмайди, балки борлиғича ақс эттиради. Азилар, яна қайси мавзуларда мақола ўқиш истагингиз бор? Мақтуларингизни кутамиз.

Олий мактаб нимадан бошланади

Атоқли совет актёри ва режиссёри К. С. Станиславский «Театр гарде-робдан бошланади» деган экан. Хўш, олий мактаб-чи? Бошқача қилиб айтганда, олий таълим системаси инқилобий қайта қуриш жараёнини ўз бошидан кечираётган айни шу кўнларда ишни қачон ва нимадан бошлашимиз керак?

Зероким доҳиймиз В. И. Ленин «Кимки аввал бошдан умумий масалаларни ҳал қилмай туриб, хусусий масалаларни ҳал қилишга уринса, у ҳар бир қадамда, беихтиёр, ўзи англамай туриб, ўша умумий масалаларга қоқинаверади» деган эди. Биз ҳозир олий ўқув юрғларидоги мавжуд моддий-ўқув база ва кадрлар масаласи хусусида тинмай бонг уряпмиз-у, ўқув планларини такомиллаштириш

ва ислоҳ қилиш борасида йўлаб ҳам кўрмаяпмиз?! Ваҳоланки, олий ва ўрта махсус таълими системаси (ва ҳатто ўрта мактаб ҳаёти)даги аксарият муаммоларнинг ечими ўқув планларига бориб тақалади.

Дареликлар, ўқув-методик қўлланмалар, назарий ва амалий машғулотлар, студентларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишлари... буларнинг барчаси ўқув планларига тобе-лиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Уқув планларига риоя қилиш, уларнинг қатъий талабларини бажариш профессор-ўқитувчилар учун ҳам, сту-дентлар учун ҳам бирдай муқаддас ва қонундай мажбурий экан, олий мактабни ислоҳ қилишни ана шу «тақиқланган» зонадан бошлаш зарур.

Очилишни айтганда, турғунлик йил-

ларидан бизга мерос бўлиб қолган ва таомилда «юрган» ўқув планлари бугунги кундаги қайта қуриш талабларига мутлақо жавоб беролмайди. Тажрибалар шуни кўрсатаяптики, ўқув планларимиздаги соатлар миқдори, ўқув предметларининг мажмуаси ва мундарижаси ҳар қандай маҳоратли педагогни ва студентни маълум даражада, чегаралаб қўйяпти, ша-роит билан ҳисоблашишга мажбур қиляпти. Натижада олий таълим систе-масида жорий этилган ўқув планла-рида ҳам хўжасизлик ва қўнимсиз-лик, шароит ва имкониятларни ҳисоб-га олмаслик каби қатор иллатлар мавжудлиги бугунги кунда маълум бўлиб қолди. Шу ўринда бир мисол; 1983—84 ўқув йилидан эътиборан республикамиздаги кўпгина педаго-гика институтларининг педагогика ва БТМ факультетларида таҳсил кўра-ётган студентлардан махсус группалар тузиб, уларни «миллий мактаб-ларда рус тили ва адабиёти ўқитувчи-си» қўшимча ихтисоси билан тайёр-лаш бўйича кўрсатма ва ўқув плани олдик. Ҳозирга қадар биздаги мавжуд 3—5 курсларда 75 студент ана шун-дай махсус тайёргарликдан ўтмоқда.

Лекин биз 1987-88 ўқув йилидан бошлаб бундай махсус группаларга студентлар қабул қилишни тўхтатдик. Чунки, очигини айтиш керак, ана шу группаларда таҳсил кўраётган студентларимиз рус тили ва адабиётини саёз билишадди. Айни бир пайтда уларнинг ўзбек тили ва адабиёти бўйича ҳам саводхонликлари талаб даражасида эмас. Чунки мазкур ўқув планида рус тилини ўрганишга 1100 соат, ўзбек тилига эса 320 соат ажратилган. Худди шунингдек, рус адабиёти бўйича 480 соатлик лекция ва амалий машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган ҳолда ўзбек адабиёти ва маданияти тарихини ўрганиш учун бир соат ҳам вақт ажратилмаган. Бу ўқув планида болалар адабиётини ўрганиш учун 100 соат миқдоридан вақт ажратилган, лекин ана шу 100 соатлик лекция ва амалий машғулотлар довомида ўқитувчи студентларни ўзбек, рус ва чет эл болалар адабиётининг энг нодир намуналарини СССР халқлари адабиёти ва халқ оғзаки ижодидаги болалар адабиёти билан таништириши керак. Биз фикр юритаётган ўқув планида славян тили билан боғлиқ бўлган ўқув предметлари — қадимги рус адабиёти, рус тили тарихи, рус тилининг тарихий грамматикаси бўйича ўқув машғулотларини бажаришлари ҳам белгилаб берилган. Хулласи калом бу ерда ишни қадимги славян тилининг алфавитидан бошлашга тўғри келади?!

Маълумки, КПСС МК Апрель (1984 йил) Пленумининг тарихий қарорларида ҳунар ва ўрта умумий таълим мактабларини ислоҳ этиш бўйича асосий йўналишлар ҳамда ишларимиз кўлами белгилаб берилди. СССР Олий ва ўрта махсус таълими министрлиги «Педагогика ва бошланғич таълим методикаси» ихтисоси учун 1983 йилнинг 5 апрелидан эътиборан жорий қилган 40-номерли ўқув планида умумий соатлар миқдорини 200 соатга қисқартган. СССР Маориф министрлиги эса ушбу ўқув планига 9 саҳифалик методик кўрсатма илова қилиб, шунчаки гапнинг ярашиги учун «мазкур ўқув плани мактаб ислоҳотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган» тарзидаги жумлани ишлатиб ўтган. Аслида эса бу икки собиқ министрлик мазкур ўқув планини 5 йиллик таълим муддатига мослаб тузатишлари зарур эди.

Чунки, мактаб ислоҳоти бўйича директив ҳужжатларда педагогика институтларининг барча факультетларида ўқиш муддати 5 йил бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланган, мактаб ислоҳоти ҳақида қарийб 5 йил давомида тинмай гапираятмиш-у, ишлар эскича?! Биз учун ҳозирга қадар дастуриламал бўлиб келадиган «янгилар» ўқув плани 4 йиллик таълимга мўлжалланган бўлиб, бу муддат ичда педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетининг студентлари 3792 соатлик ўқув ишларини бажаришлари зарур.

Жумладан, бу ўқув планидаги уму-

мий 3792 ўқув соатининг 552 соати, яъни 14 проценти ижтимоий-сиёсий фанларга; 506 соати, яъни 13,3 проценти (ўқув ва педагогик практика бу ҳисобга қирмайди) умумий педагогика ва психология туркумидаги фанларга ажратилган. Энди қолган 2734 соатлик ўқув вақти тақсиротини кўздан кечирайлик, мазкур ўқув планида математика ва уни ўқитиш методикасига бори-ўйғи 370 соат миқдоридан вақт ажратилган. Худди шунингдек, табиатишнослик туркумидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикаси асосларини эгаллаш учун жами 330 соат ажратилган, ўқув вақтининг 12 проценти белгилаб берилган. Уқув планида болалар адабиёти (адабиётшunosлик асослари билан) фани учун бор-ўйғи 100 соат ажратилган.

Педагогика ва бошланғич таълими методикаси факультетида таҳсил кўраётган студентлар ўзбек адабиёти ва маданияти тарихи, Ўзбекистон тарихи ва СССР тарихи бўйича бир соат ҳам лекция тинглашмайди. Ваҳоланки мактаб ислоҳоти талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, улар яқин келажакда бошланғич таълимнинг якуний қисми — 4-синфда СССР тарихидан дарс беришлари керак?! Биз фикр юритаётган ўқув планида ўзбек тили ва уни ўқитиш методикасига 400 соат вақт ажратилган. Урни келганда мазкур ўқув планидаги умумий 3792 соатнинг 830 соати рус тили ва уни ўқитиш методикаси учун ажратилганини ҳам айтиб, бу умумий соатларнинг 21,8 проценти ёки фан асослари учун ажратилган 2734 соатдан 30,3 проценти эканлигини таъкидлаш зарур. Шу ерда бир изоҳ зарурдек туюляпти: аслида ўқув плани бўйича рус тили ва уни ўқитиш методикасига 380 соат ажратилган. СССР Маориф министрлигининг 1984 йил 13 мартида жойларга юборган 12—М номерли инструктив хатига биноан педагогика ва бошланғич таълими методикаси факультетларининг энг сўнги ўқув планида медицина тайёргарлиги, ихтисос учун танланадиган предмет ва чет тили (кейингисига 120 соат қолдириш шарти билан) фанлари учун ажратилган 500 соатлик ўқув вақти «Рус тилининг практик курси»га қўшимча равишда берилган. Бундан ташқари факультетимизнинг ўзбек ва тожик группаларида таҳсил кўраётган студентлари рус тили ва уни ўқитиш методикаси бўйича педагогик практикада бўлиб, институтни битириш чоғида бу фандан давлат имтиҳони ҳам топширишадди.

Масаланинг энг ачинарли томони шундаки, педагогика ва бошланғич таълими методикаси факультетларида таҳсил кўраётган студентлар рус тили назарияси ва методикаси бўйича 1000 соатга яқин ўқув ишларини бажариб, рус тили ва уни ўқитиш методикасидан бешинчи давлат имтиҳони топширадилар. Шунга қарамадан биз уларга бошланғич синфларда рус тилидан дарс бериш ҳуқуқини берма-

япмиз. Нажижада битирувчиларимиз ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўраётдилар. Бундан ташқари кўпгина мактабларда педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультетини битирган ёш мутахассислардан бошланғич синфлардаги жисмоний тарбия, ашула, ҳатто баъзи ҳолларда табиатишнослик фанларини фан ўқитувчиларига олиб бериш каби ҳолатларга дуч келамиз. Ваҳоланки, битирувчиларимиз бу фанлар бўйича ҳам назарий, амалий ва методик тайёргарликдан ўттишадди. Хулласи калом, ана шу тарздаги муаммолар бир олам... Бизнинг фикримизча, бундай камчиликларнинг юзага келишида собиқ маориф министрлигида мавжуд бўлган ўқув-методик кабинетлари мудирилари, методистлари айбдор. Чунки улар СССР маориф министрлигидан жойларга юборилган ўқув планларини маҳаллий шароитга мослаштирмасдан, жойлардаги зарурият ва имкониятларни ҳисобга олмасдан, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» тарзида иш кўришган. Урни келганда ўзбек тили ва адабиёти, музыка-педагогика факультетларининг ҳам ўқув планлари ўлда-жўлда эканлигини айтиб ўтиш жоиздир. Биз ҳаммамиз — маҳаллий халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, педагогика олий ўқув юрғларининг методист олимлари, халқ таълими министрлиги ходимлари қўлни қўйлаб бериб, қайта қуришни ўқув планларини давр талаби ва амалий заруриятга мос ва хос ҳолда қайта тузиб чиқишдан бошлашимиз зарур.

Салоҳиддин Ҳайитов,
филология фанлари кандидати
Самарқанд.



ТИЛ САНДИҒИ



Тилнинг луғавий бойлиги шу халқ адабий тилидаги сўзлар йиғиндиси билангина белгиланмайди. Уша халқ сўзлашаётган барча шевадаги сўзлар ҳам тилнинг бойлиги ҳисобланади.

Шу маънода гоят сершевалилиги ва барча шевасининг бугунга қадар сақланиб келаётганлиги билан ўзбек тили туркий тиллар ичида алоҳида ўрин тутати. Лекин тилимизнинг диалектал луғати ўзбек тили шеваларидаги барча сўзларни ўз ичига олганми? Афсуски, бундай хайрли иш тўлалигича амалга ошмаган. Вақт ўтиб бормоқда, халқимиз тилидаги баъзи бир сўзлар, иборалар изсиз йўқолиб кетмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод сунъий тилнинг булбули, аммо улардан: «Ерганай нима?» деб сўрасангиз, биладиларми? «Мухрин», «хулмон»ни сўраганингизда-чи? Шу ашё, шу гиёҳ мавжуд, бироқ уларнинг махсус номларини кўплар эсламайди. «Ерганай» (икки қўшни бир-бирлариникига ўтиб-қайтишлари учун қурилган дарча) эшикка айланган. «Мухрин» (кўшнининг томорқасига деворнинг остидан сув ўтадиган жой) деворнинг тагида қолиб йўқолган. «Хулмон»-чи? У тоғ ўсимлиги. Вобомнинг ҳикоя қилишларича, очарчилик йиллари тоғли халқни ўлимдан сақлаб қолган шу ўсимлик экан. Хулмоннинг пиёзани тошга ишқалаб, офтобда қуритиб, ун холига келганидан сўнг атала қилиб ичишган экан. Бу ҳақда халқ қўшиқ тўқиган:

Ҳарчики тоғда хулмон боракан,
Юракка дармон боракан.

Хулмонни тилга олсангиз, кўзига ёш келадиган ота-боболаримиз ҳаёт, улар тилида бу ном жаранглаб турибди.

Ўзбекнинг тўқсон икки уруғи борлиги ҳақида кўп эшитганмиз, аммо бирор-бир манбада бу ҳақда тўла маълумот берилмаган. Сурхондарё областининг Шўрчи, Денов, Сарисийё районларида жонқора, зоҳоначи, кўрновуз, калтатой, қоратегини, лайлагон, маланди, нортуда, оқпочаки, потас, туяжағ, шотурчи, ҳардури, галаҳоя, ҳайитқорақош каби уруғлар борки, уларнинг номи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам, «Ўзбек тилининг имло луғати»да ҳам қайд этилмаган. Қолбуки, ўзбек тилининг шеваларга бойлиги уруғлар билан ҳам боғлиқ ҳодисадир.

Шеваларимиздаги ҳаётбахш сўзларни авлоддан-авлодга олиб ўтишдек улкан ва хайрли иш бир-икки кишининг қўлидан келмайди, албатта. Ўзбек шевалари луғатини яратишга кўмаклашиш ҳар биримизнинг бурчимиздир...

Қўйида Сурхондарё область Сарисийё районидаги Газа-

рак қишлоғи шевасига хос айрим сўзлар билан танишасиз.

АВА — отанинг акаси ёки укаси, яъни амаки. Қадимги туркий тилдаги «аба» (ота)га яқин.

ҒАВЗА — ҳовуч, чангал: «Ўтни ғавзалаб ўрсанг, баракали бўлади».

ҒЎЛ — тоғда тованинг туртиб чиққан жойи; одамлар зарур пайтда ғўл остига кириб қор-ёмғирдан сақланадилар: «Эшали чукри тергани борганида, хатардан холи деб ғўлда тунар экан».

ТОВА — тоғда учрайдиган йирик тош.

ПАРИТ — девор урилиб бўлгандан сўнг, қор-ёмғирдан асраб устига қамиш ёки қиёқ бостириш: «Девор ивиб кетмасидан қиёқ парит қилиш керак».

ЧАПАР — қўй, эчки қамаладиган қўранинг эшиги.

ЧАПКАННИ — ҳаво исиган вақтда дам олишга мосланган ва атрофи ёғочдан ясалган бино.

ЧАҚИЛ — тоғдаги қумлоқ жой. Чўпонлар қўй отарларини чақилда ётқизадилар.

ЧОВУЧ — бир ёшдан ошган эчки.

АЛҚОР — тоғ ўсимлигининг номи. Қатиққа солинади.

КАРОВУШ — тоғ ўсимлигининг номи. Қатиққа солинади.

ҚОСУРУК — тоғ ўсимлигининг номи. Равоч сингари бу ўсимликни ҳам тоғлик халқ истеъмол қилади.

ТОТУН — тоғ ўсимлигининг номи. Баҳор вақтида шавлага тотун соладилар. Қадим-қадимдан истеъмол қилинади.

ТОТУРОН — тоғ ўсимлигининг номи. Овқатга солинса, таъми нордон қилади. Тоғли халқ тотуронни севиб истеъмол қилади.

ГАЗАННА — тоғ ўсимлигининг номи. Бу гиёҳни сутга солиб ичадилар: «Бир коса газанналик сутингиз мени отдай қилиб юборди».

ЗИЧ — тоғ ўсимлигининг номи. Бу ўсимликни қайнатиб, қатиқ қўшиб ейдилар.

РИСКАЙ — шапалоқ баргли тоғ ўсимлигининг номи. Қайнатиб ейдилар.

ЯЙЛОҒИ — сув олишга мўлжалланган дастали идишнинг номи.

ҒУББАК — тоғда ўсадиган дарахтнинг номи. Бу дарахт жуда мўрт бўлади. Халқ бу ҳақда қўшиқ ҳам тўқиган:

Ғуббакдан бўлса таёк,
Озор чекади оёк.

ДОВУЛҒА — тоғда ўсадиган дарахтнинг номи. Қамчининг дастасини довулғадан ясадилар, чунки довулға жуда мустаҳкам бўлади.

ТУҒДОНА — тоғда ўсадиган дарахтнинг номи. Чидамли бўлгани сабабли ундан отга эгар ясадилар. Бу ҳақда халқ қўшиқ тўқиган:

Туғдонадан эгари,
Ғирқўк отнинг жигари.
Саман бия Бойчиборнинг ҳам зори,
Ўкажон, сотмайман, отим тулпори.

Акрам ЖУМАЕВ,
илмий ходим.

Н. В. Гоголь

Дилижон

ҲИКӢЯ

Миртемир таржимаси

Отлиқ аскарлар полки тура бошлагандан кейин, Б. шаҳарчаси жуда хушчақчақ бўлиб кетди. Унгача ўлгудек кўнгилсиз эди... Гоҳо йўлинг тушиб қолиб ундан ўтганида кўча юзида ғоят мунғайиб турувчи пастак ва кичик гувала уйларга кўзинг тушса, таъбинг шу қадар хира бўлардики, буни ифода-далаб бериш қийин, худди бор-йўғингни қиморга бой бергандек ёки бемаҳал бирон номаъқулчилик қилиб қўйгандек ғуссага ботарди киши, хулласи, нохуш бўлардинг. Уйларнинг лойсувоқлари ёмғирдан ивиб-ўпирилиб тушган-у, деворлар ола-қуроққа айланган; аксари томларга, одатда бизнинг жанубий шаҳарларимизда бўлганидек, қамиш ёпилган; боғларни эса шаҳар ҳокими, манзара чиройли бўлсин деб, аллақачон чоптириб ташлаган. Кўчаларда жон асарини учрата олмайсан, тизза бўйи чанг билқиллаб ётган йўлни кесиб биронта хўроз ўтиб қолмаса... Агар жиндек ёмғир ёғиб қолгудек бўлса борми, ботқоққа айланади-ю, иннанкейин Б. шаҳарчасининг кўчаларига унинг ҳокими: «Фаранглар», деб атаган бўрдоқи ҳайвонлар тўлиб кетади. Улар бесўнақай тумшукларини чўзиб чунонам хир-хирлашадики, ўткинчиларнинг отларини тезроқ қамчилашдан бошқа иложи қолмайди. Шуниси ҳам борки, Б. шаҳарчасида ўткинчини учратиш қийин. Аҳён-аҳёнда, ўн бир жоннинг¹ эгаси, малларанг чўзимдан дағал тўн² кийган бирон помешчик

¹ Жон — бу ерда крепостной дехон маъносида.

² Аслиятда: «нанковий сюртук», Хитойнинг Нанкин шаҳрида тўқилган уст кийим.

аллақандай шалдиरोқ аравада тош йўлни тарақлатиб ўтиб қолади, ун тўла қоплар орасидан мўралаганича жийрон бияга қамчи уради, биянинг кетидан қулуни чопиб кетаётган бўлади, албатта. Бозор майдони дейиладиган жойнинг турқи ундан ҳам кўнгилсиз: тикувчининг уйи жуда бесўнақай тушган, пештоқи кўриниб турса ҳам майли-я, бурчаги туртиб чиққан, унинг қаршисидаги икки деразалик ғиштин иморат ўн беш йилдан бери қурилмоқда, ундан нарироқда тахта деворли, мундоқ қарашда тузуккина бир қўра турибди, у балчиқча ўхшаш кулранг мойга бўялган, уни шаҳар ҳокими ёшлик вақтида ўзга иморатларга ибрат тарзида қурдирган, у вақтларда ҳали ҳокимнинг тушки овқатдан кейиноқ ухлаш, кечаси ётиш олдидан аллақандай шифобахш қайнатқи ичиш одати йўқ эди. Бошқа деворларнинг деярлик ҳаммаси четандан; майдон ўртасидаги майда-чуйда дўконларда ҳаммавақт боғлам-боғлам тешик кулчалар сотилади; бундан ташқари қизил дурра боғлаган аёлу бир пуд совунни, бир неча қадоқ аччиқ бодому милтиқнинг ўқ-дориларини, ип газламаю эшик олдида ҳаммиша миҳқозик ўйини билан банд бўлган икки гумаштани кўриш мумкин. Аммо, Б. деган бу шаҳарчада отлиқ аскарлар полки тура бошлаши биланоқ ҳаммаёқ ўзгариб кетди. Кўчалар ола-ғовур бўлиб, жонланди, бошқа тусга киргандай туюлди. Пастак уйлар ёнидан ўтиб борувчи абжир, серсавлат, бошига жиға таққан офицер тез-тез кўзга ташланиб қолар, у иш юзасидан, ноёб тамаки борасида дўсти билан гаплашмоқ учун, баъзида генералдан яшириқ-

Улуғ рус ёзувчиси, бешафқат сатира устаси Николай Васильевич Гоголь туғилган кунга 180 йил тўлади. Устоз Миртемир бундан бир неча йиллар муқаддам унинг «Дилижон» ҳикоясини таржима қилган, ўз одатига кўра таржимани кейинроқ қайта кўриб, китобларига киритмоқчи эди. Минг афсуски, улгура олмади...

Икки беназир сўз санъаткорининг табарруқ хотираси ҳурмати мазкур ҳикояни эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

ча полкка ўтиб кетган от-аравани қиморга тикиш учун ўтар эди: негаки, бу арава полк доирасида ҳамманинг қўлига бир-бир қириб чиқарди; унда бугун майор сайр қилса, эртага поручикнинг отхонасида пайдо бўларди, бир ҳафта ўтгандан кейин қарабсанки, тагин майорнинг навқари мойлаяпти. Уйларнинг оралиқларидаги четан қозикларни аскарларнинг офтобга ёйилган фуражқалари босиб кетган, сурранг шинель албатта аллақердаги дарвозада қўнқайиб турар, тор кўчаларда этик чўткасидай дағал мўйловли солдатлар учраб қолар эди. Қаерга қарасанг, шу мўйловлар. Ёғлоғи кўтарган мешчан хотинлар бозорда тўпланиб қолгудек бўлса, уларнинг кифтлари оша ҳам мўйловлар кўриниб қоларди. Дор қурилган жойда мўйловдор аскар бир оми қишлоқнинг соқолини уқалар, униси эса, кўзлари ола-кула бўлиб, яккаш инқиллар эди. Шу вақтга қадар аллақайси руҳонийнинг беваси билан бир уйда истиқомат қилувчи ҳакамдан ва салгина фаҳм-фаросатлироғ-у, лекин туну кун — тушдан то оқшомгача, оқшомдан тушгача ухлагувчи шаҳар ҳокимидангина иборат маъракаларни энди офицерлар қизитиб юборишди. Бригада генералининг маҳкамаси бу ёққа кўчирилгандан кейин эса, маърака яна ҳам серфайз бўлиб, қизикарли тус олди. Оламда бор-йўқликлари шу вақтгача бировнинг хаёлига ҳам келмаган овлоқ қишлоқларнинг мулкдорлари жаноб офицерлар билан кўришмоқ ниятида, баъзида эса қарта ўйнаш учун шаҳарчага тез-тез келиб турадиган бўлиб қолишди, кўнгилхуш-

ликлар уларнинг экин-тикин ташвиши, хотинларининг хархашаларияу кўёнлар дахмазаси билан ғовлаган каллаларида ширин хаёл сингарии фавқуллодда шавқ туғдирарди.

Афсуски, бригада генералининг нима муносабат билан катта зиёфат бериб қолганини эслай олмайман, лекин зиёфатга тайёргарлик жуда зўр бўлди: генерал ошхонасидаги пичоқларнинг тақир-туқури ҳарбий шаҳарча нарёғидан ҳам эшитилиб турар эди. Зиёфат учун бозордаги бор-йўқ нарса кўтариб кетилди, натижада ҳакам билан руҳоний бевасининг куни ниманингдир ундан ёпилган кулчаю картошкадан тайёрланган буламиққа қолди. Генерал турган уйнинг кичкина ҳовлиси дилижону извошлар билан тўлган бўлиб, маъракага офицерлар, шу теваракдаги баъзи ер эгаллари тақлиф қилинган эди. Мулкдорлар орасида диққатга сазоворроғи — сайловларда ҳаммадан кўра кўпроқ жар соладиган Пифагор Пифагорович Чертокуцкий кўз-кўз қилишга арзигулик дилижонда келган эди. У илгари отлик аскарлар полкидан бирида хизмат қилган, анча тузук ва кўзга кўринган офицерлар жумласидан ҳисобланарди. Уларнинг полки кўчиб борган жойларда бўлиб ўтган талай базму маъракаларда уни илгари ҳам кўрганлари аниқ, дарвоқе, бу ҳақида Тамбов ва Симбир губернияларининг қизларидан сўралса ҳам бўлади. Агар, одатда хунук машмаша деб аталадиган бир кўнгилсизлик туфайли истеъфога чиқмаганида, у бошқа жойларда ҳам шуҳрат орттириши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Қариган чоғида бировни тарсакилаганми, ё ўзи тарсаки еганми, буниси аниқ эсимда йўқ, ҳайтовур ундан истеъфога чиқа қолишини ўтиниби сўрадилар. Аммо бу билан ўз қадрини қиттак ҳам йўқотгани йўқ: ҳамон ҳарбий мундир бичимидаги хипчабел фрак кияр, белига тақилган аслаҳасию бурни тағидаги мўйловлари ҳам бояги-боягидек эди. Йўқса, дворянлар уни пиёда аскарлар полкида хизмат қилган, деб ўйлашлари мумкин эди-да, пиёдаларни эса у гоҳо-гоҳо калака қилиб туришини яхши кўрарди. У Россиянинг аёллару гўдаклар, қизлару семиз мулкдорлардан иборат бутун авра-астари кўнгилхушлик қилиш учун барча турдаги нақлиёт вису-таларига, ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган аломат извошларга тушиб борадиган гавжум ярмаркаларнинг биттасидан ҳам қолмасди. Қаерга отлик аскарлар

полки келиб қўнмасин, дарҳол ис-каб топардию келиб, албатта жано-би офицерлар билан учрашарди. Уларнинг олдида енгил дилижондан ёки извошдан чаққонлик билан сакраб тушарди-да, дарров ҳол-аҳвол сўрашиб кетар эди. Утган сайловларда у дворянларга жуда яхши зиёфат берди, зиёфат чоғида, агар уни пешволикка сайлашса, дворянларнинг ишини ривож топтиражагини маълум қилди. Уша вилоятда истиқомат қиладиган одамлардан эшитишимча, у ўзини тўралардек тутар, яқинда битта дўндиққа уйланган — уни икки юз жондану бир неча минг сармоядан иборат сепи билан хотинликка олган экан. Сармо-я эса ўша захотиёқ олтига ажойиб арғумоқ ва нақшин қулфлар, ўргатилган маймуну француз эшикоғаси олиш учун сарф қилин-ибди. Икки юз жон эса қандайдир тижорат ишларини юргизиб учун гаровга тикилган эмиш. Хуллас, мулкдор деса дегудай, бориб турган помешчик эди. Генерал зиё-фатида ундан бошқа ҳам анча-мунча помешчиклар бор эди-ю, лекин улар ҳақида гапиришининг ҳожати йўқ. Уларнинг ҳаммаси ўша полк ҳарбийлари ва иккита катта офицер полковник билан хийла йўғон майордан иборат. Генералнинг ўзи дард кўрмаган, хўппа семиз, офицерлар берган баҳога қараганда чакки бошлиқ эмас эди. Хийла дўрилаган, салмоқдор овоз билан гапирарди. Зиёфат жуда қуюқ бўлди: маромига етказиб қоврилган балиқлару тувалоқ, сарсабил, бедана, каклик, қўзиқоринлар ошпазининг кечадан бери туз тотмаганидан, тўртта аскар қўлида пичоқ билан тун бўйи унга қийма қайла тайёрлашда кўмаклашиб чиққанидан далолат берарди. Мусаллас, ўткир шароблару ажойиб ёз куни, ланг очилган деразалару муз солиб столга қўйилган ликобчалар, жано-би офицерларнинг охиригача ечилмаган тугмаларию кенг-мўл фракларининг фикимланган ўнгир-лари, ғала-говуру хангома — ҳам-маси бир-бирига мос тушар эди. Зиёфатдан кейин, қоринларидаги оғирликдан ҳузур қилиб, меҳмон-лар ўринларидан туришдию узун-қисқа бўлишиб зинапозга чиқишди. Генерал, полковник, ҳаттоки, майор мундирдаги тугмалар бутунлай ечиғлиқ бўлганидан улар-нинг ноёб ипак тасмалари кўзга ча-линиб турарди, жаноби офицерлар ўзларига ярашгулик одоб сақлаб, сўнги уч тугмани назарга олмаган-да, қолган ҳамма тугмаларини та-қиб олган эдилар.

— Мана энди кўрмоқ мум-кин, — деди генерал. — Азизим, марҳамат қилиб... — деди у адью-тант бўлмиш хушсурат, хийла аб-жир ёш йигитга мурожаат қилиб, — айтиб қўй, жийрон байтални бу-ёққа олиб чиқишсин!.. Мана ҳозир ўз кўзларингиз билан кўрасизлар. — Генерал трубкасини тортиб, ту-тун чиқарди. — Байтал унча ҳам боқувда эмас, парвариши кам, лаънати шаҳарчада тузукроқ отхо-на ҳам йўқ!

— Зоти олийлари, пуф-пуф, бай-тални қачон олгансиз? — деди Чер-токуцкий.

— Пуф-пуф, пуф-пуф, хўш... пуф, яқинда. От заводидан олган-ганимга атиги икки йил бўлди!

— Олганларида ўргатилган эканми, ёки олганларидан кейин шу ерда ўргатиб олдиларми?

— Пуф-пуф... шу ерда, — де-дию тутун ичида тамом ғойиб бўл-ди генерал.

Бу орада отхонадан отилиб бир аскар чиқди, туёқ дупури эшитил-ди, ниҳоят, узун оқ чакмон кийган, баҳайбат, қора мўйловлик бошқа аскар пайдо бўлди. У дир-дир тит-раган, хурккан отнинг жиловидан тутиб, етаклаб келмоқда эди. От бирдан бошини тепага силтадию ерга чўнкайиб ўтириб қолган аскар-ни мўйлов-пўйлови билан бирга осмонга ирғитишига сал қолди.

— Ҳай, дейман, ҳай, Аграфена Ивановна! — деди аскар отни зина-по-я тағига етаклаб келаётиб.

Байталнинг номи Аграфена Ива-новна экан. Жануб гўзалидай асов байталнинг туёқлари зарбидан ёғоч зинапо-я гумбирлаб кетдию от тақ-қа тўхтади.

Генерал оғзидан трубкасини ол-ди, чиройи очилиб, кўкраги кўтари-либ Аграфена Ивановнага қаради. Шахсан полковник зинадан тушиб, Аграфена Ивановнанинг тумшуғи-дан ушлади. Шахсан майор Агра-фена Ивановнанинг оёғини силаб қўйди, бошқалар танглайларини тақиллатишди.

Чертокуцкий зинадан тушдию айланиб байталнинг орқасига ўтди. Аскар тизгинини ушлаганича қақ-қайиб турар, худди бир сакраб қадалиб қолмоқчи бўлгандай, меҳ-монларга қараб ўқраяр эди.

— Обдон, обдон яхши бай-тал! — деди Чертокуцкий. — Ажаб келишган от! Ҳа, минмоқлик-ка ижозат беринг, зоти олийлари, юриши қандай?

— Оёқ олиши яхши, лекин... не билай, манови аҳмоқ отбоқар қан-дай ем егизган экан, мана икки кун бўлдики, аксиргани-аксирган.

— Обдон, обдон яхши! Хўш, зоти олийларининг шу отга муносиб аравалари шайми?

— Арава... Ахир бу салт минадиган от-ку!

— Бунисини билиб турибман, аммо мен зоти олийларидан бошқа отлари учун муносиб аравалари борми-йўқлигини билмоқ мақсадида сўрадим.

— Ҳа, менда аравалар унча етарли эмас. Мен сизга ростини айтсам, кўпдан буён янги дилижон олишни орзу қиламан. Бу тўғрида Петербургда турадиган акамга хат ёзган эдим, қайдам, юборармикин, йўқми?

— Менимча, зоти олийлари, — деб гапга аралашди полковник, — Вена дилижонидан тузуги бўлмас.

— Фикрингиз тўғри, пуф-пуф...

— Менда, зоти олийлари, нақ Венада ясалган дегулик антиқа дилижон бор.

— Қайси у?... Ҳали тушиб келганингизми?

— Йўғ-э! Буниси шунчаки, у ёқ-буёққа бориб туришим учун, аммо униси... жуда ҳайрон қоладиган — қушдай енгил, унга тушган вақтингизда-чи, зоти олийларининг ижозатлари билан айтсам, худди энагангиз бешикда тебратаётгандай бўласиз.

— Шунақа беозор денг?

— Жудаям беозор: болишлари, рессорлари бамисоли суратга солингандай!

— Яхши экан.

— Кенг-мўллигини айтмайсизми! Чунончи, мен, зоти олийлари, мунақасини ҳали кўрган эмасман. Хизмат қилган вақтимда менинг қутимга ўн бутилка ром, йигирма қадоқ тамаки жойланар, бундан ташқари, ёнимда олтитагача мундир, ич кийим, ҳамда зоти олийлари ижозатлари билан айтсам, найи гижжадан ҳам узун икки трубка юрар эди, ён халталарига бутун бошли ҳўкис сиғар эди.

— Яхши экан.

— Зоти олийлари, у менга тўрт мингга тушган!

— Нарҳига қараганда, яхшига ўхшайди, сиз ўзингиз сотиб олган-мидингиз?

— Йўқ, зоти олийлари, қўлимга тасодифан тушиб қолди. Уни бир оғайним — ўзи ноёб одам, болаликдан ўртоғим, ўзини кўрсангиз дидингизга ёқиб қоларди — ўша сотиб олган, икковимизнинг орамизда сеникию меники деган гап йўқ, ҳаммаси ўртада эди-да. Мен ундан дилижонни қарта ўйинида кўтиб олдим. Зоти олийлари, эртага каминаникида овқатланишга рози-

лик бериб, марҳамат кўрсатсалар бир йўла дилижонни ҳам кўриб келардилар.

— Қайдам, таклифингизга нима десам экан? Елғиз ўзим боришга сал... ё жаноби офицерлар билан бирга боришга рухсат этармикансиз?

— Жаноби офицерларни ҳам ожизона таклиф этаман. Жаноблар, сизларни ўз уйимда кўрар кунга етишсам, буни зўр шараф деб ҳисоблайман! Полковник, майор ва бошқа офицерлар куюқ таъзим билан миннатдорчилик изҳор қилдилар. Сўнг Чертокуцкий давом этди: — Мен, зоти олийлари, шундай фикрдаманки, агар буюм сотиб олар экансан, албатта, яхшисини олиш керак, ёмонини олиш овора бўлишга ҳам арзимайди. Мана, эртага қадам ранжида қилиб мени шу шарафга фарқ этганлариди, мен ўзим рўзғорда ўрнатган баъзи қоидаларимни кўрсатарман.

Генерал бир қараб қўйдию оғзидан тутун чиқарди. Чертокуцкий жаноби офицерларни уйига таклиф қилганидан оғзи қулоғида эди. У ҳаёлида ҳалитданок турли-туман қиймалару қайлалар буюрмоқда... Чертокуцкий талтайиброқ ўртага чиқди, бу шавқу завқи беҳад ошиб кетганидан эди.

— У ерда зоти олийлари уй бекаси билан танишадилар.

— Мен жуда хурсандман, — деди генерал мўйловини силаб.

Чертокуцкий бу гапдан кейин эртага меҳмонларни кутиб олишга ҳамма ҳозирликни барвақт кўриш учун дарров уйига жўнамоқчи бўлди, у шляпасини қўлига олмоқчи ҳам эди-ю, бироқ бир бало бўлди-да, тағин хийла вақт қолиб кетди. Бу орада хонага махсус столлар тизиб қўйилган эди. Ҳадемай, бутун маърака тўртта-тўрттадан даврага бўлиниб, генерал ўйининг бурчак-бурчакларида қимор ўйнашга тушдилар.

Шамлар ёқилди. Чертокуцкий ўйинга ўтириш ё ўтирмаслигини билмай узоқ гарангсиз турди. Лекин, жаноби офицерлар ёнларига таклиф қилишгач, рад этиш улфатчилик қоидаларига жуда хилофдай кўринди-да, ўтириб қолди. Олдида қаёқдандир арақ тўла стакан пайдо бўлиб қолдию ўша заҳотиёқ ичиб юборди. Чертокуцкий икки қўл ўйнагандан кейин қараса, яна лиқ тўла бир стакан пайдо бўлиб қолипти, уни ҳам... Лекин ичишдан аввал:

— Вақт бўлди, жаноблар, рост-да, уйга кеч қолдим шекилли, —

деб қўйди. Аммо беихтиёр кейинги ўйинга ҳам бай тикиб юборди.

Бу орада ўйнинг бурчак-бурчакларидаги гурунгар ғалати тус олди: қарта ўйнаётганлар хийла камгап, бироқ ўйинга аралашмай, четдаги диванда ўтирганлар қизгин суҳбатда эди. Бир бурчакда, оғзида трубкаси, болишга ёнбошлаган штаб-ротмистр ўз ишқий саргузаштларини хийла бетакаллуф ва равон ҳикоя қилар, атрофдагиларнинг диққатини ўзига қаратиб олган эди. Калтабақай қўллари бесўнақай битган картошкага ўхшаброқ кетган, сўқимдай семиз бир мулкдор юзлари минг турланиб, ҳузур қилиб гапга қулоқ солар, фақат онда-сонда тамакидонини олиш учун қўлини сербар белига чўзганида қийналиб қолар эди. Бошқа бурчакда ҳарбий машқлар борасида анча қизгин баҳс бошланиб кетди, бу вақт, икки кичик қарта ўрнига битта кўзир ташлаган Чертокуцкий ноҳос четдаги гапга аралашиб, турган жойида «Қайси йилда?.. Қайси полкни?» деб бақиршишга тушди. Саволининг суҳбатга ҳеч қандай муносабати йўқлигини пайқамас эди. Ниҳоят, кечки овқатдан бир неча дақиқа олдин қарта ўйини тўхтатилди, лекин ўйин гапда давом этар эди. Гўё ҳаммининг калласи ҳамон қимор билан банд эди. Чертокуцкий яхши эслардики, у жуда кўп ютди, қўл чўзиб ҳеч нима олгани йўқ, ҳозир у ўрнидан тураркан, бурун артиш учун чўнтагидан дастрўмолини қидиргандай узоқ ивирсиб қолди. Бу орада кечки овқат ҳам келтирилди. Унгу сўлида бутилка турганидан кейин Чертокуцкий ора-чора беихтиёр ўзига қўйиб олиши кераклиги ўз-ўзидан маълум эди, албатта.

Овқат устида гурунг чўзилиб кетди. 1812 йилги уруш вақтида хизмат қилган бир помешчик шунақанги бир жанг ҳақида гапирардики, аслида, бунақаси сира ҳам бўлган эмас. Кейин у, ҳе йўқ-бе йўқ, графиннинг тиқинини олиб ўрнига пирожное тикиб қўйди. Хуллас, тарқала бошлаганларида соат уч бўлиб қолган, извошчилар баъзи аслзодаларни худди харид буюмлари солинган бўхчани кучоқлагандек даст кўтариб, аравага солишга мажбур бўлдилар. Чертокуцкий эса асл аслзодалигига қарамай, извошда ўтирган жойидан чунонам эгилиб таъзим қилдики, натижада мўйловига икки дона тўнғизтароқ илашиб уйига қайтди.

Уйда катта-кичик ҳамма ухларди, извошчи камердинерини излаб-излаб аранг топди, у эса хўжайини-

ни меҳмонхонадан олиб ўтиб, оқ-соч қизга топширди. Чертокуцкий қизнинг ортидан амал-тақал қилиб ётоқхонасига етиб олдию қордай оқ, ички кўйлагига, гул-гул ёниб ётган ёш ва сухсурдеккина хотини ёнидан жой олди. Эрининг каравотга тап этиб ташлашадан у йўғониб кетди. Керишиб, киприкларини очди, лекин бу гал эри қитдек ҳам эркалашни истамаганини кўргач ҳафсаласи пир бўлди-да, ўгирилиб олди ва гулгун ёноқларини кўлига кўйиб, яна ухлаб қолди. Ёш бека хуррак отаётган эри ёнидан турган пайтни қишлоқдагилар «чошгоҳ» дейишади. Эри уйга ярим кечаси келгани эсига тушиб, уйғотгани кўзи қиймайди-да, Петербургдан олдирган хонаки бошмоғини кийиб, эгнида қуйилаётган сувдек жилвагар, нафис оқ кофтада пардозхонасига чиқди, ўзидай тиниқ ва тоза сувга ювиниб, ойна ёнига келди. Бир-икки марта ойнага қарагандан кейин пайқадик, бугунги кўриниши унча ҳам чакки эмас. Ойна олдида кундагидан икки соат ортиқ туриб қолишга мажбур этган сабаб ҳам шу бўлса керак. Ниҳоят, у силлиқина кийиниб, салқинлаш учун боққа чиқди. Ҳаво ҳам жанубдаги ёз кунига хос — оромбахш эди. Чошгоҳдан оққан қуёш шуълалари бутун тафтини тўкиб ловуллашмоқда, лекин хиёбон соя-салқин, қуёш нурига чўмилган гуллар ҳиди анқиб ётар эди. Бека соат ўн икки бўлганини ҳам, эри ҳамон ухлаб ётганини ҳам бутунлай унутиб қўйди. Тушликдан кейин боғ орқасидаги отхонада уйқуга кетган икки аравакаш ва битта форейторнинг хуррак тортишлари унинг қулоғига етиб келмоқда. Лекин бека ҳамон салқин хиёбонда ўтирар, шу ердан аниқ кўринаётган кимсасиз катта йўл манзараларига паршон назар солмоқда эдики, тўсатдан олисдан кўтарилган чанг унинг диққатини жалб этди. У тикилиб бир неча экипажни кўрди: олдинда икки кишилик енгилгина очик коляскача келмоқда, унда эполетлари қуёшда ярқираган йўғон генерал, ёнида полковник ўтирар эди. Унинг кетидаги тўрт кишилик извошда майор ва генералнинг адъютанти, уларнинг рўпарасида икки офицер, унинг орқасидан ҳаммага маълум бўлган полк араваси изма-из келар, бу гал у йўғон майорнинг илтиёрида эди, арава кетидан келаётган тўрт кишилик бонвоёжда тўрт

Бонвоёж — экипажнинг номи, французча, «оқ йўл» деган маънони англатади.

офицер ўтирар, бешинчиси осилиб олган, бонвоёж орқасида жийрон отларда уч офицер кўринар эди.

«Бизнига келишаётган бўлса-я,— деб ўйлади уй бекаси.— Вой шўрим! Чиндан ҳам кўприкка бурилишди-ку!» У қийқириб юборди, чапак отдио гулларни босиб ўтиб, эрининг ётоқхонасига югуриб кетди. Эри данг қотиб ётарди.

— Тур! Тур! Тезроқ тур! — деб бақирарди бека, эрининг қўлини силкаб.

— Ҳа? — деб қўйди керишиб, ҳамон кўзлари юмуқ Чертокуцкий.

— Тургин, пулпулжон! Эшитяпсанми? Меҳмонлар келишяпти! — Меҳмонлар, қанақа меҳмонлар? — шундай дегач, тумшуги билан онасининг елинини тимирскилаётган бузоққа ўхшаб мўнграб қўйди. «Им...», деб мингиллади:

— Қани жоним, бўйинингни чўзчи, битта ўпай!

— Жонгинам, худо ҳаққи, тезроқ тур. Генерал офицерлари билан келяпти. Вой шўрим, мўйловингга тўнғизтароқ ёпишиб ётипти-я!

— Генерал? Ия, келяпти дегин? Бу нима деган гап, ҳеч ким мени уйғотмапти! Зиёфат-чи, зиёфат нима бўлади, ҳар тугул, овқатлар шайми?

— Қанақа овқат?

— Мен буюрмовдимми?

— Сен?!. Сен ярим кечаси келдинг-ку, шунча гапирсам ҳам ҳеч нарса демадинг. Пулпулжон, сени шунинг учун ҳам уйғотмадимки, жуда оз ухладинг, раҳмим келди...— деди бека ёлворувчан оҳангда.

Чертокуцкий яшин урган одамдай кўзларини бақрайтириб яна бир дақиқа тўшакда ётди. Охири ёлғиз кўйлақда тўшакдан сакраб турди, бу одобдан эмаслигини ҳам унутди.

— Ох, отга ўхшамай ўлай! — деди у пешонасига уриб. — Мен уларни зиёфатга чақирган эдим. Энди нима қилса бўлади? Улар ҳали узоқдами?

— Қайда-а-м... ҳозир кириб келишса керак.

— Жонгинам... бекин! Ҳой, менга қара! Ҳой қиз! Келавер, нимадан қўрқяпсан, эси паст!.. Ҳозир офицерлар кириб келади, уларга: тўра уйда йўқлар, де, келмайдилар, наҳорлаб чиқиб кетган эдилар, деб айт, уқдингми?! Ҳовлидагиларга ҳам шундай деб тушунтир, бор тезроқ!

Шундоқ дедию апил-тапил чопонини олиб бекиниш учун саройга

қараб югуриб қолди, у ерда хатардан холи бўламан деб ўйлади. Лекин саройнинг бурчагига бориб турар экан, бу ердан ҳам кўриб қолишлари мумкинлигини пайқади. «Шундай қилсам тузук бўлар» деган хаёл лип этиб бошидан ўтди, шу дақиқанинг ўзидаёқ ёнида турган дилижоннинг зиналарини туширди-ю, сакраб ичига кирди, эшикларини беркитиб олди, бежавотир бўлсин деб фартук ва чарм ғилофни ёпиниб олди, чопонига ўралиб нафасини ичига ютди.

Бу орада экипажлар эшик олдига етиб келдилар. Генерал пастга тушиб, уст-бошини қоқди, кетидан шляпасидаги жиғасини тузата-тузата полковник тушди. Кейин аравадан қўлтиғидаги қиличини ушлаб, йўғон майор сакраб тушди. Бонвоёжда осилиб келган прапоршчик билан бирга хипча подпоручиклар тап-тап ташладилар. Ниҳоят, от устида кўринган офицерлар ҳам эгардан тушдилар.

— Хўжайин уйда йўқлар, — деди ён эшикдан чиққан хизматкор.

— Нега йўқ бўлади? Ҳар қалай тушки овқат пайтига етиб келса керак?

— Асло. У киши кун бўйи бўлмайдилар. Эртага шу вақтларда келиб қолишлари мумкин.

— Ана, холос! — деди генерал, — Нима гап ўзи?..

— Уйлайманки, бу ҳазил, — деди полковник кулиб.

— Йўғ-э, шунақаям ҳазил бўлармиди! — деди генерал ранжиб. — Ул-э... лаънати, ахир, кутиб ололмас экансан, нега қистайсан?..

— Мен, зоти олийлари, тушунолмай қолдим, бунга қандай журъат қилиш мумкин, — деди бир ёш офицер.

— Нима? — деди генерал, — обер-офицерлар билан гаплашганда шу саволни кўндаланг қўйиш унга одат бўлиб қолган эди.

— Мен айтдимки, зоти олийлари, қандоқ қилиб шундоқ қилиш мумкин?

— Шунини айтинг-а... Ахир, бирон ҳодиса юз берган бўлса лоақал хабар бер, ёки илтимос қилиб чақирма-да!

— Майли, зоти олийлари, на-чора, қайтайлик! — деди полковник.

— Турган гап, бошқа йўли йўқ. Дарвоқе, дилижонни усиз кўриб кетсак, ҳам бўлади-ку. Ёнида олиб кетмагандир дейман... Ҳой, ким бор? Қани, бери кел, оғайни!

— Хизмат?

— Сен отбоқармисан?

— Отбоқарман, зоти олийлари.
— Хўжайиннинг яқинда олган янги дилижонини бизга кўрсатгинчи!

— Саройга марҳамат!

Генерал офицерлар билан саройга қараб юрди.

— Ижозат беринг, мен уни берироққа ғилдирашиб чиқай, у ер сал қоронғироқ.

— Бўлди, бўлди, яхши!

Генерал ва офицерлар дилижоннинг атрофида айланиб, ғилдирак ва рессорларини синчиклаб кўздан кечирдилар.

— Ваҳима қиладиган жойи йўқ, — деди генерал, — оддийгина дилижон.

— Жуда кўримсиз, — деди полковник, — қитдек ҳам мақтайдиган жойи йўқ.

— Мен ўйлайманки, зоти олийлари, тўрт мингга арзийдиган ҳоли йўқ, — деди ёш офицерлардан бири.

— Нима?

— Мен айтпманки, тўрт мингга арзигулик арава эмас, зоти олийлари!

— Тўрт минг нимаси, икки минг-

га ҳам арзимади! Ҳеч балоси йўқ, агар ичида бирон гап бўлмаса... қани, азизим, чарм ғилофини тортинг-чи...— Офицерларнинг кўз олдида чопонига ўралиб икки букланиб ўтирган Чертокуцкий намоён бўлди.

— Ия, шу ердамисиз? — деди ажабланган генерал ва Чертокуцкийнинг устига фартукни ташлаб, дилижон эшигини тарсиллатиб ёпди-да, жаноби офицерлар билан бирга жўнаб қолди.

1835 йил



Дилором Маткаримова

Узун шеър

Бир қаламқаш нуқул, узун —
Узун шеърлар ёзарди.
Эслатма, деб шеър боисин
Расмини ҳам чизарди.

Расм ҳамма шеърда бир хил,
Битта найнинг сурати.
Ва у найдан чиқаётган
Қаламқашнинг сийрати.

Лек, муҳаррир деганнинг ҳам
Бир одати бўларкан,
Олдин қисқа шеърни ўқиб,
Узинини қўяркан.

Алқисса, бу қаламқашга
Ҳеч бир жавоб келмади.
Ёзган шеъри бир марта ҳам
Журнал юзин кўрмади.

Тоқати тоқ бўлди, шеъри
Борган сари узайди.
Лекин, хат олмаса ҳам,
Хат ёзишни узмайди.

Сабри тугаб, сўнгги дамда
Шу тўртликни ёзди у.
Ўз сийратин олиб, фақат
Найнинг расмин чизди у.

«Шеърларимни ўқимасанг,
Ўзинг бир шеър тўқиб кўр.
Сен ҳам ушбу найга бир бор
Кириб, ундан чиқиб кўр!»

Журналнинг шу ой сониди
Чиқди шоирнинг исми,
«Янги рассом ижодидан
намуна», деб «Най» расми.

Муҳтарам журналхонлар! Журнал муқоваси ва зарварақларида босилаётган рангли тасвирлар Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари билан доимий ҳамкорлигимиз самарасидир. Ушбу сонда Сиз Жавлон Умарбековнинг янги асарлари билан танишдингиз. Таниқли рассомнинг асарлари шу ойда Қувайтда зўр муваффақият билан намойиш этилди. Бу кўргазма май ойида москваликлар назарига ҳавола этилади.



МУҲАРРИР МИНБАРИ

Ленинга қайтиб 1



НАСР

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ. Мен сени севаман, Бувиражаб. Ҳикоялар 8
Хуршид ДҮСТМУҲАММАД. Паноҳ. Қисса 22
Ҳабибулла ҚОДИРИЙ. Қодирининг сўнги кунлари. Хотира қисса 40



НАЗМ

Рауф СУБҲОН 6
Шукржон ЖАББОРОВА 7
Дилшод ШАМС 20
Фотима МИРЗАБОВА 21
Зебо МИРЗАЕВА 49
Шухрат УМАРОВ 69

АДАБИЙ ДҮСТЛИК — АБАДИЙ ДҮСТЛИК



Абдурахмон ЖОМИЙ. Азиз фарзандга насиҳат 38



ПУБЛИЦИСТИКА

Тил — халқнинг номуси, тарих — унинг қомуси. Шоир Жамол КАМОЛ билан суҳбат 2
Ярослав ГОЛОВАНОВ. Космонавтика ошқоралик кўзгусида 50
Очил ТОҒАЕВ. Исёнми ёки жиноятми? 54
Василий ЖУКОВ. Ким айбдор? 60



ОЙНА

Баҳром РҮЗИМУҲАММАД. Япроқни илдиз деб ўйламайлик 70
Салоҳиддин ҲАЙИТОВ. Олий мактаб нимадан бошланади? 72



АДАБИЙ ТАНҚИД

Яшар ҚОСИМОВ. Навқирон шеърят 65
Тил сандиғи 74



НИГОҲ

Рустам ҒОЙИПОВ 58



ЕЛПИҒИЧ

Н. В. ГОГОЛЬ. Дилижон 75
Дилором МАТКАРИМОВА. Узун шеър 79



ЎШЛИК

«Молодость»
ежемесячный
литературно-художественный,
общественно-политический журнал
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ
Техник редактор: О. РАҲИМОВ
Корректор: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:
700113, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси,
60-уй,

Т е л е ф о н л а р:
Бош редактор — 78-94-05
Бош редактор ўринбосари — 78-49-83
Масъул секретарь — 78-97-07
Проза бўлими — 78-97-58
Поэзия бўлими — 78-77-16
Публицистика, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.
Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 23.02.89 й.да туширилди.
Босишга 3.04.89 й.да рухсат берилди.
P-11676. Офсет босма. 1-офсет қоғози.
Қоғоз формати 84×108¹/₁₆.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист.
Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76. Тиражи 300000 нусха.
Буюртма № 161.
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси.

© «Ешлик», № 4. 1989.
Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти.